

М.Б.Сафаров

# ҲАЙВОНЛАРДА СТРЕСС САБАЛЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА  
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**



**М.Б.Сафаров**

**ҲАЙВОНЛАРДА СТРЕСС САБАЛЛАРИ  
ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

**Самарқанд – 2022**

619(06)

С 34

УДК: 619-07(075.8)

КВК: 48ya73

S 34

**М.Б.Сафаров. ҲАЙВОНЛАРДА СТРЕСС САБАБЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.** Монография. 220 б.

Монографияда асаб тизимининг морфологияси ва физиологияси, стресс реакциясининг моҳияти, стресс реакцияларининг механизми, стресснинг ҳозирги замон тушунчалари ва терминологияси, асосий турлари ва уларнинг ҳайвон организмига таъсири, эмоционал стресслар, климатик стресслар, озуқа стресслари, технологик стресслар, ветеринария профилактик ва зоотехник тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бўлган стресслар, ҳайвонларни автотранспортларда ташилгандаги стресслар, ҳайвонларнинг айrim турларида кузатиладиган стресс ҳолатлари: қорамолларда, паррандаларда, итларда кузатиладиган стресслар, чорвачиликда стрессларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган ва тахлил қилиш асосида хulosалар ва тавсиялар берилган.

Мазкур монография ветеринария медицинаси олий ўкув юртларининг 5440100-ветеринария медицинаси йўналишлари талабалари ҳамда малака ошириш, кайта тайёрлаш ва амалий ветеринария шифокорлари, чорвадорлар учун кўлланма сифатида тавсия этилади.

#### Такризчилар:

**Даминов А.С.** – СамДВМЧБ университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, в.ф.д., профессор.

**Бакиров Б.** –“ Ички юқумсиз касалликлар” кафедраси профессори, в.ф.д.

Монография Самарканд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Кенгаши томонидан (30.08.2022 й. № 1) чоп этишга тавсия қилинди.

©М.Б.Сафаров

# МУНДАРИЖА

<b>Сүз боши.....</b>	<b>4</b>
<b>Кириш .....</b>	<b>6</b>
<b>1 Боб. Асаб тизими морфологияси.....</b>	<b>10</b>
Асаб ва мускул физиологияси.....	13
<b>2 Боб. Стress реакциясининг моҳияти.....</b>	<b>35</b>
Стress реакцияларининг механизми.....	57
Биологик стресс ва адаптация.....	82
<b>3 Боб. Стрессларнинг асосий турлари ва уларнинг ҳайвон организмига таъсири.....</b>	<b>88</b>
Эмоционал стресслар.....	89
Климатик стресслар.....	91
Озиқа стресслари.....	99
Технологик стрессорлар.....	122
Ветеринария-профилактик ва зоотехник тадбирлар ўтказиш билан бөғлик бўлган стрессорлар.....	127
Ҳайвонларни автотранспортларда ташилгандаги стресслар.....	136
<b>4 Боб. Ҳайвонларнинг айрим турларида кузатиладиган стресс ҳолатлари.....</b>	<b>146</b>
Қорамолларда стресс ҳолатлари.....	146
Паррандалардаги стресс турлари.....	149
Иллардаги стресслар ва уларнинг таъсирини пасайтирувчи воситалар.....	168
<b>5 Боб. Чорвачиликда стрессларнинг олдини олиш чора-тадбирлари..</b>	<b>182</b>
Хулосалар.....	204
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	213

СУЗ БОШИ

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдида турган муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Республикамиз аҳолисини чорва маҳсулотларига бўлган талабини кондириш дунё стандарти талабларига жавоб берадиган экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини турли юқумли, юқумсиз касалликлардан муҳофаза қилиш, соҳага илм-фан ютукларини олиб кириш, инновацион тадқиқотлар ва ишланмаларни жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Кўлланма муаллифи узоқ йиллардан буён Узбекистон шароитида қишлоқ хўжалик ҳайвонларига таъсир килувчи стрессларнинг сабаблари, асосий турлари, уларнинг ҳайвон организмига таъсири, уларни олдини олиш чора-тадбирлари бўйича илмий-тадқиқот билан шуғулланиб келмоқда.

Муалиф ўзининг бой экспериментал тадқиқотлари билан Узбекистонда илк бор ҳайвонларда учрайдиган турли стресс омилларини бевосита асаб тизими билан боғлик ҳолда ташки ва ички омиллар таъсирида юзага келишини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берган.

Муаллиф томонидан стресс омилларини ҳужайра, тұқима, орган ва тизимлар таҳлилида организмға күрсатадиган умумий ва индивидуал таъсири ҳақида қисман республикамиз, кенг миқёсда МХД да хорижий олимлар томонидан олиб борылған кенг қамровли маълумотлар көлтирилған. Жумладан асаб тизимининг анатомо-физиологик ҳусусиятлари, рефлекслар, ички секреция безлари, асосий стресс омиллар: озуқа, эмоционал, климатик, технологик, ветеринария-профилактикалык ва зоотехник тадбирлар үтказиш билан боғлиқ, ҳайвонларни автотранспортларда ташилгандаги стресслар ҳақида батағсил маълумотлар көлтирилған. Олим үзининг узок йиллар давомида олиб борған тадқиқотларига асосланиб, республикамиз шароитида нисбатан күпрок учрайдиган умумий ва ҳусусий стресс омилларини көлтириб үтган. Үтказган шахсий тадқиқотлари натижалари бүйіча стресс омилларни ҳайвонларнинг маҳсулдорлигига, резистентлигига таъсири ҳақида яңги маълумотлар көлтирилған. Құлланманинг бир қисми паррандаларда ва итларда стрессларнинг сабабларини, патогенезини, белгиларини, олдини олиш чора-тадбирларини тушунтиришга бағищланған. Құлланмада ҳайвонлардаги стрессларни пасайтириш бүйіча құлланыладиган препараттар тавсия этилған.

Ушбу монография (құлланма) хulosа ва адабиётлар рұйхати билан тугалланади. Ушбу асар ветеринария, биология, зооинженерия соҳалари бүйічә таълим олувчи бакалаврлар, магистрантлар, докторантлар, мұстакил тадқиқотчилар, амалий өнеркандық жағдайда ғылыми-зерттеу мутахассислари учун зарур илмий манба булиб хисобланади.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,  
чорвачилик ва биотехнологиялар университети  
илмий ишлар ва инновациялар бүйічә проректори,  
ветеринария фанлари доктори, профессор  
А.С.Даминов

## КИРИШ

Мустакилликка эришган мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилиги ва ветеринарияда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдан мақсад, халқимизни экологик тоза, ўз таркибида ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган тўлакийматли аминокислоталар, минерал ва биологик фаол моддалар, микроэлементлар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошқа моддаларни сақловчи чорвачилик маҳсулотларидан гўшт, сут, тухум, асал ва балиқ билан етарли даражада таъминлашдан иборат бўлиб, бу – малакали ветеринария шифокорларини тайёрлаш билан боғлик ва бу соҳа Давлатимиз сиёсатининг устувор йуналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралда имзоланган ПФ-4947 фармонига мувофиқ, уни ҳаётга жорий этиш бўйича қонуний тамойил ва механизмлар тасдиқланган ҳамда амалга оширилган. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йуналишларида белгилаб берилган вазифалар мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим ахамиятга эга.

Фармонда таъкидланганидек 2017-2021 йилларда ветеринария муассасаларини тиббий ташхис кўядиган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган. Чорвачилик ва ветеринария соҳаларини модернизация қилиш ҳамда замонавий техник ва технологик воситалар билан қайта жиҳозлаш асосида ушбу соҳаларни ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Хозирги кунда, Республикаизда чорвачиликни хусусий мулкчилик асосида жадал тараққий этиш ва рентабелли соҳалардан бирига айлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда ички бозорни сифатли ва хавфсиз чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмокда. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармок мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиётини оширишда истиқболли манбалардан бири саналади.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораёттани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш

масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби ҳисобланади.

Содда қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чикариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда. Тўлаконли овқатланиш кўп жиҳатдан унинг таркибига, истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, унинг организзимида тўғри модда алмашинуви, саломатликни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, кексайиш жараёнини секинлаштириш ва умрини узайтириш учун зарур бўладиган тўйимли ва сифатли моддалар билан керакли даражада таъминланишига боғлиқ.

Бу борада овқат билан бирга ўрнини хеч нарса боса олмайдиган аминокислоталар, витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ҳам истеъмол қилиниши инсон ҳаёти учун энг муҳим аҳамиятта эгадир. Ана шу фойдали моддалар, витамин ва микроэлементлар катта микдорда ва етарли даражада фақатгина сабзавотлар, мева ва узум таркибида, чорвачилик маҳсулотларидан гўшт, сут, тухумда бўлади ва уларнинг ўрнини бошка хеч кандай маҳсулот боса олмайди.

Бошқача айтганда, инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр қўриши тўғри ва мутаносиб рацион асосида овқатланишини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Чорва ҳайвонларини саклашда, озиқлантиришда, бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда, ветеринария ва зоотехния ишларини (эмлаш, бичиш, қон олиш, ҳалқа тақиши, тарозига тортиш ва ҳоказолар) амалга оширганда ҳайвонлар организзимига салбий таъсир килувчи омиллар сони кўпаяди ва бундай омиллар стрессорлар дейилади. Бундай пайтларда ҳайвонлар ортиқча энергия сарфлаб, шу ўзгаришларга мослашишлари керак. Организмнинг стрессорлар таъсирига мослашиши стрессорнинг кучи ва давомийлигига, ҳайвон организзимининг резистентлиги ва ҳолатига боғлиқ. Организмнинг ташқи муҳитдаги салбий таъсиротларига доимий мослашиши физиологик ва биохимик жараёнларнинг кучайишига, кўп энергиянинг ортиқча сарфланишига олиб келади.

Интернет маълумотларига кўра стресс ҳозирги кунда чорвачиликнинг энг асосий муаммоларидан бирига айланмоқда. Ҳайвонларда ҳозирги кунда стресс ҳолатини кичкириклар, баланд товушлар, одатдан ташқари ҳид, ҳайвонларни хивчин ва таёқ ёрдамида ҳайдаш, озуқлантириш технологияси ва микдорининг

ўзгариши, тинчликнинг бузилиши каби омиллар келтириб чиқармоқда.

Ҳайвонларда учрайдиган стрессларнинг 70-80 фоизи озиқлантириш ва саклаш технологияларининг ўзгариши билан боғлиқ. Молхоналардаги микроклимат шароитларининг меъёрдан фарқ қилиши натижасида ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги 10-35 фоизга, бола бериши 15-30 фоизга пасайди, озуқа сарфи 15-40 фоизга, ёш ҳайвонлар ўлими 15-35 фоизга кўпаяди.

Чорвачилик биноларида ҳар хил механизмлардан фойдаланиш натижасида кучли шовқин хосил бўлади ва стрессор сифатида таъсир этади. Бунинг натижасида ҳайвонларда апатия ҳолати юзага келади, артерия қон босими ўзгаради, юрак мускули иши бузилади. Натижада сигирларда сут бериш 18 фоизга камаяди, ёш ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан қолади, ошқозон-ичак яралари ривожланади.

Ҳозирги кунда Япония олимлари ҳайвонлар стрессларига қарши курашнинг энг осон, арzon ва қўллаш кулагай бўлган ЕМ препаратини ишлаб чиқармоқдалар. Бу моддани 80 мамлакат чорвадорлари стрессга қарши самарали восита сифатида қўлламоқдалар. ЕМ дориси асосан организм учун фойдали микроорганизмлардан ташкил топади. Бу дori сувга аралаштирилиб ичирилганда ошқозон-ичаклардаги фойдали микроорганизмлар мувофикаштирилади, озуқаларнинг ҳазмланиши ва организмга сўрилиши яхшиланishi натижасида организмнинг соғлиги яхшиланаб, резистентлиги кўтарилиб стрессга қарши туриш қобилияти ошади (Волкова С.В., Мелешкина С.Р., 2005).

Республикамиз ва бутун жаҳонда молиявий инқирозни бартараф этишда чорвачилик ва ветеринария тармокларини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланиш орқали (қишлоқ хўжалик ҳайвонларини саклаш ва маҳсулот олиш, ем-хашак тайёрлаш, ветеринария дорихоналари ва поликлиникаларини ташкил этиш ва бошқалар), аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилади, сифатли ва арzon маҳсулотлар ишлаб чиқлади, янги иш ўринлари ташкил этилади, аҳолига ветеринария хизмати кўрсатиш яхшиланади.

Шунинг учун республикамизда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадида кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг қатор фармонлари ва қарорлари эълон қилинди. Бу қарор ва фармонларнинг мақсади шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларда чорва моллари сонини янада кўпайтиришни рағбатлантириш, қишлоқ

Аҳолисининг баңдлик даражаси ва даромадларини ошириш, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўсиши ҳамда ички истеъмол бозорини тўлдиришни таъминлашдир. Юкоридаги вазифаларни ветеринария хизматисиз амалга ошириб бўлмайди. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшиrok қондириш Давлатимиз аграр сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, республикамиз Президентининг қатор фармонларида ветеринария ва чорвачиликни жадал ривожлантириш, ҳалкимиз учун озикавий санитария жиҳатидан юкори сифатли ҳамда тўла қўйматли маҳсулот етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлари бу муаммоларни самарали ҳал этишга катта тўскинилк қилмоқда. Бу касалликлар орасида ҳайвонларни саклаш ва озиқлантириш шароитларида уларга таъсир этадиган ва патологик ўзгаришларни келтириб чиқарадиган стрессорлар таъсири ҳам маълум аҳамиятга эга.

Кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича қорамолчилиқда алиментар, экологик, транспорт, технологик ва эмоционал – психик стрессларнинг нафақат ҳайвон организмига бевосита таъсирларидан, стресслар оқибатида вужудга келадиган бир қатор касалликлар натижасида ҳам чорвачилик ҳўжаликлар катта иқтисодий зарар кўрмоқдалар. Шу боисдан фермер ҳўжаликлари шароитларидаги ҳайвонларда стрессларни аниқлаш ва уларга карши кураш чораларини ишлаб чикиш ветеринария амалиётидаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

## 1 Боб. АСАБ ТИЗИМИ МОРФОЛОГИЯСИ

Асаб тизими организмнинг энг муҳим бўлими ҳисобланади. У ҳамма тизимларни ишга солади, уларни идора қиласади, бошқаради. Нерв тизими ёрдамида организм доим ташки муҳит билан алоқада бўлади. Организмга ташки муҳит таъсир этганда уни шароитга қараб ўзгариради. Бундай ўзгариш адаптация, яъни мослашиш дейилади. Асаб тизими организмнинг бир бутунлигини таъминлаб, барча қисмларини бирлаштиради, уни ташки муҳит шароитига мослаштиради. И.П.Павлов “Асаб тизимининг фаолияти, биринчидан организмдаги барча қисмларнинг ишини бирлаштиришга, интеграция килишга, иккинчидан, организмни теварак атрофдаги муҳит билан боғлашга, организм тизимларини ташки дунё билан мувозанатлашга қаратилган” деган эди.

Асаб тизими, умуман, икки қисмга бўлинади: марказий нерв тизими – бунга бош ва орқа мия киради; периферик нерв тизими – бунга марказий нерв тизимидан чиқиб, атрофдаги органларга тарқаладиган нервлар киради. Нерв тизимининг морфологик-физиологик бирлигини нейрон, яъни нерв ҳужайраси ва унга тегишли нерв ўсимталари (аксон ва дентрит) ҳамда периферик аппаратлар ташкил этади. Нерв ўсимталари рецептор, яъни кабул қилувчи ва эфектор, яъни жавоб қайтарувчи толаларга бўлинади. Рецепторлар таъсирни қабул қилиш ва тегишли импульсни нерв йўллари орқали марказга юбориш функциясини бажаради. Эфекторлар, яъни ҳаракатлантирувчи нейронлар танаси марказий нерв тизимида бўлади, нейритлар асаб толаларининг ўқ цилиндрлари шаклида давом этиб, органларга (мускуллар, безларга) боради. Асаб ўсимталари ҳар хил, баъзан узун, баъзан жуда киска бўлади. Катта ҳайвонларнинг асаб ўсимталари 1 м гача этади.

Асаб ҳужайраларида борадиган мураккаб жараён рефлекс асосида бўлади, яъни таъсир қабул қилиниб, топширикни бажарувчи органларга етказилади, ана шу йўл рефлектор ёйи дейилади. Рецепторлар билан эфекторларни бир-бирига боғловчи йўл ҳам бўлади. Рецепторларнинг биргина йўли орқали қабул қилинган таъсирот бир қанча эфектор нейронларга таъсир кўрсатиб, органларни ҳаракатлантиради. И.П.Павлов рефлексни оддий ва мураккаб рефлексларга бўлиб, уларни шартли ва шартсиз рефлекс деб атади. Шартли рефлексда албаттга бош мия пўстлоғи иштирок этади. асаб тизимининг марказий бош ҳамда орқа миядан чиқиб, организмга тарқалувчи нервлари периферик нерв дейилади.

Бош мия калла сүяги қутисида, орқа мия эса умуртқа погонаси капалида жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси учтадан пардага ўралган. Пардаларнинг ҳар бири кулранг ва оқ моддалардан тузилган. Кулранг модда нерв ҳужайларидан, оқ модда эса унинг ўсимталаридан иборат. Орқа мияда марказий ўтказувчи йўллар бўлиб, улар асосан асаб ўсимталаридан ҳосил бўлади. Бу йўллар сезувчи ва жавоб қайтарувчи йўлларга бўлинниб, таъсирни перифериядан бош мияга, ундан эса периферияга ўтказади. Марказдан чикиб, периферияга таркалувчи оқ асаб толалари ҳам нерв ўсимталаридан ҳосил бўлган, улар таъсирни периферияга ўтказувчи йўллардир. Бу нервлар ҳам таъсирни марказга келтирувчи ҳамда ундан қайтарувчи нервларга бўлинниб, рецептор ва эфекторлар деб номланади. Қабул қилинган таъсирот марказий асаб тизимида анализ ва синтез қилинади. Бу вазифани периферик рецепторлар, ўтказувчи бўлим ва марказий миянинг пўстлок қисми бажаради. Марказий ҳамда периферик асаб тизимларидан ташқари, соматик ва вегетатив нерв бўлимлари ҳам бўлади. Соматик нервлар ҳаракат органларига, яъни орқа ва бош миядан чикиб, тери ҳамда сүяқ мускуларига боради. Вегетатив асаб тизими ички органларнинг ишини (юрак, қон томирлар, силлик мускул тўқималари, тери, безлар ва хоказолар) бошқаради.

Бу ҳар иккала нерв тизими бўлимлари ҳам марказий асаб тизимига бўйсунади, лекин вазифаси жиҳатдан бир-бири билан боғланган бир бутун асаб тизимини ҳосил қиласди.

### **Бош миянинг ривожланиши**

Олдинги мия ҳид билиш органлари билан боғлик бўлиб, ҳидлов мияси ҳам дейилади. Оралиқ мия қўриш органлари билан боғлик бўлганилиги учун қўриш мияси деб ҳам аталади. Кейинги мия ёки ромбсимон мия мувозанат органлари ва ички органларга алоқадор бўлиб, энг юксак ҳаракат маркази ҳисобланади, чунки у орқа мия билан чамбарчас боғланган бўлади. Узунчоқ мия ҳамма ҳайвонларда бир хил шаклда бўлиб, ундан саккиз жуфт бош мия нервлар чиқади. Узунчоқ мия орқа миянинг давоми бўлиб, тузилиши жиҳатидан ундан фарқ киласди.

Миячанинг пўстлоқ қисми орқа мия, узунчоқ мия ва эшлиш ядросидан импульс олади. Пўстлоқ қисмининг нейрит ҳужайларни мияча ядросига, ундан ўрта мияга, кўприк ва узунчоқ мияга боради, сўнгра импульс миячадан орқа миянинг ўтказувчи йўлларига ўтиб,

бутун танага тарқалади. Үтказувчи йүллар миячанинг уч жуфт, олдинги ўрта ва кейинги оёқчаларини ҳосил қилади.

Эпифиз – сут эмизувчи ҳайвонларда секреция безларига киради. Бу без оёқчалари билан кўриш дўмбоғига қўшилиб, ундан кенгайган тасмалар ҳосил қилади, булар хидлов марказига ва бешинчи жуфт асаб ядросига бирлашади. Учинчи мия қоринчасининг ён деворлари қалинлашиб, кўриш бўртиғи йўғонлашади, чунки иккиласми кулранг модда ядролари ҳосил бўлади ҳамда үтказувчи йўллар кўпаяди. Кўриш бўртиғидан жуда муҳим импульслар мия пўстлоғига үтказилади ва ундан периферияга ҳам таркалади.

Гипофиз – юкори ривожланган ҳайвонларда гипофиз уч қисмга: юқориги нейрогипофиз, пастки безлик аденоhipофиз ва оралик қисмларга бўлинади. Оралик мия тубан ҳайвонларникига қараганда сут эмизувчиларда яхши ривожланган, унда вегетатив марказлар, масалан, қон томирларни ҳаракатлантирувчи, безларга таъсири этувчи: оксил, углевод ҳамда сувнинг моддалар алмашинувига таъминловчилар ва ҳоказолар ҳам бўлади. Периферик асаб тизими марказий асаб тизимининг бир бўлимидир. Периферик нервлар орка ва бош миядан чиқиб органларга таркалади. Бу нервларнинг баъзилари-рецепторлар четдан олган таъсири бош мияга, баъзилари эса таъсирга бош миядан жавобни етказиб беради. Бундай нервлар мускул ҳужайраларига борса эфектор ёки ҳаракатлантирувчи, безларга борса, секретор нервлар дейилади. Таъсири сезувчи асаб рецептор асаб ўсимталаридан ҳосил бўлиб орқа мия ва бош мия асаблари тугунчаларига кириб туради. Рецептор асаб ўсимталари периферияга эфектор асаблар билан бирга боради. Шундай килиб, нейронлар танасини сакловчи ганглиялар ҳамма ҳайвонларда сезувчи асаблар, унинг юқорисидан, жавоб қайтарувчи асаблар эса пастки томонидан чиқади. Бутун тана, оёқ ва кўндаланг тарғил мускулларга борадиган ҳаракатлантирувчи асаблар соматик асаб, шиллик, мускул тўқималарга (қон томирлар), ички органлар, тери ва бошқа органларга борадиган нервлар эса вицерал ёки вегетатив асаб дейилади.

Вегетатив асаб тизими марказий асаб тизими назорати остида органлар ишини бошқаради. У ички органларнинг силлик мускулларига, қон томирларига, тери ҳамда мускулларга, ташқи ва ички секреция безларига тарқалади, орган ва тўқималардаги моддалар алмашинувида қатнашади. Вегетатив асаб тизими морфологик ва физиологик жиҳатдан соматик асаб тизимидан фарқ қилади. Соматик асаб ҳужайралари орқа мия ганглийсида бўлади. Вегетатив асаб

хужайралари эса марказий асаб тизимидан ташкари, күпчилиги периферияга ҳам таркалади. Унинг нерв тўқималари ганглий ёки тугун ҳосил килади. Булар умуртка ганглийси умуртка устида, чегараловчи симпатик стволда ва умурткадан бир оз узокрок турувчи ганглий умурткасининг остида жойлашади. Улар қорин бўшлиги нерв тизими (куёш чигали) ва бевосита органлар ичига кирувчи ганглийнинг асаб ёки интрамурал асаб чигалидир. Бош мия ҳамда функция бажарувчи органларнинг эфектор алокаси соматик нерв тизимида битта, вегетатив асаб тизимида эса иккита нейрон билан бажарилади, шундан биттаси бош ёки орка мияда жойлашиб, преганглионар тугун олди нейрони, иккинчиси периферик ганглийда жойлашиб, постгангионар ёки тугун орти нейрони дейилади. Шунинг учун нейрон ўсимталари преганглионар толалар дейилади. Преганглионар нейронлар постгангионар нейронлар билан синапс орқали боғланади. Вегетатив асаб тизими жойлашиши ва функциясига қараб, симпатик ҳамда парасимпатик қисмларга бўлинади. Симпатик қисми маркази орка миянинг кўкрак бўлимиди, парасимпатик асабнинг маркази эса ўрга мия, узунчоқ мия ва орка миянинг думғаза бўлимларида жойлашади.

Юрак, ҳазм органлари, сийдик пуфаги, бачадон, кин, тўғри ичак ва бошқалар ҳар иккала асаб билан таъминланган. Учинчи қовоқ, буйрак усти безининг илик қавати, терининг кўтарувчи мускули, тери бэзлари, юрак бўлимлари, юракнинг синовентрикуляр тизими, ингичка ичак ва йўғон ичакнинг кейинги бўлими фақат симпатик асаблар билан таъминланади. Парасимпатик асаб билан юрак коринчалари, бачадон, бўйин, кин, қизилўнгач, ошқозон, йўғон ичакларнинг олдинги томони бошқарилади.

Вегетатив нерв тизимининг асосий маркази бош мия пўстлоғи бўлиб, у шу тизим орқали бажариладиган ҳамма ишни бошқариб туради (Д.Х.Нарзиев, 1986).

### **Асаб ва мускул физиологияси**

Асаб ва мускул тўқималари фаолиятининг турли томонлари физиологияси турлича ифодаланади: физиологик тинчлик ҳолати, кўзгалган ва тормозланган ҳолат.

Организмда мутлоқ тинчлик ҳолати бўлмайди. Чунки организм тинч, харакатсиз турганда ҳам органлари ишлаб туради. Организм тирик экан, барча орган ва тўқималарида модда алмашинуви тўхтамайди. Шу сабабли тинчлик ҳолати деганда, организмдаги физиологик тинчлик ҳолат тушунилади. Физиологик тинчлик ҳолат

муайян орган ёки тўқиманинг ўзига хос физиологик белгиларни намоён килмай турган ҳолатдир. Масалан: муайян мускул қискармай турган бўлса, унинг шу ҳолати физиологик тинчлик ҳолати деб каралади.

Организмнинг барча ҳужайралари таъсирланиши хусусиятига эга. Исталган тирик ҳужайра ташқи ва ички мухитдан келаётган таъсиротта жавобан ўзидағи моддалар алмашинувини белгили йўналишида ўзгартиради. Таъсирланувчанлик ҳайвонот ва ўсимлик оламининг яшаси ва ривожланишида нихоятда катта роль ўйнайди. Бинобарин, бу хусусият барча тўқималар учун, жумладан, асаб ва мускул тўқималари учун ҳам хосдир. Организм эволюциясида, асаб, мускул ва без тўқималари таъсирланувчанлик билан бир каторда қўзгалувчанлик хусусиятига ҳам эга.

Асаб, мускул ва без тўқималари таъсиротта жавобан юзага келган реакцияни ўзи бўйлаб тарқатиб, қўзгалиб жавоб беради. Қўзгалувчан тўқима қўзгалиши учун унга таъсиротчи (қитикловчи) таъсир этиши керак. Қўзгалувчан тўқимани қўзғатиш кобилятига эга бўлган ҳар бир нарса, таъсиротчи (қитикловчи) бўла олади.

Ички ва ташқи таъсиротчилар бўлади. Теварак мухитда юз берадиган турли-туман ўзгаришлар, масалан: ёруғлик, товуш, химик, механик ўзгаришлар ташқи таъсиротчилар жумласига киради. Ички таъсиротларга тана ичидаги кузатиладиган химик, физик, биологик ўзгаришлар киради: кондаги карбонат ангидридининг, гормонлар концентрациясининг ўзгариши, нерв импульслари ва бошқалар шулар жумласидандир. Таъсиротлар ўзларининг келиб чиқишига караб, физик, механик; температура, электр, ёруғлик, товуш таъсиротлари, нур таъсиротлари, химик ва биологик таъсиротларига бўлинади. Таъсиротчилар тўқима учун биологик аҳамияти нуқтаи назаридан адекват ва ноадекват (инадекват) таъсиротчилар деб ажратилади.

Муайян тўқимага одатдаги табиий шароитда таъсир килиб турадиган, ўша тўқимага хос бўлган таъсирот адекват таъсиротdir. Тўқима адекват таъсиротта эволюция даврида мослашган бўлади. Масалан: кўз учун ёруғлик, мускуллар учун асаб импульси адекват таъсиротчи бўлиши мумкин. Чунончи, узунчоқ миядаги нафас маркази кондаги карбонат ангидрид билан ҳам, асаб импульси билан ҳам қўзғалади.

Муайян тўқима учун хос бўлмаган таъсирот ноадекват таъсиротdir. Масалан, мускул факатгина адекват таъсирот остида қўзғалмай, табиий шароитда таъсир этмайдиган таъсиротлар таъсиридан ҳам қўзғалади. Бундай таъсиротларга кислота, ишқор,

электр токи, механик, иссиклик ва бошқалар киради. Буларнинг хар бири ўз холича таъсир этиб, мускулни қўзғатиши мумкин. Ҳар қандай тўқима ноадекват таъсиротчига караганда адекват таъсиротчини тезроқ сезади. Ноадекват таъсиротчилардан фойдаланишга энг кулай электр токидир. Электр токининг таъсир вактини ва микдорини ўлчаш анча осон. Кучсиз электр токидан фойдаланилганда тўқима шикастланмайди. Электр токи ўз табиати билан тўқима қўзғалганда ҳосил бўладиган, қўзғалишнинг заминида ётадиган биоэлектр токка якинdir. Аксарият ҳолларда таъсиротчи сифатида индукцион токдан ҳам фойдаланилади.

Барча таъсиротлар кучига қараб поғонали, поғона усти, поғона ости таъсиротларга бўлинади. Қўзғалувчан тўқиманинг қўзғалиши учун кифоя қиласиган энг минимал таъсирот кучи поғона кучи дейилади. Поғонадан паст таъсирот кучи билан тўқима қўзғалмайди. Поғонадан юкори таъсирот кучи билан эса кучлирок қўзғалади. Қўзғалиш қўзғалувчан тўқиманинг нисбий, физиологик тинчлик ҳолатидан актив фаол ҳолатига ўтишдир. Қўзғалиш мураккаб ҳодиса бўлиб, унинг умумий ва ўзига хос белгилари бор. Тўқима қўзғалганда даставвал умумий белгилари юзага чикади: моддалар алмашинуви тезлашади, турли микдор ва сифат ўзгиришлари рўй беради, ҳужайра мембраннынинг электр заряди ўзгаради. Сўнгра қўзғалаётган тўқиманинг ўзига хос, маҳсус бўлган белгилари кузатилади. Масалан, мускул кискаради, асаб тегишли импульсларни ўтказади, без шира ажратади (секреция) ва хоказо.

Қўзғалишнинг умумий қонуниятлари асаб-мускул препаратида ўрганилади. Асаб-мускул препарати бақанинг қўймич асаби ва болдир мускулларидан тайёрланади. Тўқима қўзғалганда кузатиладиган асосий жараёнлардан бири – биоэлектрик ҳодисалардир. Биоэлектрик ҳодисалар қўзғалишнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши, орган пардаси ва ичидаги зарядларнинг ўзгиришига боғлиқдир. Мускул ва асабларда электр ҳодисаларининг вужудга келишини биринчи марта 1791 йилда Гальвани аниқлаган. Гальвани бақанинг болдир мускулини бир оз кесиб, шу кесилган жойга қўймич асабини тегизган вақтда мускулнинг қисқарганини кузатган ва шунга асосланиб, хайвон тўқимасида электр ҳодисаси юз беради, деган холосага келган.

Тўқима қўзғалганда қўзғалувчанлиги вақтинча пасаяди (рефрактерликка-жавоб бермаслик). Рефрактер даври иккига бўлинади: абсолют рефрактер даври ва нисбий рефрактер даврига бўлинади. Қўзғалишнинг пайдо бўлиб ва ривожланиб, авжига чиқиш

даври абсолют рефрактер фаза дейилади. Бу фазада құзгалувчанлик бутунлай йүқолған бұлади. Абсолют рефрактер фазада иккинчи таъсирот ҳар қанча кучли бұлса ҳам янги құзғалишни, яғни ҳаракат потенциаллари фарқини вужудға келтира олмайды.

Ритмик құзғалишлари асаб ва мускул толаларидан якка құзғалиш фақат физиологик эксперимент шароиттада ҳосил қилинади. Табиий шароитта организмда ҳаракат потенциаллари, яғни асаб импульслари, якка-якка үтмай, балки бир қанчаси ритмик равища, навбатма-навбат билан үтади ва бири иккінчисини келтириб чиқаради. Асаб, мускул ва бошқа тұқымалардаги сезувчан асаб учлари – проприорецепторларда муайян таъсирот туфайли импульслар серияси ҳосил бұлади ва бу импульслар үша рецепторлардан бошланадиган марказға интилевчи асаб толалари орқали марказий асаб тизимиға узатиласы.

Табиий шароитта организмда ҳаракат потенциаллари, яғни асаб импульслари, якка-якка үтмай, балки бир қанчаси ритмик равища, навбатма-навбат үтади ва бири иккінчисини келтириб чиқаради. Асаб, мускул ва бошқа тұқымалардаги сезувчан нерв учлари – рецепторларда муайян таъсирот туфайли импульслар серияси ҳосил бұлади ва бу импульслар рецепторлардан бошланадиган марказға интилевчи нерв толалари орқали марказий асаб тизимиға узатиласы.

Марказий асаб тизими нейронлар, яғни асаб ҳужайраларидан ташкил топған. Нейроннинг танаси, бир қанча калта ва битта узун үсимтаси бұлади. Нейроннинг калта ва шохланиб кетгандың үсимтасын дентрит, анча узун, марказий нерв тизимидан муайян органгача борадиган үсимтасы аксон дейилади.

Асаб ҳужайрасининг танаси марказий асаб тизимида ва асаб түгунларидан жойлашади. Дендритлар асаб тизимида асаб түгунларидан жойлашади. Дендритлар нерв ҳужайраларини бир-бири билан боғлаб туради. Аксон ёки нейрит марказий нерв тизимидан ёки түгунлардан чиқиб, бир-бири билан құшилиб тұпланади ва муайян асабларни ҳосил килиб, тегишли органларга боради. Ҳар бир аксоннинг учи майда толаларға ажралған бўлиб, бу толалар иккінчи нерв ҳужайрасининг дендрити билан бирлашади ва ҳужайрасини ўраб олади.

Асабларнинг айримлари таъсиротни перифериядан (четдан) марказға үтказади, буларға марказға интилевчи (сезувчи) – афферент асаблар дейилади, бошқалари таъсиротни марказдан периферияға үтказади, бу нервларға марказдан кочувчи (харакатлантирувчи) – эфферент асаб дейилади. Күпчилик асаблар аралаш бўлиб уларнинг

таркибида афферент толалар билан бирга эфферент толалари хам үтади.

Асаб толаларининг хусусиятлари. Асаб толалари бир канча хусусиятларга эга. Шу хусусиятларидан ўтказувчанлик ва қўзғалувчанлик хусусиятлари асосий ўринни эгаллади. Бу хусусиятлар асаб толасининг асосий хусусиятидир. Агарда мускулга йўналган асаб таъсирланса, мускул қисқаради. Миelinли асаблар миelinсиз асабларга қараганда кўпроқ қўзғалувчан бўлади. Лабиллик (ўзгарувчанлик) хусусияти – миelinли асабларнинг лабиллиги бошқа ҳамма асабларнинг лабиллигидан баланд бўлади.

Таъсиротни алоҳида ўтказиш хусусияти. Ҳар бир асаб толаси таъсиротни ўз ҳолича ўтказади. Бир асаб стволининг таркибида юкорида айтилганидек, афферент ва эфферент толалари бўлиши мумкин. Шунга қарамай, ҳар бир асаб толасидан ўтадиган таъсирот шу асаб толаси ёнидан бошқа толаларга тарқалмайди. Муайян асаб толасидан келаётган таъсирот фақат маълум мускулларга бориб, уларни қисқартиради, оқибатда жуда мураккаб ҳаракатлар вужудга келади. Асаб толаси таъсиротни ўтказиш учун бутун бўлиши керак. Асаб шикастланган ёки жароҳатланган бўлса, у қўзғалишни ўтказмай қўяди. Асаб бутунлиги эмас, балки функцияси бузилганда ҳам таъсиротни ўтказмай қўйиши мумкин. Демак, асабдан қўзғалиш ўтиши учун асаб бузилмаган, шикастланмаган, функцияси нормал бўлиши керак, яъни асаб физиологик бутун бўлмоғи лозим.

Таъсиротни икки томонлама ўтказиш хусусияти. Агар бирор асаб толаси ўрта жойидан таъсирланса, у вактда таъсирот ҳам марказга, ҳам периферияга қараб тарқалади. Асаб тўқималарида моддалар алмашинуви анча суст ўтади ва жуда кам иссиқлик ҳосил бўлади. Сўнгги йилларда ўтказилган текширишлар натижасида асабларнинг тўхтовсиз кислород истеъмол қилиши ва карбонат ангидрид чиқариб туриши исботланган. Асаб қўзғалганда кислородни истеъмол килиш ва карбонат ангидрид чиқариш кўпаяди, шу сабабли бу вактда иссиқлик ҳосил бўлиши ҳам бир оз кўпаяди.

**Синапс.** Таъсиротларнинг синапслардан ўтказиш механизми. Бир асаб хужайрасидан иккинчи асаб хужайрасига ёки асаб хужайрасидан у билан иннервацияланувчи тўқимага қўзғалиш ўтишини таъминлайдиган мураккаб таркибий тузилма синапс деб аталади.

Барча синапслар марказий ва периферик синапсларга бўлинади. Марказий синапслар бир нейрон ёки дендритнинг иккинчи нейрон

аксони билан туташган жойи бўлса, периферик синапслар аксон билан ишчи орган (мускул, без)нинг туташган жойидир.

Хозирги вактда синапслардан таъсиrot ўtkазилишида электр токи (биопотенциаллар) билан бирга кимёвий моддалар-медиаторлар (ацетилхолин, норадреналин, адреналин) ҳам иштирок этиши исботланган. Синапслар учта асосий элементлардан: пресинаптик (синапсдан олдинги), постсинаптик (синапсдан кейинги) мемброналардан ва синапс тиркишидан иборат. Ҳар бир асаб толасининг охириги копловчи мембронаси, пресинаптик мембрана дейилади. Асаб охирида ўзига хос нейросекретор аппарат бўлиб, ана шундан медиатор ишланиб чиқарилади. Тинчлик ҳолатида медиатор синаптик пуфакчаларда туради. Асаб толаси кўзғалганда, унинг пресинаптик мембронаси деполяризацияланади, оқибатда постсинаптик пуфакчадаги медиаторда ҳаракат потенциаллари пайдо бўлади. Пресинаптик мембрана орқали синапс тиркишига сизиб ўтади ва постсинаптик мембронанинг деполяризациясига сабаб бўлиши натижасида мембронада ҳаракат потенциаллари пайдо бўлади. Оқибатда тегишли хужайра кўзғалиб, фаол ҳолатга келади. Парасимпатик асаб ва айрим симпатик асаб толалари кўзғалганда эса уларнинг учларидан ацетилхолин, кўпчилик симпатик асаб толалари кўзғалганда норадреналин ажралади. Мана шу медиаторлар тегишли ферментлар (ацетилхолин, холинестераза, норадреналин ва адреналин, амино-оксидаза ферментлари) таъсирида тез парчаланиб кетади. Шу сабабли синаптик пуфакчадан синапс тиркишига бир марта чиқарилган медиатор постсинаптик мембронада битта ҳаракат потенциалини ҳосил қиласди. Кўзғалганда ацетилхолин ажратадиган толалар-холинергик толалар, норадреналин ва адреналин ажратадиган толалар эса адренергик толалар дейилади. Синапслар таъсиrotни бир томонлама секинлаштириб ўтказади. Синапсларнинг бу хусусиятлари улардан таъсиrot ўtkазилишида медиаторларнинг иштирок этишига боғлиқ. Чунки медиаторлар факат асаб толаларининг учларида ҳосил бўлади ва бу медиатор мускул толаси, без ёки асаб хужайрасининг постсинаптик мембронасини қўзғатади. Мускул толасида, без ёки асаб хужайрасида вужудга келувчи ҳаракат потенциали эса, синапс тиркиши борлиги учун асаб охирларини ва асаб толаларини кўзғата олмайди. Синапсларнинг кўзғалувчанлиги ва лабиллиги паст. Шу сабабдан булар тез тормозланади.

## **Марказий асаб тизими**

Марказий асаб тизими иккита катта қисмдан: бош ва орқа миядан ташкил топган. Бош миянинг юқори қисми – бош мия ярим шарларининг пустлоғи, марказий асаб тизимининг тарихий тараққиёт нұктай назаридан энг ёш бұлсада, бирок функцияси жиҳатидан энг мураккаб, аҳамияти жиҳатидан эса, энг мухим олий қисмидир. Марказий асаб тизими организмнинг турли-туман органлари, тұқымалари марказга интиливчи тегишли асаб толалари орқали узлуксиз ахборот олиб туради. Бу ахборот марказий асаб тизимининг тегишли қисмларида анализ ва синтез қилинади ва шунга яраша жавоб реакцияси юзага келиб, марказдан қочувчы асаблар орқали марказий асаб тизимидан организмнинг тегишли органларига юборилади. Натижада орган фаол қолатта келиб, белгили функция рүёбга чиқади, маълум ҳәетий ходиса содир бўлади.

**Рефлекс.** Асаб тизими фаолиятининг мазмунини рефлекс ташкил қиласи. Асаб тизими ишләтганда унинг хилма-хил рефлектор жараёнларни рүёбга чиқараётгани тушунилади.

Рефлекс деб ташкил қиласи мухитдан келаёттан таъсиротларга организмнинг марказий асаб тизими иштирокида берадиган жавоб реакциясига айтилади. Масалан, қўлга игна санчилса, қўлни дарҳол тортиб оламиз, игнадан йироқлаштирамиз. Бақа оёғига кислота әритмасини тегизсак, у оёгини тезлик билан буқади. Юрек ишига бирор йўл билан (эндоген) таъсир қилганда, юрек фаолияти ўша таъсирга яраша ўзгаради. Келтирилган шу мисолларнинг ҳаммаси рефлекслар, рефлектор актлардир. Ҳар иккала ҳолда ҳам таъсиротлар тегишли рецепторлар (биринчи ҳолда экстрапепторлар, иккинчи ҳолда эса интерорепцепторлар) томонидан қабул қилиниб, марказга интиливчи тегишли асаблар орқали марказий асаб тизимиға узатилади. Улар марказий асаб тизимининг тегишли қисмларида анализ ва синтез қилиниб, оқибатда жавоб реакцияси ҳосил бўлади. Бу жавоб реакцияси тегишли асаблар орқали ишчи органларга етиб боради. Натижада бу ишчи органларнинг фаолияти ўзгариб тегишли рефлектор акт содир бўлади (қўл игнадан йироқлаштирилади, бақа оёғи букилади, юрек фаолияти ўзгаради). Ана шу мисоллардан рефлексларнинг келиб чиқиши учун марказий асаб тизимининг иштироки мукаррар эканлиги аён бўлиб туради. Организмнинг бутун фаолияти рефлектор актларга асосланган. Барча органлар рефлекс асосида ишлайди, уларнинг бир-бири билан алоқаси, фаолиятининг ўзаро мослашиши, уйғунлашиши, организмдаги ҳамма

функцияларнинг бир бутун бўлиб бирлашиши – буларнинг ҳаммаси рефлексга боғлиқ.

### **Асаб марказлари ва уларнинг хусусиятлари**

Организмнинг бирор функциясини бошқаришда уйғуналашиб ишлайдиган марказий асаб тизими нейронларининг группасига асаб марказлари дейилади. Асаб марказини анатомик нуктаи назардан функционал бирлик деб тушумоқ лозим. Бунинг маъноси шуки, муайян функцияни бошқарадиган асаб хужайралари, яъни асаб маркази марказий асаб тизимининг чекланган маълум бир жойида жойлашган бўлади деб айтиш мумкин эмас. Функцияни марказий асаб тизимининг турли кисмларида тарқоқ ҳолда жойлашган нейронлар у ёки бу даражада биргалашиб, уйғуналашиб бошқаради. Бироқ, бундан муайян функцияни бошқарадиган алоҳида олинган асаб маркази йўқ экан, деган маъно ҳам келиб чиқмаслиги керак. Муайян функцияни бошқарилишида марказий асаб тизимининг белгили бир кисмидаги нейронларнинг маълум группаси ҳаёт учун муҳим бўлган, асосий ролни йўнаса, миянинг бошқа кисмida жойлашган ва ўша функцияни бошқарилишига алокадор бўлган нейронлар бир мунча камроқ ролни йўнайди. Масалан, юрак ишини бошқарадиган марказ узунчоқ миядда жойлашган. Бироқ, юрак фаолиятининг бошқарилишида узунчок миядаги ана шу марказнинг нейронларигина иштирок этиб қолмасдан, орқа мия, оралиқ мия, қолаверса катта ярим шарлар пўстлоғидаги нейронларнинг белгили группалари ҳам жараёнда тегишли даражада иштирок этади. Шунинг учун узунчоқ миядаги марказ шикастланса, юрак фаолияти издан чикиб, ҳайвон албатта ўлади. Пўстлоқдаги хужайралар ҳам юрак фаолиятининг шартли рефлектор равишда бошқарилишида ҳал килувчи ролни ўтайди. Лекин марказий асаб тизимининг бошқа кисмларида жойлашган ва юрак фаолиятининг бошқаришда бунчалик муҳим аҳамиятга эга эмас. Чунки бу хужайралар шикастланганида ҳам юрак фаолияти издан чиқсада, ҳайвон ўлмай қолиши мумкин. Организмдаги бошка вазифаларнинг бошқарилишини таъминлайдиган марказлар тўғрисида ҳам худди шу гапларни айтса бўлади.

Организмнинг исталган қисмидан бошланадиган қўзғалиш даставвал орқа ёки узунчоқ мия нейронларига узатилади, сўнгра мия пўстлоғигача кўтарилади ва шу тариқа марказий асаб тизимининг барча қисмларига тарқалади. Жавоб реакцияси асосан миянинг тегишли қисмларида, тегишли марказларида вужудга келади ва

тегишли асаблар орқали керакли ишчи органларга юборилади. Масалага шу нуктаи назардан ёндошсак, ҳар қандай таъсирга жавоб беришда марказий асаб тизимининг ҳамма қисми яхлит тизим сифатида иштирок этади, дея олишимиз мумкин.

Асаб марказлари бир қатор хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар асаб марказларини ҳосил қилган нейронлар занжирининг тузилишига ва асаб импульсларининг синапслардан үтиш хусусиятларига боғлик. Бир марказнинг қўзғалиши иккинчи марказнинг тормозланиши учун йўл очади ва аксинча, бир марказнинг тормозланиши иккинчи марказнинг қўзғалиши учун йўл очади. Бундан ташқари, муайян марказнинг қўзғалиши унинг тормозланишини, тормозланиши эса қўзғалишини тақозо киласди. Қўзғалиш билан тормозланиш орасидаги муносабат икки хил бўлади: бир вактда ёки бир марказ тормозланганда кўшни марказнинг қўзғалиши бир вактда кузатиладиган индукция дейилади. Қўзғатиш натижасида тормозланиш келиб чиқадиган бўлса, бунга манфий индукция дейилади. Тормозланиш натижасида қўзғалиш келиб чиқса, бу мусбат индукциядир. Бир марказ қўзғалганидан кейин шу марказнинг ўзига тормозланиш вужудга келиши (ёки тормозланишдан кейин қўзғалиш ҳосил бўлиши, яъни қўзғалишнинг тормозланиш билан ёки тормозланишининг қўзғалиш билан алмашиниши) алмашинув индукцияси дейилади. Бу индукция ҳам бир вактда кузатиладиган индукция сингари манфий (қўзғалишдан кейин тормозланиш) ёки мусбат (тормозланишдан кейин қўзғалиш) бўлиши мумкин.

Гипоталамус –дўмбок ости қисм марказий нерв тизимининг барча қисмлари билан боғланган. Жўмладан, ундан эфферент толалари кўриш дўмбоқларига, гипофизга, узунчоқ ва орқа мияга боради. Бу толалар орқа миядан вегетатив нерв тизимининг тутун олди толаларини ҳосил қилишда иштирок этади. Ўз навбатида, гипоталамусга кўриш дўмбоқларидан эфферент толалар келади.

Гипоталамусда ҳозиргача 32 жуфт турли хил марказий ядро борлиги аниқланган. Гипоталамусда оқсиllар, тузлар ва сув алмашинувини, тер ажralишини, организмда иссиқлик алмашинувини бошқарувчи марказлар жойлашган.

Гипоталамус гипофиз билан чамбарчас боғлик. Гипоталамусдаги нейро-секретор хужайраларнинг гипофиз кейинги қисмидан ажralадиган гормонларга ўхшаш суюқликлар ажратиши аниқланган. Гипоталамусдаги супроотик ядролар ва таъсирланганда

сут бериш рефлекси намоён бўлади, паравентикуляр ядро таъсирангандан эса бу рефлекс тормозланади. Бу жараёнларда гипофиз ҳам иштирок этади. Гипоталамус бош мия ярим шарлари пўстлоғи билан боғланган бўлиб, доимо унинг назорати остида ишлайди.

### **Вегетатив асаб тизими**

Асаб тизимининг барча ички органлар фаолиятини, тўқималарда кечадиган моддалар алмашинуви жараёнларини, ўсиш ва кўпайишни бошқарадиган қисмига вегетатив асаб тизими дейилади. Демак, кон айланиши, овқат ҳазм қилиш, сийдик айриш, нафас, кўпайиш ва бошқа барча ички органлар, кон томирлар ва тер безлари фаолияти вегетатив асаб тизими орқали бошқарилади. Вегетатив асаб тизими бошқарадиган функциялар организмнинг ўз ихтиёрига боғлик бўлмайди, уларни ҳайвон ўзича тұхтата олмайди ёки бирор тарзда ўзгартира олмайди. Шу муносабат билан инглиз физиологи Ж.Ленгли вегетатив асаб тизимини автоном (мустакил) асаб тизими деб атади. Бирок вегетатив асаб тизимининг бош мия олий бўлимларидан “автономлиги”, мустакиллиги жуда нисбийдир. Чунки бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидан вегетатив асаб тизими марказига келадиган импульслар ички органларнинг ишини ҳам ўзгартириши мумкин. Вегетатив асаб тизимининг таркибий қисми бўлмиш симпатик ва парасимпатик асаб тизимлари ҳам бир катор хусусиятларга кўра бир –биридан фарқ қиласи. Симпатик асаб тизимининг марказлари орқа миянинг кўкрак ва бел сегментларида жойлашган бўлса, парасимпатик асаб тизимининг марказлари ўрта ва узунчок мияда, орқа миянинг думгаза қисмида жойлашган.

Вегетатив асаб тизими түгунли тузилишга эга, яъни унинг толалари марказий асаб тизимидан бошланиб, турли масофада, чунончи корин бўшлиғида, ҳар хил органларнинг яқин атрофида, бевосита ичida жойлашган түгунларга бориб тугайди. Бу түгунлардан иккинчи нейрон бошланиб, унинг ўсимтаси бевосита орган тўқимасига бориб тугайди. Ана шунга кўра, вегетатив асаб тизимининг толалари иккига: преганглионар (түгун олди) толалар ва постгангионар (түгунлан кейинги) толаларга бўлинади. Марказий асаб тизимидан нейронлар бошланиб, түгунга келган толаларга преганглионар тола, түгундаги нейрондан бошланиб, бевосита органга келган толага постгангионар тола дейилади.

Парасимпатик асаб тизимининг түгунлари ишчи органнинг якинида ёхуд бевосита унинг ўзида жойлашган бўлса, симпатик асаб

тизимининг тугунлари ишчи органдан узоқда, одатда марказий асаб тизимининг яқинида жойлашган бўлади. Шу сабабли симпатик асаб тизимининг пригангилонар толаси узун, парасимпатик асаб тизимининг постгангилонар толаси калтадир. Организмдаги барча органлар симпатик асаб тизимининг толалари билан таъминланади, лекин айрим органларда, жумладан, буйрак усти безлари, талоқ, тери, қон томирлар, тер безлари, жун халтаси, тана мускулларида парасимпатик асаб толалари бўлмайди. Симпатик асаб тизими учун мултипликация ҳодисаси хосдир. Бу сўзнинг маъноси шуки, постгангилонар толалар кўп бўлади. Шунга кўра симпатик асаб тизимининг битта прегангилонар толасидан келадиган импульслар постгангилонар толалар орқали анча кенг жойга тарқала олади. Парасимпатик асаб тизими бу хусусиятга эга эмас. Парасимпатик асаб тизими толалари қўзғалгандан учларидан факат ацетилхолин ажратса, симпатик асаб тизими толаларнинг аксарияти адреналинсимон модда, камроқ кисми ацетилхолин ажратади.

Симпатик ва парасимпатик асаб тизими ўз фаолияти, функцияси, яъни организмда вужудга келадиган реакциялари билан ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Жумладан, симпатик асаб тизими қўзғалганида кўз қорачилари кенгаяди, ҳайвон кўп терлайди, аксарият томирлар (юракнинг тож томирлари, миянинг ва бошқа айрим томирлардан ташқари) тораяди, юрак кучли ва жадал ишлайди, қон босими кўтарилади, буйрак усти безларнинг фаолияти зўрикади, диурез камаяди. Парасимпатик асаб тизими қўзғалгандан эса, буларнинг акси кузатилади, жумладан, кўз қорачиги тораяди, юрак иши сусаяди, қон босими пасаяди, сийдик ажратиш кучаяди, юракнинг тож томирлари тораяди ва ҳоказо.

Симпатик ва парасимпатик асаб тизимларининг фаолияти факат сиртдан қарагандагина бир-бирига қарама-қарши бўлиб туюлади, аслида эса уларнинг фаолияти бир-бирига боғлиқ ва ўзаро мос. Бу асаб тизимлари организмнинг эҳтиёжига қараб у ёки бу орган фаолиятини бирор томонга ўзgartиради, чунки бирининг маркази қўзғалганида, иккинчисиники тормозланади. Демак, бу асаб тизимлари сиртдан қараганда бир-бирига антагонист бўлиб туюлсада, фаолиятининг мазмунига кўра синергист, яъни бир-бирига ҳамкорdir (Р.Х.Хайтов, А.Д.Душанов, 1975).

#### **Асаб тизимида анализ ва синтез ёки таҳлил ва синтезлаш**

Организмга кўрсатилаётган кўп микдордаги турли-туман қўзгатувчилар бош мия ярим шарлари пўстлоқларида ўрганилади,

тахлил қилинади, яъни бўлакларга тақсимланиб алоҳида элементларга бўлинади. Таъсиротчиларнинг тахлили деганда турли предметларнинг шаклларининг ранги, хиди, ҳароратнинг фарки ва бошиқаларнинг фарқланиши тушунилади. Тахлилдан кейин албатта синтезлаш келади, яъни айрим элементларнинг маълум комплексга йиғилиши кузатилади. Масалан: озиқанинг хиди, унинг шакли, ранги, таъми пўстлоқ томонидан синтезланади ва аник бир бутун озиқа тушунилади.

Олий асаб фаолиятининг материал субстракти бўлиб мия хисобланади. Тузилмалар ва функция бир-бири билан узвий алоқада. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, таҳлиллаш ва синтезлаш жараёнлари бош миянинг турли тузилмалари ёрдамида таъминланади.

Рефлекс – таъсиротларга тананинг қайси қисмидаги рецепторлар биринчи бўлиб иштирок этишига қараб, рефлекслар – экстраприорецептив, интиорорецептив ва проприорорецептив рефлексларга бўлинади. Проприорорецептив рефлекслар скелет мускуллари, пайлар, чандирларда жойлашган рецепторлар таъсирланиши туфайли юзага келади. Булардан ташқари, организмдаги барча рефлекслар шартсиз ва шартли иккита катта гурухга бўлинади. Шартсиз рефлекслар организмнинг тугма, наслдан-наслга ўтувчи, ҳаёт давомида деярли ўзгармайдиган реакцияларидир, булар бош мия катта ярим пўстлоғининг иштирокисиз ҳам юзага чиқаверади.

Бош мия пўстлоғининг шартли рефлектор фаолиятини И.П.Павлов таъбири билан айтганда, асаб фаолиятининг асосий фонди бўлиб, шартсиз ёки тугма рефлекслар хисобланади.

Шартсиз рефлекслар тўғридан-тўғри организм билан алоқада бўлган кўзғатувчилар билан чақирилади. Агарда ҳайвон факатгина оғзига тушган озиқани истеъмол қилганида, у озиқани излаш имкониятига эга бўлмаганида, улар ўлиши муқаррар эди. Озикаларнинг хиди ва кўриниши, харакат рефлексини кўзғатувчи уни излашни ва истеъмол қилишни таъминловчи сигнал кўзғатувчи бўлиб хисобланади. Шартли рефлекслар эса ҳаёт давомида пайдо бўлиб, зарурияти қолмаганда йўқолиб кетадиган, наслдан-наслга ўтмайдиган рефлекслардир. Шартли рефлекснинг ҳосил бўлиши учун мия пўстлоғи албатта иштирок қилиши зарур, чунки шартли рефлекс мия пўстлоғидаги икки марказнинг ўргасида қарор топган, вактинча алоқа туфайли келиб чиқади. Шартли рефлекслар ҳосил бўлганда, мия пўстлоғидаги марказлар ўргасида қарор топадиган вактинча

алоқа фақат функционал алоқадир, холос, чунки марказлар ўртасида ҳеч кандай анатомик боғланиш пайдо бўлмайди. Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши, ҳайвоннинг турли хавф-хатарлардан химояланишида ҳам бениҳоя катта аҳамиятта эга.

Шартли рефлексларнинг биологик аҳамияти жуда катта. Ҳайвоннинг ташқи мухит билан алоқаси жараёнида айнан шу функцияни бажарилишида қўзғатувчининг тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини бошлагунига кадар организмнинг реакциясини тайёрловчи сигнал агент бўлиб хизмат қиласди.

Сигнал фаолиятининг биргина аҳамияти факаттана организмнинг мослашишига имконини бермай, балки барча сонсаноксиз турли-туман ташқи мухит омилларига ҳайвон организмининг мослашиш реакциясини фавқулодда кенгайтиради ва аниклади. Сигналлаш тизими ҳайвонлар томонидан ташқи мухитни акс эттириш даражасини оширади, тинимсиз равишда ўзгарувчи ташқи мухит омилларига адекват мослашувини таъминлайди.

Шартли рефлекслар ёрдамида ҳайвонлар озиқа топиш, душмандан химояланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан кутилиш учун тажриба орттиради. Она бўри ўзини ёки боласини овда ўлдирилган гўшт билан боқишида биринчи тартибдаги рефлекс ҳосил қилинади. Гўштнинг ҳиди ва кўриниши у учун озиқага сигнал бўлиб хизмат қиласди. Мана шу бирламчи тартибдаги шартли рефлекс асосида бўри боласи “овга ўргатилади” – химояланиш, таъқиб килиш ва овни эгаллашни ўрганади.

Химоя шартли рефлекслари ҳайвонларга химояга илгаридан тайёрланиш ва унга бўлган хавфдан кутилиш имконини беради.

Йиртқичлар томонидан бериладиган товушлар, уларнинг ҳиди, тўс-тўполон, оёкларининг изи – буларнинг ҳаммаси химоя реакциясини чакирувчи қўзғатувчилар хисобланади.

Янги туғилган қўзи, бузоқларда ҳали юқоридагидек шартли рефлекслар йўқ, шу сабабли улар хавфдан қочмайди ва йиртқичга ем бўлади. Шартли рефлекслар албатта шартсиз рефлекслар асосида ҳосил бўлади. Шартли рефлексларни ҳосил қилишда албатта қўзғатувчи шартсиз рефлектор актга монанд бўлиши керак.

Шартли рефлексни ҳосил бўлишида таъсиротчининг кучи катта аҳамиятта эга. Таъсиротчининг кучи шундай бўлиши керакки, у албатта тахминий реакция чакира олиш кобилиятига эга бўлиши керак. Чегарадан чиқувчи кучсиз ва кучли қўзғатувчилар билан шартли рефлекс ҳосил қилиш мумкин эмас, чунки кучсиз сезилмай

колиши мумкин, кучлиси эса мия пүстлок қисмидә тормозланиш чақириши мумкин.

Индеферент құзғатувчи албаттә шартсиз құзғатувчидан күчсиз бұлиши керак, ана шу сабабдан у фактагина шартли құзғатувчи устидан хукмрон бұлмай, балки уни ҳам тортади.

Шартли рефлексларни ҳосил бұлиши иккі гурух ұжайралар: шартли ва шартсиз таъсиротларни қабул килувчи пүстлок ҳамда пүстлок остидаги марказлар ұжайралари орасидаги вактингчалик боғланишлар асосида юз беради. Құзғалиш жараёнининг бириңчи үчоги ҳосил бұлаёттан пайтда у катта ярим шарлар пүстлоги бүйлаб тарқалади. Агарда шу пайтда иккінчи анча интенсив бұлган құзғалиш үчоги ҳосил бұлса, юқоридаги құзғалиш ана шу хукмрон бұладиган үчокқа тортилади. Шундай килиб ҳар иккала үчоқлар орасида маълум йүл ҳосил бұлади ва мана шу йүл билан импульслар бириңчи үчокдан иккінчи үчокқа ва ундан чикувчи йүл билан пүстлок ости марказларига ва ниҳоят ишчи органга тарқалади.

Барча шартли рефлекслар вактингчалик характерга эга – ҳосил бұлади, фаолият құрсатади ва йүқөлади.

Сигналловчи құзғатувчилар характеристига құра шартли рефлекслар табиий (натурал) ва сунъий рефлексларға фарқланади.

Катта ярим шарлар пүстлогининг фаолиятини үрганиш маҳсус классик сұлак ажралиши усулидан фойдаланилади, бу эса асаб марказларининг ҳолатини объектив ва аниқ бағолаш ҳамда шартли рефлекснинг күламини аниқлаш имконини беради. Бу усулга И.П.Павлов катта аҳамият берган ва бу бир неча бор “сұлак безлари телескоп вазифасини үтайды, унинг ёрдамида миллиардлаб ұжайралар функцияларини кузатиш мумкин” деган эди.

Қишлоқ ұжалик ҳайвонларыда шартли рефлекслар ҳосил қилишда сұлак ажратиши усули билан бир қаторда химояланиш-харакат усули ҳам құлланилади. Химояланиш харакат усули құлланилғанда, одатда букиш шартсиз рефлекси негизида шартли рефлекс ҳосил қилинади.

Шартли рефлекслар ҳосил қилишда асаб марказларидаги құзғалиш билан бир қаторда тормозланиш ҳам катта аҳамияттаға эга. Бу эса үз навбатида рефлектор актларни қаторлаштириш ва такомиллаштиришда бөш восита ҳисобланади. Бөш мия пүстлогининг құзғалиши шартли рефлекслар ҳосил бұлишига, тормозланиши эса уларнинг йүқөлишига олиб келади.

Тормозланиш рефлекси рефлектор ёйидан ташқарыда ётиши натижасида юзага келадиган тормозланишга шартсиз тормозланиш

дайлади. Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши асосида доимо шартсиз рефлекслар ётади. Улар факат муайян шарт-шароитларда найдо бўлиши сабабли шартли рефлекслар деб аталади. Бундай шароитларнинг асосийлари қўйидагилар:

Шартли таъсирот шартсиз рефлектор актдан олдин келадиган бўлиши керак. Шартли таъсирот шартсиз, мустаҳкамловчи таъсирот билан қайта-қайта биргаликда такрорланиб туриши зарур.

Шартли рефлекс ҳосил бўлишида таъсиротнинг кучи катта аҳамиятга эга. Таъсиротчининг кучи мўлжалланган реакцияни келтириб чиқаришга кифоя қиласи даражада бўлиши керак. Кучсиз ва ҷегарадан чиқадиган ўта кучли таъсиротларга шартли рефлекслар ҳосил килиш деярли мумкин эмас: чунки, кучсиз таъсирот пайкамасдан қолаверади, ўта кучли таъсиротлар эса мия пўстлоғида тормозланишини ҳосил қиласи.

Шартли рефлекслар ҳосил килишда мия ярим шарлар пўстлоғининг фаол ҳолати жуда ҳам аҳамиятлидир.

Шартсиз рефлекс марказнинг қўзгалувчанлик даражаси ҳам рефлекс ҳосил бўлишида жуда аҳамиятлидир.

Ҳайвоннинг саломатлиги ҳам муҳим шартлардан биридир.

Шартли рефлекслар факатгина шартсиз рефлекслар асосида эмас, балки яхши ишлаб чиқилган шартли рефлекслар ёрдамида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Чорва молларида шартли рефлекслар ҳосил килишда юқоридаги усул билан бир каторда ҳаракат-мудофааланиш усули ҳам қўлланилади.

Шартли рефлексларни ҳосил бўлиш механизми бош мия ярим шарлари пўстлоғининг иккита қўзғалган марказлари орасида вақтинча бошланиш юзага келишидан иборат. Масалан: шартли сўлак ажralиш рефлексини ишлаб чиқариш учун лампа ёқиласи, сўнг 10-15 дақиқадан кейин ҳайвонга озиқа берилади. Шартли таъсирот (ёруғлик) кўзният тўр пардасидаги рецепторларни қўзғатади. Қўзғалиш импульслари афферент асаб толалари орқали пўстлоқ ости марказларидан ўтиб, пўстлоқдаги қўриш марказига етиб боради. Қўриш маркази қўзғалиши билан бир каторда, шартсиз қўзғаттич (озика) таъсиротида мия пўстлоғидаги озиқланиш маркази ҳам қўзғалади. Огиз бўшлиғидаги сезувчи асаб толаларининг учлари рецепторларга таъсир этади. Натижада ҳосил бўлган қўзғалиш импульслари марказга интилевчи асаб толаларидан узунчоқ миянинг сўлак ажralиш марказига узатилади. Бу марказдан импульслар марказдан кочувчи нейронлар орқали сўлак безларига келади. Окибатда қўзғалиш натижасида сўлак безлари сўлак ажратади.

бошлайди, шартсиз сұлак ажралиш рефлекси рүёбга чикади. Аммо құзғалиш импульслари фақатгина узунчоқ миядаги сұлак ажралиш марказигагина бормасдан, юкорига чикувчи йұллар оркали мия пүстлоғидан озиқланиш марказига күтарилади. Яъни мия пүстлоғида бир вактда иккита марказ күриш ва озиқланиш марказлари құзғалади. Бунинг устига шартсиз құзғатгич (озиқа) таъсиридан озиқланиш маркази күриш марказига қарaganда кучлирок құзғалади. Кучли құзғалған озиқланиш маркази кучсизрок құзғалған-күриш марказидан құзғалиш импульсларини тортиб олади. Агар шартли ва шартсиз таъсиrotлар бир неча марта, деярли бир вактда такрорланиб турса, күриш марказидан озиқланиш марказига құзғалиш импульсларини үтиши осонлашиб бораверади. Маълумки, муайян йұналишда бир неча марта үтган құзғалиш импульсларни үзидан кейин, құзғалувчанлиги юкори ҳолда из колдиради. Натижада бош мия ярим шарлар пүстлоғидаги озиқланиш ва күриш марказлари үrtасида үзаро функционал боғланиш келиб чиқади ва охири фақатгина шартли құзғатгич, демек ёруғликка шартли рефлекс хосил бұлади. Бу рефлекснинг ёйи түр парда рецепторлари күзғалишдан бошланади. Құзғалиш импульслари афферант толалари оркали күриш марказига узатилиади. У ердан очилган йұллар оркали құзғалиш мия пүстлоғининг озиқланиш марказига үтади. Бу марказдан пастта тушувчи йұллардан узунчоқ миядаги сұлак ажралиш марказига келади ва м.к.н. оркали құзғалиш сұлак безларига яқынлашади. Булардан сұлак ажралади.

Шартли ва шартсиз рефлексларнинг рефлектор ёйлари бошқа-бошқа бошланади, чунки шартсиз ва шартли таъсиrotлар ҳар хил рецепторларни құзғатади. Бу рецепторлардан бошланадиган марказга интилувчи йұллар ҳам турли бұлади. Лекин ҳам шартли, ҳам шартсиз рефлексларнинг марказдан кочувчи йұллари битта бұлиб, сұлак ажралиш марказидан сұлак безлари томон йұналади.

Иккала рефлекслар марказдан кочувчи йұлларининг ана шундай умумийлиги, шартли рефлекс факат шартсиз рефлекс асосида хосил бұлишини ифодалайди. Вақтингча алокалар боғланиш жараёнининг физиологик механизми асосида доминантга (устунлик) йұл очиш ва жамланиш ҳодисалари туради. Шартли рефлекслар ишлаб чиқаришда шартсиз рефлекснинг пүстлоқдаги марказида хосил бұлган құзғалиш доминантлик бұлиб қолади, яъни бу марказнинг құзғалиши, бошқаларга күра устун туради. Шунинг учун у құзғалиш импульсларини кучсиз құзғалған, шартли рефлекс марказидан үзига тортиб олади. Пүстлоқдаги шартсиз рефлекс марказига келган

импульслар жамланади. Натижада пўстлокнинг ана шу марказининг кўзгалувчанлиги ва лабиллиги ортади. Шартли ва шартсиз таъсиrotлар биргаликда бир неча марта такрорланиб, бу марказнинг кўзгалувчанлиги ва лабиллигини муайян максимал даражагача оширади. Шу сабабли, иккала марказлар орасидаги, вақтинча алоқа боғланиб қолади. Оқибатда пўстлокнинг шартли рефлекс марказидан кўзгалиш импульслари бемалол шартсиш марказга ўтиб боради ва рефлекс юзага чиқади.

Фарқланувчи тормозланиш ички тормозланишнинг яна бир туридир. Ҳайвонлар шартли таъсиrotни табиатан унга жуда яқин турган бошқа таъсиrotдан фарқ қила олади.

**Шартли рефлексларнинг кечикиши.** Шартли агент таъсиr эта бошлаганидан кейин, орадан киска вақт (1-5 сония) ўtkазиб, озиқа бериладиган бўлса, шартли рефлектор реакция дарров юзага чиқади. Бордию, мустахкамлаш (шартсиз таъсиrot) шартли таъсиrot бошланганидан кейин аста-секин 2-3 дақиқага орқага суриб бориладиган бўлса, у вақтда шартли рефлекс кўпроқ кечика бошлайди.

Кўзгалиш билан тормозланишнинг ўзаро муносабати организмга ҳар хил мушкул вазиятларда мўлжал олиш шароитига караб иш тутишга имкон беради.

Нерв марказларидан кўзгалиш билан биргаликда тормозланиш ҳам шартли рефлекслар ҳосил бўлишида катта роль ўйнайди. Тормозланиш рефлектор актларни оддийлаштириш ва такомиллаштиришда бош мезон ҳисобланади.

Ҳайвонлар организми тинимсиз равишда ташки ва ички кўзгалишлар таъсирига учрайди ва ҳар бир кўзгалиш рефлектор акт чакириши мумкин. Тасаввур қилинг, ҳар бир таъсиrotчи таъсирига организм жавоб берса нималар бўлишини. Бундай ҳолат кузатилмайди, чунки рефлектор фаолият учун оддийлаштириш ва такомиллашиш характеристи ҳолатдир. Бундай ҳолларда шартсиз тормозланиш туфайли уша пайт учун энг асосий рефлекс, иккинчи даражали таъсиrotларни тормозлайди. Бу хусусият нерв системаларининг барча бўлимларига ҳосдир.

Шартсиз тормозланиш деб, рефлектор ёйидан ташқарига ётувчи сабаб оқибатида рефлексларни тормозланишига айтилади. Ташки тормозланиш бошка рефлекснинг рефлектор ёйида ҳосил бўладиган кўзгалиш билан таъминланади. Шартли рефлекснинг тормозланишини яна бошқа бир шартли рефлекс ҳам чакиради. Шартли рефлекс ҳосил қилинган электр чирогини ёкиш билан бирга

бошқа бир харакат-мудофааланиш шартли рефлекси ҳосил қилган қўнгирок ёки бошқа таъсиротчи таъсири кўрсатилса, ҳайвон бирданига харакат реакциясини намоён қиласди ва сўлак ажралмайди, яъни сўлак ажралиши тормозланади. Агар бир неча муддат ўтгандан кейин шартли озикланиш кўзғатувчиси кўлланилса (шартли мудофааланиш кўзғатувчи кўлланилмасдан) худди аввалгидек озика рефлекси намоён бўлади. Демак рефлекс йўкотилмасдан балки тормозлангани аниқ кўринса, чегарадош тормозланиш кучли шартли тормозланиш ҳисобига чакирилиши мумкин. У ташки тормозланишнинг тури кўринишларидан бири ҳисобланади. Ташки тормозланиш ҳам, чегарадан чиқкан тормозланиш ҳам асаб тизимининг туғма хоссаларига боғлиқдир. Шу сабабдан И.П.Павлов уларни шартсиз тормозланиш тоифасига киритган. Ички (шартли) тормозланиш факат пўстлоқ нерв ҳужайраларида кузатилади. У секинлик билан пайдо бўлади ва узоқ вакт сакланиб туради. Одатда шартли таъсирот, шартсиз таъсирот билан доим мустаҳкамланиб турмаса, тормозланиш пайдо бўлади. Мустаҳкамланган шартли таъсирот, илгари ўзи кўзғалиш жараёнини юзага чиқарган, пўстлоқдаги марказда тормозланиш жараёнини ҳосил қиласди. Шартли рефлекс марказининг ичидаги тормозланиш жараёни келиб чиқканлиги сабабли, тормозланишнинг бу тури ички тормозланиш деб юритилади.

Ички тормозланишлар тўрт хил фаркланади: шартли рефлекснинг сўниши, фаркланиши, тормозланиши ва кечикиши.

Агар шартли таъсирот кисқа вакт ичидаги шартсиз таъсирот билан кўзғатилмасдан туриб бир неча марта такрорланса, шартли рефлекснинг қиймати борган сари камаяди ва охирида шартли рефлекс сўнади.

Кўзғалишнинг иррадиацияси – бу марказий асаб тизимида ҳосил бўлган кўзғалишнинг иш жараёни бўйлаб тарқалишидир. Марказий асаб тизимида фақатгина кўзғалиш таркалмасдан, балки тормозланиш ҳам таркалади. Кучсиз кўзғалиш жараёни таркалади, ўрта кучли кўзғалиш жамланади, жуда кучли кўзғалиш жараёни эса кенг таркалади. Тарқалиш ва жамланиш конуни пўстлоқ асаб жараёнларининг, ҳамда уларнинг ўзаро индукцион конуни ҳам бирбири билан узвий алоқада бўлади. Катта ярим шарлар пўстлоғидаги индукция кўзғалиш ва тормозланишларнинг ўзаро алокаси натижасида юз беради.

Кўзғалиш ва тормозланиш орасида маълум мувозанат ўрнатилади, натижада ёки мусбат ёки манфий индукция ҳосил

бұлади. Индукция деб – асосий асаб жараёнларининг уз атрофида ва үзидан кейин қарама-қарши жараён чиқариш хусусиятига айтилади. Үз характерига қура индукция иррадиациянинг тескарисидир. Агарда иррадиация бир хилдаги жараёнларни тарқалиши бұлса, индукция шунинг тескарисини чиқариб иррадиацияни чегаралайди.

Ташқи мухиттің организмге таъсири табиий шароиттарда мағлум комплекс құзғатувчилар шаклида навбатма-навбат таъсир қылувчи сифатыда намоён бұлади.

Табиий шароитта организм хилма-хил таъсироттарға учраб туради. Бу таъсироттар одатда кетма-кетлик билан таъсир этади. Күп марта тақрорланиб борадиган ана шундай таъсироттар құзғалиш ва тормозланиш үчокларини ҳосил килади. Мия пүстүргининг уммалаштириш фаолиятининг ана шу мураккаб шаклларни И.П.Павлов үзгәрүвчан тартиб (динамик стеръотик) деб атаган.

Хайвонларни озиқлантириш ва парвариш қилиб борища үзгәрүвчан тартибни ҳосил қилиш ва уни саклаб бориш, хайвонларни юкори маҳсулдор бұлишига эришишда жуда мұхим роль үйнайды. Одам ва хайвонларда үйғоқлык үйқу билан үйқу үйғоқлык билан алмашып туради.

Үйқу ҳамма хайвонларнинг физиологик заруриятидир. Асаб ҳужайларининг узок ишләши натижасида, уларнинг чарчаб ҳолдан тойишига олиб келади. Бунга йүл қўймаслик учун организмда ҳимояловчи тормозланиш (үйқу) ишлаб чиқарилади. Үйқу асаб марказларининг пассив ҳолати бўлмай балки актив ҳолатидир. Үйқу пайтида мускуллар бўшашиб, ички органлар фаолияти сусаяди, томирлар уриши камайиб, кон босими пасаяди. Моддалар ва энергия алмашуви пастроқ даражада кечади, тана ҳарорати сал пасаяди.

Табиатда ҳар хил үйқу учрайди: одатдаги физиологик үйқу, наркотик (օғриқ сезмайдиган), гипнотик (сехрлаш йўли билан) ва патологик касаллик натижасида үйқу шулар жумласига киради.

Физиологик үйқу бир босқичли (кушларда) ва кўп босқичли (кишлөк ҳўжалик хайвонларида) бұлади. Бундан ташқари мавсумий (кишки ва ёзги үйқу) үйқулар ҳам фарқланади. К/х ҳайвонлари (отлар, корамоллар ва чўчкалар) одатда бир кечакундузды 7-8 марта вақти-вақти билан 5-7 соат ухлайди. Отлар тик турган ҳолда ухлай олади. Улар ёзда асосан кундузи иссиқ вақтда ухласа, кечаси отхонада ухлайди. Битта йилқилар уюрида факат бир қисми ухлайди, қолганлари үйғоқ туради. Бошқа к/х ҳайвонлари кечаси ётиб ухлайдилар. Гипноз ҳам үйқунинг бир туридир. Бу вақтда ҳам худди үйқу маҳалидагидек, мия пүстүрги тормозланиш ҳолатида бұлади.

Гипноз уч босқич күринишида юзага чиқади.

1) мускуллар, айникса ёзувчи мускулларнинг кучли қисқариши; 2) хайвон ва одамни ҳар қандай вазиятга келтириб қўйиши мумкин. 3) чукур гипноз ҳолати, яъни ҳар хил иллюзияларга ишонтириш мумкин.

Олий асаб фаолияти, жумладан таҳлил ва умумлаштириш, сигнал тизимларига асосланади. “Ҳайвон учун – деб кўрсатган эди И.П.Павлов, фақат таъсиротлар ва уларнинг изларигина воқейликдан хабар берадиган даракчи бўлиб хизмат қиласи. Бу биринчи сигнал тизими ёки воқейликнинг сигнал тизими. Ҳайвон факат аниқ бир вазиятни таҳлил қиласи ва умумлаштиради. Шунинг учун ҳам конкрет нарсани идрок этади ва умумлаштиради. Инсон мияси руҳий фаолиятининг, унинг ҳамма ҳайвонлардан ажратиб турадиган асосий хусусияти – онгдир. Инсоннинг онги умумлаштирилган ва мавхумлаштирилган шартли таъсиротлар жамғармаси бўлган – сўз билан ифодаланувчи тушунчалар ҳосил кила олиш билан таърифланади.

И.П.Павлов шартли рефлексларни иккита ҳар хил тоифага ажратади. Аниқ сигналларга ҳосил бўладиган шартли рефлекслар – мия фаолиятининг одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган биринчи сигнал тизимини ташкил этади. Сўзларга ҳосил бўладиган шартли рефлекслар эса мия фаолиятининг фақат одамга хос бўлган иккинчи сигнал тизимини ҳосил қиласи. Иккинчи сигнал тизими биринчи сигнал тизими негизида шаклланиб боради. Бу турдаги ҳайвонларда хилма-хил таъсиротларга мутлако ҳар хил реакциялар кузатилади. Масалан: отхонада турган отлар сули солинган кулф очилишини эшитиб кишнашади ва безовта бўлади. Бу товуш шартли озиқланиш таъсироти бўлиб қолган, чунки ундан кейин ҳар доим шартсиз мустаҳкамлаш – сули бериш бошланган. Отларда кулф очилишига шартли озиқланиш рефлекси ҳосил бўлган. Агар ана шу вақтда отхонадаги отлар кузатилса, уларни ҳаммаси товушга ҳар хил жавоб бериши намоён бўлади. Айримлари у ёқдан бу ёқка юриб безовта бўлади, бошқалари сули олиб келинадиган томонга караб бошка отларга, ишчиларга, товушларга ва ҳоказо таъсиротларга аҳамият ҳам бермай тураверади. Ҳайвонлар реакциясидаги бундай фарклар И.П.Павлов таъбири билан айтганда, олий асаб фаолиятининг турлари билан белгиланади. Бош мия пўстлоғида узлуксиз кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари содир бўлиб тургани учун ҳайвонларнинг олий асаб фаолияти ана шу жараённинг ўзаро муносабати туфайли юзага чиқади. Лекин бу жараёнлар ҳамма

ҳайвонларда бир хил эмас. Улар кучи, ўзаро мувозанатлашганлиги ва ҳаракатчанлигига биноан фарқ қилади. И.П.Павлов шунга асосланиб, олий асаб фаолиятини турларга ажратади ва унинг турга оид хусусиятларини янада чуқурроқ ўрганиш йўлларини белгилаб беради. Ана шунга кўра, И.П.Павлов олий асаб фаолиятининг тўртта асосий типларини фарқлайди. 1) кучли кўзгалувчан, мувозанатлашган, ҳаракатчан типи. 2) кучли кўзгалувчан, мувозанатлашмаган типи. 3) кучли мувозанатлашган, лекин асаб жараёнларининг ҳаракатчанлиги кам бўлган, инерт типи. 4) кучсиз ёки нимжон тип.

Эволюция жараёнида вужудга келган барча тирик организмларнинг энг асосий характеристики хусусиятларидан бири – турли хилдаги ташки муҳит таъсиротларига мослашиш ва ички муҳит доимийлигини саклаш қобилияти ҳисобланади. Худди шу нуқтаи назардан қараганда ҳаёт доимий мослашув, адаптация, организмдаги барча ўзгаришлар эса мослашув ўзгаришларидир.

Ички муҳитнинг доимийлиги организм эркин ҳаётининг шарти ҳисобланади. Масалан, организм жуда паст ёки жуда юкори ҳароратли шароитда сакланган билан тана ҳарорати анча вактгача ўзгармасдан туради. Факат мазкур омилнинг узоқ муддатлар давомидаги узлуксиз таъсиридан терморегуляция механизmlари бузилади, яъни ҳарорат доимийлиги ўзгаради.

Адаптация қобилиятининг пасайиши ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини пасайтиради, озиқа сарфи ва ветеринария тадбирлари учун ҳаражатларни оширади. Агар мослашув реакциялари бўлмагандага эди, организм ҳатто ташки муҳитнинг энг кичик ўзгаришларига ҳам бардош бераолмаган бўлар эди. Аммо ҳайвоннинг неча асрлар давомида шаклланган табиий ва физиологик хусусияти ташки муҳит таъсиротлари (шароитлари) ва чорвачилик юритиш технологияси каби тез ўзгариш имкониятига эга эмас. Шунинг учун организмнинг биологик табиати ва физиологик имкониятлари билан ташки муҳит ўртасида номутаносиблик юзага келади ва стресс ҳолати пайдо бўлади.

Хозирги пайтда стресс терминида организмнинг ташки муҳитининг заарли таъсиротларига карши курашуви, ҳимояланиши тушунилади.

Замонавий илмий назарияларга кўра стресс тўқима ва органларда нейро-гуморал бошқарилиши жараённинг ишлаши натижасида келиб чиқиб, бунда вегетатив нерв тизими, гипоталамус, гипофиз ва буйрак усти безларининг гормонлари муҳим рол ўйнайди.

Қишлоқ хұжалиғи ҳайвонларининг организміга доимо ташқы мұхитдаги ҳар хил омиллар таъсир этади. Бу омиллар ҳайвон организмінде күчли таъсир этиб орган ва тизимларнинг иш жараёнларининг бузилишига ва заарланишига сабабчи бўлади.

Стресс номахсус реакциялар занжири бўлиб, организмда стрессор сигналы келиб тушганда ривожланади. Г.Селье (1979) ҳайвон тинч турған пайтда ҳам маълум стрессорлар таъсири остида бўлади деган хulosага келди.

## **2 Боб. СТРЕСС РЕАКЦИЯСИННИГ МОХИЯТИ**

Маълумотларга қараганда глицин марказий асаб тизимининг тормозланиш жараёнининг табиий медиатори бўлса, глутамин кислотаси – қўзғалиш медиаторидир. Аевит таркибига кирувчи ретинол ва токоферол антиоксидант бўлиб, хужайра мембранныси баркаорлаштиради (Е.Б.Бурлакова ва бошкалар, 1975), чунки стресс тъсирида мембраннынг липид қавати емирилади. Сантонин эса витамин А баркаорлигини таъминлаш билан стрессор тъсири килаётган организм хужайрасининг мембранныса ижобий тъсири қилаади.

М.Уланованинг ёзишича (1988) организмга тушган “ёт нарса”га организмдаги иммун тизимининг ҳаммаси ишга туширилмасдан, айримлари кураш олиб боради. Ичаклар ва бронхларнинг шиллик пардаларига лимфоид тўқимаси тўпланган қисмлар аниқланган. Бу қисмлардаги лимфоцитлар иммуноглобулинларнинг ҳамма турларини ишлаб чиқаради. Лекин асосан бу ерда иммуноглобулинларнинг А класи ишлаб чиқаради. Бу иммуноглобулин ичакларнинг шиллик пардалари орқали организмга антигенларнинг сўрилишини олдини олади. Агарда ҳар хил сабаблар натижасида антиген шиллиқ парда орқали сўрилиб, қонга тушса, кон томирдаги лимфоид тўқимаси тўпламлари ишлаб чиқарган А-иммуноглобулини уни заарарсизлантириб, жигар орқали ўт суюқлиги таркибида ичакка тушади ва тезак орқали организмдан чиқариб юборади. Стресс тъсирида организмдаги иммун тизимининг шу қисми иши ҳам бузилади.

Тирик организмнинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини ошириш ҳар бир врачнинг вазифасидир. Лекин бу ҳақда табиатнинг ўзи ҳам гамхўрлик қилган. Кейинги текширишлар шуну кўрсатадики, ҳар бир орган ва тўқимада ортиқча бўлган структур элементлари мавжуд. Масалан, қўзнинг харакатини бошқарадиган кўз нервининг нейронлар сони организмда 25 мингта. Лекин шу вазифани бажариш учун 4 минг нейрон кифоя, қолганлари заҳирада туради. Ҳамма орган ва тўқималарда худди шундай. Одатдаги шароитда маълум бир ишни бажариш учун маълум микдордаги хужайралар иштирок этади. Қолганлари “дам” олади, яъни фаол бўлмаган ҳолатда бўлади. Организмга ҳар хил стресслар тъсири қилганда ана шу ортиқча элементлар ишга тушади ва органлардаги кучанишини олдини олиб, ортиқча ишни ўзи бажаради. Шундай килиб стресс пайтида ортиқча иш дам олиб турган хужайралар ҳисобида бажарилади. Бу пайтда

ишилаб турган хужайралар қандай ишилаб турган бўлса, худди ўшандай ишлайди. Стресс ҳолатида ишилаб чиқарилган гормонларга биринчи бўлиб, тезлик билан хужайранинг лизосомлари эътибор беради ва жавоб беради. Натижада лизосомларда мураккаб ўзгаришлар келиб чикиб, улар қисман ҳажмини ва оғирлигини камайтиради, лизосомлар мемранаси билан фагасомлар мемранаси бирикиб кетади ва организмнинг ташки мухит нокулай шароитларига стрессорларга карши туриш қобилияти кучаяди.

В.Каннон 1932 йилда “төмеостаз” – организмнинг ички мувозанати ҳолатини саклаш мақсадида ҳамма физиологик жараёнларни мувофиқлаштириб туради” деган қоидани олдинга суради. Бу билан организмдаги ички мухитнинг доимийлиги сакланади. Клод Бернар (Бернард С., 1945) “Эркин ва мустакил ҳаёт кечириш учун” организмда доимий ички мухитнинг мувозанати сакланиши кераклиги тұғрисидаги тушунчани яратди. Бундан, организмга күчсиз стрессор таъсир этганда келиб чиқадиган ўзгаришлар ички мухит доимийлигининг ўзгариши физиологик ўзгаришлари чегарасида бўлади, деган тушунча келиб чиқади, яъни бунда патологик жараёнлар ривожланмайди.

Стрессорнинг бу томонларини ҳисобга олиб, айрим олимлар “биологик стресс” деган тушунчани қайта кўриб чиқишига киришадилар. Шунинг учун М.Б.Аршавский (1976) Г.Селье ёзган “патологик стрессга” организмда “физиологик стресс” карши туради деб тушунтиради.

Л.Х.Гаркави, Е.Б.Квакина, М.И.Уковалар (1979) “Ҳар қандай ташки таъсирот стрессор бўла олмайди” деган фикрни билдирадилар. Шунга асосан улар организмда қўйидаги адаптацион ҳолатлар шаклланади деган назарияни илгари сурадилар:

1. Күчсиз таъсиротларга жавоб бериш ҳолати.
2. Уртacha кучга эга бўлган таъсиротларга жавоб бериш ҳолати.
3. Ута кучли ва фавқулотдаги таъсирот (стресс) ларга жавоб бериш ҳолати.

Муаллифларнинг фикрича, Г.Селье айнан кучли ва фавқулотдаги таъсиротларга берилган ҳолатларни ёзган.

Күчсиз таъсиротларга организмда “машқ қилиш” ҳолати кузатилади. Бунда берилган таъсиротга караб организмда керакли ўзгаришлар амалга оширилади: марказий асаб тизимишин сезувчи нервларида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кузатилади.

Уртacha кучга эга бўлган таъсиротларга организмда “фаоллашиш (активлашиш) ҳолати ривожланади. Бу ҳолатда “бирламчи

фаолланиш” ва “доимий фаоллашиш” даврлари кузатилади. Булар натижасида организмда резистентлик ошади, аминокислоталар ва оқсиллар түпланади.

Эволюцион жараёнида вужудга келган барча тирик организмларнинг энг асосий характерли хусусиятларидан бири – турли хилдаги ташки мухит таъсиротларга мослашиш ва ички мухит доимийлигини саклаш қобилияти хисобланади. Худди шу нұктай назардан қараганда ҳаёт доимий мослашув, адаптация, организмдаги барча үзгаришлар эса мослашув үзгаришлардир.

Шунинг учун ҳам И.М.Сеченов таърифлаганидек, “Ҳаёт – ташки мухит шароитларига мослашувидан иборат”. Ташки мухит таъсиротларни сезиш билан бирга организм доимо ички мухитнинг нисбий динамик доимийлигини таъминловчи мувозанатта (гомеостазга) интилади. 1878 йилда ёк Клод Бернар таърифлаганидек “Ички мухитнинг доимийлиги организм эркин ҳаётининг шарти” хисобланади. Масалан, организм жуда паст ёки жуда юкори ҳароратли шароитда сақланған билан тана ҳарорати анча вақтгача үзгартылған туради. Фақат мазкур омилнинг узок муддатлар давомидаги узлуксиз таъсиридан терморегуляция механизмлари бузилади, яъни ҳарорат доимийлиги үзгариади.

Ички мухитнинг доимийлиги ҳам организм эркин ҳаётининг шарти хисобланади. Масалан, организм жуда паст ёки жуда юкори ҳароратли шароитда сақланған билан, тана ҳарорати анча вақтгача үзгартылған туради. Чунки ташки мухит ҳарорати үзгарса ҳам, ички мухитнинг адаптация механизмлари ишга тушиб, ортиқча энергияни ташқарига чиқарилиши натижасида тана ҳарорати үзгартылади.

Адаптация қобилиятининг пасайиши ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини пасайтиради, озиқа сарфи ва ветеринария табдирлари учун ҳаражатларни оширади. Агар мослашув реакциялари бўлмаганда эди, организм ҳатто ташки мухитнинг энг кичик үзгаришларига ҳам бардош бераолмаган бўлар эди. Аммо ҳайвоннинг неча асрлар давомида шаклланган табиий ва физиологик хусусияти ташки мухит таъсиротлари (шароитлари) ва чорвачилик юритиш технологияси каби тез үзгариш имкониятига эга эмас. Шунинг учун организмнинг биологик табиати ва физиологик имкониятлари билан ташки мухит ўртасида номутаносиблик юзага келади ва стресс ҳолати пайдо бўлади.

Шундай қилиб стресс терминини биринчи марта В.Каннон 1914 йилда қўллаган ва организмни меъёрдан ортиқ кучаниш билан ишлашига мажбур қиласиган турли хил табиатга эга бўлган психик ва

соматик құзғатувчиларни стресс деб атаган. Г.Селье (1936, 1954) стресс ҳолатининг ривожланиш босқичларини, организмда келиб чикадиган үзгаришларни аниқлаган ва талкин күлгән, стресс ҳолатини көлтириб чыкарувчи омилларни стрессорлар деб атаган. Г.Селье үз текширишлари асосида генерализациялашган адаптация синдроми деган назариясини яратган.

Канадалик олим Ганс Селье (1936) стрессга “биологик тизимдаги барча номахсус чақириладиган үзгаришларни үз ичига олувлы номахсус синдром құрнишида намоён бұлувчи ҳолат” деб таъриф берган. Организмда бир хилдаги жавоб реакцияларини көлтириб чыкарувчи омилларга – стресс омиллар ёки стрессорлар деб аталади. Ҳозирги пайтда стрессга “Организмнинг түрли хил табиатта әга бұлған күчли (фавқулодда, экстремал) таъсиротлар таъсирига умумий жавоб реакцияларининг үйіндисі” деб таъриф берилади ва стресс терминида организмнинг ташки мұхитнинг заарлы таъсиротларига қарши курашувы, химояланиши тушунилади.

Замонавий илмий назарияларга күра стресс пайтада тұқима ва органларда нейрогуморал бошқарылыш жараённининг ишлаши натижасыда келиб чикадиган адаптация жараёнлари катта ақамиятта әга, бунда вегетатив асад тизими, гипоталамус, гипофиз ва буйрак усти безларининг гормонлари мұхит роль үйнайды.

Кишлоқ құжалиғи ҳайвонларининг организмiga доимо ташки мұхитдаги қар хил стресс омиллари таъсир этади. Бу омиллар ҳайвон организмiga күчли таъсир этиб, орган ва тизимларнинг иш жараёнларининг бузилишига ва заарланишига сабабчи бұлади.

Стресс – номахсус реакциялар занжири бўлиб, организмда стрессор сигнали келиб тушганда ривожланади. Г.Селье (1979) ҳайвон тинч турған пайтда ҳам ички стрессорлар таъсири остида бўлади деган хуносага келди.

Г.Селье организмнинг ташки мұхит таъсиротларининг таъсирига жавоб реакциясini уч босқичта бўлади. Биринчи босқич – сафарбарлик (мобилизация) босқичи (құзғалиш реакцияси) – бу босқичда организмда қар қандай ҳолатта ва күчли функционал вазифаларни бажаришга тайёр турадиган үзгаришлар келиб чиқадик, қисқа муддат давом этади ва бу лимфа тизимида инвалиюцион жараёнларнинг вужудга келиши, мускул тонуси, тана ҳарорати ва кон босимининг пасайиши, яллиғланиш ва некротик жараёнларнинг ривожланиши, буйрак усти безлари секретор гранулаларининг йўқолиши билан характерланади. Бу пайтда буйрак усти безининг гормони ҳисобланган адреналин зўр бериб ажрала бошлайди ва

бунинг таъсирида организмнинг энергия ресурслари сафарбар этилади. Конда лимфопения, эозинопения ва полиморфядроли лейкоцитоз кузатилади. Бу боскичда ташки мухитнинг салбий омилларига қарши турувчи ҳимоя механизмларининг умумий сафарбарлиги вужудга келади. Организмда тўқималардаги органик моддаларнинг парчаланиш жараёнлари (катаболизм) кучаяди, диссимилияция жараёнларининг устун келиши оқибатида ореклаш, сут ва тухум маҳсулдорликларининг пасайиши кузатилади, салбий азот баланси вужудга келади. Ушбу боскич қоннинг қисман қуюқлашуви, қон томирлар девори ўтказувчанлигининг ошиши, ошқозон-ичак канали шиллик қаватида қон қуолишларининг пайдо бўлиши ва яра ҳосил бўлиши билан намоён бўлади. Кўзгалиш реакцияси 6-48 соат давом этади. Агар стрессор таъсири жуда кучли бўлса ҳайвон бир неча соат ёки бир неча кун ичida нобуд бўлиши мумкин.

Иккинчи боскич – резистентлик (адаптация) боскичи ҳисобланиб, стрессор таъсири давом этган ҳолларда ривожланади ва буйрак усти безларининг катталашуви, улар функцияларининг кучайиши, организмнинг умумий ва маҳсус резистентлигининг ошиши билан характерланади. Бу боскичда модда алмашинуви ўз меърига қайтади, стрессор таъсирининг бошида юз берган салбий ўзгаришлар йўколади, қон суюқлашади, ок қон танаачалари ва кортикостероид гормонларининг миқдорлари меъёрга келади, модда алмашинуви анаболик тус олади, яъни синтезланиш жараёнларининг устунлиги юзага келади, ҳайвонларнинг тана вазни ва маҳсулдорлиги тикланади, организмнинг бошқа таъсиrottларга чидамлилиги ошади. Бу боскич бир неча соатдан бир неча кун ва ҳатто бир неча хафтагача давом этади. Агар стрессор таъсири тўхтаса, организм унинг нокурай оқибатларига қарши курашиб улгурган бўлса, стресснинг ривожланиши резистентлик боскичи билан тугалланади.

Учинчи боскич – кучизланиш боскичи, стресс-омилларнинг организмга таъсири давом этаётган ва буйрак усти безлари ҳамда организмдаги бошқа тизимларнинг адаптация фаолияти тўхтаган пайларда юз беради. Лимбоцитоз ва эозинофилия кузатилади, қон босими, тана ҳарорати ва глюкоза заҳиралари пасаяди, кондаги сут кислотаси ва аминокислоталар миқдорлари кўпаяди, капиллярлар ўтказувчанлиги ошади, модда алмашинуви бузилади. Кузатилаётган белгилар кўп жиҳатдан бошланғич кўзғалиш реакциясини эслатсада, бу боскичида улар жуда кучаяди ва турли хилдаги дистрофик жараёнларга олиб келади. Ошқозон-ичак каналида қон қуйилишлар ва яралар пайдо бўлади, синтезланиш жараёнлари катаболизм ҳолатлари

билин алмашади, организм тұқымалари ва деполаридаги оксиллар ва ёғларнинг парчаланиши вужудга келади. Ҳайвоннинг маҳсулдорлиги ва тирик вазни бирданига камаяди. Бунда буйрак усти безининг пұстлоқ қавати батамом атрофияга учрайди, организмнинг маҳсус ва номаҳсус резистентликлари пасаяди ва ҳайвон ҳалок бұлади.

Организмдаги адаптацион үзгаришларнинг биологик аҳамияти жуда катта. Бу – эңг аввало, гомеостазнинг доимийлігини таъминлашга қаратылған механизмлар фаолиятининг кучайиши билан белгиланади. Мослашув реакциялари организмнинг ҳаётій функцияларини, унинг ташқи мухит шароитлари үзгаришларига мослашишини амалга ошириш ва барча физиологик тизимларнинг үзаро мувофиқлашган ҳолда фаолият күрсатишини таъминлаш мақсадида қайта қуришга қаратылған бұлади. Адаптация қобилияты паст бұлған пайтда ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги пасаяди, озика ва ветеринария табдирлари учун сарф ҳаражатлар ошади.

Ҳайвоннинг асрлар давомида шаклланған табиати ва физиологик хусусияти ташқи мухит шароитлари ва чорвачилик юритиш технологиясыда юз берадиган үзгаришларга үхшаб тезлик билан үзгариш имкониятiga эга змас. Шунинг учун ҳам организмнинг биологик табиати унинг физиологик имкониятлари ва ташқи мухит үртасидаги номутаносиблик пайдо булишига ва стресс ҳолати юз беришига олиб келади.

Турли хилдаги ташқи мухит таъсиротларининг организмға таъсири ва унда адаптация реакцияларининг ривожланиши гипоталамо-гипофиз-адренал ва гипоталамо – симпато – адренал тизимлари орқали ҳамма катехоламинлар иштироқида амалга ошадиган умумий механизм бүйіча ривожланади. Биологик актив катехоламинларга адреналин (буйрак усти безлари мағиз қаватининг асосий гормони), норадреналин (адреналинга айланувчи асосий модда, адреналинга үхшаб буйрак усти безлари мағиз қавати секреци ҳамда марказий ва симпатик нерв тизимларининг медиатори функциясини бажаради), дофамен (биосинтез занжирида норадреналинга айланувчи асосий модда) киради.

Адреналин, норадреналин юрак қон-томир тизимиға таъсири күрсатади. Катехоламинлар таъсирида жигар ва мускуллардаги гликогеннинг конга үтиши ҳисобига қондаги қанд миқдори ошади. Уларнинг ёғлар алмашинувига таъсиридан ёғ деполаридаги ёғларнинг ишлатилиши кучаяди, қондаги ёғ кислоталари миқдори күпаяди. Адреналин адренокортикотроп гормонлар синтезини кучайтира, кортикостероидлар АКТГ синтезини тормозлайди.

Кортикостероидлар организмнинг очликка, юқори ва паст ҳароратта, жисмоний зўрикишга, лат ейишлар, инфекция ва бошқа стрессорларга нисбатан карши туриш қобилиятини таъминлайди (С.И.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1987).

Адаптация реакцияси организмнинг мувозанат ҳолатидан турли хилдаги оғишлари ва организм стабиллигининг бузилишлари билан намоён бўлади. Агар стрессорлар таъсири ўта кучли ва давомли бўлса адаптация жараёнида касалликлар келиб чиқади. Бундай касалликларга адаптация касалликлари ёки етишмаслик касалликлари деб аталади.

Л.Х.Гаркови, Е.Б.Квашкина, М.А.Укововаларнинг (1979) фикрича адаптация реакциясининг хусусияти таъсиротчи таъсирининг кучи (дозаси) билан белгиланади ва бунда уч хилдаги реакция ривожланиши мумкин: кучсиз таъсиротга қарши, ўрта даражадаги таъсиротга қарши, кучли, фавқулодда таъсиротга қарши. Муаллифларнинг фикрича, мослашув реакцияси факат кучли таъсиротлар пайтида пайдо бўлиши мумкин. Маълумки, стресс пайтида ҳимоя элементлари билан бир каторда жароҳат элементлари ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам фақат кучли таъсиротга нисбатан пайдо бўлган реакция стресс ҳисобланади. Кучсиз таъсироттга нисбатан организм “машқ килиш реакцияси” деб аталадиган умумий номахус адаптацион реакция билан жавоб беради. Ўрта даражадаги таъсиротчига нисбатан – “активация реакцияси” билан жавоб беради ва бу реакция организм ҳимоя тизими фаоллигининг кўтарилиши билан характерланади.

Кўпгина касалликлар маълум даражада организм резистентлигининг пасайиши билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун “активация реакцияси”дан ҳайвонлардаги кўпгина касалликларни даволашда фойдаланиш мумкин. Масалан, узокдан, бошқа табиий-климатик шароитлардан ташиб келтириш пайтларида организм чидамлилигини қиска муддат ичida ошириш учун ҳам худди шу реакциядан фойдаланиш мумкин.

Бўғоз ҳайвонларга стрессорлар таъсир этганда, жавоб реакцияси аввал она организмида, кейин эмбрион организмидаги рўй беради ва органлар ишининг бузилишига олиб келади. Бунда эмбрионнинг гипоталамусида ишлаб чиқариладиган кортиколиберин асосий роль ўйнайди. Она организмига таъсир этган стрессор, кон томирларининг қисилишига олиб келади. Бу пайтда эмбрионни қон билан таъминлайдиган қон томирлари ҳам қисилади, эмбрионга кам қон ва кислород келиши натижасида гипоксия ривожланади. Ана шу

таъсиротларга жавоб тарикасида эмбрион гипофизи кортиколиберинни ишлаб чиқаради ва бу муаммони ҳал килади (Р.Майрс, 1979).

Стрессор таъсирида организмда кўплаб ишлаб чиқарилган адреналин ва норадреналин қонга тушиб, қон томирлари оркали организмга таркалади ва биринчи бўлиб қон томир девори билан муносабатда бўлгани учун, ўз таъсирини кўрсатиши натижасида қон томирлари кисилади. Қон томирларининг кисилиши ўз навбатида органларнинг кон билан таъминланишини камайишига, вазифаларининг бузилишига олиб келади (М.Шуба, 1983).

Кортиколиберин адренокортикотроп гормонларининг ишлаб чиқарилишини кучайтиради, симпатик нерв тизими ишини фаоллаштиради, гипергликемияни келтириб чиқаради, қон басимини оширади ва ҳайвоннинг умумий ҳолатининг яхшиланишига олиб келади (Б.Бчиттон, 1983).

Ташки мухит омиллари ҳайвон тугилган вақтдан таъсир этишни бошлади. Шунинг учун ҳар бир ҳайвон организмининг ташки мухит ўзгаришларига мослашиши кўп киррали ва ўзига хос ҳолда кечади. Бунда биринчи ўринда морфолого-физиологик ва генетик адаптация туради.

Морфолого-физиологик адаптацияда организмда стрессор таъсирида морфологик, физиологик ва биохимик ўзгаришлар келиб чиқади. Бу ўзгаришлар ҳайвоннинг психикаси ва хулқининг ўзгаришига сабабчи бўлади. Генетик адаптация ирсий механизmlар натижасида ҳайвон организми стрессор таъсирига мослашади. Ҳайвонлар организмининг ташки мухитга мослашишини асаб ва гормонал тизимлар бошқаради.

Асаб тизими рецепторлари ҳар кандай таъсиротни тезлик билан марказий асаб марказларига етказади ва ташки мухит нокулай шароитларига мослашиш механизмларини ишга солади.

Эндокрин безлари ўзлари ишлаб чиқкан гормонлари ёрдамида ҳайвонларда модда алмашиниши жараёларини бошқариш оркали стрессорга жавоб реакциясини таъминлади. Эндокрин безлари ишини ҳам симпатик ва парасимпатик нервлари бошқаради. Бунда гипоталамус ва гипофиз бевосита иштирок этади. Одатдаги ташки мухит таъсиротларида ва шароитларида организмда модда алмашиниши кечиши бир хил даражада бўлади ва мейёрдаги гормонлар ишлаб чиқарилиб туради. Стресс таъсирида гормонлар ишлаб чиқарилиши тезлашади ва натижада организмнинг барча химоя воситалари бу ишга сафарбар этилади. Ҳар кандай шароитда

хам ҳайвонлар ички мухити (гомеостаз) бир хилда сақланади. Лекин бунинг ҳам чегараси бор. Агарда стрессор кучли бўлса, организмдаги қушимча имконият ва кучлар бу нокулай таъсиротни бартараф этишга жалб қилинади. Агарда стрессор кучи паст ва таъсир вақти қисқа бўлса, организм зўрикмасдан, одатдаги ҳимоя воситалари билан унга карши туро олади ва уни бартараф этади. Бундай ҳолат стресс хисобланмайди ва мослашувга (адаптацияга) киради. Кучли стрессор таъсирида организмда стресс ҳолати ривожланса, барча тизимларнинг мувофиқлашган ҳолда ишлаш жараёнлари бузилади, марказий асаб тизимининг глюкозани ишлатиши кучаяди, оксильтан глюкоза синтез қилиниши бошланади.

Стрессор таъсири пайтида углевод алмашинувини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки бу пайтда кўпгина органлар “углевод” озиқланишидан “мой” озиқланишига ўгади ва организмдаги барча углеводларни миянинг нормал ишлаши учун асрайди (Л.Е.Панин, 1975). Бу соҳада глюконеогенезда қуйидаги 3 та фермент асосий роль ўйнайди: фосфоэнолпируваткарбоксилкиназа, фруктоза-1, 6-дифозфатаза ва глюкоза -6-фосфотаза.

Стрессор таъсири пайтида жигарда фосфоэнолпируваткарбоксилкиназа ферменти активлиги ошган бўлса, буйракда ҳам фосфоэнолпируваткарбоксилкиназа ва фруктоза-1, 6-дисфосфатаза активликлари ошади. Бу маълумотлар глюконеогенезда асосий ўринни фосфоэнолпируваткарбоксилкиназа ферменти тутишини кўрсатади (Ю.С.Нечаев, 1977).

Интернет маълумотларида ёзилишича стресс пайтида кучли кўзғатувчи, қитиқловчи сигналларни рецепторлар ёки асаб охиридаги тутунлар қабул қилиб гипоталамусга ўтказади. Гипоталамус асаб ва эндокрин тизими ишини бошқарадиган орган. Стресс таъсирига жавобан гипоталамус махсус модда- кортикостерон-релизингни (инглизчадан – қуювчи, жалб этувчи деган маънени англатади), ишлаб чикаради ва конга тушади. Бу модда организмдаги эндокрин тизимини бошқарадиган гипофизга боради ва бунга жавобан гипофиздан конга кўп миқдорда адренокортикотропин гормонлари ишлаб чикарилади. Бу гормонлар буйрак усти безига таъсир килиши натижасида унинг пўстлок қисмидан кўп миқдорда норадреналин, магиз қисмидан катехоламин гормонлари: дофамин, норадреналин ва адреналин ишлаб чиқилади.

А.Н.Шпак ва Е.А.Корочкинанинг маълумотига кўра (2012) етарли даражадаги кучга эга бўлган стрессор узок муддатга таъсир этса организмдаги адренокортикал тизими ишини кучайтиради

(А.А.Виру, 1977). Бундай стресс таъсир этганда қондаги кортикостерон миқдори 5 дақиқадан кейин меъёрга нисбатан кўпаяди, 30 дақиқадан кейин энг юқори кўрсаткичда бўлади ва 3 соат давомида шундай сақланади (П.К.Кирге, 1978). Эмоционал (шодлик ёки ғазаб ҳисси) стрессда ҳам адренокартикал фаоллиги ошган (Э.Ф.Каренская, 1967; Н.Лавина ва бошқалар, 1999; A.Crabbe, A.Rondel, E.Mach, 1956 S.R.Hill, F.C.Goetz, M.M.Fox et el, 1956). Гипоксия пайтида қонда кортизол миқдори кўпайган (R.Lecklerod, L.R.Poortmans, 1976; L.R.Sutton, 1977). Бу стрессорлар таъсирида гипофизар-адренокартикал тизим иши аввал кучаяди, кейинчалик пасаяди (А.А.Виру, П.К.Кирге, 1983; Р.Бутерд, М. Нетри, 1961) бу тизим гормонларни ишлаб чиқаришни тұхтатади. Бу пайтда стрессорга қарши туриш ишлари хужайраларда амалга оширилади (А.А.Виру, 1979).

Муалифлар стресснинг гипофизар-адренокартикал тизимга кўрсатадиган салбий таъсиротларини камайтиришда гемобаланс препаратини ва абдоминал декомпресс усулини корин бўшлиги органлари атрофига бериладиган ташқи босимни камайтиришни тавсия этадилар. Абдоминал декомпресс усули қўлланилганда периферик кон томирларининг торайиши (спазми) олди олинади, кон таркибидаги патологик ўзгаришга учраган эритроцитларни, эндо- ва экзотоксингиларни ушлаб қолиш ва чиқариш таъминланади, организмдаги ҳаёттй зарур органларда гипоксиянинг келиб чиқиши олди олинади (А.Н.Шпак, Е.А.Корочкина, 2012).

Тиббиётда зўриқиши, кўркув, безовталаниш ва бошқа симптомлар билан намоён бўладиган невротик ўзгаришлар пайтида психотроп воситалар қўлланилади. Ветеринария амалиётида эса стресс ҳолатлар пайтида ҳайвонларнинг зўриқиши, кўркуви ва безовталанишларини йўқотиш учун психоседатив таъсирига эга бўлган моддалардан нейролептиклар, транквилизаторлар ва седатив дорилар қўлланилади.

Нейролептиклар тинчлантирувчи хусусиятга эга. Транквилизаторлар умумий тинчлантирувчи дорилар ҳисобланиб, эффектив реакцияларни бартараф этади, қўзғалиш, безовталаниш ва ҳаракат фаоллигини пасайтиради. Седатив воситалар бош миядан чиқувчи ретикуляр формациясига таъсир этади, норадрэнергик рецепторларни камал қилиб, асаб импульсларининг маҳсус афферент толалари коллатералларидан ретикуляр формация нейронларига берилишига тўскинлик қиласи.

Нейролептик дорилар күйидаги гурухларга бўлинади: фенотиазин бирикмалари (аминазин, метаразин, этеперазин, трифтазин, фторфеназин); тиоксантен бирикмалари (хлорпротиксин); бугироферон бирикмалари (галоперидол) (И.В.Мозгов, 1989).

Психотроп воситалар күйидагича тавсифланади: транквилизаторлар (седатив моддалар), нейролоптиклар (“катта транквилизаторлар”, антипсихотроп моддалар), антидепрессантлар, психостимуляторлар, психодислептиклар.

Транквилизаторларни муаллифлар бензодиазон бирикмалари (хлордиазеноксид, диазепам, оксазепам), пронандиол бирикмалари (мепротен), дифенилметан бирикмалари (амизил)га бўладилар.

Gans Seliye биринчи марта стресс тўғрисида 1936 йил 4 июлда “Nature” журналида босилиб чиқкан кичкина маколасида ёзган эди. Хозирги кунда инсон ва ҳайвонлар орасида стресс таъсирида келиб чиқадиган касалликлар асримизнинг энг катта муаммоларидан бирига айланди. Инсонлар орасида стрессор таъсирида ривожланадиган гипертония ва юрак касалликлари катта фойизни ташкил этади.

Г.Селье умумий адаптацион синдромдан ташкири яллиғланиш билан намоён бўлувчи маҳаллий адаптацион синдромнинг ҳам рўй беришини аниклаган. Олимларнинг таъкидлашича, умумий адаптацион синдромнинг ривожланишида ўзаро алмашиниб турувчи кўйидаги З боскич фарқланади: кўзғалиш, резистентлик ва толикиш боскичлари. Ушбу боскичларнинг амалга ошиш интенсивлиги энг биринчи навбатда гипоталамус, гипофиз ва буйрак усти бези пўстлоғининг функциясига боғлик бўлади.

Бунда адренокортикон гормони, кортикотропин – релизинг гормони ва кортизоллар ишлаб чиқилишининг фаоллашиши натижасида конда катехоламиналар (адреналин ва норадреналин) миқдорининг ошиши ва стресс механизмининг таъминланиши амалга ошади.

Кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича стрессдаги умумий адаптацион синдромнинг вужудга келишида гипоталамус, гипофиз ва қалқонсимон без тизими ҳам муҳим роль ўйнайди. Хусусан, стрессор таъсирида гипоталамусда ҳосил бўлган тиреотроп – релизинг гормонининг гипофизга таъсири натижасида тироид стимулловчи гормони ҳосил бўлади. Бу гормон таъсирида қалқонсимон безда трийодтрионинг ва тетрийодтрионин гормонлари синтезланади ва бу гормонлар миқдорининг ошиб кетиши, ўз навбатида, гипофиз фаолиятини фаоллаштиради.

Демак, стресс механизмининг амалга ошишида нафақат гипоталамус – гипофиз – буйрак усти бези пўстлоги тизими, балки гипоталамус – гипофиз қалконсимон без тизими ҳам фаол иштирок этади. Бу эса ўз навбатида маҳсулдор ҳайвонларда стресснинг олдини олиш ҳамда унинг натижасида пайдо бўладиган турли хилдаги касалликларни бартараф этишда қалконсимон безлари фаолиятини ўрганишга каратилган чукур илмий тадқиқотлар ўтказилишининг зарурлигини тақозо этади.

Чорвачиликда ҳам жуда кўп стресс омиллари ҳайвон организмига таъсир этади, уларнинг организмида мураккаб ва чукур ўзгаришларни келтириб чикаради, ҳайвонларнинг маҳсулорлигини пасайишига ва ҳам хил касалликларнинг ривожланишига сабабчи бўлади. Шунинг учун чорвачиликда стресс ҳолатини келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва уларни олдини олиш ёки таъсирини пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятта эга. Ҳайвонларга кўпинча чорвачилик биноларига месъридан кўп бош сонини сақлаш, кишлоқ хўжалик ва чорвачилик машиналарнинг кучли шовкини, ўтказиладиган зоотехния ва ветеринария чора-тадбирлари (ёш ҳайвонларни онасидан ажратиш, янги гурухлар тузиш, янги бинога кўчириш, автотранспортда ташиш, тарозида тирик вазнини ўлчаш, бонитировка қилиш, қон олиш, эмлаш ишларини ўтказиш, ахта қилиш, сунъий кочириш, уруғ олиш, чўмилтириш, жунини қиркиш ва ҳоказолар), озиқлантириш ва сақлаш режимларининг доимий равишда бузилиши ва бошка омиллар стрессор сифатида таъсир этади. Шунинг учун чорвадорлар ва ветеринария ходимлари бу омилларни доимий равишда эсда саклашлари ва уни олдини олиш ёки салбий таъсир кучини пасайтириш чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Агарда таъсирот чегарадан чиқса, организмдаги қўшимча имконият ва кучлар бу нокулай таъсиротни бартараф этишга жалб қилинади. Агарда нокулай таъсирот кучи паст ва таъсир вақти қисқа бўлса, организм зўрикмасдан одатдаги химоя воситалари билан унга карши тура олади ва уни бартараф этади. Бундай ҳолат стресс ҳисобланмайди ва мослашувга киради. Стресс таъсирида организмдаги барча тизимларнинг мувофиқлашган ҳолда ишлаш жараёнлари бузилади. Бу икки ҳолатда ҳам асаб ва эндокрин тизимлари ишга тушади. Стрессга қарши организм химоя ва тикланиш воситаларини ишга солади (стресс инглизча сўз бўлиб, кучаниш деган маънони билдиради). Шу ҳолатни келтириб чиқарувчи омилларга стрессорлар дейилади.

Одатда стрессор ҳайвонларнинг айрим тўқима ёки органларига таъсир этади. Агарда таъсир этаётган стрессор кучи паст бўлса фақатгина ўша жойда химоя реакциялари ривожланади ва шу чегарада тикланиш жараёнлари амалга оширилади. Агарда стрессор таъсири кучли бўлса умумий организмда реакциялар ривожланади ва умумий адаптацион синдром келиб чикади.

Стрессор таъсир этганда органларнинг нормал ҳолатини тиклаш учун энергия сарфланиши кучаяди ва бунда марказий асаб тизимининг хизмати катта.

Сезги органлардан марказий асаб тизимиға стресс омил таъсири тўғрисида хабар келади. Бош мия бу хабарни олгач учта тизимни: соматомотор, висцеромотор ва эндокрин тизимларини ишга солади ва қон тақсимланиши ўзгаради: мияга ва скелет мускулларига кўп қон юборилса, бошқа органларга кам микдорда қон юборилади (буйрак, жигар, тери) (Sepa.M. 1970).

Ҳайвонлар сакланадиган бинолардаги микроиклим кўрсатгичларининг меъёрга нисбатан ўзгариши ҳам сигирлар организмиға стресс сифатида таъсир этади. Буларга бино ҳарорати, намлиги, хаво таркибидаги газлар ва чанглар, микроблар, замбурууглар, гельминтлар ёки уларнинг тухумлари, заҳарли газлар киради. Бинодаги ҳарорат ҳайвон организмида кечётган модда алмашинуви жараёнларининг кечишига тескари боғликларда бўлади – ташки ҳарорат қанча пасайса модда алмашинуви шунчак кўтарилади ва тескариси: ташки ҳарорат қанча баланд бўлса модда алмашинуви шунчак пасаяди. Бинодаги ҳарорат меъёр даражасида ( $12-18^{\circ}\text{C}$ ) бўлса, ҳайвон организмида кечётган модда алмашинуви маҳсулотлари сут, гўшт ҳосил бўлишига сарфланса, ҳароратнинг пасайиши ёки кўтарилиши пайтида модда алмашинуви маҳсулотлари тана ҳароратини меъёр даражасида саклашга сарфланади.

Ҳайвон организмида иссиқлик тўқималарда кечадиган оксидланиш жараёнлари, ҳазм органларидағи озиқаларнинг ферментатив парчаланиши ҳамда мускуллар фаолияти натижасида ҳосил бўлади. Бундан ташқари, ҳосил бўладиган иссиқлик микдори ҳайвонларнинг зоти, озиқлантириш тури, яшаш жойининг табиий-иклим шароити хусусиятларига ҳам боғлик. Ҳар бир ҳайвон тури ва ёшининг минимал энергия микдорини сарфлаб, меъёрдаги тана ҳароратни сақлаб туриш учун маълум ҳарорат чегаралари мавжуд. Бунга индефферент, комфорт (кулай) ёки нейтрал ҳарорат дейилади.

Соматомотор рефлекслар оркали мускуллар тонуси ўзгаради. Висцеромотор рефлекслари оркали вегетатив марказлар (симпатик ва

парасимпатик) иши фаоллашади. Бунинг натижасида кон томирлардаги мускуллар тонуси ўзгаради, кон босими кўтарилади, юрак кискариши тезлашади. Симпатик нерв тизими ишининг кучайиши натижасида буйрак усти безларидан адреналин ва норадреналин кўп ишлаб чиқарилади. Адреналин биринчи навбатда жигардаги глюкоза захирасини жалб қиласи ва энергия билан таъминлашни амалга оширади, мой тўқимасидаги эркин мой кислоталарини конга чиқаради. Жалб этилган глюкоза марказий асаб тизими энергиясига сарфланса, мой кислоталари миокард энергияси учун ишлатилади. Адреналин ва норадреналин фақатгина буйрак усти безида эмас, балки асаб учларида ҳам ҳосил бўлади. асаб учларида ҳосил бўлган адреналин ва норадреналин чегараланган худудларда самарали сарфланади (ҳосил бўлган чегарада) ва тананинг бошқа жойидаги органлар ишининг ўзгаришига олиб келмайди (Selye.H. 1956).

Стрессор таъсири этган пайтда гипоталамус фаолияти фаоллашади ва антидиуретин гормонини (ADT) ишлаб чиқаради. Натижада буйрак каналчаларида сувнинг организмга қайта сўрилиши кучайиши хисобига ички сув миқдори меъёрда сакланиб қолади.

Стрессор таъсири даврида марказий асаб тизими энергия сифатида глюкозани ишлатади. Шунинг учун глюкозанинг захираси тезда тугайди. Унинг ўрнини қоплаш учун организмдан оксиддан глюкоза синтез килиш ҳимоя линияси ишга туширилади ва гипофизда бу жараённи тартибга солувчи гормонлар ишлаб чиқарилади.

Буйрак усти безидан ишлаб чиқарилган кортикоид гормонларидан глюкокортикоидлар қондаги глюкоза миқдорини кўпайтиради ва яллигланишни олдини олади. (кортикостерон, кортизон, кортизол) Минералокортикоидлар организмда минерал моддалар ва сув алмашинишни бошқаради; улар натрийни организмда сакланиб колиши ва калийни организмдан чикиб кетишини таъминлайди, яллигланиш жараёнини тезлаштиради (альдостерон, дезоксикортикоистерон) (Holub.A. 1969).

Стрессор таъсирида жинсий безлар буришади ва ўз фаоллигини ўқотади. Натижада бу пайтда тухум ҳужайралари етишиб чиқмайди, ҳайвоннинг кўйга келиш белгилари билинмайди ва урғочи ҳайвонлар бўғоз бўлмайди.

Стресс таъсири даврида кўп миқдорда ажralиб чиқадиган норадреналин капилляр кон томирларнинг кучли кискаришига олиб келади. Урғочи ҳайвонлар елинида 1 литр сут ҳосил бўлиши учун унинг кон томирларидан 300-400 литр қон ўтиши зарур. Елиндаги

капиллярлар қисқарганда, елиндан қон кам микдорда ўтади ва ҳайвонларда сут маҳсулдорлиги камаяди.

К.Бланстернинг аниқлашича (1958), сигирлар оч қолганда +13°C ҳам стрессор сифатида таъсир килади, агарда озиклантириш даражаси меъерда бўлса – 28° С стрессор сифатида таъсир килади.

Инсонлар томонидан сунъий яратилган шовқинлар энг кенг тарқалган стрессорлардан ҳисобланади. Шовқин деб, ҳайвон организмига заарли таъсир кўрсатувчи, ҳайвонларда кўркув ва безовталаниш келтириб чиқарувчи товушларга айтилади. Ҳайвонлар товушларни жуда яхши эшигади ва ҳар бир товушга жавоб беради. Бундай шовқинлар ҳар қандай молхонада мавжуд (тракторлар, автомобиллар, чорвачилик механизмлари шовқинлари). Бу шовқинлар кўпинча кучли ва узоқ давом этади. Ана шу пайтда шовқинлар ҳайвонларга стрессорлар сифатида таъсир этади. Бунда ҳайвонларнинг умумий ҳолати ёмонлашади, органлар иши бузилади, резистентлиги пасаяди ва окибатда маҳсулдорлиги камаяди. Шовқинларга айниқса корамол ва отлар чидамсиз бўлади (Ж.Олбрайт 1966, А.Курдяев 1962, Э.Надаляк 1954).

Стресс таъсирида организмда адренокортикотроп гормонларидан ташкари адренокортикотропга ўхшаш кўпигина пептидлар ҳам ажратилади. Улар турли стрессорлар хусусиятига караб ҳар хил бўлади. Ундан ташкари, адреногипофизар гормонларидан пролактин, тиреотроп ва гонадотроп гормонлари ҳамда вазопрессин ва окситотсин чиқарилади. Шунинг учун стрессор таъсири даврида организмда ривожланадиган номахсус реакцияларида маҳсус ўзига хос гормонлар ишлаб чиқарилади. Бу организмнинг ҳар бир стрессор таъсирига алоҳида жавоб реакциялари ривожланишидан далолат беради ва шу йўл билан гомеостазни бир хил меъерда сақлаб туради (Е.В.Науменко, 1990). Шундай қилиб, стресс ҳайвонларнинг ҳаёти ва маҳсулдорлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатади.

Стресс – номахсус реакциялар занжири бўлиб организмда стрессор сигнали келиб тушганда ривожланади. G.Seliye (1979) ҳайвон тинч турган пайтда ҳам маълум стрессорлар таъсири остида бўлади деган хуносага келди.

Бўғоз ҳайвонларга стрессорлар таъсир этганда жавоб реакциялари аввал она организмида, кейин эмбрион организмида рўй беради ва органлар ишининг бузилишига олиб келади. Бунда эмбрионнинг гипоталамусда ишлаб чиқариладиган кортиколиберин гормони асосий рол ўйнайди. Она организмига таъсир этган стрессор

кон томирларининг қисилишига олиб келади. Бу пайтда эмбрионни кон билан таъминлайдиган кон томирлари ҳам кисилади, эмбрионга кам кон ва кислород келиши натижасида гипоксия ривожланади. Ана шу таъсиrotларга жавоб таъсирида эмбрион гипофизи кортиколиберинни ишлаб чиқаради ва бу муамони ҳал қилади. (Р.Майрс, 1979).

Стрессор таъсирида организмда кўплаб ишлаб чиқарилган адреналин ва норадреналин қонга тушиб, кон томирлари орқали организмга тарқалади ва биринчи бўлиб кон томир девори билан муносабатда бўлади ва ўз таъсирини кўрсатиши натижасида қон томирлари кисилади. Қон томирларининг қисилиши ўз навбатида органларнинг кон билан таъминланишининг камайишига, вазифаларининг бузилишига олиб келади (М.Шуба, 1983).

Кортиколиберин адренокортикотроп гормонларининг ишлаб чиқарилишини кучайтиради, симпатик асаб тизими ишини фаоллаштиради, гипергликемияни келтириб чиқаради, кон босимини оширади ва ҳайвоннинг умумий ҳолатининг яхшиланишига олиб келади (Б.Бчиттон, 1983).

Ташки мухит омиллари ҳайвонлар түғилган вактдан таъсири этишини бошлайди. Шунинг учун ҳар бир ҳайвон организмининг ташки мухит ўзгаришларига мослашиши кўп қиррали ва ўзига хос ҳолда кечади. Бунда биринчи ўринда морфолого-физиологик ва генетик адаптация туради.

Морфолого-физиологик адаптацияда организмда стрессор таъсирида морфологик, физиологик ва биохимик ўзгаришлар келиб чиқади. Бу ўзгаришлар ҳайвоннинг психикаси ва хулкининг ўзгаришига сабабчи бўлади.

Генетик адаптацияда ирсий механизmlар натижасида ҳайвон организми стрессор таъсирига мослашади. Ҳайвонлар организмининг ташки мухитга мослашишини асаб ва гормонал тизимлар бошқаради.

Асаб тизими рецепторлари ҳар қандай таъсиrotни тезлик билан марказий асаб марказларига етказади ва ташки мухит нокулай шароитларига мослашиш механизмларини ишга солади.

Эндокрин безлари ўzlари ишлаб чиқсан гормонлар ёрдамида ҳайвонларда модда алмашиниши жараёнларини бошқариш орқали стрессорга жавоб реакциясини таъминлайди. Эндокрин безлари ишини ҳам симпатик ва парасимпатик нервлари бошқаради. Бунда гипоталамус ва гипофиз бевосита иштирок этади. Одатдаги ташки мухит таъсиrotларида ва шароитларида организмда модда алмашиниши кечиши бир хил миқдорда, доимий равишда гормонлар

ишлиб чикарилиб туради. Стресс таъсирида гормонлар ишлиб чикарилиши тезлашади ва натижада организмнинг барча химоя воситалари бу ишга сафарбар этилади. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳайвонлар ички мухити (гомеостаз) бир хилда сакланади. Лекин бунинг ҳам чегараси бор. Агарда стрессор кучли бўлса, организмдаги қўшимча имконият ва кучлар бу нокулай таъсиротни бартараф этишга жалб қилинади. Агарда стрессор кучи паст ва таъсир вақти қиска бўлса, организм зўрикмасдан, одатдаги химоя воситалари билан унга карши тура олади ва уни бартараф этади. Бундай ҳолат стресс ҳисобланмайди ва мослашувга (адаптацияга) киради. Кучли стрессор таъсирида организмда стресс ҳолати ривожланса, барча тизимларнинг мувофиқлашган ҳолда ишлаш жарайёнлари бузилади, марказий асаб тизимининг глюкозани ишлатиши кучаяди, оқсилдан глюкоза синтез қилиниши бошланади.

Стресс омили организмга узок вақт таъсир қиласа, органлар ишини издан чиқаради, табиий резистентлиги ва касалликларга қарши қобилияти пасаяди ва ҳар хил касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

А.М.Уголев (1991) ўзининг узок йиллар давомида олиб борган текширишларини умумлаштириб, одамлар ва ҳайвонлар ошқозон ичакларидаги бактериялар флораси заарли бўлиб қолмасдан, балки макроорганизм учун зарурлигини ва фойдалилигини аниклади. Олимнинг фикрича бу бактериялар организмнинг микроэкологиясини ёки эндоэкологиясини ташкил қиласи. Бу микроорганизмлар ошқозон-ичакларга тушган озиқаларнинг ҳазм бўлмаган қисмидан (озика толалари) қўшимча равишда аминокислота ва оқсилларни, углеводни ва кўпгина биологик фаол моддаларни синтез қиласи. Ташки томондан таъсир қиласиган ҳар қандай стресслар ошқозон-ичаклардаги фойдали микроблар фаолиятига ҳам салбий таъсир қиласи. Бу пайтда ошқозон-ичак тизимига тушган оқсиллар организмга сўрилмайди.

Организмга тушган “ёт нарса”га карши курашиш учун организмдаги иммун тизимининг ҳаммаси ишга жалб қилинмасдан айримлари кураш олиб боради. Ичаклар ва бронхларнинг шиллиқ пардаларида лимфоид тўқимаси тўпланган қисмлар аникланган. Бу қисмлардаги лимфоцитлардан иммуноглобулиннинг А класси ишлиб чикарилади. Бу иммуноглобулин ичакларнинг шиллиқ пардалари орқали организмга антигенларнинг сўрилишини олдини олади. Агарда ҳар хил сабаблар натижасида антиген шиллиқ парда орқали сўрилиб, конга тушса, кон томирлардаги лимфоид тўқимаси

тўпламлари ишлаб чиқарган А-иммуноглобулини уларни зарарсизлантириб, жигар орқали ўт кислотаси таркибида ичакка тушади ва тезак орқали оранизмдан чиқариб юборилади. Стресс таъсирида организмдаги иммун тизимининг шу звеноси иши ҳам бузилади.

Тирик организмнинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини ошириш ҳар бир врачнинг вазифасидир. Лекин бу ҳақда табиатнинг ўзи ҳам ғамхўрлик килган. Кейинги текширишлар шуни кўрсатдики, ҳар бир орган ва тўқимада ортиқча бўлган структур элементлари мавжуд. Масалан, кўзнинг ҳаракатини бошқарадиган кўз асаб нейронлари сони организмда 25 минг та, лекин шу вазифани бажариш учун 4 минг нейрон кифоя. Ҳамма орган ва тўқималарда ҳам худди шундай. Одатдаги шароитда бир ишни бажариш учун кам миқдордаги ҳужайралар иштирок этади. Колганлари “дам” олади, яъни фаол бўлмаган ҳолатда бўлади. Организмга ҳар хил стресслар таъсири килганда ана шу ортиқча элементлар ишга тушади ва органлардаги кучаниши, ортиқча ишни бажаради. Шундай қилиб, стресс пайтида ортиқча иш дам олиб турган ҳужайралар хисобида бажарилади. Бу пайтда ишлаб турган ҳужайралар қандай ишлаб турган бўлса, худди шундай ишлаб туради. Ишлаб турган ҳужайралар ишининг тезлашиши, кучаниши ёки каттариб, кенгайиши кузатилмайди. Агарда стресс таъсири узок давом этса, ишлаб ҷарчаган ҳужайралар ўрнига янги гурухлар келади ва натижада стресс синдроми юзага чиқади (В.Фёдоров, 1988).

Стресс ҳолатида ишлаб чиқарилган гормонларга биринчи бўлиб, тезлик билан ҳужайранинг мезосомлари эътибор беради. Натижада мезосомларда мураккаб ўзгаришлар келиб чикиб, улар кисман ҳажмини ва оғирлигини камайтиради, мезосомлар мембронаси билан фагосомлар мембронаси биришиб кетади ва организмнинг ташки мухит нокулай шароитларига-стрессорларга қарши туриш қобилияти кучаяди.

Лизосом таркибида оранизмда учрайдиган эфирлар ва макромолекулаларни парчалаб ташлайдиган кислотали гидролазлар мавжуд. Шунинг учун организм тинч бўлганда ва вазифаларини меъёр даражасида бажарган даврда лизосомлар кислотали гидролазлар заҳираси сакланадиган жой ҳисобланади. Лекин организмга стрессор таъсири этганда, биринчи бўлиб лизосом ўз таркибидаги кислотали гидролазларнинг сонини ва ҳажмини кўпайтириб, тезлик билан жавоб беради. Стрессор таъсири этганда ҳужайра лизосомларининг жавоб бериш реакцияси кучига қараб ёки

организм стрессорга қарши тұра олади ва үзгаришлар келиб чиқмайды ёки ҳужайрада структур үзгаришлар келиб чиқади ва ҳужайра ҳалок бўлади. Юкоридагиларни эътиборга олиб тадқикотчилар стрессор таъсирига қарши курашишда лизосомлар ҳал қилувчи роль үйнашини эътироф этадилар (Н.Н.Маянская, Л.Е.Панин, 1981).

Стрессор таъсири даврида қонға инсулин міқдорининг камайиши, стрессорга қарши курашишда ижобий натижа беради. Чунки организмда инсулин міқдори камайса, адаптация имкониятлари чегараси кенгаяди. Организмда глюкокортикоидлар ва катехоламинларнинг меъёрда сакланиши асосан инсулин міқдорига боғлик. Шунинг учун стрессор таъсири пайтида, организм стрессга қарши курашаётан пайтда қонға глюкокортикоидлар ва катехоламинлар міқдорининг күпайиши инсулин міқдорининг камайиши хисобига амалга ошади.

Стресснинг резистентлігі ёки мослашиши фазасида адаптация уч ҳолатда кечади. Биринчи ҳолатда стрессор таъсирида организмда глюкокортикоидлар міқдори максимумга кутарилади. Инсулин міқдори эса минимумга тушади. Организм бу пайтда үзининг адаптацион (мослашув) имкониятлари даражасида ишлайди. Иккинчи ҳолатда глюкокортикоидлар ва инсулин сарфи үртача даражагача амалга ошади, стрессор кучи қанчалик юкори бўлмасин, уларнинг захира міқдорининг тугаш ҳолатигача келмайди. Учинчи ҳолатда ҳам қонға глюкокортикоидлар міқдори күпаяди, инсулин міқдори пасаяди ва жигар ҳамда буйракда гликогенез даражаси кутарилади. Бунда мойлар күплаб ишлатилади.

Стресс пайтида адреналин ва норадреналин міқдори күпаяди. Уларнинг стрессор таъсирига қарши туриш қобилияти лизосомлар орқали намоён бўлади. Стресс таъсирида организмда химоя воситалари ишга туширилиб, организм стрессор таъсирига қарши курашганда энергия жуда күплаб сарфланади ва АТФ етишмаслиги юзага келади. Ана шу пайтда организмнинг стрессорга қарши курашишни давом эттиришида зарур бўлган энергияни лизосомлар беради. Чунки лизосомларда гликогенга ўтувчи глюкозидазалар күплаб сакланади. Булардан ташқари, лизосомлар стресс таъсирида жароҳатланган ҳужайра қисмларини тезгина йўқотади ва ҳужайранинг кайта тикланишига ва күпайишига шароит яратади.

Стресс пайтида сезги органлар стрессорни кўриб, бу таъсиротни организмнинг бутун энергетикасига жавоб берувчи гипоталамусга узатади. Таъсиротни қабул қилган гипоталамус үзидан релизинг

гормони ишлаб чиқариб гипофизга таъсир қиласи. Гипофизда бу таъсиrottга жавобан адренокортикотроп гормонлари ишлаб чиқарилиб, буйрак усти бези ишига таъсир қиласи ва қонга гидрокортизон гормони чиқарилади. Бир неча секундда амалга ошадиган бу ишлар натижасида организмнинг ҳамма энергияси стрессор таъсирига карши туришга қаратилади ва сарфланади. Стресс таъсирини пасайтириш максадида, И.Ф.Горлов ва О.С.Юрина (2006) лар беда экстракти ва микроэлементлардан тайёрланган эраконд дорисини қўллашни тавсия этадилар. Бу дори ўз таркибида гумин моддаларини, аминокислоталарни, моносахаридларни ва меъердаги микроэлементларни саклади. Текширишлар, эраконд дориси организмнинг ҳимоя воситаларининг фаоллашишига, резистентликнинг ошишига ва стресс таъсирида организмда салбий жараёнларнинг кам юзага чикишига олиб келади. Беда экстрактига прополис ва витаминлар қўшиб берилса, дорининг самарадорлиги янада юқори бўлади.

Ёнгоқнинг мум пишиқ даврида тайёрланган экстрактига витаминлар, микроэлементлар қўшилганда, жуда яхши самара беради. Унга прополис қўшилса самарадорлиги янада юқори бўлади.

Организмга ташқи ва ички муҳит омиллар стрессор сифатида таъсир этиши мумкин:

#### **Ташқи муҳитнинг омиллари:**

Ҳарорат  
Қуёш нури  
Кун узунлиги  
Атмосфера босими

Денгиз сатҳидан баландлиги  
Кор-ёмғир  
Хаво намлиги  
Озука миқдори ва сифати  
Саклашдаги зоогигиена  
талабларининг бузилиши

#### **Ички муҳит омиллари:**

Энергия мувозанати  
Кимёвий мувозанат

Бу стрессорларга тезлик билан бериладиган жавоблар: психика ва хулқнинг, нафас ва пульс сонининг ўзгариши. Секинлик билан бериладиган жавоблар: эндокрин тизими, ферментлар ва метаболизм орқали амалга ошади.

Шунинг учун ҳар бир ҳайвон организмнинг ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиши кўпқиррали ва ўзига хос ҳолда бўлади.

Бунда биринчи ўринда морфолого-физиологик ва генетик адаптация туради. Морфолого-физиологик адаптацияда организмга ташки муҳитни нокулай шароитлари таъсирида морфологик, физиологик, биохимик ўзгаришлар келиб чиқади. Бу ўзгаришлар ҳайвоннинг психикаси ва хулкининг ўзгаришларига сабабчи бўлади ва яшаб кетишига имкон яратади. Мисол учун совук фаслларда ҳайвонларнинг жуни кўп ва зич, териси қалин бўлади, тоғда яшайдиган ҳайвонлар конида эритроцитлар сони кўпайди, калқонсимон бези иши озукалардаги йод миқдорига боғлик. Ҳайвонлар адаптация даврида ташки муҳитнинг нокулай ҳолатларига қараб, ўзидағи ҳар хил адаптация механизмларини ишга солади.

Генетик адаптацияда ирсий механизмлар натижасида ҳайвон организми ташки муҳит ўзгаришларига мослашади. Ҳайвон организмининг ташки муҳитга мослашишини асаб ва гормонал тизимлар бошқариб туради. Асаб тизими рецепторлари ҳар қандай таъсиротларни тезлик билан марказий асаб марказига етказади ва ташки муҳит нокулай шароитларига мослашиш механизмларини ишга солади. Эндокрин безлари ўzlари ишлаб чиқарган гормонлари ёрдамида ҳайвонларда моддалар алмашиши жараёнларини бошқариш орқали уларнинг ўсиши ва ривожланишини, маҳсулот беришини таъминлайди.

Ҳайвонлар организмидаги органлар иши ва барча жараёнлар асаб тизими орқали бошқарилади. Органлар вазифаларини бошқаришда иштирок этган эндокрин безлари ишини симпатик ва парасимпатик асаблар бошқаради. Бунда гипоталамус ва гипофиз бевосита иштирок этади. Ички ва ташки муҳит ўзгаришларига жавобан симпатик ва парасимпатик асаблари эндокрин безларига тегишли топшириклар беради ва бунинг натижасида гормонлар ишлаб чиқарилиши ёки кўпайди, ёки камаяди.

Одатдаги шароитларда организм модда алмашиниши кечиши учун бир хил миқдорда, доимий равишда гормонлар ишлаб чиқарилиб туради. Стресс таъсирида гормонлар ишлаб чиқарилиши тезлашади ва натижада организмнинг барча химоя воситалари бу ишга сафарбар этилади. Бунда асосий вазифани гипоталамус бажаради. Гипоталамус ўз вазифасини амалга оширишда вегетатив асаб тизими ва гипофиз билан чамбарчас боғлик ҳолда бу ишларни биргаликда бажаради.

Ҳайвонларнинг ташки муҳит ўзгаришларига мослашишида тана шакли ва катталиги, тери қопламаси ва тери ости мойининг

тарқалиши ва жойлашиши, озукаларни олиш ва ҳазм органларининг тузилиши мухим аҳамиятга эга.

Паст ҳароратга ҳайвонлар жунининг қалинлашиши, жун орасида момик (пух) нинг кўпайиши натижасида иссиқликни организмдан ташқарига чиқарилишини олдини олиш орқали мослашади. Юқори ҳароратда ҳайвонлар организмидаги ортиқча ҳароратни буғлантириш йўли билан ташқарига чиқаради, бунда тери қопламаси сийраклашади, жунлар орасида момик йўқолади, тери юпқалашади, озука кабул қилишни камайтириш йўли билан организмда иссиқлик энергиясининг ҳосил бўлишини пасайтиради. Бунда ташки ҳарорат юқори бўладиган ҳудудларда шу шароитга мослашган ҳайвон зотлари яратилса уларнинг маҳсулдорлиги камаймайди (GCaser.E.M., 1966).

Баланд тоғларда яшайдиган ҳайвонлар ўз организмини етарли микророддаги кислород билан тъминлаш учун (чунки баланд тоғлар атмосфераҳавосида кислород микдори кам бўлади) эритроцитлар ишлаб чиқишни кўпайтириш орқали мослашадилар: эритроцитлар сони  $1\text{ mm}^3$  конда 5,5 млн дан 7.5 млн гача кўпаяди.

Ташки мухит омиллари қанча ўзгарса ҳам, ҳайвонлар ички мухитини бир хилда сақлаб туриш қобилиятига эга: органлар ва ички суюқликларнинг физик ва кимёвий ҳолатлари кариб ўзгармасдан бир хилда сақланади. Лекин нормал ҳолда сақлаб туришнинг ҳам чегараси мавжуд.

Агарда таъсирот чегарадан чикса организмдаги қўшимча имконият ва кучлар бу ноқулай таъсиротни бартараф этишга жалб қилинади. Агарда ноқулай таъсирот кучи паст ва таъсир вакти қиска бўлса, организм зўрикмасдан одатдаги ҳимоя воситалари билан унга қарши турга олади ва уни бартараф этади. Бундай ҳолат стресс хисобланмайди ва мослашувга киради. Стресс таъсирида организмдаги барча тизимларнинг мувофиқлашган ҳолда ишлаш жараёнлари бузилади. Бу икки ҳолатда ҳам асаб ва эндокрин тизимлари ишга тушади. Стрессга карши организм ҳимоя ва тикланиш воситаларини ишга солади (стресс инглизча сўз бўлиб, кучаниш деган маънони билдиради). Шу ҳолатни келтириб чиқарувчи омилларга стрессорлар дейилади.

Одатда стрессор ҳайвонларнинг айрим тўқима ёки органларига таъсир этади. Агарда таъсир этаётган стрессор кучи паст бўлса фақатгина ўша жойда ҳимоя реакциялари ривожланади ва шу чегарада тикланиш жараёнлари амалга оширилади. Агарда стрессор таъсири кучли бўлса умумий организмда реакциялар ривожланади ва умумий адаптацион синдром келиб чиқади.

## **Стресс реакцияларининг механизми**

Г.Селье ва бошқа олимларнинг ишларида исботланишича, стресс-омилларнинг номахсус таъсиротлари таъсиридан пайдо бўладиган ҳимоя реакцияларининг вужудга келиши механизмida ва организм ички мухити доимилигининг сақланишида эндокрин безлари, асосан гипоталамо-гипофизар-адренал тизими катта аҳамиятга эга.

Г.Сельенинг фикрича, ҳар бир таъсирот гипофиз фаоллигини оширади, адренокортикотроп гормони (АКТГ) нинг ажралишини кучайтиради. Натижада буйрак усти безлари пўстлоқ қавати фаолияти кучайиб, кортикостероидларнинг конга қўйилиши тезлашади. Кортикостероидларнинг тўпланиши – стресс ривожидаги ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Синтез жараённинг кучли бузилиши, айниқса, буйрак усти безлари пўстлоқ қавати гормонлари секрециясининг бузилиши адаптация касалликларига олиб келади. Чунки бу пайтда организмнинг ташки мухит шароитларига мослашув қобилияти йўқолади.

Агар Г.Селье стресс пайтида эндокрин безлари реакциясини организмнинг асосий интеграцион ва координацион тизими ҳисобланган асаб тизимидан ажратиб қўйган бўлса, кейинги кузатишлар (П.Анохин, 1962) шуни кўрсатадики, қайси турдаги стресс бўлишидан қатъий назар, аввало мураккаб асаб механизмлари вужудга келади. Масалан, хайвоннинг буйрак усти безлари пўстлоқ қавати ёки гипофиз олиб ташлангандан кейин организмнинг адаптацион имконияти пасаяди, лекин тўлиқ йўқолмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, асаб тизими ва бошқа эндокрин безлар ҳам гипофиз ва буйрак усти безлари билан бир қаторда адаптация жараёнларида иштирок этади.

Стресс реакцияларида асаб тизими, функционал жараёнларининг бошланишидан интеграцион тизим сифатида эндокрин тизимга параллел бўлмасдан, балки субординацион тарзда ҳал қилувчи асосий вазифани бажаради. Экспериментлар натижаларининг кўрсатишича, стресс пайтида гормонал реакциялар бевосита асаб тизими томонидан бошқарилади ва мазкур тизимнинг нормал фаолият кўрсатган пайтидагина реакциялар турли стресс-омилларнинг таъсирига жавобан пайдо бўлишлари мумкин.

Стрессор таъсири дастлаб периферик рецептор қурилмалар томонидан қабул қилинади. Ҳосил бўлган қўзғалиш асаб толалари бўйлаб бош мия ярим шарлари пўстлогига боради, у ердан ахборот гипоталамусга ўтади. Гипоталамус эса ўз навбатида гипофиз олд

бўлагининг гормон ҳосил килиш фаолиятини назорат қиласи ва бошқаради. Худди шу ерда вегетатив ва эндокрин тизимларнинг олий даражадаги координацион ва бошқариш марказлари жойлашган бўлиб, организмда вужудга келадиган энг кичик бузилишлар ҳам қайд этилади. Таламус ости қисмида таъсиротга жавоб тарзida ажралиб чикадиган химиявий медиатор-адренокортикотропин – рилизинг гормон (АКТГ-РГ) ишлаб чиқарилади ва у ўз навбатида гипофизда АКТГ секрециясини таъминлайди.

Кондаги АКТГнинг максимал концентрацияси стрессор таъсиридан 2-2,5 дақика ўтгач пайдо бўлади. Гипоталамо-гипофизар тизим ўз навбатида, буйрак усти безларига таъсир этади. Кўзгалиш симпатик асаб толалари, асосан, корин асаблари оркали буйрак усти безларининг мағиз қаватига ўtkазилади ва у ерда “кўзгалиш гормони” – адреналин синтезини кучайтиради. Буйрак усти безлари мағиз қаватининг организм стресс-реакциясига киришиши, стрессор таъсири бошлангандан 7-10 дақиқа ўтгач амалга ошади.

Тадқиқотчиларнинг ёзишларича стрессор таъсирида ҳайвонларда нафас олиш тезлашади, кон босими ва тана ҳарорати кўтарилади, мускуллари қалтирайди, тез-тез ва кўп микдорда тезак ва сийдик ажратади, маърайди, безовталаради; ҳайвонлар конидаги аспартаттрансаминаза, фосфокиназа, алдоза, ишкорий фосфотаза ферментларининг фаоллиги ошади. Стрессорлар қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг кўпгина касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, стрессорлар ҳайвонлар организмидаги жуда кучли ўзгаришларни келтириб чиқаради, маҳсулдорлиги камаяди, кўпгина касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Чорвачиликда стрессни олдини олиш ёки унинг таъсирини пасайтириш соғлом ҳайвонларни ўстириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Ташки мұхитнинг турли хилдаги номахус омилларининг организмга таъсири ва унда адаптация реакцияларининг ривожланиши, гипоталамо-гипофизар-адренал ва гипоталамо-адренал тизимлар умумий механизми бўйича амалга ошади. Бунда организм мослашув реакцияларининг асосий бошқарувчиси ҳисобланадиган симпато-адренал тизимнинг гормонлари ва медиаторлари – катехоламинлар иштирок этади. Катехоламинлар организмнинг тинч ҳолатидан кўзгалиш ҳолатига тез ва адекват тарзда ўтишини

таъминлайди ва бу ҳолатда узқ вактлар давомида сакланишга олиб келади (I-жадвал).

Биологик фаол катехоламинларга адреналин (буйрак усти безлари магиз қаватининг асосий гормони), норадреналин (адреналинга ўхшаш ҳосил бўлади ва марказий ҳамда симпатик асаб тизимларининг медиатори вазифасини бажаради), дофамин (биосинтез занжирида норадреналинга айланади ва марказий асаб тизимларининг медиатори хисобланади) киради.

Стресс таъсирига карши организм реакцияси қўйидаги тартибда амалга ошади. Сезги органлари ахборотни рецепторлар орқали афферент йўллар билан марказий асаб тизимиға жўнатади. Бош мия информациини қабул қиласди ва соматомотор, висцеромотор ва эндокрин тизимларини ишга солади. Бундан ташқари, қоннинг аъзолар ўртасида оптимал тақсимланишини таъминловчи қўшимча механизmlарни фаоллаштиради ва натижада қоннинг асосий кисми бош мия, юрак ва скелет мускулларига, камроқ кисми – бошқа органларга тарқалади. Соматомотор –рефлекслар мускул тонусининг ўзгаришлари ва зарарли таъсиrotдан химояни таъминловчи ҳар хил ҳаракатларни амалга оширади (масалан, ҳайвоннинг агресив ҳужуми пайтида). Висцеромотор рефлексларга вегететив марказларнинг, яъни симпатик асаб тизими ва адашган асабнинг қўзғалиши киради. Бунинг эвазига силлик мускулатура (энг аввало томирлар деворида) тонуси ўзгаради, кон босими ошади, юрак уришлари тезлашади. Асаб йўллари орқали таъсиrot гипоталамусга ўтади ва у ердан рилизинг омиллар ҳисобланувчи мураккаб химиявий бирикмалар ажrala бошлайди.

Рилизинг омиллар таъсирида гипофизда АКТГ синтези амалга ошади. АКТГ буйрак усти безлари пўстлок қаватининг кортикостероид гормонлари секрециясини амалга оширади. Бу билан бир вактда, гипоталомусадан қўзғалиш симпатик асаб йўллари орқали буйрак усти безларининг магиз қаватига ҳам ўтади ва бу ерда адреналиннинг ҳосил бўлиши ва ажralиши кучаяди.

Адреналин ўз навбатида гипофиз томонидан АКТГ секрециясининг амалга оширилишини таъминлайди, бу буйрак усти безлари пўстлок қаватининг стрессда иштирок этишини таъминловчи омиллардан бири хисобланади. Адреналин ва норадреналин нафакат буйрак усти безларининг магиз қаватида, балки асаб учларида ҳам ҳосил бўлади ва химояни кучайтиради. Адреналин буйрак усти безларидан ажralиб қонга тушади ва организмнинг барча қисмлари

бүйлаб бир хил миқдорларда тарқалади. Бу ҳолат – унинг кенг доирадаги таъсирини таъминлайди.

I-жадвал. Стress пайтида ҳайвон организмидаги нейроэндокрин реакциялари схемаси.

### С Т Р Е С С О Р Л А Р

Периферик  
рецепторлар



### Б О Ш М И Я

Нерв  
Импульслари

### Г И П О - Т А Л А М У С

Тескари таъсирот

Кортикотропин  
активлаштирувчи омил

### Г И П О Ф ИЗ

АКТГ

орган ва тўқималар магизи

Симпатик нервлар

Буйрак усти бези пустлоғи

Адреналин  
орган ва тўқималар

Адреналин, бундан ташқари, тиреотроп ва гонадотроп гормонлар синтезини ҳам кучайтиради ва бу гормонлар ўз навбатида маълум безлар орқали ҳайвон организмига сезиларли даражада физиологик таъсир кўрсатади.

Ю.П.Фомичев (1974) нинг таъкидлашича, катехоламинлар стресснинг мазкур босқичида икки хил вазифани бажаради:

биринчиси – медиаторлик вазифаси, бу функция гипоталомус билан боғлик бўлиб, АКТГ ажralиб чиқишини бошқаришга киради. Иккинчиси – метаболик. Бунда буйрак усти безларининг мағиз қавати иштирок этади.

Таъсиrotдан кейин гипоталамусдан норадреналин ажralиб чиқади, адреналин конга қуйилади ва юракка келиб тушади. Бу тез фаоллашишини ва ҳайвоннинг тажовузкор реакциясига нисбатан тайёрлигини “шошилинч” механизм деб қарашиб лозим.

Катехоламинлар мослашув реакцияларининг бошқарув фаолияти катта аҳамиятга эга. Чунки улар организмдаги модда алмашинуви жараёнларини қисқа вақт ичида ва интенсив тарзда тезлаштиради. Адреналин ва норадреналин таъсирида юрак қисқаришларининг сони ва кучи ошади, туртки ҳажми катталашади. Уларнинг артериолалар тўрига торайтирувчи таъсири оқибатида катта артериялардаги қоннинг ҳажми ошади ва қон босими кўтарилади. Коннинг органлар ўртасидаги қайта таксимланиши мускуллар ишига ижобий таъсири кўрсатади, яъни адаптив касб этади.

Катехоламинлар таъсирида жигар ва мускуллардаги гликогеннинг глюкозага айланishi эвазига қондаги қанд миқдори кўпаяди. Организмдаги тез орада ишлатиладиган глюкоза заҳиралари чекланганлигига қарамасдан, унга бўлган талаб, асосан марказий асаб тизимида ошади. Шу сабабли, қўзғалиш фазаси вақтида симпатик асаб тизими ва буйрак усти безлари мағиз қавати ишининг кучайиши билан бир каторда, оксиллардан қанд ҳосил килишни таъминловчи иккинчи химоя линияси ишга тушади.

Катехоламинлар ёғлар алмашинувига ҳам таъсири килади. Уларнинг таъсирида ёғ заҳираларининг ишлатилиши кучайди, ёғ тўқимасидаги алмашинув тезлиги ва қондаги ёғ кислоталарининг миқдори ошади. Шундай қилиб, буйрак усти безлари мағиз қаватининг гормонлари организмнинг энергия заҳираларини ишга солади.

Катехоламинлар ҳужайраро сигналларни ҳужайра ичига ташувчи гормонлар ва медиаторларнинг бошқарув таъсириининг универсал “иккиламчи воситачиси” ҳисбланадиган циклик адреналинмонофосфат ҳосил бўлишини кучайтиради (С.И.Плященко, В.Г.Сидоров, 1987).

Юқорида таъкидланганидек, адреналин стресс реакцияларининг амалга ошишида буйрак усти безлари пўстлок қаватининг иштирок

этишини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади. АКТГ таъсирида буйрак усти безларининг массаси оргади ва кортикостероидлар синтези ва секрецияси кучаяди. Ўз навбатида, кортикостероидлар АКТГ секрециясига тўсқинлик қилади. Картикостероидлар очликка, юкори ва паст ҳарорат таъсирига, жисмоний зўриқиши, лат ейишлар, инфекция ва бошка стрессорларга нисбатан чидамлиликни таъминлайди.

Буйрак усти безлари пўстлоқ қаватидан 50 га яқин турли хилдаги стероид бирикмалар ажратиб олинган бўлиб, улар З асосий гурухга бўлинади: глюокортикоидлар, минералокортикоидлар, жинсий гормонлар. Глюокортикоидларга икки гормон – кортикостерон ва гидрокортизон (кортизол, 17-гидрооксикортикостерон) киради. Мазкур гурухдаги гормонлар алмашинувининг маҳсулотлари ҳисобланган ва биологик нуқтаизназардан фаол бўлган куйидаги моддалар ҳам киради: II – дизокси – 17 оксикортикостерон, II – дегидрокортикостерон, кортизон. Ушбу моддаларнинг ҳаммаси асосан органик моддалар (углеводлар, оқсиллар, ёғлар) алмашинувига маълум даражада таъсир этади. Улар катаболик таъсир этиб, тўкима оқсилларининг парчаланишини кучайтиради. Ҳосил бўлган аминокислоталар жигарга тушади ва дезаминланиш реакциясига киришиб глюконеогенез (глюкоза ҳосил бўлиш) жараёни учун хом ашё сифатида фойдаланилади. Глюокортикоидлар тери ости клетчаткаси ёгини ишга солади ва унинг жигар ва қондаги миқдорининг ошишига олиб келади. Кавшовчи ҳайвонларда глюокортикоидлар учувчи ёғ кислоталари ва умумий липидларнинг ҳазм органларидан конга тушишини таъминлайди ва қондаги ацетон танаачалари миқдорини камайтиради. Мазкур жараёнлар орқали глюокортикоидлар қондаги глюкоза миқдорини оширади ва глюкогеннинг жигар ва мускуллардаги захираларини кўпайтиради. Булардан ташқари, улар углеводларнинг ёғларга айланишини тұхтатади, ёғларнинг парчаланиши маҳсулотларидан углеводларнинг ҳосил бўлишини таъминлайди.

Минерал кортикоидлар (алдостерон, дезоксикортикостерон) минерал тузлар ва сув алмашинувини бошқаради, организмда натрийнинг тутиб қолиниши ва калийнинг чиқиб кетишини таъминлайди.

Жинсий (гонодотроп) гормонлар – фолликула стимулловчи, лютеинловчи ва лютеинотроп гормонлар – жинсий безларнинг ривожланиши ва ишини бошқаради. Стресс пайтида жинсий безлар бужмаяди, буйрак усти безлари массасининг ортиши ва

активлигининг ошиши билан ўз активликларини йўқотади. Чунки стресс пайтида химоя механизмларини ишга солишида гипофиз АКТГ секрециясини кучайтиради ва бошқа гормонларнинг (шу жумладан, гонодотроп) ишлаб чиқилишини камайтиради.

Хулоса килиб айтганда, глюкокортикоид гормонлари организмдаги модда алмашинуви жараёнларига нормаллаштирувчи таъсир қўрсатади ва модда алмашинувини стресс – омиллар таъсирида келиб чиқадиган янги ҳолатларга мослаштира бориш орқали маълум даражада сақлаб туради.

Шундай килиб, бошлангич турткиси афферент йўллар орқали таъсиrottинг марказий асаб тизимиға етказилиши ҳисобланадиган гипоталамус-гипофиз-буйрак усти бези тизими функционал фаоллигининг ошиши, организмнинг стресс пайтидаги бошлангич механизми бўлиб хизмат қиласди. Стресс пайтида организмнинг АКТГ, адреналин, норадреналин ва глюкокортикоид гормонлари секрециясининг кучайиши билан намоён бўладиган жавоб реакцияси марказий асаб тизими томонидан кейинчалик амалга ошириладиган маҳсус химоя механизмлари (хулқнинг ўзгариши, яллиғланиш, иммунитет) нинг ишга туширилиши учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиради.

Организмнинг турли хилдаги стрессорлар таъсирида жавоб реакцияси қатъий индивидуал тарзда бўлиб, бош мия ярим шарлари пўстлоғидаги жараёнларнинг ҳаракатчанлиги ва кучига боғлиқ бўлади.

Стрессларнинг салбий оқибатларини камайтириш ёки уларнинг олдини олиш учун стресс реакциялари ривожининг бошланишини аниклаб олиш зарур. Стрессни ўз вақтида аниклаш, ташки мухитнинг нокулай омилларини бартараф этиш ва ҳайвонлар маҳсулдорлигининг пасайишининг олдини олиш борасида маълум тадбирлар ўтказиш имкониятини яратади.

Стресс, юқорида таъкидланганидек, организмнинг экстремал таъсиrottларга қарши умумий стереотипик жавоб реакцияларининг йигиндиси ҳисобланади. Шунинг учун стресс реакциясининг клиник белгилари номахсус хусусиятда бўлади. Бундай белгиларга иштаҳанинг пасайиши ёки йўқолиши, ҳадиксираш, безовталаниш, кўзгалувчанликнинг ошиши, мускул қалтироклари, нафас ва юрак ишларининг тезлашиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, шиллиқ пардаларнинг кўкариши, маҳсулдорликнинг пасайиши, ўсиш ва ривожланишдан қолиш, озиқа сарфининг ошиши, касалланиш ва чиқим даражасининг ортишларини киритиш мумкин. Сийдик

ажратиш ва тезаклаш тезлашади. Ошқозон-ичаклардаги ҳазм жараёнлари бузилади. Паррандаларда тухум бериш пасаяди, тухум массаси ва пүчогининг қалинлиги ва жўжа очиш пасаяди.

Кейинги пайтларда ҳайвонлардаги стресс ҳолатини аниқлашта имкон берадиган тестларни аниқлаш бўйича маълум даражадаги ишлар амалга оширилмоқда. Стресслар пайтида бўладиган ўзгаришларнинг асосида эндокрин тизим фаолиятидаги (асосан буйрак усти безлари ва гипофиз) функционал силжишлар ётади (С.И.Пляшенко, В.Г.Сидоров, 1987).

Буйрак усти безлари пўстлоғида ҳосил бўладиган кортикостероидлар ва уларнинг метаболитлари қон ва сийдикда топилади, аммо энг ишончли маълумотлар периферик қонни текшириш натижаларида олиниши мумкин. Ҳайвонларнинг стрессорлар таъсирига жавоб реакциясини аниқлашдаги объектив тестларга кондаги қанд, аскорбин кислотаси, холестерин, сут кислотаси миқдорлари, креатинин ва пурин асослари, азот индексини аниқлаш, АКТГ ва бошка функционал текширишлар ўтказишлар киради.

С.И.Пляшенко, В.Т.Сидоровларнинг (1987) маълумотларига кўра ҳарорат стрессида, 40 соатлик ёки 15 соатлик сувсизлик шароитларида буйрак усти безлари тўқималари таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори 215,3 м %-дан 167,2 мг-% гача камайган.

Кондаги креатинфосфокиназа (КФК) ва лактатдегидрогеназа (ЛЛГ) миқдорлари, лейкоцитар формулада эозинофиллар ва нейтрофиллар нисбатини аниқлаш ҳам стрессларни аниқлашда маълум маълумотлар беради.

Соғин сигирлардаги стресс ҳолатини баҳолаш учун сут билан ажралаётган соматик хужайралар сонини аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Стресс пайтида сутдаги соматик хужайралар сони 300000дан 5 млн.тагача кўпайган.

Кондаги умумий оқсил миқдори, альбумин ва глобулинлар нисбати, липидлар миқдори, ишқорий ва кислотали фосфатазалар, оқсил билан бириккан йод, натрий, хлор, калий, лимон кислотаси, переаминланиш ферментлари (АЛТ, АСТ) миқдорлари ҳам стресс ҳолатининг кўрсаткичлари булиб хизмат қилишлари мумкин (С.И.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1987).

Э.К.Шхинец ва бошқалар (1991) стрессор таъсирида глюкокортикоид гормонлари миқдорининг кўпайиши, организмда биологик фаол моддаларнинг кўплаб ишлаб чиқарилишига сабабчи бўлишини аниқлаганлар.

Айрим олимлар (Т.А.Обут, 1991) стресс таъсири пайтидаги адаптацияда буйрак усти бези түр қаватининг алоҳида аҳамиятини таъкидласалар, бошқа олимлар (Ю.Г.Балашов ва А.В.Маслова, 1991) кортикостероидларнинг организмнинг ҳимоя вазифасига иштирок этишини кўрсатадилар.

А.И.Мунтян ва Н.А.Чемиртянлар (1989) хайвон организмдаги гипоталамо-гипофизар-адренокортикал тизимлар ташқи мухитнинг ҳар қандай ўзгаришига аниқ ва ўз вақтида жавоб бераб туришини айтадилар.

V.M.Kovalson and V.B.Tsibuisuy (1984) стресс таъсири қилганда каламушларнинг буйрак усти безининг оғирлиги ошиб, тимус оғирлиги камайганлигини аниқлаганлар.

Е.Г.Бутолин ва Л.С.Исаковлар (1991) стрессор таъсирида организмда глюкокортикоид гормонлари миқдорининг конда ошиши ва натижада бириктирувчи тўқималар катаболизмининг кучайишини аниқлаганлар.

Е.Е.Фомичев ва бошқалар (1991) глюкокортикоидлар ўзгаришининг организмдаги иммунокомпонент хужайраларга бир хил таъсири этмаслиги, улар миқдорининг ошишининг эса макрофаглар ишининг қўтилишига ва Т – супрессорлар сезувчанлигининг ошишига сабабчи бўлишини аниқлаганлар.

М.М.Ҳакимовнинг (1989) фикрича, стресс пайтида организмнинг асаб-эндокрин тизимлар жалб этилиши натижасида гипоталамо-гипофизар-буйрак усти бези тизими иши тезлашиб, конда кортикостероидлар миқдори кўпаяди. Натижада ошқозон ости безидаги ферментларнинг ишлаб чиқарилиши ва ичакка тушиши тезлашиб, ичакдаги кароогидрат фаоллиги пасайиб, углевод алмашинувининг ўзгаришига олиб келади.

М.Б.Сафаров (1989, 1991) қоракўлчиликда қўзиларни терига сўйишнинг она кўйлар учун, қўзиларни онасидан ажратиш она кўйлар ва қўзилар учун, жун кирқишининг – ҳамма кўйлар учун кучли стрессор эканлигини аниқлади. Бу пайтда кўй ва қўзилар организмидаги модда алмашинувининг барча турларининг бузилиши кузатилади.

R.Colli ва бошқалар (1984) стрессга тааллукли қўпгина маълуотларни таҳлил қилиб, организмдаги гипоталамус-гипофиз-эндокрин тизим ҳайвонлар онтогенези давомида стресс таъсирига ўта сезувчан бўлади, деган холосага келганлар.

Қўпгина текширувчилар (Г.Б.Агарков, О.В.Нечаева, Б.Г.Хоменко, 1987; В.И.Лепша, В.Н.Бочарова, 1991) стресс таъсири пайтидаги организмнинг адаптация жараёнида ҳам асаб тизим, ҳам

эндокрин тизим ҳаракатга келиб, уларнинг ҳамкорликда ишлашини таъкидлайдилар.

Ю.М.Пеленин, Т.М.Зеленская (1991) ўз тажрибалари натижаларига асосланиб, оғрик стрессига қарши гипофис ва гипоталамус ўртасида ўзаро узвий боғликлек мавжудлигини аниқлаганлар.

I.R.Coppes ва бошқалар (1987) организмдаги лактатдегидрогеназа активлигининг стресс пайтида ва адаптацияда катта аҳамиятта эга эканлигини кўрсатсалар, О.И.Крелис ва бошқалар (1989) кучли стрессорлар таъсирида организмда стресс реакцияси ривожланишига карши холинэргик тизимнинг ҳам жалб этилишини кўрсатадилар.

J.Bentincr-Smith бошқалар (1987) креатинкиназа миқдорининг мускул активлигига боғликлигини аниқлаганлар.

А.Н.Голиков (1988) хайвонларнинг физиологик мослашувида организмга таъсир этувчи турли-туман омиллар орасида кўп босқичли таъсир этадиганларига ҳавонинг атмосфера босими ва ҳарорати, ер ва қуёш атрофида магнит ритми, ҳайвонларнинг молхонада зич жойлашиши, микроиклим, кам ҳаракатчанлик, техникада ташиш ва бошқаларни киритиш мумкинлигини маълум қилади.

С.Ю.Юсупов ва В.Б.Старковлар (1991) Ўзбекистоннинг иссиқ иклим шароитида ўстирилаётган мустаҳкам конституцияли қоракўл кўйларининг ташқи мухит ўзгаришларига тез мослашишини кўрсатиб ўтганлар. Олимларнинг фикрича, мустаҳкам конституцияли қоракўл кўйларида адаптация жараёни сингил кечади ва улар юкори маҳсулот беради.

Ф.Ж.Чалабаев, Б.С.Сайитқуловлар (1991) Ўзбекистон шароитида бойлик қоракўл кўзилар қонида эритроцитлар сонининг  $6,8+0,6 - 7,8+0,7$  млн  $\text{мм}^3$  лейкоцитларнинг  $- 11,2+0,9 - 15,3+1,43$  минг  $\text{мм}^3$ , гемоглобиннинг  $- 58,3+2,1 - 67,3+2,9\%$  эканлигини аниқлаганлар.

А.Ноорсаду ва Э.Юрисоонлар (1991) стрессорлар таъсирида бузоклар қонида альбуминлар, глюкоза, гемоглобин ва лейкоцитларнинг камайиб, умумий оқсилининг кўпайишини аниқлаганлар.

М.И.Феклистов (1984) соғин сигирларнинг стресс реакцияси активлигини ўрганиш мақсадида адренокортикотроп гормонларини организмга юбориб, ундаги жавоб реакциясини кузатган. Текшириш натижалари шуни кўрсатадики, АКТГ гормони юборгандан 6-8 соат

үтгач, кондаги лейкоцитлар сони – 20% га, нейтрофиллар – 140%, глюкоза – 10% га күпайиб, эозинофиллар – 30% га ва лимфоцитлар – 20% га камайган. Олим бу үзгаришларни организмнинг адаптацион имкониятининг пасайғанлиги билан изохлади.

N.Ring and R.M.Wells (1985) стрессор таъсирида балиқларда қондаги эритроцитларнинг шишиши ва лактат миқдорининг кўпайишини, R.G.Wells ва бошқалар (1986) – худди шундай балиқларда қондаги Na, K, Ca ваР миқдорининг ошиши, лактат ва глюкозанинг кўпайиши, АЛТ ва АСТ, креатинкиназа ва лактатдегидрогеназа ферментлари фаолликларининг ошишини аниqlаганлар.

У.О.Ашурев ва И.Б.Имомовлар (1993) одамларда стресс таъсирида қизил қон таначалари морфоструктурасининг ўзгаришини таъкидлайдилар.

С.В.Скорова ва бошқалар (1986) ҳайвонларга стресс таъсир этганда организмдаги хромосомалар қаторининг ўзгарғанлыгини анилгаганлар ва бу ўзгаришни гормонларнинг ўзгариши билан боғлайдилар.

T.G.Pottinger (1990) стресс пайтида жигар цитозолининг кортизолни бириктириш хусусиятининг пасайиши натижасида қонда тироксин миқдорининг ошиб кетишини аниқлаган.

Н.Б.Горбунова ва В.Н.Калюновлар (1991) стресс таъсири пайтида ички мухит доимийлигини сақлаб туриш учун қалқонсимон – жинсий – жағ ости сұлак безлари мажмусасыннан ишининг ошишини аниқлаганлар.

F.Z.Meerson (1984) күзатыларига қараганда, кучи ва таъсир мүддатында күра үтә күчли бүлгән стресс реакциялары натижасыда миокарднинг жарохатланиши аниқланған. Ушбу жараённинг ривожланишини муаллиф олий даражадаги вегетатив марказларнинг күзгалиши, қонда катехоламинлар концентрациясынинг ошиши, ацинилатциклиз тизимининг үтә фаолиги, кальцийнинг кардиомиоцитларга үтишининг кучайиши, липидлітриада (липаза ва фосфолипазалар фаоллашуви, липидларнинг пероксидларга ишениши ва лизофосфатидлар ва ёғ кислоталари миқдорининг күшлигининг детергент таъсири), глюкоген захірасининг камайиши, күпшілік насоси фаолиятининг бузилиши билан изохлайди ва бу жараённи даволашда антиоксидантлар, глюкоза ва глюкоген ресинтези кофакторининг юқори самара беришини таъкидлайды.

В.Н.Беляевский ва О.Н.Воскресенскийларнинг (1990) пайтида тўқималарнинг бузилишида

эркин радикал оксидланиш жараёни катта аҳамиятга эга бўлади. Шу муаммони ўрганиш максадида олимлар метилурацил дорисини кўллаганлар. Натижада, тажрибадаги хайвонларда стресс пайтида келиб чиқадиган негатив силжишлар пасайган, ошқозон шиллик пардасининг жароҳатланиши камайган, мойларнинг эркин радикал оксидланишининг тўхташи натижасида липопротеидларнинг қондаги ацилгидроперекис микдори пасайган. Шуларни хисобга олиб, улар бу дорини стрессорлар таъсирини пасайтириш максадида кўллашни тавсия этадилар.

В.А.Кляткин (1985) микроэлектродли қайт қилиш ва ионофорез усуслари ёрдамида юмронқозиқларда ва норадреналин таъсиридаги уретани ва иммобилизационли норкозлар ва эркин ҳолатдаги пайтларда медиал-таламус нейронларнинг химиявий сезувчанлик хусусиятларини ўрганган. Бунда турли ҳолатлардан медиаторларнинг такrorий таъсирига жавобан нейронлар стабиллик реакцияларнинг сезиларли даражада турлича бўлиши аниқланган. Нейронларнинг имкониятлари ва химореактивлик хусусиятларнинг “Спонтан” ўзгаришларнинг йўналишлари, хайвонларнинг функционал ҳолати билан биргалиқда улардаги сезувчанлик типига ҳам боғлик, деган хulosага келган.

R.Norman Reid (1986) приматларда аденоғипофиз функциясининг марказий асад тизими томонидан назорат қилинишини аниқлаш борасида қўйидаги хulosаларга келган: 1. марказий асад тизими барча аденоғипофизар гормонлар секрециясига стимулятор ва ингибитор характеристидаги гипоталамик омиллар орқали стимулловчи ва ингибицловчи таъсир кўрсатади ва ушбу омиллар орасида энг марказий аҳамиятлиси дофамин (ДА) хисобланади; 2. АКТГ секрецияси кортикотропинрелизинг омил (серотонин) томонидан бошқарилади; 3. ўсиш гормони (ЎГ) секрецияси ЎГ – релизинг омил ва ЎГ – релизинг ингибицловчи омил (соматостатин) томонидан бошқарилади ва ушбу омилларнинг ажralиб чикиши дофамин, норэпинефрин ва соротонин назорати остида амалга ошади. (ЎГ хужайралари функциясининг гипоталамик регуляциясида юқоридагилардан ташқари, вазопрессин, альфа – ИСГ, глюкоген ва бошқа гормонлар ҳам иштирок этади); 4. ТСГ секрецияси тиреотропин – релизинг гормон (ТРГ), дофамин, норэпинефрин ва соматостатин томонидан назорат килинади. 5. гонадатроп хужайралар функцияси ЛГ – РГ – ДА ва норэпинефрин томонидан бошқарилади.; 6. Пролактин-аденоғипофизар гормонлар ичida ҳамда гипоталамус томонидан тоник ингибицланади.

М.Н.Шекотов (1987) дельфинларда кучли стресорлар пайтида камҳаракат ва акустик фаолиятларининг сусайишини аниқлаган.

Стресс реакцияси оғанизмнинг табиий ҳимоя қобилияти даражасининг жиддий ўзгаришлари билан ҳам кечади. Табиий резистентлик даражасини ҳужайравий ва гуморал омиллар(кондаги лейкоцитларнинг фагоцитар қобилияти, кон зардобининг бактериоцидлик, комплементик ва лизоцим – фаолликлари, гамма-глобулинлар, бетализинлар, сиал кислоталари, пероксидазалар миқдорлари) бўйича аниқлаш мумкин (С.И.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1987).

Стресснинг якуний таъсири сифатида ҳайвонларнинг маҳсулдорлик қўрсаткичи бўйича баҳо берилади (С.И.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1981).

Стрессларнинг асосий турлари медицина ва ветеринарияда кўпгина олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, буларга психик ёки эмоционал стресслар, озиқа стресслари, климатик стресслар, технологик стресслар, транспорт стресси, мавқе стресси, ветеринар-профилактик ва зоотехник тадбирлар билан боғлик бўлган стресслар киради.

И.М.Хазен (1978) ўзининг текширишлари ва адабиёт маълумотларини умумлаштириб, Г.Сельенинг стресс тўғрисидаги таълимотини кисман қўйидагича тўлдиради.

Биринчи давр – Алариреакция даври (Г.Селье бўйича вахима, ташвиш даври) – юкори даражали интеграция вазифаларининг ишга тушиши билан характерланади. Бу пайтда буйрак усти безининг шустлоқ кисми иши қолган ҳамма асаб ва гуморал-эндокрин тизимлари иши устидан раҳбарлик килади.

Иккинчи давр – Резистентлик (адаптив) даври – асаб ва гуморал-эндокрин ишлари бошқарилиши натижасида гомеостатик ўзгаришлар билан характерланади. Бу пайтда организмнинг барқарорлиги ва ишончлилиги таъминланади.

Учинчи давр – Викар (ўрнини коплаш) даври – гомеостаз бузилиши натижасида организмда ҳимоя – компенсатор жараёнларининг қайта курилишлари амалга оширилади. Физиологик регенерация ҳодисаси кучаяди.

Тўртинчи давр –Реператив даври – асаб ва гуморал-эндокрин бошқарилишининг бузилиши натижасида организмда ферментлар синтезланиши ўзгариади, биологик фаол моддаларнинг тақсимланиши бузилади, субстратларнинг ишлатилиши кучаяди, энергия хосил бўлиш жараёнлари кийинлашади. Буларнинг ҳаммаси тўқималар

бутунлигининг бузилишига олиб келади. Бу пайтда реператив-регенерацион жараёнларнинг бир вақтда тикланиши ва тўқималарнинг бузилиши кузатилади.

Бешинчи давр – организм кучининг тугаши ёки камайиши даври.

Гормонларнинг асосий вазифаси модда алмашинишни назорат килиш ва хужайра фаоллигини ва унинг мемранасининг ўтказувчанлигини бошқаришдан иборат.

Гипоталамус бош миянинг бир қисми ҳисобланади ва гипофиз билан боғланган бўлади. Гипофиз эса организмнинг адаптациясини бошқарадиган асосий орган ҳисобланади. Стрессор таъсир этганда гипоталамуснинг ўзи гормон ҳусусиятига ва фаоллигига эга бўлган биологик фаол моддаларни ҳам ишлаб чиқаради, буларга рилизинг – гормонлар дейилади. Рилизинг –гормони гипофизга таъсир этиши натижасида у ердан мураккаб гормонлар ишлаб чиқарилади ва бошқа безларни (буйрак усти, калконсимон, ошқозон ости ва жинсий безлар, тимус) ишлашга мажбур қилиб, кўп миқдорда гормонларнинг ишлаб чиқарилишига сабабчи бўлади.

Стресс омили организмга узоқ вақт таъсир қиласа, органлар ишини издан чиқаради, табиий резистентлигини ва касалликларга қарши туриш қобилиятини пасайтиради. Ҳар хил касалликларнинг ривожланишига сабабчи бўлади.

В.М.Митюшников (1961) паррандаларда стрессорни қуидаги асосий сабабларини кўрсатади:

1. Озука берилмаслиги (қисман ёки бутунлай)
2. Озукалarda протеин, витамин, аминокислота, макро ва микроэлементларнинг кам бўлиши.

3. Рационнинг ўзгариши.

4. Микроиқлимнинг қониқарсиз бўлиши.

5. Ветеринария ишларининг ўтказилиши ва бошқалар.

Тадқиқотчининг фикрича, паррандачиликда стресс сабабларини билгандагина, бу сабабларни йўқотиш мумкин. Лекин ҳамма стрессорларни йўқотиб бўлмайди (масалан ветеринария ишларини). Шунинг учун йўқотиб бўладиган ва йўқотиб бўлмайдиган стрессорлар мавжуд.

Парранда подаларида аввал битта-иккита стрессор пайдо бўлиши мумкин. Кейинчалик бошқа стрессорлар вужудга келиб, организмга таъсир кила бошлайди. Стрессорлар таъсири остида паррандалар организмида морфологик ва гормонал ўзаришлар келиб

чиқади. Организм стрессорлар кучига қараб ҳар хил стрессорларга ҳар хил жавоб беради.

Стрессор биринчи таъсир килганда гипоталамусда бошқа элементлар билан боғланган ҳолда турган норадреналин эркин ҳолда ажралиб, кўп микдорда конга чиқади ва бош мия ҳужайраларининг стрессор таъсирига чидамлилигини оширади. Стрессор таъсири давом этган сари қонда норадреналин микдори ошиб боради.

Организмнинг стрессор таъсирига жавоб бериш занжирида адреналин ва норадреналин биринчилар каторида туради (катехоламиналар).

Стрессор таъсирида ҳайвонларда пульс ва нафас сони тезлашади, тана ҳарорати кўтарилади, мускулларнинг калтираши, тез-тез ва кўп микдорда сийдик ва тезак чиқарилиши, маъраш ва тұхтовсиз ҳаракатланиш кузатилади. Кон таркибида аспартаттрансаминаза, креатинфосфокиназа, алвеолаза, ишқорли фосфотаза, умумий липидлар, умумий оксил, кальций, неорганик фосфор микдори камаяди, ҳайвонларнинг маҳсулдорлыги пасаяди, маҳсулот сифати бузилади; ички органлардаги кон ҳаракатининг камайиши (30-40 %) ўз навбатида тұқималарда гипоксиянинг ривожланишига олиб келади ва оксидланиш метаболизми микдорининг юқори бўлишига сабабчи бўлади; ҳужайравий ва гормонал иммунитет; күнлик ўсиш пасаяди; модда алмашинувининг барча турлари бузилади; озиқаларнинг ҳазмланиши ва сўрилиши пасаяди.

Шундай килиб, стресс пайтида ортиқча иш дам олиб турган ҳужайралар ҳисобида бажарилади. Бу пайтда ишлаб турган ҳужайралар қандай ишлаб турган бўлса, худди шунай ишлаб туради, бунда ишлаб турган ҳужайралар ишининг тезлашиши, кучаниши ёки каттариб, кенгайиши кузатилмайди. Агарда стресс таъсири узоқ давом этса, ишлаб ҷарчаган ҳужайралар ўрнига янги гурухлари келади ва охирида стресс синдроми юзага чиқади (В.Федоров, 1988).

Ф.Ф.Султановнинг таъкидлашича (1982) Ўзбекистоннинг арид минтақасининг иқлим шароити ўзига хос хусусиятлари билан бошқа минтақалардан фарқ қиласи. Бундай ўзига хос хусусиятларга ёз пайтидаги юқори ҳарорат ва қуруқ ҳаво, ҳароратнинг бирдан кескин ўзгариши ва бир кечада кундузда ҳароратнинг кескин фарқ қилиши киради.

Ташки таъсиротлар натижасида келиб чиқадиган умумий жараёнларни ҳисобга олиб, Э.Адольф (1956) “адаптаген” ва “адаптат” деган тушунчаларни киритган. Адаптаген-организмда келиб

бошқаришини таъминлаб турадиган тизимларда хар хил реакцияларни келтириб чикаради.

Лизосомлар гидролитик ферментлар билан тўлдирилган гранулалар бўлиб, ҳужайраларни “ўзини ўлдириш куроли”дир. Ҳозирги пайтда адаптация жараёнида иштирок этишини кўрсатадиган лизосомал аппаратининг мухим хоссалари кашф этилган. Бу хоссалардан бири лизосомларнинг стрессор таъсири пайтидаги гормонал омилларини ўзгаришига тез ва аниқ жавоб реакциясидир. Бундан ташкири стрессор таъсиридаги мураккаб ўзгаришлар жараёнида лизосомлар жуда тез ўзгарувчан бўлади, бирламчи лизосомлар иккиласми лизосомларга айланади ва шу билан кенг морфологик ва ферментатив гетероген хусусиятига эга бўлади.

Лизосомалар таркибида организмда учрайдиган эфиirlар ва хар хил макромолекулаларни кисман ёки тўлик парчалайдиган нордон гидролазлар тўплами бор. Лекин организм тинч ҳолатда бўлганда лизосомалар мембраннынинг хусусиятига кўра бу гидролазлар метаболизм жараёнларида фаол иштирок этмасдан, захира ҳолатида сақланади. Лекин организмга бирор стрессор таъсир этганда лизосомлар жуда тезлик билан уларнинг сони ва ҳажмининг катталашуви билан жавоб беради. Бунда ҳужайрадаги лизосомларда морфофункционал қайта қурилиш амалга ошади: гидролазлар фаоллашади, лизосом мембраннынинг ўтказувчанлиги ошади, ҳужайра ядроининг жойлашиш жойи ўзгаради. Бундай ўзгаришлар натижасида ҳужайра тузилиши ва метаболизми мослашади ёки дегенерацияга учраб ҳалок бўлади. Лизосомларнинг стрессор таъсирига мейёрдан юқори даражадаги реактивлиги уларнинг адаптация даврининг биринчи боскичларида фаол иштирок этишидан далолат беради.

Организмга хар хил стрессорларнинг таъсири ҳужайралардаги лизосомал аппаратнинг ўзгаришига олиб келади. Паст ҳарорат стрессининг таъсири натижасида лизосомлар барқарорлиги камаяди ва унинг таркибидаги ферментларнинг чиқишига сабабчи бўлади.

Юкоридаги маълумотлардан қўриниб турибдики, лизосомлар ҳакиқатда хам фавқулотда тез таъсиранадиган ҳужайра кисмидир. Улар стрессорлар таъсирига ҳужайранинг бошқа қисмларидан анча илгари жавоб бериш реакциясига қўшиладилар.

Стрессор таъсири пайтида гипофизар-адренокортikal тизим ишининг фаоллашиши, организмнинг маҳсус бўлмаган резистентлигининг ошишининг ягона манбай эмас. Бу пайтда

инсулин ишлаб чиқарилишининг пасайиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки глюкокортикоидлар ва инсулин метаболизмнинг кўпгина томонларига тескари таъсир килади. Мойнинг мой тўқималарида тўпланишига липаза ва липопротеидлипаза ферментлари ижобий таъсир килади. Бу иккала ферментнинг иши ҳам эндокрин тизими томонидан бошқарилади. Биринчи фермент ишини глюкокортикоид гормони бошқарса, иккинчи фермент иши инсулин-глюкоза тизими орқали бошқарилади. Глюкокортикоидлар мойнинг парчаланишига олиб келса, инсулин мойнинг тўқималарда тўпланишига олиб келади. Гипофиз ва глюконеогенез ҳам глюкокортикоидлар ва инсулин каби қарама-қарши таъсир этади. Глюкокортикоидлар жигарда фосфоэнал пируваткарбоксикиназа фаоллигини оширса, инсулин бунга тескари таъсир этади. Худди шунингдек глюкокортикоидлар ва инсулин қондаги глюкоза миқдорига, липидларнинг холестерин фракцияси ва фосфолипидлар миқдорларига ҳам қарама-қарши таъсир этади. Шундай килиб, стрессор таъсири даврида глюкокортикоидлар миқдорининг абсалют ошиши эмас, балки қондаги клюкокортикоид ва инсулин муносабатининг ўзгариши катта аҳамиятга эга (Л.П.Панин,1978).

Стрессор таъсири пайтида катехоламинлар миқдорининг кўпайиши ҳам маълум. Организмда инсулин миқдорининг камайиши ўз навбатида катехоламинлар миқдорларининг кўпайишига олиб кслади. Шундай қилиб қондаги глюкокортикоидлар ва катехоломинларнинг меъёрда сакланиши, кўп ҳолларда инсулин миқдорига боғлиқ.

Юқорида айтилганларни эътиборга олиб, стресс пайтida организмда бўладиган эндокрин тизимининг ўзаро таъсирини ва эндокрин-метаболизмнинг ўзаро таъсирини куйидагича тушунтириш мумкин. Ваҳима даврида қонда катехоламин, глюкокортикоид ва инсулинлар миқдори ошади. Бу пайтда организмда кечадиган адаптацион реакцияларга керакли энергия углеводлар ҳисобидан кошланади, шу билан биргаликда бу максадда мойлар ҳам ишлатила бошлади. Шунинг учун бу пайтда қонда факатгина глюкоза миқдори кўпаймасдан, балки мой кислоталари миқдори ҳам кўпаяди. Бу жараёнларнинг шундай кечиши катехоламинларнинг аҳамияти катта эканлигини билдиради. Мой кислоталарининг мой захираларидан жигарга ўтишида липопротеидлар иштирок этади. Бу жараённинг амалга ошишида глюкокортикоидларнинг хизмати катта. Резистентлик даврида адаптив жавоб беришнинг қўйидаги уч варианти экстремал шароитларда ривожланади. Бунда

глюкокортикоидлар міңдори максимумга, инсулин міңдори минимумга етади. Бу моддаларнинг қондаги міңдори ҳам худди шундай ўзгаради. Организм ўзининг адаптив имкониятнинг ҳаммасини ишга солади ва тезда организмдаги бу имкониятлар тугайди. Иккинчи вариант субэкстремал даврида ривожланади. Бу даврда глюкокортикоидлар ва инсулин міңдорининг ўзгариши энг охирги чегарагача бормайды, улар ўртача сафарбар килинади. Стрессор таъсирининг кучи ва давомийлигига қараб, иккинчи давр биринчи даврга ўтиши мүмкін. Учинчи вариантда қондаги глюкокортикоидлар міңдори анча камаяди. Бундан ташкари бу даврда организм томонидан мойларнинг ишлатилиши ҳам кучаяди ва зичлиги энг паст бўлган липопротеидларнинг шаклланиши кучаяди.

Митохондриялардаги нафас олиш занжиридаги қайта қурилишлар бу ўзгаришларга сабабчи бўлади. Бу Кребс циклидаги интермедиатларнинг оксидланиш эффектининг пасайиши ва инсулин ишлаб чиқаришининг кучайиши билан характерланади. Гормонлар таъсирида лизосомал аппаратидаги ўзгаришлар қўйидагича амалга ошади. Витамин А нордон гидролизни чўқадиган ҳолатдан чўқмайдиган ҳолатга ўтказади, тоғай тўқималаридан лизосомал ферментларнинг чиқишини таъминлайди, бириқтирувчи тўқиманинг емирилишини олдини олади.

М.Г.Цулая ва бошқалар (1984) маймун организмидә эмоционал стресс пайтида симпато-адренал тизими иши фаоллашини ва натижада қонда катехоламин биосинтезининг охирги маҳсулотлари бўлган адреналин ва норадреналин міңдорларининг кўпайишини аниқлаганлар.

А.И.Саулхя (1984) узок муддатли гипокинезия ҳолатидаги юмронқозикларда эмоционал оғрикли стресс таъсирида миокарднинг қисқариш қобилиятининг сусайишлари кузатилганини маълум қиласди..

Буйрак усти безининг пўстлоқ қисмининг функционал фаоллигига липопротеидлар таъсир қилиши мумкин дейилган тахмин бор эди (Л.Е.Панин, 1965). Шуни аниқлаш учун ок каламушларда липопротеидларнинг стероидогенезга таъсирини ўрганиш максадида тажрибалар ўтказилди. Текшириш натижалари зичлиги жуда паст бўлган липопроидлар II-ОКС ишлаб чиқаришига таъсир этишини кўрсатди.

Адабиёт маълумотларидан қон зардобидан ажратиб олинган В-липопротеидлар жигар ва мускулларнинг гексокиназасига ингибир таъсир этиши (В.С.Ильин, Титова К.В., 1956, Д.И.Бельченко, 1967;

Л.Ворнштейн, 1953), бу пайтда В-липопротеидлар таркибига кириб ташилувчи кортикостероидлар сони күпайиши маълум (Ильин В.С., Титова Г.В., 1956). Юқоридаги маълумотлар липопротеидларнинг буйрак усти бези пўстлок каватининг функционал фаоллигига таъсир этишидан далолат беради (Л.М.Поляков, 1977).

Г.В.Бурксернинг ёзишича (1974) ташки ҳар хил нокулай шароитларига ҳайвон организмининг реакцияси ҳам ҳар хил бўлади. Кўпинчча нокулай омил организмда номахсус жавоб реакцияларининг вужудга келишига олиб келади, бу жавоб реакциялари организмнинг физиологик имкониятларига боғлиқ. Ҳар хил салбий омиллар (очлик, қўрқув) организмда бир қанча ўзгаришларни келтириб чиқаради ва қонда адреналин ва норадреналин миқдори кўпаяди. Бу катехоламинларнинг кўпайиши, организмга стрессор таъсир этканлигидан далолат беради ва организмни хавфли омил таъсиридан огохлантиради.

Ҳар хил омиллар таъсирида организмда номахсус кучаниш, зўриқиши келиб чиқади ва бу марказий асаб тизимида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради ҳамда марказларга, гипоталамусга хавф яқинлашаётганлигини хабар қиласди. Гипоталамусда вегетатив ва эндокрин тизими олий бошқарув марказлари жойлашганлиги учун қонга кўп миқдорда катехоламинлар (адреналин ва норадреналин) чиқарилади. Стресснинг биринчи фазасида гипотония, гипотермия, гипоконцентрация, мускул тонусининг пасайиши каби белгилар кузатилиб, кейинчалик қон босимининг кўтарилиши, қон капиллярининг ёрилиши, қўзгалиш ёки депрессия ривожланади. Шунинг учун стрессор таъсирида қисқа муддатда ҳам функционал, ҳам морфологик ўзгаришлар ривожланади. Шунинг учун стресс таъсирида ошқозон-ичакда, юракда қон куйилишлар кузатилади ва яралар ҳосил бўлади. Бу ўзгаришлар кучли стрессорлар таъсирининг биринчи дақиқаларида ривожланади.

Ветеринарияда стресс таъсирида ривожланадиган касалликларга гипомагнемик тетания, сигир ва чўчқаларнинг “транспорт касаллиги”, чўчқа, ит ва отларнинг “невротик касаллиги” киради. Гипомагнемик тетания касаллиги стресс таъсирида организмда минерал моддалар алмашиниши бузилишидан; “Транспорт касаллиги” сигир ва чўчқаларни темирйўл воситасида ташилганда; “Невротик касаллиги” чўчқалар, итлар, отлар кўркканда ва кучли оғриқ таъсир этганда келиб чиқади.

Стресс таъсирида қон қуюқлашади, қанд миқдори кўпаяди, лимфоцит ва эозинофил сони камайди, қон босими кўтарилади.

Г.Селье стресс касалларини икки гурухга булишни таклиф этади.

1). Монокаузал стресс касаллары – битта стресс – омили таъсирида (тасодифий кўркув, оғрик) ривожланади.

2). Поликаузал стресс касаллары – бир неча стресс – омиллари таъсирида (харорат ва газларнинг таъсири) ривожланади.

Корамолларда стресс таъсирида (механизмлар шовқини таъсирида) тана ҳарорати кўтарилиши, юрак иши ва нафас олиш тезлашиши, катта қорин қисқариши камайиши, тер ажралиши кузатилган, эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдори камайган, нейтрофиллар сони кўпайиб, лимфоцитлар камайган.

Бузокларда стресс ҳолатини аниқлаш учун И.П.Степанова (2005) қоннинг антиоксидант тизимини ҳамда супероксиддисмутаза ва каталаза гормонларининг фаоллигини аниқлашни тавсия этади. Текшириш натижалари бир ойгача бўлган бузокларда катта ҳайвонларга нисбатан липидларнинг переоксидданиш жараёни пастлигини кўрсатди, 6 ойликдан катталарида бу кўрсатгич ошиб боради. Тадқиқотчи бузокларнинг транспорт стрессини олдини олиш учун беш кун давомида 50 мл-дан оғиз орқали фойдали микроблар суспензиясини (*Lactobacillus acidophilus*, *L.plantarum*, *L.fermentum* ва бошқалар) ичиришни тавсия этади. Тадқиқотчининг фикрича янги туғилган бузоклар ошқозон-ичагидаги бактериопенез биринчи 15 кун давомида шаклланади ва 40-60 кунлигига мустаҳкамланади, фойдали микроблар кўпгина фойдали органик моддаларни парчалаб, ҳазм қилиб, ҳайвон организми учун зарур бўлган бир канча биологик фаол моддаларни ( витаминлар, ферментлар, органик кислоталар) синтезлайди.

Бузокларни бир жойдан иккинчи жойга транспортда ташиганда ошқозон-ичаклардаги фойдали биологик фаол моддаларнинг етишмовчилиги, резистентликнинг пасайиши кузатилиб, бузок организми стрессга карши кураша олмайди.

Монреал университети ветеринария медицинаси факультетининг бир гурух олимлари 23 бош стресс таъсирига сезувчан ва 55 бош стресс таъсирига сезувчанлиги паст бўлган 3 ойлик чўчка болаларини олиб, қон плазмасидаги адреналин ва норадреналин миқдорини аниқладилар. Олимлар стресс синдромига сезгир чўчка болаларига нисбатан норадреналин миқдори юкори эканлигини (993 пг/мл; 573 пг/мл) аниқладилар. Бу иккала гурухдаги ҳайвонлар қонида адреналин миқдори деярли бир хил эди (168 ва 186 пг/мл). Тадқиқотчилар қон олиш билан боғлиқ бўлган стресс пайтида

стрессга чидамли ҳайвонларга нисбатан стресс таъсирига чидамсиз бўлган ҳайвонларда симпатик асаб тизими ning норадренергик жавоб реакцияси кучли эканлигини аниқладилар (DeRoth L et el)/

А.Барер ва бошқаларнинг (1988) таъкидлашларича, кучли совуқда колган одамга синдроми берилганда совуқ билан боғлик стрессни олиш мумкин эмас. Чунки бу дорини ичақда буйрак усти безидан қўшимча норадреналин гормони кўп микдорда ишлаб чиқарилади ва организмда модда алмашиниши жараёни кучаяди. Бунинг натижасида ҳосил бўлган иссиқлик энергияси организмни совуқдан ҳалок бўлишидан сақлайди.

Кейинги йилларда олимлар организмнинг ҳимоя кучларини ўрганиш учун чуқур ва мураккаб текширишларни олиб бормоқдалар. Бу текширишлар натижасида организмга ҳар-хил микроблар тушганда, пептидлар организмнинг иммунитет ҳосил киладиган мураккаб мажмуасини қўзғаб, ишини активлаштириб, антитела ишлаб чиқарилиши аниқланган. Ҳамма оқсиллар каби пептидлар ҳам аминокислоталардан ташкил топган. Аминокислоталарнинг шу ишларда иштирок этиши-этмаслигини аниқлаш учун Г.Белокрылов ва бошқалар аминокислоталарни организмга юбориб, аспарагин, глутамин кислотаси, цистеин, серин, триптофан, аланин ва валинларнинг Т-лимфоцитларининг ва антителаларнинг ишлаб чиқарилишини тезлаштиришини аниқлагандар. Айнакса бу соҳада аспарагин кислотасининг таъсири жуда юқори бўлган. Бу моддани юборганда организмда антитела ҳосил бўлиши бир ярим марта ошган. Бу хуносалар стрессор таъсири пайтида организмнинг умумий резистентлигини оширишда ҳам қўлланилиши мумкин (Г.Белокрылов ва бошқалар, 1986).

И.Е.Мозгов (1964, 1975), А.С.Кашин (1974) ва бошқаларнинг таъкидлашicha, организмда стресс ҳолатининг ривожланиши тўқималарда, конда аскорбин кислотаси ва бошқа витаминаларнинг камайиши билан кечади. Аскорбин кислотаси микдорининг камайиши буйрак усти бези пустлоқ қисмининг активлигига боғлик ва стресс-реакциясининг нечоғлик оғирлигини аниқлайдиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади (Пулатов, 1962). Стресс таъсири витамин А ва В<sub>2</sub> нинг, микроэлементларнинг етишмаслиги, гормонлар микдори ва нисбатининг ўзгариши, заҳарланиш ўз навбатида витамин С нинг синтезланишини камайтиради (И.И.Задорний, М.И.Маценко, 1972). Бундай пайтда аскорбин кислотасини ҳайвон рационига қўшиб бериш зарурати туғилади.

Бундан ташқари, янги туғилған ҳайвонлар организміда С витаминининг синтезләниши жуда кам бўлади.

Организмда аскорбин кислотаси оқсил алмашиниши даврларини аниқлайди, қондаги полипептиidlар даражасини меъёрга келтиради, ҳужайраларнинг кўпайишини таъминлайди. (С.В.Андреев, А.А.Значкова, 1960). Марказий асаб тизими иши ҳам аскорбин кислотаси миқдорига боғлиқ ва тескариси. Шунинг учун С витамины миқдорининг камайиши марказий асаб тизими биохимиясининг ўзгаришига сабабчи бўлса, марказий асаб тизими ишининг ўзгариши С витамины алмашинишининг бузилишига олиб келади (П.И.Шилов, Т.Н.Яковлев).

С витамины эндокрин тизими ишига ҳам таъсир килади. С витамины кортикостероид гормонларининг синтез бўлишини таъминлайди. Стрессор таъсирида қонда кортикостероидлар миқдори қанча кўп бўлса, аскорбин кислотаси миқдори шунча камаяди.

Аскорбин кислотасининг миқдори организмда анча камайса, эндокрин ва асаб тизимларида оксидланиш – қайтарилиш жараёнлари бузилиб, бу органларнинг функционал ва морфологик ўзгаришига олиб келади. Бундай ҳолатда албатта организмнинг табиий резистентлиги пасаяди.

Стресс пайтида аскорбин кислотаси миқдорининг пасайишини хисобга олиб, стрессга карши турувчи мураккаб дори аралашмаси синаб кўрилди. Бизга маълумки, стресс пайтида асаб тизимининг қўзғалиши кузатилади. Шунинг учун мураккаб дори таркибиға аскорбин кислотасидан ташқари В гуруҳидаги витаминалар ҳам киритилди. Чунки бу витаминалар асаб ҳужайралари иши жараённада кечадиган ва юкори даражада ўтадиган оксидланиш – қайтарилиш реакцияларида иштирок этади. Стресс пайтида кўпинча тиамин ва пиридоксингилар кўлланилади (Б.Сопиев, О.И.Волкова). Булардан ташқари стресс пайтида рибофлавин миқдори ҳам камаяди. Рибофлавин биологик оксидланиш ферментлари, диафораз, цитохромредуктаз, оксидаз, ксантиоксидаз ва бошқа ферментларда бўлиб, шу гликогенлар парчаланганлиги учун ҳам гликогенализ мускулларда юкори бўлади. Скелет мускулларда углевод алмашинишининг тормозланиши энг юкори бўлган, бу мускулда липид алмашиниши тезлашиши билан боғлиқ (H.J.Hohorst, 1970). Бу ҳолат стресс таъсири пайтида бутун организмда мия фаолиятини таъминлаш учун углевод моддаларининг иқтисод қилиниши билан боғлиқ. Мияда бу пайтда углевод алмашиниши ўзгармайди. Жигарда бошқа органларга нисбатан энг паст углевод алмашиниши

кузатилади. Чунки организмга стрессор таъсир қилганда, углеводга бўлган талаб бир неча марта ошганлиги ва тез орада организмдаги углевод заҳиралари тугаганлиги учун, жигарда оксил ва липидлардан углевод ҳосил бўлиши кучаяди ва бу углеводларни ўзи учун сарфламасдан, бошка органлар фаолияти учун сарфлайди.

Шундай қилиб, стрессор таъсири пайтида ҳамма органларда углеводни ишлатиш камайиб, мия ишининг амалга ошишига сарфланади (Третъякова Т.А., 1977).

Организмнинг адаптация давридаги мослашувида витаминлар ва гормонлар асосий роль ўйнайдилар: пантотен кислотаси (витамин В<sub>3</sub>) нинг стресс пайтида биологик вазифаси кофермент шаклида энергия ҳосил бўлиши жараёнларида кенг миқёса иштирок этишида намоён бўлади. Бу витаминнинг кофермент шаклидаги фаол бирикмаси хисобланган ацетил – КОА нинг миқдори ва фаоллигига баглий. Пантотен кислотаси стресс пайтида берилса организмда оксидланиш – тикланиш жараёнлари кучайиб, ацетил – КОА кўп ҳосил бўлади. Стресс пайтида гормонлар асосан маҳсус рецепторлар орқали таъсир этиб, катехоламин полипептид гормонлари АТФ билан алокада бўлиб, РНК ва ДНК ни фаоллаштиради. Тиреоид гормонлар ҳужайра тузилишининг шаклланишини бошқаришда иштирок этади. Бу гормонлар генетик даражада таъсир этиб, ҳужайраларнинг структур ўсишига олиб келади ва миокарднинг узоқ адаптациясини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг Кизилқум ҳудуди арид минтақасига киради. Арид зонасида ёз пайтида юкори ҳарорат ва қуруқ ҳаво; ҳароратнинг бирдан кескин ўзгариши кузатилади ва бу ўзгаришлар ҳайвон организмига стрессор сифатида таъсир этади. Бу таъсиротларга мослашиш учун организм ўзининг ички муҳити ва органларнинг ишини маълум томонга силжитади, қайта тақсимлайди, организмда мослашиш тизими ёки адаптация тизими доимо ишлаб туради.

Агар стрессор таъсири киска бўлса, организм ўзининг ички заҳиралари ҳисобидан таъсиротларга физиологик норма чегарасида жавоб беради ва организмда чукур ўзгаришлар келиб чиқмайди. Агарда стрессор таъсири кучли ва сурункали бўлса, мослашув тизими орқали организм ўзининг ички муҳит кўрсаткичларини физиологик даражада ушлаб турса олмайди. Бу пайтда организмда умумий адаптацион синдром-комплекс, маҳсус бўлмаган нейрогуморал реакциялар амалга оширилади. Ташки муҳит ҳарорати узоқ муддатда кўтарилилганда ва ҳайвон организмига стрессор сифатида таъсир

этганда, хайвоннинг тана ҳарорати кўтарилади, тери ва шиллик пардаларда коннинг харакати бир неча марта ошади (иссикликини ташқарига чикариш учун); юрак қисқариши ва нафас олиши тезлашади, тўқималарда гипоксия кузатилади (кон харакати камаяди); хужайранинг митохондрияларининг активлиги ошиб, кўп микдорда энергия тўпланади; конда холестерин ва фосфолипидлар микдори кўпаяди; беталипопротеидлар микдори камаяди.

Стрессор таъсирида буйрак усти безида катехоламинлар ишлаб чикарилиши кучаяди. Катехоламинлар таъсирида жигар ва мускуллардаги глюкогеннинг глюкозага айланиши тезлашади ва конда глюкоза микдори кўпаяди. Бу глюкозалар асосан асаб хужайралари томонидан ишлатилади. Бу пайтда оқсилдан қанд хосил қилишни таъминлайдиган иккинчи ҳимоя линияси ҳам тшга тушади. Катехоламинлар таъсирида ёғ захираларининг ишлатилиши кучаяди ва унинг кондаги концентрацияси ошади. Шундай қилиб, стресс таъсирида буйрак усти безлари магиз қаватининг гормонлари, организмнинг энергия захираларини ишга солади. Глюкокортикоидлар тери ости клетчаткаси ёғини ишга солади ва унинг қандга айланишини таъминлайди. Шундай қилиб глюкокортикоидлар гормони организмдаги модда алмашинуви жараёнларига нормаллаштирувчи таъсир кўрсатади ва модда алмашинувини стрессор таъсирида келиб чиқадиган янги ҳолатларга мослаштиради.

### **Биологик стресс ва адаптация**

#### **Хозирги замон тушунчаси ва терминологияси**

Ганс Селье томонидан (Selye H., 1936) “умумий адаптацион синдром” тушунчаси ёзилганига ва уни кейинчалик “биологик стресс” деб аталганига (Селье Г, 1977) 80 йилдан ошди. Унинг тушунтиришича, стресс пайтида бериладиган таъсиротларга организмда ҳар хил патологик жараёнлар ривожланмаслиги учун маҳсус бўлмаган (стереотип) комплекс бир хилдаги механизмлар шаклланади. Бу ўзгаришлар қўйидаги триададан иборат:

1) Буйрак усти безининг пўстлоқ қаватининг кўпайиши, у ерда геморрагик ўзгаришларнинг ривожланиши, секретор гранулаларнинг йўқолиши каби ўзгаришлар келиб чиқади.

2) Лимфоид органларининг атрофияси кузатилади.

3) Ошқозон ва ўнинкибармоқли ичакда кон оқадиган яраларнинг пайдо бўлиши каби ўзгаришларнинг ривожланиши кўпгина касалликларнинг патогенезини тушунишга сабабчи бўлди.

Бу ўзгаришларнинг оғир ёки енгиллиги организмга таъсир этётган стрессор кучига боғлик. Бу ўзгаришларнинг ривожланисини Г.Селье ўз вақтида З босқичга бўлиб тушунтирган:

1. Вахима босқичи
2. Резистентлик босқичи
3. Организмнинг батамом ишдан чиқиши босқичи.

Биринчи босқичда организмни ҳар қандай ҳолатга ва кучли функционал вазифаларни бажаришга тайёр турадиган ўзгаришлар келиб чиқади. Бу пайтда организмда юкорида келтирилган триада ўзгаришлари ривожланади.

Иккинчи босқичда узок давом этадиган стрессор таъсирига қарши туриш учун ва организмда салбий ҳолатлар ривожланаслиги учун маҳсус ҳолатлар шаклланади. Бунда буйрак усти безининг пўстлоқ қисмининг доимий гипертрофияси ривожланисининг ва ошқозон-ичаклардаги кон оқадиган яраларнинг йўқолиши кузатилади. Агарда организмга кучли стрессорнинг таъсири давом этса, резистентлик босқичи организмнинг батамом ишдан чиқиши босқичи билан алмашинади.

Учинчи босқичда буйрак усти безининг пўстлоқ қавати батамом атрофияга учрайди, лимфоид ва бошқа органлар ҳам атрофияга учрайди. Бу пайтда организмнинг маҳсус ва номаҳсус резистентликлари пасайди ва ҳайвон ҳалок бўлиши мумкин.

Л.Х.Гаркави, Е.Б.Квакина, М.И.Уковоловар (1979) “Ҳар қандай ташки таъсирот стрессор бўла олмайди” деган фикрни билдирадилар. Шунга асосан улар “организмда қуидаги адаптацион ҳолатлар шаклланади” деган назарияни илгари сурадилар:

1. Кучсиз таъсиротларга жавоб бериш ҳолати
2. Ўртacha кучга эга бўлган таъсиротларга жавоб бериш ҳолати.
3. Ўта кучли ва фавқулотдаги таъсирот (стресс) ларга жавоб бериш ҳолати.

Муаллифларнинг фикрича, Г.Селье айнан кучли ва фавқулотдаги таъсиротларга берилган ҳолатларни ёзган.

Кучсиз таъсиротларга организмда “машқ килиш” ҳолати кузатилади. Бунда берилган таъсиротга қараб организмда керакли ўзгаришлар амалга оширилади: марказий асаб тизимининг сезувчи нервларида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кузатилади.

Ўртacha кучга эга бўлган таъсиротларда организмда “фаоллашиш (активлашиш) ҳолати” ривожланади. Бу ҳолатда “бирламчи фаолланиш” ва “доимий фаоллашиш” даврлари кузатилади. Булар

натижасида организмда резистентлик ошади, аминокислоталар ва оксиллар түпнанади.

Ф.З.Меерсон (1981) фикрича, организмга таъсир этувчи ташки мухитнинг хар қандай ўзгаришига стресс-синдром ҳосил бўлади. Бу реакция организм адаптациясининг ажралмас кисмидир, деган тушунчани билдиради. П.Д.Горизонтов (1981) тушунчасига кўра, стресс хар кунги таъсиrotлардан фарқ қиласидиган, экстремал омиллар таъсирига организм томонидан бериладиган адаптив реакциядир. А.А.Виру (1980) нинг бу соҳадаги фикри юкоридаги қоидаларга мос келади. У стресс ҳолатини организмдаги умумий адаптация механизmlарининг жалб этилиш ҳолати деб тушунади. Бу пайтда организмнинг ҳимоя кучларининг ижобий реакциялари вужудга келади ва сафарбар қилинади. Юкоридаги қоидалардан стресс – бу бир бутун организмнинг стрессорлар таъсирига мослашишига қаратилган маҳсус бўлмаган реакцияларидир.

Г.Селье ўз вақтида “стресс” тушунчасини қониқарсиз шакллантирганини сабабли, у берган тушунчанинг айrim томонларини кайта кўриб чиқишга тўғри келди. Масалан унинг тушунтиришича, организмга ҳеч қандай салбий ўзгаришлар келтириб чиқармайдиган оддий “стресс” ва салбий ўзгаришлар келтириб чиқарадиган “дистресс” мавжуд (Г.Селье, 1977). Илмий техника ривожининг ҳозирги даврида бундай эмаслиги аникланди. Ҳар қандай стрессор таъсири албатта организмда у ёки бу салбий ўзгаришга олиб келади.

Стресс фақатгина организмда патологик жараёнларни ривожлантирибгина қолмай, балки организм резистентлигининг ошишига ҳам олиб келади. Г.Сельенинг биринчи текширишларидаёқ бу пайтда организмнинг ҳамма функционал тизимлари жалб этилиши аникланди.

Кам ёғингарчилик пайтида ва ёзда, қисман баҳор ва кузда юкори ҳарорат кузатиладиган жойларга арид зоналари дейилади. Кам ёғингарчилик бўлиб, ҳавонинг юкори буғлантириш ҳусусиятига эга бўлган жойларга чўл зонаси дейилади. Ёзда ҳаво ҳарорати  $30^{\circ}$  С дан кам бўлмайдиган, бир йилда ёғингарчилик миқдори 30 мм дан ошмайдиган жойларни иссиқ чўллар дейилади. Бу жойлар учун ҳаво ва тупроқдан юкори ҳарорат, ҳавонинг кам нисбий намлиги, курук тупроқ ва кўёшнинг кучли тўғри ва қайтарилган радиацияси ҳусусиятилеридир.

Бундай жойларда ҳайвонларнинг яшаш жойларида йил фаслига қараб ҳарорат кескин ўзгариб  $0-10^{\circ}$  С атрофида кузатилади. Лекин

қиши қаттық келгап йиллари ва вактларидан – 30° С совук ҳам бўлиши мумкин. Апрель-сентябрь ойларида ҳарорат +20...+55° С бўлади. Айрим пайтларда ҳароратнинг бир кечакундузда ўзгариши 30° С ни ташкил қилиши мумкин. Ҳавода нисбий намликнинг кам бўлиши (12-20%) ҳайвонларнинг иссиқда яшашларини енгиллаштиради.

В.М.Митюшников (1985) стрессга “Тирик организмга салбий таъсир этаётган таъсиротларга шу организм томонидан жавоб бериш ҳолатлари мажмуасидир” деб таъриф беради. Стресс таълимоти, ривожланиши ва келиб чиқиши илгари номаълум бўлган кўпгина патологик жараёнларни тушунтиришда катта аҳамиятга эга. Стрессни тушуниш кўпгина касалликларни олдини олиш ва даволаш имкониятини беради. Г.Селье бўйича стресс – бу стрессорлар таъсирида организмда келиб чиқадиган номахус жавоб реакциялари йигиндисидир.

Хозирги замон тушунчаларига кўра, организмда стрессор таъсирига фақатгина гормон ишлаб чиқаридиган безлар жавоб бермасдан (Г.Селье, 1977), балки асаб бошқарилишининг медиатор кисми (Я.И.Венслер, 1976, Г.И.Косицкий, В.М.Смирнов, 1975), гомеостазни меъёрда саклаб турувчи хужайраларнинг ташки курилмалари (Б.Н.Тарусов, 1975) ҳам жавоб беради. Стресснинг организмга таъсир этиши ва кейинги ривожланиши кўп жиҳатдан асаб тизимининг ҳолатига боғлиқ. Хужайра механизмларининг ишончлилиги ва мустаҳкамлиги эса стресс нима билан тугашини белгилайди. Шунинг учун асаб ишига ва гомеостазни доимий ҳолда меъёрда саклаб турувчи хужайра курилмалари ишига таъсир этувчи ҳар қандай дори-дармонлар стресс таъсирини пасайтириш мақсадида қўлланилиши мумкин.

Маълумотларга караганда, глицин марказий асаб тизимининг тормозланиш жараёнининг табиий медиатори бўлса, глутамин кислотаси-кўзғалиш медиаторидир. Аевит таркибига киравчи ретинол ва токоферол антиоксидант бўлиб, хужайра мембранасини барқарорлаштиради (Е.Б.Бурлакова ва бошқалар, 1975), чунки стресс таъсирида мембраннынг липид қавати емирилади. Сантонин эса витамин А барқарорлигини таъминлаш билан стрессор таъсир қилаётган организм хужайрасининг мембранасига ижобий таъсир қиласди.

М.Уланованинг ёзишича (1988) организмга тушган “ёт нарса”га органимдаги иммун тизимининг ҳаммаси ишга тушурилмасдан, айримлари кураш олиб боради. Ичаклар ва бронхларнинг шиллиқ пардаларида лимфоид тўқимаси тўпланган қисмлар аниқланган. Бу

қисмлардаги лимфоцитлар иммуноглобулинларнинг ҳамма турларини ишлаб чикаради. Лекин асосан бу ерда иммуноглобулиннинг А класси ишлаб чиқарилади. Бу иммуноглобулин ичакларнинг шиллик пардалари орқали организмга антигенларнинг сўрилишини олдини олади. Агарда ҳар хил сабаблар натижасида антиген шиллик парда орқали сўрилиб, қонга тушса, кон томиридаги лимфоид тўқимаси тўпламлари ишлаб чиқарган А-иммуноглобулини уни заарсизлантириб, жигар орқали ўт суюклиги таркибида ичакка тушади ва тезак орқали организмдан чиқариб юборади. Стресс таъсирида организмдаги иммун тизимининг шу қисми иши ҳам бузилади.

Стрессор таъсири этганда ҳужайра лизосомларининг жавоб бериш реакцияси кучига караб ёки организм стрессорга карши турға олади ёки ўзгаришлар келиб чиқади ва ҳужайра ҳалок бўлади. Юкоридагиларни эътиборга олиб, тадқикотчилар стрессор таъсирига қарши курашишда лизосомлар ҳал килувчи роль ўйнашини эътироф этадилар. Лизосомада куйидаги кислотали гидролазалар заҳира ҳолатида сакланади ва стрессор салбий таъсирини пасайтиришда фаол иштирок этади:

- Кислотали фосфатазалар
- Катепсин
- В-глюкуронидазалар
- В-N-айтилглюкозаминдазалар
- Арилсульфатаза
- Эркин мой кислоталари
- Инсулин

Стрессор таъсири даврида қонда инсулин миқдорининг камайиши стрессорга қарши курашишда ижобий натижа беради. Чунки организмда инсулин миқдори камайса адаптация имкониятлари чегараси кенгаяди.

Организмда глюкокортикоидлар ва катехоламиналарнинг меъёрда сақланиши асосан инсулин миқдорига боғлиқ. Шунинг учун стрессор таъсири пайтида организм стрессга қарши курашаётган пайтда қонда глюкокортикоидлар ва катехоламиналар миқдорининг кўпайиши, инсулин миқдорининг камайиши хисобига амалга ошади.

Стресс пайтида адреналин ва норадреналин миқдори кўпайади. Уларнинг стрессор таъсирига қарши туриш қобилияти лизосомалар орқали намоён бўлади.

Стресс таъсирида организмда химоя воситалари ишга туширилиб, организм стрессор таъсирига қарши курашганда, энергия

жуда күплаб сарфланади ва АТФ стишиналиги юзага келади. Ана шу пайтда организмнинг стрессорга қарш қурашини давом эттиришда зарур бўлган энергияни лизосомлар беради. Чунки лизосомларда гликогенга ўтувчи глюкозидазалар кўплаб сақланади.

Булардан ташқар, лизосомлар стресс таъсирида жароҳатланган хужайра қисмларини тезгина йўқотади ва хужайранинг қайта тикланишига ва кўпайишига шароит яратади.

Чўчкачиликни саноат асосида ривожлантирилганда, ҳайвон организмига ҳамма вакт ташқи таъсиrotлар салбий таъсир этади. Буларга чўчқа болаларини онасидан ажратиш, бошқа жойларга ташиб, қайтадан гурухлар тузиш, эмлаш, ҳаракатнинг чегараланганилиги ва бошқалар киради. Бунинг натижасида озиқалар кўп сарфланади, организмнинг умумий резистентлиги пасаяди, стресс ҳолати вужудга келади ва натижада ҳайвонлар ўсиш, ривожланишдан қолиб, маҳсулот сифати ёмонлашади, ҳар хил касалликлар ривожланади. Шундай салбий таъсиirlарнинг олдини оладиган дорилардан бири фумар кислотасидир.

Бўғоз она чўчқаларга фумар кислотасини кўллаш: Она чўчқалар қонида туғищдан илгари гамма-глобулин ва иммуноглобулин миқдорлари юқори бўлган фумар кислотасини кўллаганда бу кўрсаткичлар анча пасайган. Буни фумар кислотаси қабул қилган она чўчқаларда тез-тез адаптация бўлганлиги ва юкоридаги моддалар узвиз сутига кўпроқ ўтганлиги билан тушунтириш мумкин.

Шу она чўчқалардан олинган болалари анча ҳаётга чидамли бўлиб, яхши ўсган (тажрибадаги: туғилганда  $1,14 \pm 0,3$  кг, 45 кундан кейин  $10,72 \pm 2,61$  кг, назоратда –  $1,25 \pm 0,31$  ва  $10,17 \pm 2,41$  кг).

7-10 кунлик чўчқа болаларига фумар кислотасини 10 кун давомида кўлланганда, уларнинг касалланиши ва ўлиши камайган, ўсиши ва ривожланиши яхши бўлган.

### **3 Боб. СТРЕССЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЙВОН ОРГАНИЗМИГА ТАЪСИРИ**

Чорва ҳайвонларни саклашда, озиклантиришда, бир жойдан иккинчи жойга кӯчиришда, ветеринария ва зоотехния ишларини (эмлаш, бичиш, қон олиш, ҳалқа такиш, тарозига тортиш ва ҳоказолар) амалга оширганда ҳайвонлар организмига салбий таъсир қилувчи омиллар сони кўпаяди ва бундай омилларга стрессорлар дейилади. Бундай пайтларда ҳайвонлар ортиқча энергия сарфлаб, шу ўзгаришларга мослашишлари керак. Организмнинг стрессорлар таъсирига мослашиши организмнинг физиологик ва биохимик жараёнларининг кучайишига, кўп энергиянинг ортиқча сарфланишига олиб келади.

Ташки муҳитнинг кучли ва узоқ давом этадиган салбий таъсиrotлари, ҳайвонлар организмида стресс ҳолатини келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишидан колишига, маҳсулдорлигининг пасайишига олиб келади, бу пайтда кўпгина касалликлар ривожланади.

Стресс таъсирида организмда рўй берадиган ўзгаришларни билмасдан туриб, стрессорга қарши кураш чора-тадбирларини ўтказиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда ҳам, замонавий технологиялар асосида олиб борилаётган чорвачиликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатадиган муаммолардан бири-стресс хисобланади. Чорвачиликни ривожлантиришдаги кўпгина омиллар ҳайвонларда стресс – реакцияларнинг ривожланишига сабабчи бўлади. Буларга молхонадаги нотинчлик ҳолати, шовқинлар, кичқириклар, сассиқ хид, ҳайвонларни таёк билан уриб, ҳайдаш, озука ва ҳарорат омиллари, захарли газлар ва бошқалар киради. Ҳозирги кунда чорвачиликда қўлланилаётган илмий-техникавий янгиликлар, ҳайвонларда эволюцион ривожланиш даврида шаклланган физиологик жараёнларни бузади. Бу пайтда ҳайвонларни саклаш ва озиклантириш жараёнларида қўлланиладиган кўпгина янги технологиилар натижасида ҳайвонларга стрессор сифатида таъсир этадиган омиллар сони кўпайиб бормокда. Буларнинг ҳаммаси ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишига, маҳсулот беришига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда ҳайвонларда учрайдиган юкумсиз касалликларнинг кўпчилиги стресс таъсирида ривожланади.

Стресс реакцияси, организмнинг табиий химоя кобилияти даражасининг жиддий ўзгаришлари билан кечади. Табиий

резистентлик даражасини хужайравий ва гуморал омиллар (қондаги лейкоцитларнинг фагоцитар қобилияти, кон зардобининг бактериоидлик, комплементлар ва лизоцим фаолликлари, гамма-глобулинлар, бетализинлар, сиал кислоталари, пероксидазалар микдорлари) бўйича аниглаш мумкин.

Стресснинг якуний таъсири сифатида ҳайвонларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичига баҳо берилади (С.И.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1987).

Стресснинг асосий турлари медицина ва ветеринарияда кўпгина олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, буларга психик ёки эмоционал стресслар, озиқа стресслари, климатик стресслар, технологик стресслар, транспорт стресси, мавқе стресси, ветеринар-профилактик ва зоотехник тадбирлар билан боғлиқ стресслар киради.

Г.Селье биринчи марта стресс тўғрисида 1936 йил 4 июлда "Nature" журналида босилиб чиқсан кичкина мақоласида ёзган эди. Хозирги кунда инсон ва ҳайвонлар орасида стресс таъсирида келиб чиқадиган касалликлар, асrimизнинг энг катта муаммоларидан бирига айланди. Инсонлар орасида стрессор таъсирида ривожланадиган гипертония ва юрак касалликлари катта фойзни ташкил этади.

### Эмоционал стресслар

Эмоционал стресслар асосан итларда, отларда ва паррандаларда кўп учрайди. Шунинг учун итлар, отлар ва паррандалар стресслари бўлимларида эмоционал стресс батафсил ёзилган.

1981 йилда Гамбург шаҳрида ўtkazilgan ҳалқаро геронтологик конгресс (Saup W. 1984) материалларида таъкидланишича, соматик ва психик (асаб) касалликлар, асосан нокулай ижтимоий якинлашув ва оила муаммоларига тааллукли стресслар натижасида келиб чиқади. Ушбу конгрессда кариялар уйига келтирилган кишиларда стресс омилларининг депрессияга олиб келиш ҳолатлари, ёшга қараб вужудга келадиган асабий бузилишларни мухокама қилишга кенг ўрин берилган.

Stout John K. Posher (1984) маълумотларига кўра, АҚШдаги корхоналардан бирида ўtkazilgan анкеталаштириш натижалари шундан далолат берадики, иш жойидаги стрессларнинг асосий қисми раҳбарнинг хулк-автори ва муомаласидан келиб чиқар экан. Яъни "бошқарув ноаниқлиги" ва "бошқарув конфликти"нинг албатта стрессга олиб келиши аниқланган.

Притория университети олимларининг (Ramasuvna V.S.1981) кузатишларича, Африкада яшовчи аҳоли ўртасидаги эмоционал стресснинг асосий сабабларига оила аъзолари ва қўшнилар ўртасидаги тафовутлар, уруғчилик фарқлари, қабила-уруг бошлиқлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар кириб, унинг асосий белгилари конверсия (история) синдроми, бош оғриғи, терининг жимирилаши, юрак уришларининг тезлашуви, юрак оғриғи, депресия ва асабий бузилишлар ҳисобланади.

Clayson Dennes E., Frost Taggart F. (1984) маълумотларига кўра, ўзига ишонадиган ва жавобгарликни ҳис қиласидиган одамларда стресс даражаси, жавобгарликни кам ҳис қиласидиган одамларга нисбатан анча паст бўлган.

И.И.Евсюкова(1980)нинг резина оёқ кийимлар заводи ходимлари орасида олиб борган кузатувларига қараганда, бензин буғларининг узоқ вақт таъсири натижасида, ишчи аёллардан туғилган болаларда юзага келадиган уйқу фазаси давомийлигининг ўзгариши, марказий асад тизими қўзғалувчанлигининг ошиши ва вегетатив реакцияларининг инволюцион жараёнининг секинлашувининг функционал ва қайтар характерда эканлиги аниқланган. Ушбу ўзгаришларнинг асосий сабаби деб катехоламиналар концентрациясининг ўзгариши билан намоён бўладиган нейроморал реакциялар ҳисобланган. Бунда буйрак усти безлари пўстлож қавати вазифасининг ўзгариши ва натижада организмнинг адаптацияси имкониятларининг пасайиши аниқланган.

М.С.Росин (1991) одамлар орасида стресс таъсирида гоно – ва фенотип хусусиятига караб ёки гипертония касаллиги, атеросклероз ёхуд қандли диабед касаллигининг ривожланиши ва бунда асосий ролни норадренергик тормозланиш ўйнашини аниқланган.

Keeler Helen ва бошқаларнинг (1984) маълумотларига кўра, миалгия билан стресс ҳолати ўртасида тўғри кореллятив боғлиқлик мавжуд экан, яъни кимки мускул толикиши ва оғриқдан шикоят қиласа, уни стресснинг дастлабки белгиларидан деб қарап мумкин.

Майами штатидаги медицина институтида олиб борилган кузатишлар (Rinn Bernard S.Zerpa Robert 1984) натижаларида хирурглик касбининг биринчи (99%) ички юкумсиз касалликлар фанининг – иккинчи (93%) даражали стрессор эканлиги аниқланган ва мазкур ихтисосларга нисбатан чидамли талабалар танлаб олинган.

Kaplan Jay R.(1986) маълумотларига кўра, гипофизар – адренокортикал фаоллик ва симпато-адреномодулляр фаоллик кўрсатгичларига асосан, приматларда ўтказилган текширишлар

натижасида маълум бўлдики, узоқ қариндошли гуруҳларни тарқатиб юборишга кўра, она-болаларни бир-биридан ажратиш кисқа вақт ичидан пайдо бўладиган ва нисбатан нодоимий характердаги стрессга сабаб бўлган. Бунда агрессивликнинг ошиши кузатилган.

М.Г.Цулая ва бошқалар (1984) маймун организмида эмоционал стресс пайтида симпато-адренал тизими иши фаоллашиши натижасида, конда катехоламин биосинтезининг охирги маҳсулотлари бўлган адреналин ва норадреналин микдорларининг кўпайишини аниқлаганлар.

А.И.Саулхя (1984) узок муддатли гипокинезия ҳолатидаги юмонрөзикларда эмоционал оғрикли стресс таъсирида уларда миокарднинг кисқариш қобилиятининг сусайишлари кузатилган.

Heller Knnd Tri R.Jeppesen лар (1986) норкалар орасида юз берадиган социал стрессли баҳолашда, кондаги эозинофиллар микдоридан фойдаланганлар. Улар алоҳида сакланадиган норкаларда, гурух билан сакланадиган норкаларга нисбатан эозинофиллар микдорининг паст бўлишини аниқлаганлар. Норкаларнинг ёши бир ойликка етганда юкори мавқеиларда эозинофиллар сонининг пастлиги, алоҳида сакланадиган урғочи норкаларда, алоҳида сакланадиган эркак норкаларга нисбатан бу кўрсаткичларнинг баланд бўлиши аниқланган. Якка сакланган урғочи норкаларнинг бола бериш қобилияти эса, гурух билан сакланган норкаларга нисбатан паст бўлган. Яъни бир турдаги ҳайвонларни бирга саклаш, уларнинг кўпайишига нисбий таъсир этади, деган хуносага келганлар

Н.Г.Свиталиева ва бошқалар (1991) эмоционал стрессда организмнинг гипертензив ҳолатининг катта аҳамиятга эга эканлигини аниқлаганлар.

### **Климатик стресслар**

Чорвачиликда ҳам жуда кўп стресс омиллари ҳайвон организмига таъсир этади, уларнинг организмида мураккаб ва чукур ўзгаришларни келтириб чиқаради, ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини пасайишига ва ҳар хил касалликларни ривожланишига сабабчи бўлади. Шунинг учун чорвачиликда стресс ҳолатини келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва уларни олдини олиш ёки таъсирини пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Ҳайвонларга кўпинча чорвачилик биноларига меъёридан кўп ҳайвон бош сонини саклаш, кишлоқ ҳўжалик ва чорвачилик машиналарининг кучли шовқини, ўтказиладиган зоотехния ва ветеринария чора-тадбирлари (ёш ҳайвонларни онасидан ажратиш, янги гурухлар

тузиш, янги бинога күчириш, автотранспортда ташиш, тарозида тирик вазнини ўлчаш, бонитировка килиш, кон олиш, эмлаш ишларини ўтказиш, ахта қилиш, сунъий қочириш, уруғ олиш, чўмилтириш, жунини кирқиш ва ҳоказолар), озиклантириш ва саклаш режимларининг доимий равища бузилиши ва бошқа омиллар стрессор сифатида таъсир этади. Шунинг учун чорвадорлар ва ветеринария ходимлари бу омилларни доимий равища эсда саклашлари ва уни олдини олиш ёки салбий таъсир кучини пасайтириш чора-тадбирларини амалга оширишлари лозим.

Климатик стрессларга ўта юқори ёки паст ҳароратлар, қуёш радиацияси, ёмғир, шамол, атмосфера босими киради. Шулардан энг хавфлиси ҳароратнинг бирданига ўзгаришлари, юқори ҳароратдан кутимаганда паст ҳароратли шароитга ўтиш ҳоллари ҳисобланади. Бу пайтларда организмда химоя барьерларининг ўтказувчалиги ошади, табиий резистентлиги пасаяди, респиратор касалликлар ва елин, мускул, бўгин касалликлар келиб чиқади. Паст ҳарорат, айниқса, озғин, чарчаган, ўткир юқумли касалликлар билан оғриган ҳайвонлар учун хавфли ҳисобланади.

Ташки муҳитнинг нокулай ва организмга кучли салбий таъсирини йўкотиб бўлмайди. Одам ва ҳайвон организми доимий равища ташки муҳитнинг нокулай шароитларига мослашишига (адаптация) ҳаракат қиласи. Шунинг учун дастлабки пайтларда Gans Seliye stressni “умумий адаптацион синдром” деб атаган ва бу жараён эвалюцион даврда юзага келганлигини таъкидлаган. Бу фикри билан стресс реакциясининг кўпгина компонентларининг ташки муҳит ўзгаришларига мослашиши жараёнлари эканлигини таъкидлайди (Э.Понов, 1973).

Ташки муҳит ўзгаришларига мослашиш ҳамма ҳайвонларга хос бўлган хусусиятдир. Чунки ташки муҳит шароитлари доимий ўзгариб туради ва ҳайвонлар шу ўзгаришларга мослаша олганлиги сабабли эволюцион даврларда яшаб ва мослашиб келмоқда. Кўпинча мослашиш белгилари генетик йўл билан авлоддан-авлодга ўтади ва ўша ҳайвон турининг табиатда мавжудлигини таъминлайди.

Ташки муҳит омиллари ҳайвонлар туғилган вақтдан таъсир этишини бошлайди. Ривожланаётган ҳайвон организми ташки муҳитдан мураккаб моддаларни қабул қиласи, мураккаб биокимёвий ва биофизик жараёнлар ёрдамида уларни қайта ишлайди ва ўзининг организмига хос бўлган мураккаб бирикмаларни яна қайта синтезлайди.

Ҳайвонларнинг ташқи мухит ўзгаришларига мослашишида тана шакли ва катталиги, тери копламаси ва тери ости мойлари катта аҳамиятга эга. Одатдаги шароитларда организмда модда алманиниши кечиши учун бир хил микдорда, доимий равишда гормонлар ишлаб чиқарилиб туради. Стресс таъсирида гормонлар ишлаб чиқарилиши тезлашади ва натижада организмнинг барча ҳимоя воситалари бу ишга сафарбар этилади. Бунда асосий вазифани гипоталамус бажаради. Тери ости мойининг тарқалиши ва жойлашиши, озукаларни олиш ва ҳазм органларининг тузилиши мухим аҳамиятга эга.

Паст ҳароратга ҳайвонлар жунининг қалинлашиши, жун орасида момик(пух)нинг кўпайиши натижасида иссикликни организмдан ташқарига чиқарилишини олдини олиш орқали мослашади. Юкори ҳароратда ҳайвонлар организмдаги ортиқча ҳароратни буғлантириш йўли билан ташқарига чиқаради, бунда тери копламаси сийраклашади, жунлар орасидаги момик йўқолади, тери юпқалашади, озуқа қабул қилишни камайтириш йўли билан организмда иссиклик энергиясининг ҳосил бўлишини пасайтиради. Бунда, ташқи ҳарорат юкори бўладиган худудларда шу шароитга мослашган ҳайвон зотлари яратилса, уларнинг маҳсулдорлиги камаймайди (GCaser. E.M. 1966 йил).

Баланд тоғларда яшайдиган ҳайвонлар ўз организмини егарли микдордаги кислород билан таъминлаш учун (чунки баланд тоғлар атмосфера ҳавосида кислород микдори кам бўлади) эритроцитлар ишлаб чиқарышни кўпайтириш орқали мослашадилар: эритроцитлар сони  $1 \text{ mm}^3$  конда  $5,5 \text{ mln}$  дан  $7.5 \text{ mln}$  гача кўпаяди (Nochi A. 1958).

Ташқи мухит омиллари қанчалик ўзгарса ҳам, ҳайвонлар ички мухитини бир хилда саклаб туриш қобилиятига эга: органлар ва ички суюқликларнинг физик ва химик ҳолатлари қарийб ўзгартасдан бир хилда сакланади. Лекин нормал ҳолда саклаб туришнинг ҳам чегараси мавжуд.

Ўзбекистоннинг арид худудига киравчи Орол бўйи хўжаликларида сакланаётган ҳар хил қорамол зотларига ёз ойларида юкори ташқи  $39,0\text{--}43,0^\circ \text{C}$  ҳарорат ва тўғридан-тўғри таъсири этадиган куёш нурининг ( $2059\text{--}3396 \text{ КД Ж/Ч.М}^2$ ) таъсирига организмда келиб чиқадиган стресс жараёнларига организмнинг мослашув (адаптация) реакциялари ўрганилган. Бундай шароитда, республикамида, асрлар давомида яшаб келаётган зебусимон корамоллар жуда яхши мослашган, юкори ташқи ҳарорат ва куёш радиациясига, қон паразитар касалликларига қарши тура олади. Лекин сут

махсулдорлиги жуда пастлиги туфайли қорамолчиликни ривожлантиришга тұсқиңлик қилади.

Юкори сут маҳсулотини берадиган корамол зотларини Европадан республикамизга, шу жумладан Орол бүйін хұжаликларига олиб келганды уларнинг арид зонада мослашиш жараёнларини үрганиш мақсадида М.А.Аджақеков (1992 й) тәдкиқтлар үтказған. У хайвонларнинг термик ва радиация омылларига адаптация моҳиятларини аниклашда физиологик ва биохимик текширишлардан фойдаланған; тәдкиқт давомида бир хил шароитта сакланған ҳар хил зотдаги қорамолларда қонда қандай морфологик ва биохимик үзгаришлар келиб чиқишини үрганған. Арид зонада бокилаёттан қорамолларда юкори ташқи ҳарорат ва қуёш радиацияси стрессида қонда эритроцитлар сони, гемоглобин мөкдори камайған.

Lahlborn K. Robertshan D. Schroter R.C. Zine Filiali R. (1987) лар иссиқ чүл шароитлардаги туяларда олиб борған күзатишилар асосида бош мия ҳароратининг доимо тана ҳароратидан  $1-1,5^{\circ}\text{C}$  га паст бұлиши, яъни бош миядаги каротид түрнинг организмнинг сувсизланишидан келиб чиқадиган стресс таъсирини бартараф этишдеги самарали ҳимоя воситаси эканлигини аникладилар.

Venables B.J. (1980) ташқи мұхит ҳароратининг  $+30^{\circ}$ дан  $+35^{\circ}\text{C}$  гача күтарилиши, баликларга стрессор ҳолатида таъсир этиб, унда кислородға бұлған талабнинг 130-140 % га ва нафас ҳаракатлари сонининг 40-50 тағача ошишини ҳамда 4-20 соат ичіда барча балиқларнинг үлгандығыны маълум қилади. Бу олим кислородға бұлған талаб ва нафас ҳаракатлари сонини үлімға олиб боруғчи ҳарорат стрессининг оператив индикаторлари бўлиб хизмат қила олишларини аниклаган.

Hocutt Charles H. Tilney H. (1985) лар  $30^{\circ}-35^{\circ}\text{C}$  дан юкори ҳарорат таъсирида баликларда бирламчи ва иккиласынан жабра қанотлари эпителийсининг дегенерацияга учраши ва оқибатда организмда гипоксия күзатилишини аниклаганлар.

Roberts Tulieff.R.Bandinetti.R.V. (1988) лар беданаларда, уларнинг яшаш жойидан қатый назар, иссиқлик стрессига нисбатан реакцияларнинг бир хилда эканлигини аниклаганлар.

Weatherhead, Patrick.T, Sealy Spenser G, Barclay Robert M.R. (1985) лар қалдирғочларнинг қор-ёмғирии совуқ күнларда пана жойлар – эски уялар ва ҳатто олдиндан тиқилиб үлганд қалдирғочлар тұдалары орасыга кириб, яширинишларини терморегуляция учун энергия сарфини камайтиришга ҳаракат қилиниши деб изохлады.

Л.А.Васьковец (1987) сувнинг ҳарорати ва ундаги кислород микдорига нисбатан юзага келадиган стресс реакцияси пайтида қоннинг электрик параметрларининг ўзгаришларини аниқлади.

М.А.Дементьева (1988) маълумотларига кўра, газлар концентрацияси юкори бўлган сув ҳавзаларида карп баликларида кузатиладиган стресс ҳолати, организм химоя қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Punzo Fred, Thompson David (1980) лар ҳашаротларда ҳаво ҳарорати ва мухитининг кислотали бўлишининг стрессор сифатида таъсир кўрсатишини, яъни Рн нинг 3,5 ва ҳароратининг  $10\text{--}30^{\circ}\text{C}$  бўлишининг эмбрион ва личинкаларни 100 фоизгacha ўлдиришини ҳамда оптималь Рн нинг 4,0-7,2 ва ҳароратнинг  $+20^{\circ}\text{C}$  эканлигини аниқлаганлар.

Р.П.Пулатов ва бошқалар (1980) куёнларга  $41\text{--}43^{\circ}\text{C}$  иссиқликни 45дақиқа давомида таъсир эттириб, бу стрессорнинг қоннинг морфологик кўрсатгичларига таъсирини ўрганганлар. Текширишлар қуёш нури ва иссиқлик таъсир этганда организмдаги жавоб реакцияси гомеостаз доимилигини саклашга қаратилган. Қуёш нури ва иссиқлик бир марта таъсир этганда куёнлар организмида эритропоэз пасайган, чунки бу пайтда эритроцитлар сони 11 % га, гемоглобин миқдори 17 % га, лейкоцитлар сони 20 % га камайиб, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги 1,6 марта ошган. Лейкограммада нейтрофиллар сони 56 % га ва эозинофиллар 2 баравар кўпайиб, лимфоцитлар ва моноцитлар сони 32-30 % га камайган. Бу ўзгаришлар қуёш нури ва иссиқлик таъсирининг 14-чи кунигача чукурлашиб боради ва кейинчалик 30-кунларга бориб таъсири анча пасаяди.

Каламушларга  $45^{\circ}\text{C}$  ҳарорат бир марта ва кўп марта (7-30 кун) таъсир этилганда, уларнинг конида (7-30 кун таъсир эттирилганда) ишончли равишда холестерин ва фосфолипидлар миқдорлари кўпаяди. Тадқиқотчининг фикрича, бу моддаларнинг кўрсатгичлари синтезнинг кучайиши хисобига эмас, балки қон-томир тўқималарининг ўтказувчанлик хусусияти ошиши натижасида купаяди. Сурункали (30 кун) иссиқ ҳарорат таъсир эттирилган ҳайвонларда бета-липопроеидлар миқдорининг камайиши кузатилган. Чунки стрессор таъсирида бета-липопротеидларининг ташилиши бузилади (Н.Б.Мурзина, 1980).

Ўзбекистон шароитида Ш.А.Ақмалханов ва бошқалар (1985) ёз пайтида ғуножинларнинг қон зардобида умумий оқсил миқдори ( $7,5\pm0,4$  %) катта сигирлар ( $9,2\pm0,2$  %) ва иккинчи марта түқсан

сигирларга (8,8+0,32 %) нисбатан кам эканлигини аниқлаганлар. Олимлар бу фарқни ёзнинг иссиғи организмнинг функционал ҳолати ва рациондаги оқсил микдорининг камлиги стресси билан тушунтирадилар. Шунга асосан тадқикотчилар ёз ойларида сут берадиган сигирлар организмida углевод ва мой алмашинишнинг иссиқлик кучайишига олиб келишини таъкидлайдилар. Ҳайвонларнинг сутчилик комплексларига мослашиши жараённида, уларнинг конида гемоглобин ва оқсил фракциялари микдорларининг, эритроцитлар сонининг кўп бўлишини ҳам аниқлаганлар. Бундай мослашиш сигирларнинг 3-туғишигача давом этади.

Организмга юқори ҳарорат таъсири этса ( $40-42^{\circ}\text{C}$ ), 15 дақиқадан кейин қондаги холестерин ва альфалипопротеид микдори камаяди (Ф.И. Висмонт ва бошк., 1980).

Ультрабинафша нурлар таъсирида организмда катор ижобий физиологик жараёнлар амалга ошади. Хусусан азот, фосфор, кальций, липидлар ва қандлар алмашинуви тезлашади. Оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари даражаси ошади. Натижада ҳайвонларнинг умумий аҳволи яхшиланади, уларнинг турли касалликларга нисбатан чидамлилиги ошади.

**Совуқ стресси.** Ҳар қандай стресс таъсириданегидек, организмга совуқнинг таъсири ҳам кетма-кетликдаги стресс реакция шаклида кечади. Агарда ҳайвон сакланадиган бино ҳарорати критик ҳароратдан паст бўлса, ҳайвон организмидан ташқи муҳитга чиқариладиган ҳарорат камаяди. Ҳайвон организмida ташқи муҳитта чиқаётган иссиқликни камайтириш учун теридаги қон томирлар қисилиши натижасида тана ҳароратини меъёрда саклай олади. Шу тариқа организм ташқарига чиқаётган иссиқликни 60-70 фоиз камайтиради. Бу пайтда ҳайвон танаси қисилиб, жунжикиб туради, чукур нафас олиш ва пульснинг секинлашиши кузатилади. Агарда организмдан иссиқликни ташқарига чиқаришни камайтирувчи юқоридаги омиллар етарли ишламаса, организмда рефлектор қалтираш, барча мушаклар тонусининг ошиши, ҳайвоннинг ҳаракатланиш фаолиятининг кучайиши кузатилади. Бу пайтда организмда модда алмашинуви 4 бараваргача кучаяди. Бунинг натижасида озиқа қабул килиш кўпаяди, ошқозон-ичак фаолияти кучаяди. Ташқи муҳит ҳароратининг критик ҳароратдан ҳар  $1^{\circ}\text{C}$  пасайиши модда алмашинувининг корамол организмida 2-3 фоизга ошишига олиб келади, қон плазмасида оқсил, глюкоза, эркин мой кислоталари микдори кўпаяди, захирадаги оқсил ва глюкозанинг

парчаланиши фаоллашади. Бу пайтда ҳазмланувчи протеин микдорининг кўп бўлиши, стрессорнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилади. Бунда озика сарфи меъёрга нисбатан 15-50 фоиз кўпаяди ва бу иктиносидий томондан максадсиз ҳисобланади. Бундай ҳолатда сут маҳсулдорлиги камаяди, бузоклар ўсиш ва ривожланишдан қолади.

Молхонанинг ҳавоси жуда совук бўлса, организмнинг табиий резистентлиги пасаяди; нафас олиш органлари, елин, мушаклар ва бўғимлар касалликлари (ринит, ларингит, бронхопневмония, пневмания, мастит, миозит, артрит) ривожланади. Совук ҳарорат айниқса ориқ, ҳолдан тойган, юқумли касалликлардан тузалган, сурункали юқумли касалликлар билан касалланган, тулаётган ҳайвонлар учун жуда хавфли ҳисобланади ва совук таъсирига бу ҳайвонларда гипотермия кузатилиди (тана ҳарорати  $30^{\circ}\text{C}$  гача тушиб кетади). Бундай ҳайвонлар бушашган, уйқусираб туради (сопороз ҳолати), руҳий сиқилиш, организмдаги барча функцияларнинг секинлашиши, модда алмашинувининг, тана ҳароратининг ва қон босимининг пасайиши, фалажланишларнинг ривожланиши кузатилиб, ҳайвон ҳалок бўлади. Бузоклар сақланадиган бинонинг ҳарорати  $0^{\circ}\text{ C}$  бўлса, уларнинг ўсиши ва ривожланиши 28 фоизгacha камаяди, озика сарфи 30 фоизгacha кўпаяди, касалланиши 1,5-2 баравар ошади. Агарда ёш ва янги туғилган ҳайвонлар хонасининг ҳарорати меъёрда бўлса, ўртача лейкоцитларнинг фагоцитоз фаоллиги ўртача 5 ни ташкил этган бўлса, хона ҳарорати  $3-6^{\circ}\text{ C}$  бўлганда 3 ни ташкил этган. Бу организмдаги гумораль ҳимоя механизмларининг совук таъсирида пасайишидан далолат беради. А.Ф.Кузнецовнинг ёзишича (1972) совук ҳарорат узоқ вақт таъсир этганда организмда антителаларнинг ишлаб чиқарилиши пасайган, лейкоцитдар сони ва уларнинг фагоцитар фаоллиги камайган. Бу, организмнинг чидамлилигини пасайтириб, касалликларнинг ривожланишига қулай шароит яратади.

Шундай килиб, паст ҳарорат, стресс омили кенг диапазонда (ҳажмда, доирада) таъсир этувчи стрессор гурухига киради. Бу стрессорга организмнинг қарши туришида озиклантириш даражаси, жунларнинг ҳолати катта аҳамиятга эга.

Ультрабинафша нурлар таъсирида организмда қатор ижобий физиологик жараёнлар амалга ошади. Ҳусусан азот, фосфор, кальций, липидлар ва қандлар алмашинуви тезлашади. Оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари даражаси ошади. Натижада ҳайвонларнинг умумий аҳволи яхшиланади, уларнинг турли касалликларга нисбатан чидамлилиги ошади.

**Иссиқлик стресси.** Агарда ташки мұхит ҳарорати меъердаги ҳароратдан (+12 +18° С) юқори бұлса ҳайвонларга иссиқлик стресси таъсир этади. Иссиқлик стресси таъсир этганда нафас олиш ва юрак иши тезлашади, газ алмашинуви ва иссиқлик ҳосил бұлиши пасаяди, қоннинг морфологик ва биохимик құрсатгычлари үзгәради, иштаха камаяди, сұлак ва ширалар ажралиши ҳамда ошқозон-ичак фаолияти секинлашади, қонда заһарлы моддалар түппланади, гликоген ҳосил бұлиши, жигарнинг захарларни захарсизлаштириш фаолияти пасаяди. Бу үзгаришлар организмнинг ҳимоя күчларининг заиғлашишига олиб келади.

Молхонадаги ҳароратнинг +30° С дан юқори бұлиши, нафас олишнинг тезлашишига, асаб марказларининг құзғалишига, оқсил ва углевод парчаланишининг кучайишига ва заһарлы моддаларнинг түпланышыга, асаб тизими ишининг ва моддалар алмашинувининг бузилишига олиб келади. Ҳайвонлар юқори ҳароратли жойларда (молхонада) узоқ вақт сақланса ва бу ҳолат молхонадаги намлик юқори бұлиши билан кечса, уларда аввал иссиқлик уриши ва кейинчалик ҳайвоннинг ҳалок бұлиши билан тугайди. Бундай ҳолатларда сигирларда сут махсулдорлиги 10-30 фоизга камаяди. Иссиқ ҳавога чидашда сигирларнинг тер ажратиши катта аҳамиятта зәг. Иссиқлик стресси таъсир этганда ҳайвонларнинг нафас олиши бир дақықада 33-60 мартани, пульс сони 100-120 тани ташкил этади, жинсий жараёнлар секинлашади.

Агарда молхонада аммиак ва олтингугурт водороди міқдори зоогигиена меъёрларидан юқори бұлса, нафас олиш тизими органлари шиллик пардаларини қитиклайди, у ерда яллиғланиш жараёни ривожланади ва шу органлар касаллуклари келиб чикади (олтингугурт водороди міқдори 20 мг/м<sup>3</sup> дан күп бұлса). Меъерда молхона ҳавосида аммиак міқдори 20 мг/м<sup>3</sup> дан, олтингугурт водороди 15 мг/м<sup>3</sup> дан ошмаслиги зарур.

Ультрабинафша нурлари етишмаганда азот, фосфор, кальций, липидлар ва қанд алмашинуви бузилади, ҳайвоннинг умумий ахволи ва касаллукларга қарши қобилияты ёмонлашади, уларда рахит ва остеомаляция касаллуклари ривожланади.

Юқоридаги стрессларни олдини олиш учун молхоналар вентиляция иншоотлари, ёзда совутиш, қиңда иситиш асбоблари (конденционерлар) билан таъминланған бұлиши ва санитария-гигиена тадбирлари үз вактида үтказиб турилиши, ультрабинафша нури билан таъминланиши лозим.

Buffenstein Rochelle, Jarvis Jennifer (1985) лар сув стрессининг ёш кемирувчилар организмига таъсирини ўргандилар ва эркин ҳолда сув ичишини чеклашлар кемирувчилар ўсишини секинлашувига ва жинсий етилишнинг сусайишига олиб келишини аникладилар. Бунда буйракларнинг катталашуви оқибатида, сийдик концентрациясининг ошишига (1,5 мартағача) олиб келиши кузатилган.

Abchunyan G., Dominik C.J. (1989)лар озиқа стрессининг оқ сичконларда имплантациянинг сусайишига олиб келишини маълум қиласидилар.

А.Л.Новицкий (1988) байкал баликларида адаптация синдромини уларнинг ёшига қараб фарқ қилишини аниклаган, яъни ёш баликларга нисбатан жинсий етилган балиқларда ижобий озиқа излаш рефлекснинг кечрок намоён бўлишини кузатади.

М.А.Дементьев (1986) карп балиғининг токсикорезистентлигини ўрганиш чоғида озиклантирилган балиқларга нисбатан оч балиқларнинг 17.2 г-л г-л концентрацияли HCl эритмасига чидамли эканлигини, яъни “туз стрессига” нисбатан балиқлар организмининг турли физиологик холатларда турлича чидамлиликда бўлишини аниклади.

Kamau John M.Z., Miller Evald F. (1989) лар ҳайвонларда очлик ва сувсизлик оқибатида келиб чиқадиган метаболик ўзгаришлар (тана вазнининг, тўқималардаги сув миқдори ва асосий алмашинув даражасининг пасайишларини) энергияни саклаш стратегияси деб баҳолайдилар.

С.И.Плященко, В.Т.Сидоров (1987) ларнинг текширишлари шуни кўрсатади, ВИЖ нормасига нисбатан 15-20 фоизга кам миқдордаги протеинли рациондаги сигирларда ҳужайравий ва гуморал иммунитет пасаяди. Алиментар омилларнинг кавшовчи ҳайвонлар ички секреция безлари фаоллигига таъсири бўйича ўтказилган тажрибалар асосида шундай хуносага келиндики, озиқавий омиллар таъсирида ички секреция безлари фаолиятига мақсадли таъсир кўрсатиш имкониятлари мавжуд экан.

### **Озиқа стресслари**

Озиқа стресслари юқумсиз касалликларнинг келиб чиқишидаги асосий сабаблардан бири бўлиб хизмат қиласиди ва юқори маҳсулдорликка эришишга тўқсинглик қиласиди. Бундай стрессорларга ҳайвонларнинг узоқ вакт давомида оч қолиши, уларни вакти-вақти билан етарли озиклантирилмашик ёки бўқтириб озиклантириш, бузилган, ифлосланган ёки музлаган озиқалар билан озиклантириш,

рацион таркиби ва озиклантириш сонининг бирданига ўзгартиришлари, рационларнинг такомиллаштирилганлиги ва улардаги калориялик даражасининг пастлиги, сувнинг йўқлиги ёки совуқ сув билан суғориш ва ҳоказолар киради.

Озиқа стрессининг турлари қўйидагилар:

1. Ҳайвоннинг узоқ муддат оч қолиши;
2. Маълум муддатларда етарли озиклантирмаслик ёки кўп микдорда озиқа бериш;

3. Рационда ҳайвонга керакли моддаларнинг (оксил, углевод, мой, макро-микроэлементлар, сув, витаминлар) кам ёки кўп бўлиши;

4. Озиклантириш сони ва рацион таркибининг бирдан ўзгартирилиши;

5. Ифлосланган, бузилган ёки музлаган озиқалар берилиши;

6. Озиқалар калориясининг ўзгариши;

7. Сувнинг етишмаслиги ёки бўлмаслиги;

8. Совуқ сув бериш каби турларга бўлинади.

Озиқа стрессида:

1. Озиқаларнинг ҳазмланиши ва сўрилиши жараёнлари бузилади;

2. Организмнинг химоя кучлари пасаяди;

3. Модда алмашинуви бузилиб, қон кўрсаткичлари ўзгаради;

4. Озиқа стресси узоқ вакт таъсир килса, барча органлар иши бузилади;

5. Бириктирувчи тўқиманинг (тери ва шиллик пардалар) химоя вазифаси бузилади;

6. Ҳужайралар лизисга учрайди;

7. Антитела ишлаб чиқариш секинлашади ёки умуман бўлмайди;

8. Лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги пасаяди;

9. Ошқозон-ичакларда эрозия, яллигланиш ва яралар ҳосил бўлади;

10. Ичакдаги фойдали микроблар ўз вазифасини бажармаслиги натижасида диарея келиб чиқади.

Ҳайвонларнинг биологик хусусиятларига жавоб берадиган тўлакийматли озиклантириш ва саклаш шароитларини яраттандагина ҳайвонларнинг соғломлигини, тез ўсиб ривожланишини ва юкори ҳамда сифатли маҳсулот беришини таъминлаш мумкин.

Озиқа стресслари, юкумсиз касалликларнинг кенг миёсда келиб чикиши ва маҳсулдорликни пасайишининг сабабларидан биридир.

Янги туғилган бузокқа бир неча сигирдан соғиб олинган увуз бериш, организмга бирданига бир неча касалликка карши антитела киришини таъминлайди.

Чүчқаларга берилаёттан озиқа аралашмасини кутилмаганда бошқа озиқа билан алмаштириш, кунлик ўсишининг пасайиши, ҳазм фаолиятининг бузилиши ва тўйимли моддалар сарфининг ошишига олиб келиши кузатилган (Я.Гаутман, Б.Сумлинский, Я.Душек, 1977).

Besson M (1989) маймунларда мавсумий озиқа стрессининг мавжудлигини кузатади. Улар октябрь-ноябрь ойларида, яъни ўт-ўланлар гуллаши авж олган пайтда, бир жойдан иккинчи жойга тез-тез кўчиб турган. Бунда озиқланадиган ўсимликлар таркибида танинн моддасининг кўплиги ва маълум даражадаги заҳарлилиги стрессга сабаб бўлган.

Юкумли касалликлар ҳам организмга стрессор сифатида таъсир этиб, буйрак усти безида гистоморфологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Патологик жараённинг давомийлиги ва кучига караб, буйрак усти безидаги тўқималарда маҳсус касаллик ҳолати келиб чикиши натижасида, бу орган стрессорга карши курашиш вазифасини бажара олмайди.

Тўла қийматли ва етарли микдорда озиқалар берилмаган бўғоз сигирларда (модда алмашинуви бузилиши касалликларига чалинган) яхши ривожланмаган, кучсиз, резистентлиги паст бузоклар туғилади. Бундай бузоклар янги туғилган пайтда таъсир этадиган стрессорларга қарши тура олмайди, организмни ташки мухит ўзгаришларига мослай олмайди ва натижада оғир патологик жараёнлар ривожланиб, ҳалок бўлади. Бундай ҳолатда ҳайвоннинг ўсишини таъминлайдиган, гипофизда ишлаб чиқариладиган соматотроп гормони ёки кам микдорда ишлаб чиқарилади, ёки умуман ишлаб чиқилмайди.

Соғлом туғилган бузок организмида гипофиздан ишлаб чиқариладиган соматотроп ва адренокортиcotроп гормонлари мувозанатда бўлади ва бу пайтда янги туғилган бузок меъёр даражасида ўсади ва ривожланади. Соматотроп гормони кам бўлса оқсил синтези ҳам камаяди, шунинг натижасида ҳайвон ўсмайди. Гипофиздан ажраладиган яна бир гормон – тиреотроп гормони ҳам ҳайвонларнинг ўсишига билвосита таъсир этади. Тиреотроп гормони қалқонсимон безидан тироксин гормонининг ишлаб чиқарилишини бошқаради. Тироксин гормони модда алмашинуви жараённини тезлаштиради.

Стрессор таъсиридан кейин сўйилган ҳайвонлар гўштининг сифати ҳам ёмонлашади: бундай пайтда айрим гўшт меъёрга

нисбатан оқарған, юмшок ва сувли бұлади, РН күпаяди; (5,5-5,7 үрнига 6,2-7,3 бұлади) бошқа гүшт қорамтири, зич ва куруқ бұлади, мө耶ңда яхши етилған гүшт оч пушти (кизил) рангда, әгилювчантаранг, серсув-ширали бұлиши керак.

И.П.Степанованинг ёзишича (2005) ҳайвон организмында озиқлантириш тури ва сифати катта таъсир қиласы. Ҳайвонларнинг биологик хусусиятларында жавоб берадиган тұлақийматтың озиқлантириш ва сақлаш шароитларини яратғандагина, ҳайвонларнинг соғломлигини, тез үсіб ривожланышини, юкори ва сифатлы маҳсулот беришини таъминлаш мүмкін.

Ҳайвон организмында озиқлантириш тури ва сифати катта таъсир қиласы.

Озиқа стресслари юқумсиз касалликларнинг кенг миқёсда келиб чиқишининг ва маҳсулдорлигини пасайишининг сабабларидан бири хисобланади. Ҳозирги кунда чорвачиликда бу стресслар етарлы даражада үрганилмаган.

Ҳайвонларнинг озуқаларни қабул қилиши, ҳазм бұлиши ва сұрилиши марказий асаб тизимидағы гипоталамус орқали бошқарилади. Гипоталамуснинг вентрал қисми озиқа қабул қилиш маркази, вентромедиал қисми “тұқылған маркази” дейилади. Гипоталамусда сув қабул қилищ маркази ҳам жойлашған. Озиқлантириш омили ҳамма органлар, шу жумладан гипофиз ва буйрак усти бези ишига таъсир қиласы. Организмнинг эндокрин тизими озиқлантиришнинг ҳар хил тури ва даражасына мослашиши (адаптация) жараёнларда иштирек этади. Озиқа сифати үзгариши стресси даврида ҳам органларда стресс ривожланади ва бу стрессга шиллик пардалар, сұлак ва ҳазм безлари бир неча кун давомида мослашади; ич кетиш ва қабзият кузатилади.

Озиқа стресси даврида ҳайвоннинг мағсулдорлиги камаяды; озиқаларнинг ҳазмланиши ва сұрилиш жараёнлари бузилади; тирик вазни пасаяди, организмнинг қимоя күчлары күчсизланади. Бунда албатта модда алмашинуви бузилиб, кон күрсаткичлари үзгәради.

Озиқа стресси узок вакт таъсир қылса барча органлар иши бузилади; бириктирувчи тұқыманинг (тери ва шиллик пардалар) қимоя функциясы бузилади, ҳужайралар лизисга учрайди; антитела ишлаб чиқариш секинлашади ёки умуман бұлмайды; лейкоцитларнинг фагоцитар активлигі пасаяди; патоген ва оддий микробларга таъсирчанлығы ортади; ошкозон-ичакларда эрозия, шиллик парданнинг шишиши, гиперемияси, катарал ҳамда геморрагик яллиғланиши ривожланади ва яралар ҳосил бұлади; ичак микроблары

ўзгариши натижасида диарея келиб чиқади. Бу ўзгаришлар ёш ҳайвонларда жуда оғир кечади. Озиқа стресслари гормонлар ишлаб чиқаришга ҳам салбий таъсир этади. Етарли озиқлантирмаслик қалқонсимон бези ишини секинлаштиради; рационда оқсил етишмаса гипофиздан соматотроп ва гонодотроп гормонларининг ишлаб чиқарилиши камаяди; кортикостероидларнинг кам ишлаб чиқарилиши натижасида ҳайвонлар бола бермайди.

### Оч қолиш стресси

Ҳайвон организми модда алмашинуви натижасида сарфланган моддаларини қабул қиласан озиқалар ҳисобига тұлдира олмаса, ўз тұқымалари таркибидаги моддалар захирасидан тұлдиради. Бу ҳолат ҳайвонларни етарли міңдорда озиқлантирмаслик натижасида, оч қолган даврида күзатилади. Күпинча ҳайвонларда қисман оч қолиш күзатилади.

Тұлық оч қолиш стресси тажриба пайтларида, яйловда ҳайвон юролмай, ийқилиб қолганида, бирор чуқурға тушиб кетганды, оғир касаллукларда иштаха умуман бұлмаганда күзатилади.

Қисман оч қолиш (етарли міңдорда озиқлантирмаслик) стрессида организмға сарфланган моддаларнинг ўрнини қоплай олмайдиган міңдорда моддалар тушади. Бу стресснинг бошланиш даврида ошқозон шираси секрецияси күпаяди, ичак ҳаракати секинлашади, ич қотиш күзатилади. Кейинчалик ошқозон шираси ишлаб чиқариши камаяди; оқсил, углевод ва ёғлар охиригача парчаланмайды (оқсиллар альбуминларгача, углевод дектрингача парчаланади) ва улар конга сүрилмай ичакларда тұпланиши натижасида, чиритувчи микроблар ривожланади ва организмни захарлай бошлайды; юрак-қон томир тизими иши кучизланади; жигар иши пасаяди; организмнинг иммунологик қарши туриш қобилияты камайиши натижасида, ҳайвон юқумли касаллукларга тез берилувчан бұлади. Бу бузилишлар ўз навбатида керакли моддаларнинг сүрилишини ва улардан фойдаланишини камайтиради, натижада ҳайвон оріклайды. Бу стрессге үсүвчи ёш ҳайвонлар, бұғоз ва күп міңдорда сут маҳсулоти берувчи ҳайвонлар жуда сезгир бұлади.

Кавшовчи ҳайвонларни етарли міңдорда озиқлантирмаслик катта кориндаги фойдали микроблар сони ва фаолиятига ҳам салбий таъсир этади. Етарли міңдорда озиқлантирмасликнинг 3-4 күнларида инфузориялар бутунлай ішкіндейді, бактериялар сони 50 фоизга камаяди; бунинг натижасида клетчатканинг ҳазмланиши 70-90 фоизга пасаяди; меъёр асосида, тұлық озиқлантириш ташкил этилганидан 3-4

кун ўтгач, қаттақоринда микроблар тури ва сони аввалги даражада тикланади ва ҳазмланиш жараёнлари меъёрга келади.

Қисман оч қолиш стресси ёки озикларнинг сифатсизлиги стрессида ҳайвонлар рационида бир ёки бир неча керакли моддаларни етарли миқдорда қабул қылмайди. Шунинг учун ҳайвонларда оқсил, углевод, ёғ, минерал моддалар, витаминалар, сув етишмовчилиги стресслари кузатилади. Бундай стрессларнинг таъсири ва оқибати, қайси керакли моддалар етишмаслиги, қанча давом этганлиги ва бунинг оқибатида қайси орган иши ҳаммадан кучли бузилганилигига боғлиқ.

Оқсил етишмовчилиги стресси, ҳайвон озуқа билан рацион умумий калориясининг 2-2,5 фоизини оқсил тарикасида қабул қылса келиб чиқади. Бунинг натижасида ҳайвоннинг ўсиши ва жинсий етилиши аввал секинлашади, сўнгра тұхтайди; ички органлар ривожланмайди; сперма ишлаб чиқариш бузилади, қалқонсимон ва буйрак усти безлари фаолияти секинлашади ва тұхтайди; жигарда мой ва гликоген тұпланади; буйракнинг эгри каналчаларининг ички эпителияси паренхиматоз дегенерациясига учрайди; қонда гипопротеинемия кузатилади ва альбуминлар миқдори камаяди; организмда оқсил синтезланиши секинлашади; аминокислоталарнинг дезаминланиш жараёни, эритроцитлар, эпителия тұқымаси ва антителаларнинг физиологик ҳосил бўлиш жараёнлари бузилади.

И.Н.Никитченко, С.И.Плященко, А.С.Зеньковларнинг ёзишича (1988), чорвачилик илмий-тадқиқот институти ишлаб чиқсан меъёрга нисбатан ҳайвонлар оқсилни 15-20 фоиз кам қабул қысалар, сигирларда хужайра ва гуморал химоя воситалари фаоллиги пасайган; касал чакирувчи микроблар таъсирига чидамсиз бўлган; эмлашдан кейин кучсиз иммунитет ҳосил бўлган.

Озиқалар билан ҳайвон организмига барча алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар керакли миқдорда ва нисбатда тушгандагина, организмдаги барча жараёнлар меъёрда кечади ва оқсил алмашинуви меъёрда бўлади. Озиқа таркибида битта алмаштириб бўлмайдиган аминокислота бўлмаса ёки кам бўлса ҳам, бошқа аминокислоталардан фойдаланиш жараёни бузилиши натижасида гипопротеинемия ривожланади. Рационда алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар етишмаганда, озуқага сунъий лизин ва метионин қўшилса яхши самара беради; ҳайвоннинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда хужайра ва гуморал химояланиш кучлари яхшиланади.

Мой етишмовчилиги стрессига ҳайвонлар жуда сезгир бўлади ва оғир кечади. Чунки мой мия ҳужайра мембранаси таркибига кириб, организмдаги барча ҳаётий жараёнларида иштирок этади. Мой киска муддатда етишмаса, унинг ўрнини оқсил алмаштириши мумкин. Рационда мой етишмовчилиги узоқ муддат давом этса, капиллярлар ўтказувчанлиги бузилади, натижада қон окиш ва қон қуйилиш келиб чиқади; сувга бўлган эҳтиёж кўпаяди; сперматогенез ва овуляция секинлашади; тўйинмаган мой кислоталарининг микдори кон плазмасида камаяди; тўқима нафас олишида иштирок этадиган ферментлар фаоллиги пасаяди (Д.И.Преображенский, 1993).

Углевод етишмовчилиги стресси камдан-кам учрайди, чунки углеводлар мой ва оқсиллар парчаланишида кисман хосил бўлади ва углевод етишмовчилигини қоплайди (рациондаги аминокислоталарнинг бир қисми қандга айланади). Рационда қанд-протеин нисбати бузилганда, қапқонсимон без касалликларида; ошқозон ости бези ва буйрак усти безларининг ўзаро таъсирида ишлаши бузилганда, углевод етишмовчилиги стресси ривожланади. Бунда организмнинг иммунологик реактивлиги ва умумий номахусус резистентлиги камаяди. Бузоклар ўсаётганда рационда оқсил-канд нисбати қуидагича бўлиши зарур: 3 ойгача 1:1,4; 6 ойгача 1:1,5; 9 ойгача 1:1,65; 12 ойгача 1:1,6; 15 ойгача 1:1,5; 18 ойгача 1:1

Рациондаги минерал моддаларнинг етишмовчилиги ва улар нисбатининг бузилиши ҳайвон организмида модда алмашинуви жараёнларининг кучли бузилишларига олиб келади. Минерал моддалар етишмовчилиги стресси натижасида остеомалияция, остеопороз, рахит, титания, оқ мушак, анемия, акобалътоз, акупроз касалликлари ривожланади. Шунинг учун, ҳайвонларни минерал моддалар билан таъминлашга катта эътибор бериш лозим. Ҳайвон организми учун кальций, фосфор, натрий, хлор, темир, олтингутурт, калий йод, марганец, мис, кобалът, рух катта аҳамиятга эга. Минерал моддалар етишмаганда ҳайвон ўсиш ва ривожланишдан қолади, маҳсулдорлиги камаяди, озиқалар сарфи кўпаяди, ҳимоя кучлари пасаяди.

Рационда витаминлар етишмовчилиги стрессида ҳайвонларнинг соғлиги ёмонлашади, бола бериши, маҳсулдорлиги камаяди ва маҳсулотларининг сифати ёмонлашади, ёш ҳайвонларда ошқозон-ичак касалликлари ривожланади, хар хил касалликларга қарши туриш қобилияти пасаяди. Витаминлар модда алмашиниши жараённида фаол иштирок этади, чунки улар барча ферментлар, ҳужайралар таркибига киради ва барча физиологик жараёнларда иштирок этади. Ишлаб

чиқаришда ҳайвонларда асосан гиповитаминозлар учрайди. Шунинг учун ҳайвонларни етарли миқдорда витаминалар билан таъминлашга ҳам катта эътибор бериш зарур.

### **Озиқлантириш тартиби, таркиби ва режими бузилиши стресси**

Озиқлантириш тартибига риоя қилинса, ҳайвонларда шартли рефлекслар ҳосил бўлади ва физиологик ҳазм жараёнларининг меъёрда кечиши таъминланади. Озиқлантириш тартибига риоя қилинмаса, бу жараёнлар бузилади. Ҳайвонлар 1 сутка озиқа ва сув қабул қилмаса, стресс тарзida таъсир қилади ва ўсишдан қолади, тирик вазни камаяди. Тирик вазни стресс таъсири тугагандан кейин 5 кун давомида тикланади.

Сигирларни озиқлантириш, саклаш ва соғиш режими бузилганда сут миқдори ва мойлик даражаси камаяди.

**Рацион таркибини ўзгартиришдаги стресс.** Ҳайвонларни озиқлантириш қоидаларига асосан, рацион тартибига кирувчи озиқалар зарурат тугилганда бошка озиқаларга аста-секинлик билан, 7-10 кун давомида, битта озиқани камайтириб, иккинчисини кўпайтириб алмаштирилади. Шунда ошқозон ости шира ишлаб чиқариши ўзгармайди ва янги озиқлантириш шароитига мослашиб боради. Рациондаги озиқалар бирдан ўзгартирилса, бу ҳолат стрессор ҳолида таъсир этади, ошқозон ости бези шира ишлаб чиқариши бузилади; озиқа қабул қилиш ва моддаларнинг сўрилиши пасаяди; ҳайвон ўсишдан қолади, ҳазм жараёни бузилади, янги киритилган озиқанинг ҳазмланиш ва сўрилиш даражаси паст бўлади; сут маҳсулдорлиги 16 фойзга камаяди. Ҳайвонларга узоқ вақт бир хил озиқа берилса, ошқозон-ичак фаолияти ҳам бир меъёрда ишлайди ва аста-секинлик билан безларнинг ҳазм ширасини ишлаб чиқариши камаяди, озиқанинг ҳазмланиш ва сўрилиш даражаси пасаяди.

Янги туғилган ҳайвонларнинг тўғри ўсиб, ривожланиши учун туғилгандан кейин бир соат ичиди биринчи увиз сутини қабул қилиши лозим. Янги туғилган бузокларга биринчи 3-4 кун давомида 3-5 марта увиз сути берилади. Бериладиган сутнинг миқдори 1,5-2,5 л, ҳарорати 37-38°C бўлиши керак.

Шундай қилиб, озиқа стрессининг бошланғич даврида буйрак усти бези иши тезлашади ва адаптация синдроми ривожланиб, резистентлиги ошади. Озиқлантириш стресси таъсири давом этса организм кучсизланади, резистентлиги ва маҳсулдорлиги камаяди ёки

умуман бўлмайди, ҳайвон ҳалок бўлади. Шунинг учун озиқлантириш мъёёрлари ва коидаларига риоя килиш зарур.

Чорвадорлар ҳайвонларнинг кўпайиши патологияси стресс даврида ҳам кузатилишини яхши тушуниб олишлари лозим. Сигирларда тухумдонда тухум ишлаб чиқарилиши пасайиши ёки умуман бўлмаслиги стресс таъсири даврида кузатилади (А.К.Гульянчкий ва бошқалар, 1989).

Г.Селье (1935) стресс таъсирида витамин ва гормонларнинг етишмаслиги ва тухумдондаги хужайраларнинг шикастланиши натижасида ҳайвонларнинг жинсий функциялари бузилиши ҳакида ёзган. Агарда стрессор жинсий цикл ва оталаниш даврида таъсир қиласа, оталаниш даврини бузади ва ҳайвон қисир қолади. Агарда стрессор бўғозлик даврида таъсир этса, эмбрион ривожланиши бузилади ва аборт келиб чиқади.

Стресс таъсирида кўп микдорда ишлаб чиқарилган адреналин пролактин гормонининг сут синтез бўлишини тезлаштириш хусусиятига тўсқинлик килиши натижасида, ҳайвонларда сут махсулдорлиги ҳам камаяди (Кокорина ЭЖ.П., 1989). Стресс таъсирида кўп ишлаб чиқарилган норадреналин елинга келадиган қон томир капиллярларини кучли қисқартириши натижасида қон келишини камайтиради ва сут махсулдорлиги пасаяди (С.Ч.Пляшенко ва бошқалар, 1987). Бу гормонлар окситоциннинг елинга келиши ва сутни тўпланишини таъминлашига ҳам тўсқинлик қиласи.

**Ҳайвонларга қупинча озиқлантириш стресси таъсир этади.** Бунга етарли озиқлантирмаслик, мъёрдан ортиқча озиқлантириш, рационда керакли моддаларнинг мъёрда бўлишини таъминламаслик, озиқлантириш даражасини ва рационда озиқаларни бирдан ўзгариши, сув етишмовчилиги, совук сув билан сугориш киради (Д.А.Устинов, 1976).

А.Н.Голиковнинг ёзишича (1993) ҳайвон организмининг чорвачилик комплекслари шароитига мослашиши муаммолари (адаптация) асосан ҳайвонларнинг янги ва одатдагидан бошқача сақлаш ва озиқлантириш шароитларига тушиб қолиши билан боғлик. Шунинг учун қорамолчиликда сут олишни кўпайтириш учун янги ва одатдагидан бошқача шароитга тушиб қолган сигирларга таъсир этувчи стрессларни олдини олиш катта аҳамиятта эга. Чунки бу стресслар таъсирида сут берувчи сигирларда физиологик жараёнлар ва ички мухит (гомеостоз) ўзгариши, стресс касаллilikлари келиб чиқади (рационнинг доимий ўзгариб туриши, машинада соғиш,

микроиклиминг ўзгариб туриши, гиподинамия, ёргулкнинг етишмаслиги, шовқинлар ва бошқалар).

Стресснинг ривожланишида симпатоадреналин тизими ва гипоталамус катта роль ўйнайди. Стресс таъсирида, гипофизда гормонлар кўп ишлаб чиқарилади, қонга сўрилади ва ички мухит кайта ташкил топиб, уни стрессга мослайди (адаптация) ҳамда ўзгарган ички мухитни аввлги меъёрга қайтаради. Бу жараёнлар “адаптацион синдром” дейилади.

Бўйиндаги симпатик асаб толасига стресс таъсири этганда, ўша томондаги бош, бўйин ва органларда гипергидроз ва гипертермия ривожланади.

Хайвонларда гиподинамия энг оғир таъсири килувчи стресс турига киради ва стресс узоқ вакт давом этади, натижада адаптацион синдром ривожланади. Кучли вакуумли (360–400 мм.сим/уст) сут соғиши аппаратида сут соғиши ҳам стрессор хисобланади. Бу пайтда сигирлар қонида адреналин ва норадреналин миқдори 2 бараваргача (7–10 нг/мг) кўпаяди ва 7–10 кундан кейин меъёр кўрсаткичига тушади (5–6 нг/мл).

Гиподинамида организмдаги асосий органларнинг вазифаси ва тузилиши ўзгарида; вегетатив асаб тизими тонуси пасаяди; юрак иши бузилади (тахикардия, экстрасистолия) ҳансираш, бўғинларнинг оғриши кузатилади, сут маҳсулдорлиги 20 фоиз камаяди, лактация 170–250 кунга камаяди.

А.Н.Голиковнинг ёзишича (1988) атмосфера ҳарорати ва босими, куёш нури, кичик хоналарда кўп сонли хайвонларни сақлаш, фаол харакатнинг бўлмаслиги, автотранспортда ташиш каби омиллар ҳам хайвонларда стресс ҳолатини чақириши мумкин. Бунда шовқинлар ва оғриклар таъсирида нафас олиш ва пульс тезлашади. Асаб тизими ва ички секреция безлари фаолияти бузилиши натижасида организмнинг ички мухити бузилади. Адаптацияда гипоталамус, гипофиз иши асосий ўринни эгаллайди. Агарда гипоталамус ва гипофиз иши бузилса, адаптация жаравени ҳам бузилади, чунки бунда кортиколиберин гормони ҳосил бўлмайди. Шунинг учун олимлар томонидан синтетик либерин ва статик моддалари ишлаб чиқилди ва стресс таъсирини пасайтириш мақсадида кўлланилмоқда.

Чўчқаларда стресс ҳолатида мускулларнинг ихтиёrsиз қалтираши, кучайиб борувчи ҳансираш, тана ҳароратининг кўтарилиши, терининг кизариши, харакатсиз холда ётиши ва ўлиши кузатилган.

М.Б.Сафаров ва М.М.Сафаровларнинг маълумотига кўра (2017) чорвачилик Ўзбекистон иктисадиётида муҳим ўрин тутади. Мамлакат кишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 40 фоизидан ортиғи унинг ҳиссасига тўғри келади ва аҳоли истеъмоли учун гўшт, сут, тухум, асал каби озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда енгил саноат учун қимматли хом ашё етказиб беради. Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантириш, ҳайвонларни меъёр даражасида озиқлантиришни амалга ошириш учун мустаҳкам озиқа базасини яратиш, чорва молларини турли сервитамин, оқсил ва минерал моддаларга бой, тўйимли озиқалар билан йил давомида узлуксиз таъминлаш, замонавий илғор технологияларни жорий қилиш зарур.

Республикамизда илгари дехкончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган эдилар ва кенг миқёсда чорвачилик билан шуғулланишга хукукий асослари етарли эмас эди.

2013 йилда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра фермер хўжаликларига қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган ҳар қандай фоалият турлари билан шуғулланишга рухсат берилди. Яратилган бундай имкониятдан дехкончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фойдаланиб, қўшимча йўналиш сифатида чорвачилик ва маҳсулотларни кайта ишлаш соҳалари билан ҳам шуғулланаятилар. Бунинг натижасида фермер хўжалигининг капиталлашувига эришилади ва фаолияти самарадорлиги ошади.

Чорвачиликнинг ривожланишига тўскинилик қиласидан омиллардан бири-ҳайвонларни саклаш ва озиқлантириш меъёrlарига риоя кильмаслиқдир. Бу пайтда ҳайвонлар организзимга техноген ва экологик омиллар ижобий ва салбий таъсир этади. Бу омиллар салбий таъсир этганда, организмда стрессорлар таъсирида бир қанча патологик жараёнлар ривожланади. Стресс таъсиrottарини ҳайвон организми қабул қиласи ва ички мухитнинг доимийлигини саклашга ўзининг химоя воситаларини ишга солиш орқали ҳаракат қиласи. Агарда кучсиз стрессор бўлса, организмнинг ҳаётий жараёнлари ўзгармайди ва гомеостаз мувозанати сақланади. Агарда стрессор кучли бўлиб, узоқ вакт таъсир қиласа, организмда стресс-реакция келиб чиқади: ҳайвоннинг умумий аҳволи ёмонлашади, ўсишдан қолади, маҳсулдорлиги камаяди, ҳар хил патологиялар ривожланиб, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Чорвачилик ва паррандачиликнинг барча технологик жараёнларидаги стресслар, ҳайвонлар ва паррандаларга таъсир этади.

Ҳозирги кунда чорвачиликда микроиклим стресси: (молхонада заҳарли газлар миқдорининг кўпайиши, елвизак, ҳароратнинг жуда пастлиги ёки баландлиги ва бошқалар); озиқа стресси (рационда организм учун зарур бўлган озиқа моддаларнинг–оксил, углевод, мой, минерал моддалар ҳамда биологик фаол моддалар, микроэлементлар ва витаминаларнинг етишмаслиги ёки ортиқчалиги, сифатсиз озиқаларнинг берилиши, берилётган озиқаларнинг камлиги, бир томонлама озиқлантириш ва бошқалар); технологик стресс (сақлаш шароитининг кескин ўзгариши, маълум майдонга меъёридан ортиқча ҳайвонларни жойлаштириш, озиқлантириш жойининг етишмаслиги, боғлиқ ҳолда сакланадиган жой узунлигининг номувофиқлиги, пол нишаблигининг нотўғилиги, кучли шовкинлар ва бошқалар); ветеринария-зоотехния тадбирлари стресси (ҳайвонларни ушлаб, фиксация қилиш даврида уларнинг безовтланиши, кўркиши, қалтираши, тажовузкор булиши, баланд тондаги гаплар ва кичқириклар, кўпол муомала) ва бошқа стресслар таъсир этади.

Ҳозирги вақтда қорамолчиликда юқумсиз этиологияли касалликлар кенг тарқалган. Шундай касалликлардан бири сигирларда кўп учрайдиган озиқа ва совук ҳарорат стресслари натижасида келиб чиқадиган юқумсиз касалликлардир. Республикаизда кўпчилик чорвачилик фермер ва дехқон хўжаликларида сигирларни меъёр асосида тўйимли озиқалар билан озиқлантирмаслик, куз, қишиш ва эрта баҳор фаслларида молхоналарни иситмаслик натижасида уларда озиқа ва совук ҳарорат стрессларининг ривожланишига сабаб бўлиб, ҳайвонларда моддалар алмашинуви бузилади, маҳсулдорлиги камаяди ва хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказади.

Ҳайвон организмига озиқлантириш тури, сифати ва сақлаш шароити катта таъсир қиласи. Ҳайвонларнинг биологик хусусиятларига жавоб берадиган тўлақийматли озиқлантириш ва сақлаш меъёrlари шароитларини яратгандагина, уларнинг соғлигини, тез ўсисб ривожланишини ва юқори сифатли маҳсулот беришини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон шароитида ўказилган тадқиқотларда, сигирлар организми эҳтиёжларининг қондирилиши тўйимли моддаларга нисбатан 67 фоизни, шундан ҳазмланувчи протеин 95 фоизни, қанд 61 фоизни, каротин 63,0 фоизни, кальций 79 фоизни, фосфор 74 фоизни ташкил этди. Рационнинг оксилли ва энергетик кисмларининг ҳам бир-бираига номутаносиблиги аниқланди, яъни қанд-оксил нисбати 1:0,8-1,5 ўрнига 1:0,51 ни ташкил этди. Рационнинг макроэлементли

қисми, кальцийнинг ва фосфорнинг танқислиги оқибатида уларнинг ҳам ўзаро нисбатларининг номутаносиблиги кузатилди ва меъердаги 2:1 нисбати ўрнига 2:0,48 ни ташкил этди.

Сигирлар сакланадиган молхоналар ёзният иссиқ кунларида (+40-45°C) совутиш, қишининг совук кунларида (-5-20°C) иситиш тизими билан таъминланмаганилиги сабабли, уларга ёз ойларида исик стресси, қиши кунларида совук стресси таъсир этади ва организмда стресс-реакция ҳамда патологик жараёнлар ривожланади.

Айrim сигирларнинг умумий ҳолатини аниқлагандা, уларда ташки таъсиротларга жавоб бериш реакциясининг пасайиши, қисман бефарклиқ, 83,3 фоизида иштаҳанинг сифат жиҳатидан ўзгариши (лизуха белгилари: озиқага хос бўлмаган нарсаларни қабул қилиши); барча сигирларда витамин, минерал моддалар алмашинуви бузилишларига хос клиник белгилари кузатилди (лордоз, охирги дум умуртқасининг сўрилиши).

Сигирларни клиник, физиологик текширишлар натижалари тахлиши шуни кўрсатадики, уларда озиқа ва ҳарорат стресслари натижасида мураккаб патологик жараёнлар кузатилиб, камқонлик, иштаҳанинг сифат жиҳатидан бузилиши, катта қорин гиптонияси, тахикардия, ташки таъсиротларга жавоб бериш реакциясининг пасайиши ва қисман бефарклиқ белгилари намоён бўлди.

Киши фаслида озиқа ва совук ҳарорат стрессорлари таъсирида қиши фасли охира, қиши бошланиш даврига нисбатан қондаги гемоглобин миқдори 25 фоизга, глюкоза 9 фоизга, ишқорий заҳира 20 фоизга, А витамини 48 фоизга камайган. Умумий оқсил миқдори деярли ўзгармаган.

Стрессорлар таъсирида кондаги АЛТ (аланин трансфераза) фаоллиги 9 фоизга (37 V/U, меъёр 39 V/U), АСТ (аспартаттрансфераза) 60 фоизга (32 V/U, меъёр 85 V/U), холестерин миқдори 10 фоизга (5,7 ммоль/л, меъёр 6,4 ммоль) камайди. Ишқорий фосфатаза фаоллиги меъёр даражасида сакланди (1,38-1,83; меъёр 1,2-2,5мкмоль.с./л).

Бу кўрсаткичлар сигирлар организмига озиқа этишмовчилиги ва совук, стрессор сифатида таъсир этганлиги сабабли, стресс реакция ривожланганлигидан далолат беради.

Юқоридаги маълумотлар Ўзбекистон шароитида сигирларга қишики фаслда саклаш ва озиқлантириш шароитлари меъёр даражасида яратилмаган чорвачилик хўжаликларида, озиқанинг этишмаслиги ва совук ҳарорат стрессорлари таъсир этиши натижасида бир қанча патологик ўзгаришлар келиб чиқишини ва

моддалар алмашинуви бузилиши касалликларининг ривожлангаётганлигини кўрсатади.

Рацион структураси ва озиқалар миқдори аввалгидек эканлигига карамасдан, ёз ойларида ташки ҳароратнинг  $35\text{--}45^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши натижасида келиб чиқкан иссиқлик стрессорининг таъсирида, сигирлар организмида стресс-реакция ривожланганлиги натижасида июнь-июль ойларида коннинг биохимик кўрсаткичлари салбий томонга ўзгарган; натижада июнь-июль ойларида апрель-май ойларига нисбатан гемоглобин миқдори 13 фоизга, глукоза 10 фоизга, умумий оқсил 5 фоизга, каротин 59 фоизга, ишкорий захира 15 фоизга, А витамини миқдори 43 фоизга камайган. Бу маълумотлар иссиқлик стресси, айниқса ошқозон-ичаклардаги ҳазм жараёнларига салбий таъсир этишини, озиқалар етарлича ҳазм бўлмасдан, каротин ва А витаминининг ичаклардан организмга сўрилиши 59-49 фоиз камайганлигини кўрсатади.

Юкоридаги маълумотлар Ўзбекистон шароитида сигирлар организмига, ёз ойларида иссиқ ҳароратининг стрессор сифатида таъсир этиши натижасида бир қанча стресс-реакциялар келиб чиқишини, ҳазм жараёнларининг бузилиши натижасида организм учун зарур бўлган мономерларнинг сўрилиши камайишини кўрсатади, бунинг натижасида сигирлар организмида моддалар алмашинувининг бузилиши касалликларининг ривожланишига сабаб бўлади.

Б.Б.Бакиров ва бошқаларнинг ёзишича, Республикаизда амалга оширилаётган аграр ислоҳотларнинг пировард натижаси, ахолини етарли даражада арzon ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга эришишдан иборат. Оламшумул вазифанинг амалга оширилишида чорва молларининг қатор касалликлари, шу жумладан, адаптацион стресс билан боғлиқ бўладиган касалликлари энг катта тўсиклардан бири хисобланади.

Канадалик олим тадқиқотларига кўра, турли хилдаги таъсир этувчи омиллар (инфекция, паст ёки юқори ҳарорат, асад ва мускул зўриқишилари ва бошқалар) маҳаллий ёки умумий адаптацион синдром (УАС) кўринишида намоён бўлади. УАС пайтида аъзоларда, айниқса эндокрин безларида ўзига хос морфологик ўзгаришлар рўй беради.

Г.Селье УАС дан ташқари, яллиғланиш билан намоён бўлувчи маҳаллий адаптацион синдром (МАС) нинг ҳам рўй беришини аниқлаган. Олимларнинг таъкидлашича, УАСнинг ривожланишида

ўзаро алмашиниб турувчи куйидаги З босқич фарқланади: кўзгалиш, резистентлик ва толикиш босқичлари. Ушбу босқичларнинг амалга ошиш интенсивлиги энг биринчى навбатда гипоталамус, гипофиз ва буйрак усти бези пўстлогининг вазифасига боғлиқ бўлади.

Бунда адренокортикороп гормони (АКТГ), кортикоропин-релизинг гормони (КРГ) ва кортизоллар ишлаб чиқилишининг фаоллашиши натижасида конда катехоламиналар (адреналин ва норадреналин) миқдорларининг ошиши ва стресс механизмининг ривожланиши амалга ошади. Кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича, стрессдаги УАСнинг вужудга келишида гипоталамус гипофиз ва қалқонсимон без тизими ҳам муҳим роль ўйнайди. Хусусан, стрессор таъсирида гипоталамусда хосил бўлган тиреотроп-релизинг гормони (ТРГ)нинг гипофизга таъсири натижасижада, тиреоид стимулловчи гормони (ТСГ) хосил бўлади. Бу гормон таъсирида қалқонсимон безда трийодтрионин ( $T_3$ ) ва тетрайодтрионин ( $T_4$ ) гормонлари синтезланади ва бу гормонлар миқдорининг ошиб кетиши, ўз навбатида, гипофиз фаолиятини фаоллаштиради.

Демак, стресс механизмининг амалга ошишида нафақат гипоталамус-гипофиз-буйрак усти бези пўстлоги тизими, балки гипоталамус-гипофиз-қалқонсимон без тизими ҳам фаол иштирок этади. Бу эса, ўз навбатида маҳсулдор ҳайвонларда стресснинг олдини олиш ҳамда унинг натижасида пайдо бўладиган турли хилдаги касалликларни бартараф этишда қалқонсимон ва бевосита у билан функционал боғлиқликка эга бўлган қалқонолди безлари фаолиятини ўрганишга қаратилган чукур илмий тадқиқотлар ўтказилишининг зарурлигини такозо этади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон шароитида сигирларни меъёр асосида озиклантирмаслик ва саклаш шароитини яратмаслик натижасида, уларга озиқа ва совук ҳамда иссиқ ҳарорат стресслари таъсир этади ва организмда стресс реакциясининг ривожланишига сабаб бўлади. Стресс реакцияларнинг ривожланиши натижасида, ҳайвонларда тахикардия, ошқозон олди бўлимлари гиптонияси, ташки таъсиротларга жавоб бериш реакциясининг пасайиши ва бефарқлик, модда алмашинуви бузилиши белгилари кузатилди. Сигирларда қиши фаслида озиқа ва совук ҳарорат стресслари таъсири натижасида, конда гемоглобин, глюкоза, ишқорий захира ва А витаминининг меъёрга нисбатан камайганлиги, АЛТ, АСТ фаоллиги ва холестирин миқдори пасайганлиги кузатилди.

М.Б.Сафаров ва М.М.Сафаровларнинг маълумотларига кўра (2019) мамлакатимизнинг кишлоп ҳўжалиги ва чорвачилигига олиб

борилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштиришдан мақсад халқимизни экологик тоза, ўз таркибида ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган аминокислоталар, минерал моддалар, микроэлементлар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошка моддаларни сакловчи чорвачилик маҳсулотларидан гўшт, сут, тухум, асал ва балиқ билан етарли даражада таъминлашдан иборат бўлиб, малакали ветеринария шифокорларини тайёрлаш билан боғлиқ ва бу соҳа Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан хисобланади. Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эҳтиёjlари ва ҳаётий тамоиллари бўлади. Буларнинг барчасини шакллантириш ва ривожлантиришга, уларга алоҳида маъно-мазмун бағишлишга, бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралда имзоланган ПФ-4947 фармонидаги ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналишларида белгилаб берилган вазифалар мамлакатимиз тараккиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Фармонда таъкидланганидек 2017-2021 йилларда ветеринари муассасаларини замонавий диагностик асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган. Чорвачилик ва ветеринария соҳаларини модернизация килиш ҳамда замонавий техник ва технологик воситалар билан қайта жиҳозлаш асосида ушбу соҳаларни ривожлантириш вазифаси кўйилди.

Республикамизда чорвачиликни ривожлантиришга тўсқинлик қиласидан омиллардан бири, уларнинг биологик хусусиятларига жавоб берадиган, тўлиқ қийматли озиқлантиришнинг ва меъёр даражасида сақлаш шароитларининг яратилмаганлигидир. Бунинг натижасида организмда моддалар алмашинуви бузилади ва ҳар хил касалликлар ривожланади. Бунинг оқибатида ҳўжаликлар ҳайвонлар маҳсулдорлигининг ва чорвачилик маҳсулотлари озиқавий қийматининг пасайиши, она ҳайвонлар репродуктив хусусиятларининг ёмонлашиши, улардан нимжон, ҳаётчанлиги ва наслий хусусиятлари паст бола туғилиши, маҳсулот етиштириш учун озуқалар сарфининг ортиши ҳисобига катта иқтисодий зарар кўрмоқда.

Моддалар алмашинуви ёки метаболизм ҳаётий зарур моддаларнинг ва элементларнинг озуқа таркибида ҳайвон организмига тушиши, ҳазмланиш жараённида мономерларгача парчаланиши ва сўрилиши, хужайраларда шу ҳайвон организмига хос

бүлган мұраккаб моддалар (оксил, углевод, липид, минерал моддалар бирикмалари, витаминлар)нинг қайта синтезланиши, бу жараёнларда ҳосил бүлган охирги маҳсулотларнинг ташқи мухитга чиқарилишини таъминловчи мұраккаб физиологик жараёнлардир. Бу жараёнлар ошқозон-ичакларға тушган озуқаларнинг ҳазмланиш даражасига боғлиқ.

Хайвонлар етарли міңдорда озиқлантирилмаса, организмда сарфланған моддаларнинг ва умри тугаб нобуд бүлган ҳужайраларнинг үрни тұлық қопланмайды, ошқозон шираси секрецияси күпаяди, ичак ҳаракати секинлашади, ич котади. Кейинчалик ошқозон шираси ишлаб чиқарыш камаяди; оксил, углевод ва ёғлар охиригача парчаланмайды (оксиллар альбуминларгача, углеводлар декстрингача парчаланади) ва улар қонға сүрілмай ичакларда тұпланиши натижасыда чиритувчи микроблар ривожланади ва организмни заһарлай бошлайды; юрак-қон томир тизими иши күчсизланади; жигар иши пасаяди; организмнинг иммунологик қарши туриш қобилияты пасайиши натижасыда хайвон юкумли касаллукларға тез берилувчан бұлади. Кавшовчи хайвонларни етарли міңдорда озиқлантиримаслик, каттақориндаги фойдали микроблар сони, тури ва фаолиятига салбий таъсир этади; бундай ҳолатда инфузориялар 3-4 күндан кейин бутунлай йүк булиб кетади; бактериялар сони 50 фоизга камаяди, бунинг натижасыда клетчатканинг ҳазмланиши 70-90 фоизга пасаяди.

Шунинг учун хайвоннинг ҳолати организмидеги моддалар алмашинуви ҳолати ва даражасига боғлиқ. Энг аввало соғин сигирларни меъёр даражасыда тұғыр озиқлантириш ва сақлашнинг физиологик қонун-коидаларига риоя қилинганда, ҳұжалиқдаги сигирлар соғлом бұлади, генетик имконияти даражасыда маҳсулот беріб, ҳұжаликка иқтисодий фойда келтиради. Озиқлантиришнинг ва озиқаларнинг ҳазмланиши тұғрисидеги янги назарияға асосан ҳазмланиш ҳужайрадан ташқаридаги ва ҳужайра ичидеги ҳазмланишларға бүлинади. Ҳужайрадан ташқаридаги ҳазмланишда хайвонларнинг тури, жинси, ёши, маҳсулдорлигига мөсравища озуқа турлари, міңдори, нисбати меъёрга мослигига эътибор берилса, ҳужайра ичидеги модда алмашинувининг жаддаллігі ҳайвоннинг соғломлигі, сув билан етарли таъминланғанлигі, электролитлар ва фермент ҳамда гормонларнинг етарли міңдорда ҳосил бўлишига; эскирган ва нобуд бүлган ҳужайраларнинг ўз вақтида тикланишига, озуқа моддаларининг ошқозон-ичакда бир хилда текис тарқалишига

ва у ердаги фойдали бактериялар флораси фаолиятига, стресс таъсиридан ҳимоя қилишга эътибор берилади.

Организмда модда алмашинуви меъёр даражасида кечиб, ҳайвон маҳсулдорлигининг кўпайиши, ҳайвоннинг тури, ёши, маҳсулдорлигини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган рацион асосида озиқлантиришга кўп жихатдан боғлик. Бунда факатгина рациондаги оксил, мой, углевод, минерал моддаларнинг микдорига эътибор бермасдан, оксил-углевод, кальций-фосфор нисбатларига. Ўзбекистоғи тупроғида ва унда етишириладиган ем-хашакларда меъёрга нисбатан кам микдорда сакланадиган йод, кобальт, мис, рух ва марганец қаби микроэлементларнинг рационга қўшиб берилишига, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган аминокислоталар ва организмда ўз-ўзидан хосил бўлмайдиган бошка моддаларнинг озукаларга қўшиб берилишига ҳам албатта эътибор бериш лозим. Чунки аминокислоталар занжири тўлиқ хосил бўлмаса оксил синтез бўлмайди, натижада нобуд бўлган ҳужайралар ўрни қопланмаслиги натижасида организм аъзолари ўз вазифасини бажара олмайди. Юқорида келтирилган микроэлементлар рационга қўшиб берилмаса, витаминлар таркибиға кирадиган микроэлементлар етишмаслиги натижасида ферментлар ҳамда гормонлар кам микдорда синтезланади ва моддалар алмашинувининг бузилиши ҳамда касалликларнинг ривожланишига олиб келади.

Касал ҳайвонларда организмдаги барча аъзоларнинг, шу жумладан ҳазм тизими аъзоларининг бажарадиган физиологик вазифалари бузилади, ошқозон-ичакларда ҳазмланиш жараёнлари пасайиши натижасида организмга сўриладиган мономерлар: аминокислоталар, учувчи мой кислоталари, глицерин, глюкоза, минерал моддалар меъёрга нисбатан кам сўрилади ва модда алмашинуви бузилишига сабабчи бўлади.

Организмдаги барча биокимёвий реакциялар сув иштирокида амалга ошади. Шунинг учун ҳайвонга хоҳлаган пайтида сув ичишига шароит яратилмаса, сувнинг етишмаслиги натижасида ассимиляция ва диссимиляция жараёнлари бузилади ҳамда моддалар алмашинувин касалликлари ривожланади. Бу ҳолатни олдини олиш учун, ҳўжаликларда ҳайвон хоҳлаган пайтида сув кабул килиши учун шароит яратиш зарур.

Ичакларда озиқаларнинг самарали ҳазм бўлиши ва сўрилишида, озиқаларнинг ичаклар узунлигининг барча қисмида ичакларнинг ҳаракат тезлигига мос равища тенг таксимланиши ва тарқалиши катта аҳамиятга эга. Чунки озука компонентлари ёки таркибий

қисмидаги моддаларнинг қайта ишланишини таъминловчи ферментлар ҳам ичакларнинг барча юзасида тарқалган бўлмасдан, ичакларнинг маълум жойларидағина алоҳида-алоҳида тўпланган ва жойлашган бўлади. Озука таркибий қисмидаги ҳар бир модда, ўзининг қайта ишланишини таъминловчи фермент ичакнинг қайси қисмида жойлашган бўлса, ўша жойга боргандагина шу фермент иштироқида ҳазмланиш ва сўрилиш жараёнлари амалга ошади. А.М.Уголевнинг ёзишича (1986, 1991) кальций, магний, темир зелемнитлари; дисахаридлар ва глюкоза; мойда эрувчи витаминлар (А, Д, Е, F витаминлари) асосан ингичка ичакнинг олдинги қисмида ҳазмланади ва уларнинг мономерлари организмга сўрилади. Ичакнинг бошқа жойларида бу мономерларнинг сўриладиган “эшиклари” бўлмайди.

Оқсиллар, витаминлардан тиамин, рибофлавин, пиридоксин, фолат кислотаси, аскорбин кислотаси ингичка ичакнинг ўрта қисмида ҳазм бўлиб, уларнинг мономерлари организмга сўрилса; мойлар, ўт суюклигидан ҳосил бўлган тузлар ва В<sub>12</sub> витамини ингичка ичакнинг охирги қисмида ҳазмланади ва сўрилади. Шунинг учун, энтерит касаллигига, ингичка ичакларда паразитлар ривожланганда, ошқозонда ҳазм жараёнлари бузилса, юкоридаги моддалар ва элементларнинг организмга етарли микдорда сўрилмаслиги натижасида, модда алмашинуви бузилиши касалликлари ривожланади.

Организмнинг ташки муҳит ўзгаришлари ва таъсиrotларига мослашуви, хаётий жараёнларнинг асосини ташкил этади. Ҳар қандай ташки ва ички муҳитдаги ўзгаришлар организмдаги физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг ўзгаришига олиб келади. Бунинг натижасида келиб чиқадиган маҳаллий ёки умумий қўзғалувчанлик ҳолатига стресс деб, стресс ҳолатини келтириб чиқарадиган омилларга стрессорлар деб аталади.

Шундай қилиб, стресс – бу организмнинг стрессорлар таъсиридаги кучаниши, аъзоларнинг кучли иш бажариши, ташки муҳитнинг зарарли таъсиrotларига қарши курашуви ва химояланишидир. Бундай стрессорларга соғин сигирларни кўпинча етарли микдорда озиқлантираслиқ, саклаш шароитларининг меъёр талабларига жавоб бермаслиги (ультрабинафша нури билан таъминланмаслиги, яйраш майдончаларининг бўлмаслиги, молхонанинг қишида иситилмаслиги ва ёзда совутилмаслиги ва бошқалар), молхонадаги техника ва машиналарнинг шовқинлари, ветеринария (текшириш, кон олиш, эмлаш) ва зоотехния (тарозига

тортиш, халқа тақиши, шохсизлантириш) тадбирларининг ўтказилиши ва бошқа омиллар киради. Бунинг натижасида, организмдаги аъзо ва тизимларнинг физиологик иш жараёнлари бузилади, ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан қолади, маҳсулдорлиги камаяди; қон таркибидаги катехоламин гормони микдори тезда ошиб кетади ва бу ўз новбатида хужайраларда биокимёвий жараёнларнинг бузилишига сабабчи бўлади, хужайра мемранаси ўтказувчанлигининг бузилиши натижасида, хужайралар ичидаги кальций микдори кўпайиб кетади ва метахондрияларни парчаловчи ферментларнинг фаоллиги ошади. Бунинг натижасида ошқозон-ичакларда яралар ҳосил бўлади, юрак мускулларининг кисқариши ёмонлашади, киллер хужайраларининг фаоллиги бир неча маротаба ошади, ошқозон-ичак тизимида фойдали микроблар фаолияти пасаяди, у ердан оқсилларнинг организмга сўрилиши тўхтайди, стрессор таъсир этганда аъзоларнинг энергия сарфи ошади, қоннинг тақсимланиши ўзгаради: мияга, юракка ва скелет мускулларига кўп кон юборилса, бошқа азоларга қам микдорда қон юборилади. Одатда +28°C сигирларга стрессор сифатида таъсир этса, оч қолганида ва етарли озиклантирилмагандан +13°C ва ундан юқори ҳарорат ҳам стрессор сифатида таъсир этади, натижада ҳайвонларнинг резистентлиги пасаяди, маҳсулдорлиги камаяди, маҳсулотларнинг сифати ёмонлашади; озуқаларнинг ҳазмланиши ва организмга сўрилиши пасаяди.

Стресс таъсирида оксил сарфи кўпайиши натижасида организмда салбий азот мувозанати (баланси) келиб чиқиши илгаридан маълум эди, лекин унинг сабаби номаълум эди. А.М.Уголовнинг кейинги йиллардаги тадқиқотларида унинг сабаблари аниқланди. Оксил синтезланиши учун, унинг таркибида киравчи аминокислоталар маълум тартибда ва кетма-кетликда тизилиб, занжир ҳосил килиши зарур. Стресс таъсир этганда, ичак хужайралари мемранасида шу занжирнинг ичига аминокислоталарнинг кириб, ўрнашишини таъминловчи ферментларнинг етишмовчилиги натижасида, оксил парчаланмайди ва салбий азот мувозанати ривожланишига сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун, стресс реакцияси ривожланганда, ҳайвонлар рационига оқсилли озуқалар ўрнига аминокислоталар тўпламини киритиш тавсия этилади. Чунки бу пайтда оқсилли озуқалар берилганда ҳам улар ошқозон-ичакларда ҳазм бўлмайди, организмга сўрилмайди ва тезак билан ташқарига чиқиб кетади.

Модда алмашинуви жараённининг меъёрда кечишида ошқозон-ичаклардаги фойдали бактериялар фаунаси фаолияти ҳам катта

аҳамиятга эга. Ошқозон-ичакларда озукаларнинг ҳазмланиши натижасида ҳосил бўладиган нутриентлар ёки мономерлардан ташқари, озукаларнинг ҳазмланмай қолган қолдик қисми, ошқозон-ичаклардаги фойдали бактериялар томонидан қайта ишланади ва организм учун керакли бўлган кўпгина моддалар ва нутриентлар синтез қилинади. Организмга сўриладиган нутриентларнинг 60 фоизи озукаларнинг ошқозон-ичаклардаги бирламчи ҳазмланиш жараёнида ҳосил бўлса ва сўрилса, 40 фоизи фойдали бактерияларнинг қолдик озиқаларни иккиламчи ҳазмлаши натижасида ҳосил бўлади ва организмга сўрилади. Шундай қилиб, фойдали бактерияларнинг ҳайвон организми билан симбиоз ҳолидаги фаолияти натижасида, ичаклардаги озука балластларидан кўп микдордаги қайта тайёрланган нутриентлар, янгидан синтезланган нутриентлар, витаминлар, углеводлар, липидлар, аминокислоталар синтезланади ва организмга сўрилади.

Бундан ташқари, фойдали бактериялар метаболизми натижасида ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган аминокислоталар, ичакларда озукалардаги гормонлар ва бошқа физиологик фаол моддалар гидролизи натижасида эркин ҳолда ажралади ва экзимларга айланиб, ҳазмланиш жараёнларига ижобий таъсир этади. Ошқозон-ичакдаги фойдали бактерияларнинг ривожланиб, ўз фаолиятини меъёр дараражасида амалга ошириши учун, озукалардаги озука толалари катта аҳамиятга эга. Шунинг учун озукалар билан фойдали моддалар (оксил, углевод, липид, макро-микроэлементлар, витаминалар) кириши билан биргаликда, ошқозон-ичакларга озука толалари ҳам керакли микдорда тушиши зарур. Озука билан озука толалари ошқозон-ичакка тушмаса барча фойдали бактериялар ўлиб кетади ва дисбактериоз ривожланиши, ҳайвоннинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Булардан ташқари, озука толаларида организм учун фойдали бўлган кўплаб полисахаридлар (пектин, лигнин, целялюз) сакланади. Озука толаларидан ошқозон-ичакларда куюқ, ёпишқоқ моддалар ҳосил бўлади. Бу моддалар ошқозон-ичаклар фаолиятини меъёrlашибтиради, озиқаларнинг ҳаракатини ва моддаларнинг сўрилишини таъминлайди, ўт кислоталарини ўзига сингдириб олиб, ҳазмланиш жараёнининг бир маромда кечишига ёрдамлашади, фойдали бактерияларнинг ўсиши, ривожланиши ва кўпайишини таъминлайди.

Шундай қилиб, халқимизни экологик тоза, ўз таркибида ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган аминокислоталар, минерал моддалар, микроэлементлар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошқа

моддаларни сақловчы чорвачилик маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш учун, хұжалик раҳбарлари, соғин сигирларга бериладиган озуқаларнинг фақатгина микдор күрсаткичларига эътибор бермасдан, сифат күрсатгичларига ҳам эътибор беришлари зарур. Озуқаларнинг сифат күрсатгичларига рациондаги озика бирлигининг; оқсил, углевод, мой, макро-микроэлементлар ва витаминлар микдорларининг; оқсил-углевод ва кальций-фосфор нисбатларининг; йод, кобалт, мис, рух, марганец ва ош тузи микдорларининг меъёр күрсатгичларига мувофиқлиги киради. Шундагина соғин сигирлар соғлом бўлиб, юқори маҳсулдорликка эга бўлади. Ветеринария мутахассислари касал ҳайвонни даволаганда қўллаган дорилари (айниқса антибиотиклар) ошқозон-ичаклардаги фойдали микроблар ва бактериялар фаолиятига салбий таъсир этмаслигини таъминлашлари керак.

Ёш ва ўсадиган бузокларнинг соғлом ўсиши кўпинча уларни саклаш ва озиклантириш шароитларига боғлиқ. Лекин нокурай ташки мухит омиллари узоқ вакт кучли таъсир этганда, организмда стресс-реакция ривожланади, умумий ҳолати ёмонлашади, умумий резистентлиги пасаяди, ўсиш ва ривожланишдан колади. Бузокларни транспорт воситасида ташиганда, стресс ҳолати келиб чиқади, организмда қон зардоби антителалари синтези камаяди, юқумли касалликларга қарши туриш қобилияти пасаяди. Бузокларнинг кўпчилигига транспортда ташигандан кейин, кўпинча ринотрахеит, интерстационал пневмония касалликлари ривожланади. Стрессор таъсирини пасайтириш мақсадида аминазин қўлланилганда, бузоклартирик вазнининг йўқотиши 1,7 фоизга камайган, гўшт маҳсулоти 5-6 фоизга кўпайган. Стрессор таъсирини пасайтирувчи дорилар қўлланилмагандан кунлик ўсиши 10-20 фоизга камаяди (В.Д.Баранников, 1997).

Ҳазм тизимиға тушган озуқалар организмнинг энергия ва бошқа керакли моддалар (оқсил, углевод, липид, минерал моддалар, витаминлар) билан таъминланишининг асосий манбай ҳисобланади. Ҳайвонлар тури, ёши, жинси, масулдорлигига караб, бериладиган озуқалар тури ва микдори тўғри танланса ва меъёр асосида озиклантирилса, улар соғлом бўлади, меъёр даражасида ўсади ва ривожланади, маҳсулот беради. Ҳайвонларни меъёр асосида етарли озиклантирилмаса, бу омил албатта стрессор сифатида таъсир этади ва ҳар хил касалликларнинг ривожланишига сабабчи бўлади. Чунки, озуқа стресси барча органлар ишига салбий таъсир кўрсатади. Озуқа стрессорлари таъсирида, биринчи навбатда юрак ва қон томир тизими

ҳамда бошқа күргина асосий органлар иши бузилади. Бундай ҳайвонлар организмида ҳимоя функцияси иши пасаяди, етарли озиклантирмаслик натижасида, қалқонсimon бези иши пасайиб, жинсий ривожланиши секинлашади.

Рационда меъёрга нисбатан оқсилнинг камайиши натижасида гипопротеинемия ривожланади, альбумин иши пасаяди, фагоцитоз кучизланади, антитела ҳосил бўлиши тұхтайди, шишлар ҳосил бўлади, ферментлар иши бузилади. Рационда оқсил миқдори меъёрга нисбатан 20 фоизга кам бўлса, организмдаги барча иммунологик мажмуа иши пасаяди, вакцинациядан кейин иммунитетнинг ҳосил бўлишиги салбий таъсир қўрсатади. Рационда меъёр даражасида оқсил бўлишини таъминлаганда, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган аминокислоталарнинг ҳам бўлишига эътибор бериш лозим. Бунда рационга лизин ва метионин қўшиб бериш яхши самара беради.

Озуқаларда минерал моддаларнинг етишмаслиги, модда алмашинуви бузилишига ва рапхит, тетания, остеодистрофия, микроэлементоз касалликларининг ривожланишига олиб келади. Асосий минерал моддаларга кальций, фосфор (суяклар учун), натрий, калий (натрий, калийли насос), темир, олтингугурт, йод, кобальт, марганец, мис, рух ва бошқалар киради. Рационда етишмаган минерал моддалар, керакли миқдорда концентрат озуқаларга қўшиб берилади ёки примекслар ҳолида қўлланилади. Рационга кальций, фосфор тузлари қўшилганда албатта Д витаминини бериш ҳам шарт.

Озуқаларда биологик фаол моддалардан витаминлар ҳам етарли миқдорда бўлиши зарур. Ҳайвонларда кўпинча гиповитаминослар учрайди. Рацион тахлил қилинганда гиповитаминос аниқланса, 10 кунда бир марта тривитамин ёки тетравитамин инъекция қилиниши зарур.

**Сув етишмаслиги.** Организмнинг асосий қисмини сув ташкил этади. Сув универсал эритувчи булғанлиги учун, сув етишмовчилиги ҳам кўргина касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Сув етишмовчилигига организмнинг барча фаолияти бузилади: ҳайвонларда азобли чанқоқлик келиб чикади, секрет ишлаб чиқарадиган барча безлар иши пасаяди, ошқозон-ичакда чириш жараёнлари кучаяди, ёш ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан қолади, катта ҳайвонлар маҳсулдорлиги пасаяди. Ҳайвон организмида сув миқдори меъёрга нисбатан 35 % камайса, ҳайвон ҳалок бўлади. Организмда сув етишмовчилиги ҳам стрессор сифатида таъсир қиласи.

Шундай килиб ҳайвонларни тўғри ва етарли міқдорда озиқлантирилмаслик ва чанқоклик натижасида ҳам стресс ҳолати ривожланиши мумкин.

Стресс пайтида гўшт сифати ҳам салбий томонга ўзгарили: гўшт ранги оқарган бўлиб, юмшок ва сувли бўлади ёки корароқ, зич ва курук бўлади, гўштнинг оқимтири, юмшок ва сувли бўлиши, мускулларда гликогенниң тез парчаланиши, сут кислотаси миқорининг кўпайиши ва РН (муҳит)нинг тушиб кетиши билан боғлик. Касалликнинг ривожланиши натижасида оқсил денатурацияга учрайди ва кизил рангдаги мускул, корароқ рангта айланади, микроблар тез ривожланиб, гўштнинг бўзилишига олиб келади; гўшт маҳсулдорлиги 15-18 фоизга камаяди (Гусъко Ф.Н., 1994).

### Технологик стрессорлар

Технологик стрессорларга ҳайвонларни тутиш, молхоналарга жойлаштириш, яйраш майдончаларининг йўқлиги, молхоналардаги шовқинлар, муддатидан олдин онадан ажратиш, сунъий қочириш, янги гурухлар тузиш ва саклаш билан боғлик бўлган стресслар киради, саклаш шароитининг кескин ўзгариши, маълум майдонга меъеридан ортиқча ҳайвонларни жойлаштириш, озиқлантириш жойининг этишмаслиги, боғлик ҳолда сақланадиган жой узунлигининг номувофиқлиги, пол нишоблигининг нотўғрилиги киради (С.И.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1987).

Бу стрессорлар таъсирида ҳайвоннинг соғлиги ёмонлашади, маҳсулдорлиги камаяди, ёш ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан қолади, стресс организмдаги барча орган ва тизимлар ишига салбий таъсир этади ва айниқса, иммунитет тизими, ҳазм органлари ишини ва модда алмашиниши жараёнларини бузади, бунда диарея, иммунитетнинг пасайиши натижасида хўжаликда хавфли касалликлар ривожланади.

Технологик стресслар ҳайвон организмига бевосита ёки билвосита таъсир этиши мумкин. Агарда қўлланилаётган жараён ҳайвон организмининг биологик хусусиятларига ва физиологик имкониятларига мос келмаса, технологик стресс бевосита таъсир этади. Масалан, озиқланиш жойи етарли бўлмаса, турган жойининг узунлиги ҳайвон гавдасининг узунлигидан қиска бўлса, бевосита ҳайвоннинг соғлиги, физиологик ҳолати ва маҳсулдорлигига салбий таъсир этади. Қўлланиладиган технологик жараён ҳайвоннинг одатдаги суткалик яшаш режимини бузса, ҳайвонга билвосита таъсир этиб, унинг хулқининг бузилишига, озиқа қабул килиши ва дам

олишини бузилишига олиб келади, буларнинг ҳаммаси оқибатида организмнинг муҳим ҳаётий жараёнларининг издан чиқишига олиб келади (В.Ю.Сидорова, 2014).

Ҳайвонларни боғлаб бокиши шароитида юз берадиган стрессларнинг сабабчиларидан бири, мол турадиган катак ўлчамларининг киска, тор ёки паст бўлиши хисобланади. Чунки, бунда ҳайвон ётиш ва туришда қийналади, оёқ ва туёқ касалликлари келиб чиқади. Ўта калта катаклар қиннинг чиқиши, туғишнинг қийинлашуви ва ҳоказоларга олиб келиши мумкин.

Боғланмай бокиладиган шароитларда ҳам катор устунлик томонларига қарамасдан, озиклантiriш пайтларида стресс ҳолатлари кузатилади. Ўта агресив ҳайвонлар охурдаги энг яхши ва қулаги жойларни эгаллаб олади, нимжонларини шундай жойлардан кувади. Натижада кучсизроқ ҳайвонлар етарли даражада озиклана олмайди.

Ҳайвонларни жуда катта гурухларда саклаш энг хавфли стрессорлардан бири хисобланади. Бундай гурухларда ҳайвонларнинг агресивлиги ошади, поданинг нормал ташкил этилиши бузилади. Тобе ҳайвонлар ўзларининг талабларини тўлиқ кондира олмасдан, доимий безовталаниш ва қўзғалувчанлик ҳолатида бўлиши оқибатида пайдо бўладиган стресс таъсирида, маҳсулдорлиги пасаяди ва бошқа оғир ўзгаришларга ҳам учрайди. Масалан, 100 бошдан кўп сигирдан ташкил топган гурухда сут соғими 5 % га камайган. Бундай ҳолларда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори 230 кг га камаяди, 32 бош сигирдан ташкил топган гурухда стрессларнинг салбий таъсири 48 ва ундан кўп сигирдан ташкил топган гурухлардагига нисбатан анча кам намоён бўлади.

Янги гурухлар (сурувлар) тузиш, ҳайвонларда кучли стресс реакциясини чакиради, яъни бунда маълум мавқе тартибининг ўрнатилиши зарурияти туғилади. Натижада қўзғалувчанлик ҳолати, тўкнашув ва ўзаро олишув (шохлашиш, тозалаш ва ҳ.к.) лар юз беради (С.П.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1987).

Қорамолчиликда сигирлар маҳсулдорлигига стрессларнинг таъсирини Г.А.Послов (1982) ўрганган. Стресслар таъсирини пасайтиришда транквилизаторлар ва стрессга қарши бошқа препаратлар кўллашда ҳайвонлар физиологияси ва этологиясига мос келадиганларини танлаган.

Текшириш натижалари шуни кўрсатадики, чорвачиликда бир қанча технологик жараёнлар ҳайвонлар организмига салбий таъсир кўрсатади ва маҳсулдорлигининг пасайишига олиб келади. 15 кунлик бузоқлардан янги гурух ташкил этишнинг биринчи кунида

бузоқларнинг дам олиш вақти бирдан қисқарган, асосан бузоқлар ётмасдан, тик ҳолда турган. Ҳосил бўлган стресс ҳолати аранг саккизинчи кунга келиб таркалган.

Mac Arthur Robert A. ва бошқалар (1986) ёввойи қўчкорларни тутиш ва радиотелеметрия килиш пайтларида, улардаги стресснинг давомли кечишини аниклаганлар.

Harlow Henry J. ва бошқалар (1987) кўлга ўргатилган ва энди туғилган ёввойи қўчкорларда, кучли шовқин таъсирида ўткир стресс ва 150 кун қамаб бокиши йули билан сурункали стрес чакирдилар ва улардаги юрак уришлари ва кондаги кортизол микдорларини аникладилар. Ўткир стресс пайтида юрак уришларининг 136-192 гача ошиши ва тезлик билан ўз ҳолатига қайтишини, кортизол микдорининг – 15 дақика ичida жуда кўтарилиб, яна 15 дақика ичida ўз ҳолига қайтишини аникладилар. Сурункали стресс пайтида эса, тажрибанинг бошидан охиригача картизол микдори ва юрак уришлари сонининг жуда баландлиги сакланиб колган.

С.В.Сидоров, Н.И.Кзякова, С.Ю.Атаховаларнинг (1967) кузатишларига қараганда, турли интенсивлик режимида кузатилган ва отиб олинган 1 ёшли эркак сайгаклар (оҳулар) да, буйрак усти безларида, турли хилдаги микроструктуравий ўзгаришлар юз бериши аникланган. Буйрак усти безларининг мағиз қавати, пўстлок қаватининг тугунли ва тўрсимон зоналари нисбатан лабил соҳалар ҳисобланган. Интенсив кузатувлар (таъқиб этишлар) буйрак усти безларида сезиларли даражадаги структуравий ва функционал ўзгаришларга ва ҳатто уларнинг кичрайиб кетишига олиб келган. Ўртacha кузатиш режими пайтида буйрак мағиз қавати индексининг каттариши, пўстлок қават индексининг – тинч ҳолатдаги пайтида отиб олинган оҳулардагига нисбатан – кичик бўлиши; интенсив кузатиш режимида эса, буйракнинг капсула ва тўпчали зона индексининг тинч ҳолат пайтидагига нисбатан ҳам катта бўлиши аникланган. Кузатишларга асосланиб, муаллиф оҳуларни 35-45 км-соат тезлик билан ҳаракат киладиган пайтларда 15 минут давомида кузатиш мумкин, деган хуносага келган.

Mc.Allum H.J.F. (1985) маълумотларига кўра, Янги Зелландияда транквилизация ва вертолёт ёрдамида тутилган буғулар орасида, ўлганларида кузатилган белгилар ёввойи ҳайвонлардаги (тутишдан кейинги миопатия) синдроми (атаксия, фалаж ва ярим фалажлар, сийдикнинг жигар рангда бўлиши, миокард мускуларининг асимметрик бузилишлари) ва “чўчқа стресси” синдроми билан ўхашаш бўлган.

Ю.И.Нестеренко (1987) дельфинларда, уларни тутиш пайтидаги стресс шароитларида, акустик фаолиятнинг қўзғалувчанлик даражаси билан пропорционаллигини аниқлаган.

Чўчқа болаларини оналаридан ажратиш вақтидаги стресс механизмини ва унинг олдини олишни В.С.Бузлама ва бошқалар (1989) фумар кислотаси, кваторин, фенибут ва алеутерокок экстрактини ишлатиб, текширганлар. Текшириш натижалари шуни қўрсатадики, бу дориларни қўллаш, чўчқа болаларининг ривожланишини фаоллаштиради ва уларни стресс таъсирларига анча мослаштиради, тирик оғирликлари ошади, касалланиши 1,5 – 3 бараварга камаяди.

Софин сигирларга асосан янги асбоб-ускуналар шовкинлари, саклаш жойининг катта-кичиклиги, охирларнинг ўрнатилиши, саклаш шароити, хизмат килувчи кишиларнинг ўзгариши, машинада соғиш, саклаш жойининг ўзгариши, кун тартибининг ўзгариши, янги гурухлар тузиш, замонавий янги технологияларни қўллаш, ташқи муҳит намлигининг юқори бўлиши, молхонадаги жуда юқори ёки паст ҳарорат, ҳайвонларни тор жойда саклаш, саклаш жойларининг лой ва балчиклиги, шамол ва елвизак, молхонада чант ва заҳарли газларнинг қўплиги, тўғри озиклантирмаслик, етарли озиклантирмаслик ва суғормаслик технологик стресслари таъсир этади.

Стресс таъсир қилганда, сигирларда аввал ўта қўзғалиш ва тажовузкорлик, кейин қўрқув, лоҳаслик ва бўшашиш, бефарқлик, иштаҳанинг пасайиши, чанқоқликнинг ошиши, нафас олиш ва тана ҳароратининг кўтарилиши, тезак ажралишининг тезлашиши, сўлак оқиши, бола ташлаш, нимжон бузокнинг туғилиши, ҳайвонлар орасида касалликларнинг кўпайиши, түёқ ва бўғимларнинг шикастланиши, маҳсулдорлигининг камайиши, соғлигининг ёмонлашиши кузатилади. Бу пайтларда сут маҳсулдорлиги 15-35 % га камаяди, озиқа қабулқилиши 20-30 % га кўпаяди.

Сигирларда юқоридаги стресслар таъсири ва унинг олдини олиш ҳамда таъсир кучини пасайтириш усууллари ва воситалари яхши ўрганилмаган ва стресс таъсирини пасайтирувчи воситалар тўлиқ ишлаб чиқилмаган, шунинг учун соғин сигирларга таъсир этувчи стрессорларни ва уларнинг таъсир этиш кучини илмий асосда ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Сут берадиган сигирлар йил давомида боғлиқ ҳолда сакланиб, фаол мөцион олмаса, уларнинг организмида аста-секинлик билан гиподинамия белгилари, модда алмашинуви бузилиши,

резистентликнинг ва маҳсулот ҳамда бола беришнинг камайиши кузатилади. Бўғоз сигирларда бу холат, она қорнида бузок ривожланишининг оркага колишига, резистентлиги ва иммунитетининг паст бўлишига олиб келади. Ёзда яйловда эркин боқилган ва фаол мөцион олган сигирлардан туғилган бузокларнинг тирик вазни ва табиий резистентлиги юқори бўлган.

Schenck P.E., Slab A.Koos (1986) нинг 6 та 10 ёшли ахталанган эркак айқларда ўтказган тажрибалари натижаларининг кўрсатишича, ахталаш жинсий фаолликнинг сезиларли пасайишига олиб келади, лекин унинг самарааси қатъий индивидуал тарзда бўлади. Яъни айрим айқларда жинсий фаолликнинг сусайиши ахталашдан кейинги бир неча ҳафта ичida кузатилган бўлса, айримларида – бир йилдан кейин ҳам эякуляция сақланган.

Peder M. (1987) тажрибаларига кўра, ахталанган ва ахталанмаган юмронқозикларда парадоксал фаза муддати бир-биридан фарқ қилмайди. Яъни тестикуляр тестестерон гормони, ўсиш гормонидан фарқ қилиб, парадоксал фазада иштирок этмайди.

MarPerez-DelgadoMariadel, ConzalezHernand ва бошқалар (1987) маълумотларига кўра, оқ сичконлар эркагини туғилганидан кейинги 24 соат ичida ахталаш, ҳар иккала гипоталамик соҳа ядроси ҳажмининг сферик тарзда кичиклашувига олиб келган.

В.Н.Дюбин (1989) маълумотларига кўра балиқларни тутиш, ташиш, сортларга ажратиш, зич жойлаштириш ҳамда антропоген таъсиrotлар натижасида пайдо бўладиган стресс реакцияси, улардаги репродуктив фаолиятга ва туз-сув алмашинувига салбий таъсир кўрсатади. Балиқларнинг гормонал этишмовчилиги ва этилган жинсий ҳужайралари сифатининг бузилишига сабаб бўлади.

Балиқларни ушлаш ва ташиш пайтидаги стрессда организм калий ва натрий ионларини кўплаб йўқотиши аникланган. Ионларнинг яна меъёрга келиши учун икки кун керак бўлган. Бунда умумий оқсил микдорининг  $14,9 \pm 2,82$  г/л дан  $23,8 \pm 3,33$  г/л га, лактат микдорининг  $2,27 \pm 0,12$  ммоль/л дан  $8,47 \pm 0,48$  м моль/л гача ошганлиги ва глюкоза микдорининг  $2,48 \pm 0,19$  ммоль/л дан  $1,92 \pm 0,47$  ммоль/л га камайганлигини аниклаганлар (Г.А.Виноградов, 1987; P.Sprung, 1987).

Бузокларни онасидан (сутдан) ажратганда, уларда, икки кун давомида кучли стресс реакция ривожланади, конда кортизон микдори кўпаяди; креатинфосфокиназа, лактадегидрокиназа, АЛТ ва АСТ фаоллиги ошади.

## **Ветеринария-профилактик ва зоотехник тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бўлган стрессорлар**

Ветеринария-профилактик ва зоотехник тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ бўлган стрессорларга ҳайвонларни тарозида тортиш, эн солиш, кон олиш, ахталаш, эмлаш, шохсизлантириш ва ҳоказолар оқибатида пайдо бўладиган стрессорлар киради.

Ю.П.Фомичев (1984) бузокларни тарозида ўлчагандан сўнг, 6 соат ичидаги лейкоцитлар сонининг, нейтрофиллар ва эзинофилларнинг сезиларли ўзгаришларга учрашини аниқлаган.

Rland P.M. ва бошқалар (1986) ҳайвонларни ахталашдан кейин, қонда триглецерид ва липопротеин микдорининг назорат гурухидағи ҳайвонларга нисбатан 200 % га ошишини аниқлаганлар. Бу кўрсаткичларнинг ошишини олимлар айrim жинсий гормонларга боғлайдилар.

J.Mayeg ва бошқалар (1990), ҳайвонларни ахталашдан кейин кон плазмасида 11-кетотестестерон гормонининг деярли бўлмаслигини, тестестерон микдорининг камайиши ва бошқа андроген гормонларнинг деярли ўзгармаслигини аниқлаган.

Эркак чўчка болаларини ахталашнинг энг қулай вакти, уларнинг онасидан ажратилишига 7-10 кун қолган пайти ҳисобланади: 10 кунлигига ахталанган чўчка болалари 30 кунлигига ахталанганларига қараганда стресс таъсирига камроқ берилади (С.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1987).

Жўжаларни вакцинация килганда (эмлашда) стрессорларнинг олдини олиш ва унинг иммунитет ҳосил бўлишига таъсирини билиш максадида В.П.Николаенко (1988) элеутерокок экстракти ва комплекс витаминалардан фойдаланган. Текшириш натижалари шуни кўрсатадики, стрессга карши аралашма (примекс)ларни қўллаш Ньюкасл касаллигига карши иммунитет ҳосил бўлишини осонлаштиради ҳамда жўжаларнинг ўлимини камайтиради, тана оғирлигини оширади. Назорат гурухидагиларга қараганда тажрибадаги жўжаларнинг тана оғирлиги 4,5-9,5 % га ошган, уларнинг чиқими 3-4 % га камайган.

“Старт” ва “Бройлер-6” кросс жўжаларни ЛА-Сота вакцинаси билан ёлгон ўлат касаллигига карши эмлаш натижасида, уларда тухум туғиши пасайган, ностандарт тухумлар сони кўпайган, тухум оқсили суюлган, унинг ишқориийлиги ва лизоцим фаоллиги ошган ҳамда пўчок деформацияларининг учраши кузатилган. Жўжаларни очган жойидан олиш ва эмлашнинг бир вақтда амалга оширилиши,

улар учун кучли стресс бўлиб, жўжаларнинг ўсишига салбий таъсир этган (С.Пляшленко, В.Т.Сидоров, 1987).

Stangel Peter W.(1986), кон олишнинг товуклар тана вазни ва ўсиши учун салбий таъсир этмаслигини, яъни унинг стрессор хисобланмаслигини маълум килади.

В.И.Дукиненко (1989), хозирги экстремал шароитда, осетра баликларининг антропоген ва экологик стресслар таъсирига тушиб қолганинги маълум қиласди.

М.З.Е.Восиленко (1990), камалаксимон форелларга электр токининг стрессор таъсир этишини аниқлаган ва бунда респиратор ва гемотологик кўрсатгичлар бўйича салбий ўзгаришларни кузатган.

И.А.Шацияло (1982), кузатишларига кўра, ҳайвонларда бир соатлик эмобилизация ва мускуллар зўриқишидан келиб чиқадиган стресс таъсирида қалқонсимон без структурасининг қисман ўзгариши, яъни рангли хужайралар миқдорининг кўпайиши кузатилган. Юмронқозиқларга қисқа муддатли (20 минут) гипоксия таъсиридан, қалқонсимон без фолликуляр тузилишининг қисман ўзгаришлари ва рангли хужайралар сонининг кўпайишилари кузатилган, 3-5 соатлик гипоксия таъсирида тиреоид паренхимасининг ўзгаришлари ҳамда рангли хужайраларнинг миқдорий ва сифатий ўзгаришлари кузатилган. Бу ерда, муаллифнинг фикрича, рангли хужайралар функционал фаоллигининг ошиши рўй берган.

Сигирларнинг туёгини тозалаш максадида, йиқитиб фиксация қилиш, кучли стресс холатига олиб келади, бунда сигирлар маъраган, тезак ва сийдик чиқариш тезлашган, кучли безовталаңган, пульс ва нафас олиш тезлашган, сут маҳсулдорлиги камайган. Стресс пайтида қонга кўп миқдорда адреналин ва норадреналин буйрак усти безидан тушади. Адреналин сут ҳосил бўлишини тезлаштирувчи пролактин гормони ишига тўсқинлик қилиши, норадреналин елиндаги капиллярларни қисқартириши натижасида сут маҳсулдорлиги камаяди.

Ҳайвоннинг тирик вазнини ўлчаш пайтидаги стрессорлар таъсири, организмнинг умумий ҳолати ва қоннинг биохимик кўрсатгичларига салбий таъсир этади, хужайра ва гумораль химояланиш омиллари пасаяди; ҳайвоннинг ўсиши ва ривожланиши секинлашади, қондаги лейкоцитлар, нейтрофиллар ва эозинофиллар сони кескин ўзгаради. (Ю.П.Фомичев, 1984)

Фармакологик моддалар ва биопрепаратларни ҳайвонлар касалликларини олдини олиш максадида кенг қўллайдилар. Ҳозирги

кунда буларга вакциналар ва касалликни олдини олиш ҳамда даволаш мақсадида құлланиладиган қон зардобралари ҳам киради. Шу мақсадда күпгина диагностик препаратлар ва фармакологик воситалар ҳам құлланилади. Буларнинг ҳаммаси стрессор сифатида таъсир этади ва ҳайвонлар маҳсулдорлигининг камайишига ҳамда гомеостазнинг бузилишига олиб келади. Вакцинациядан кейин ёш ҳайвонларнинг үсиш ва ривожланиши 2 кунда 18 % га камайган, вакцинациядан кейинги куни тана ҳарорати мөйерға нисбатан 1,3-1,5°C-та күтарилен, пульс сони 15 турткигача құпайган, гомеостаз үзгаришлари вакцинациядан 15-30 кундан кейин аввалги ҳолатига қайтган, бу даврда иштаха ёмонлашган.

Ветеринария-профилактик ва зоотехник тадбирларни амалга оширганда (тарозида тирик вазнини ўлчаш, эн ёки ракамлар қўиши, қон олиш, даволаш, бичиш ва эмлаш ишларини бажариш, шохсизлантириш ва бошқалар) ҳам стресслар таъсир этади. Юқоридаги тадбирлар кисқа вақтда амалга оширилса ҳам, унинг стресс-реакцияси узок вақт давом этади.

Schenck P.E, Slab A.Koos (1986) ларнинг 6 та 10 ёшли ахталанган эркак айикларда ўтказган тажрибалари натижаларининг кўрсатишича, ахталаш жинсий фаолликнинг сезиларли пасайишига олиб келади, лекин унинг самараси қатъий индивидуал тарзда бўлади. Яъни айрим айикларда жинсий фаолликнинг сусайиши ахталашдан кейинги бир неча ҳафта ичида кузатилган бўлса, айримларида бир йилдан кейин ҳам зякуляция сақланган.

Peder M.(1987) тажрибаларига кўра, ахталанган ва ахталанмаган юмонқозикларда парадоксал фаза муддати бир-биридан фарқ қилмайди. Яъни, тестикуляр тестерон гормони, үсиш гормонидан фарқ килиб, парадоксал фазада иштирок этмайди.

MarPerez-DelgadoMariadel, Conzalez Hermann ва бошқалар (1987) маълумотларига кўра, оқ сичконлар эркагини туғилгандан кейинги 24 соат ичида ахталаш ҳар иккала гипоталамик соҳа ядроси ҳажмининг сферик тарзда кичиклашишига олиб келган.

Чорвачилик хисоботини ва наслчилик ишларини тўғри юритиш учун ҳайвонлар тамғаланади. Ҳайвонларнинг кулоқ супраларини маҳсус қайчилар ёрдамида кесиш ёки тешиш пайтида қон оқиши ва жуда кучли оғриқ ҳосил бўлади. Бундай пайтда ҳайвонларда руҳий сиқилиш, иштаҳанинг ёмонлашиши ёки умуман бўлмаслиги, диарея кузатилади.

Татуировка ёрдамида тамғалаганда (электр токи ёрдамида) тана ҳарорати кўтариленади, пульс ва нафас олиш тезлашади, лейкоцитлар

сони камайиб, эритроцит сони ва гемоглобин миқдори кўпаяди, бу ўзгаришлар 3-4 кун давом этади.

Ветеринария ва зоотехния тадбирлари ўтказилганда ҳайвонлар албатта фиксация қилинади ва бу ҳам стрессор сифатида таъсири кўрсатади.

Ёш эркак ҳайвонларни бичиш ҳам жуда кучли стрессор хисобланади. Лекин шунга қарамасдан гўштга бокишига мўлжалланган эркак ҳайвонлар тез ўсиб, семириши учун ёшлигида бичилади. Бичилган ҳайвонлар организмида гормонал ҳолат ўзгарганлиги сабабли ўсишдан қолади, лекин гўшт таъми ва сифати яхшиланади.

Стрессор таъсирида организмда ривожланадиган стресс-реакция ҳайвоннинг ёшига ҳам боғлик.

Катта ёшдаги ҳайвон организми тўлиқ ўсиб, ривожланиб шаклланганлиги сабабли, стрессор таъсирига эндокрин тизимида гипофиз-буйрак усти бези қисми билан барча стрессорлар таъсирига бир хил реакция билан жавоб беради. Стрессор кандайлигидан қатъий назар, унга жавобан гипофизнинг олдинги қисмидан албатта тезлик билан адренокортикотроп гормонлари; буйрак усти безидан глюкокортикоид гормонлари кўп миқдорда конга ажралади, уларнинг миқдори қонда кўпаяди ва организмни стрессга қарши курашишга тайёрлайди.

Янги туғилган ва ёш ҳайвонларда бу тизим ҳали мукаммал ривожланмаганлиги сабабли, стрессор таъсирига бундай реакция билан жавоб бера олмайди. Қари ҳайвонларда эса гипофизар-буйрак усти бези тизими иши анча пасайганлиги сабабли, жавоб реакцияси паст бўлади. Шунинг учун янги туғилган ва ёш ҳайвонларда ҳамма стрессорларга жавоб бериш реакцияси юз бермайди.

Стресс таъсирида (айникса кўркув стрессида) гипофиз кўп миқдорда тиреотроп гормонларини ишлаб чиқаради ва бу ҳолат АКТ гормонини кўп миқдорда ишлаб чиқарилишини тўхтатиб кўяди, натижада умумий адаптацион синдромининг келиб чикиши бузилади (Г.Селье, 1956), организмнинг стрессорга қарши курашиш реакцияси амалга ошмайди.

Бузокларни онасидан (сутдан) ажратганда ҳам уларда 2 кун давомида кучли стресс-реакция ривожланади, қонда кортизон миқдори кўпаяди; креатинкиназа, лактатдегидрокиназа, АЛТ ва АСТ фаоллиги кўпаяди.

В.С.Бузлама ва бошқалар (1989) фумар кислотаси, кватерин, фенибут ва элеутерокок экстрактини стрессорга қарши ишлатиб

текширганлар. Текшириш натижалари шуни күрсатадики, бу дориларни құллаш, чүчка болаларининг ривожланишини фаоллаштиради ва уларни стресс таъсиrotларига анча мослаштиради, тирик оғирликлари ошади, касалланиши 1,5-3 баравар камаяди.

Шу мақсадда С.И.Пляшенко ва В.Т.Сидоровлар (1990) аскорбин кислотаси, дигазол, седуксин ва медикарнинг самарадорлигини 60 кунлик чүчка болаларини онасидан ажратищдаги стрессорлар таъсирида үрганиб, бу дорилар уларнинг адаптация механизми хамда қоннинг морфологик, биокимёвий ва асосий иммунобиологик күрсатчиларини ижобий томонга үзгартыради. Юқоридаги препаратларни стресс таъсирини пасайтириш мақсадыда құллашни тавсия этадилар.

В.С.Бузлама ва В.А.Санжаровлар (1994) чүчкаларни янгидан гурухлаш ва бошқа жойга күчириш пайтидаги стресс таъсирида организмда бактериоцид ва лизоцим фаоллигининг 12,8-41,3 фоизга пасайиши ва микрофагларнинг 16,5-20,6 фоизга камайишини аниклаганлар. Булардан ташқари, организмда модда алмашинувининг бузилиши ва катаболизм жараёнларининг устунлик килиши күзатылган.

Хайвонлар сақланадиган бинолардаги микроқлим күрсатчиларининг меъёрға нисбатан үзгариши хам, сигирлар организмига стрессор сифатида таъсири этади. Буларга бино ҳарорати, намлиги, ҳаво таркибидаги газлар ва chanглар, микроблар, замбуруғлар, гельминтлар ёки уларнинг тухумлари, заһарли газлар киради. Бинодаги ҳарорат ҳайвон организмидә кечәёттан модда алмашинуви жараёнларининг кечишига тескари боғлиқлиқда бұлади – ташқи ҳарорат қанча пасайса модда алмашинуви шунча күтарилади ва тескариси: ташқи ҳарорат қанча баланд бұлса, модда алмашинуви шунча пасаяди. Бинодаги ҳарорат меъёр даражасида ( $12-18^{\circ}\text{C}$ ) бұлса, ҳайвон организмидә кечәёттан модда алмашинуви сут, гүшт махсулотлари ҳосил бўлишига сарфланса, ҳароратнинг пасайиши ёки күтарилиши пайтида модда алмашинуви махсулотлари тана ҳароратини меъёр даражасида сақлашга сарфланади ва ҳайвон махсулдорлиги пасаяди.

Ҳайвон организмидә иссиқлик, тұқималарда кечадиган оксидланиш жараёнлари, ҳазм органларидаги озиқаларнинг ферментатив парчаланиши хамда мускуллар фаолияти натижасида ҳосил бўлади. Бундан ташқари, ҳосил бўладиган иссиқлик микдори ҳайвонларнинг зоти, озиқлантириш тури, яшаш жойининг табиий-иқlim шароити хусусиятларига хам боғлик. Ҳар бир ҳайвон тури ва

ёшини минимал энергия миқдорини сарфлаб, мөйөрдаги тана хароратини саклаб туриш учун маълум харорат чегаралари мавжуд. Буни индефферент, комфорт (кулай) ёки нейтрал харорат дейилади.

Ҳайвонларни боғлаб бокиш шароитида юз берадиган стрессларнинг сабабчиларидан бири, мол турадиган катак ўлчамларининг қиска, тор ёки паст бўлиши ҳисобланади. Чунки бунда ҳайвон ётиш ва туришда кийналади, оёқ ва туёқ касалликлари келиб чикади. Ўта калта катаклар киннинг чиқиши, туғишининг кийинлашуви ва хоказоларга олиб келиши мумкин.

Боғланмай бокиладиган шароитларда ҳам, бу усулнинг қатор устунлик томонларига қарамасдан, озиқлантириш пайтларида стресс ҳолатлари кузатилади. Ўта агресив ҳайвонлар охурдаги энг яхши ва қулай жойларни эгаллаб олади, имконсизларини шундай жойлардан кувади. Натижада, кам куч ҳайвонлар етарли даражада озиқланади.

Ҳайвонларни жуда катта гурухларда саклаш энг хавфли стрессорлардан бири ҳисобланади. Бундай гурухларда ҳайвонларнинг агресивлиги ошади, поданинг нормал ташкил этилиши бузилади. Тобе ҳайвонлар, ўзларининг талабларини тўлиқ қондира олмасдан, доимий безовталаниш ва қўзғалувчанлик ҳолатида бўлиши оқибатида пайдо бўладиган стресс таъсирида маҳсулдорлиги пасаяди ва бошқа оғир ўзгаришларга ҳам учрайди. Масалан, 100 бошдан кўп сигирдан ташкил топган гурухда сут соғими 5 % га камайган. Бундай ҳолларда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори 230 кг га камаяди, 32 бош сигирдан ташкил топган гурухда стрессларнинг салбий таъсири 48 ва ундан кўп сигирдан ташкил топган гурухлардагига нисбатан анча кам намоён бўлади.

Янги гурухлар (сурувлар) тузиш, ҳайвонларда кучли стресс реакциясини чакиради, яъни бунда маълум мавқе тартибининг ўрнатилиши зарурияти туғилади. Натижада қўзғалувчанлик ҳолати, тўқнашув ва ўзаро олишув, шохлашишлар юз беради (С.П.Пляшенко, В.Т.Сидоров, 1987).

Корамолчиликда сигирлар маҳсулдорлигига стрессларнинг таъсирини Г.А.Послов (1982) ўрганган. Стресслар таъсирини пасайтиришда транквилизаторлар ва стрессга қарши бошқа препаратлар кўллашда ҳайвонлар физиологияси ва этологиясига мос келадиган ҳайвонларни танлаган. Текшириш натижалари шуни кўрсатадики, чорвачиликда бир канча технологик жараёнлар ҳайвонлар организмига салбий таъсир кўрсатади ва маҳсулдорлигининг пасайишига олиб келади. 15 кунлик бузоклардан

янги гурух ташкил этишининг биринчи кунидан, бузоқларнинг дам олиш вакти бирдан қискарган, асосан бузоқлар ётмасдан тик ҳолда турган. Ҳосил бўлған стресс ҳолати аранг саккизинчи кунга келиб таркалган.

Harlow Henry J. ва бошқалар (1987), қўлга ўргатилган ва энди туғилган ёввойи қўчкорларда кучли шовқин таъсирида ўткир стресс ривулжанишини аниклаганлар, 150 кун қамаб бокиши йўли билан сурункали стрес чақирилганда улардаги юрак уришлари ва қондаги кортизол миқдорларини аникладилар. Ўткир стресс пайтида юрак уришларининг 136-192 гача ошиши ва тезлик билан ўз ҳолатига кайтишини, кортизол миқдорининг – 15 дақика ичидаги жуда кўтарилиб, яна 15 дақика ичидаги ўз ҳолига кайтишини аникладилар. Сурункали стресс пайтида эса тажрибанинг бошидан охиригача картизол миқдори ва юрак уришлари сонининг жуда баландлиги сақланиб қолган.

Yamamoto Ken-ichi (1987) балиқларни узлуксиз ҳаракатга мажбур қилган пайтларда юзага келадиган стресс таъсирида 3-30 дақиқа давомида талоқнинг кучли қискариши ва унинг массасининг 63-85 % гача кичрайишини ҳамда қондаги гемоглобин миқдорининг 72-93 % гача камайишини аниклади.

Jarvi Torbjorn (1989) нинг “йирткичга қарши ёмон хулқли адаптация” гипотезасига биноан балиқларнинг кўлмак сувидан денгиз сувига чиқиши пайтида, уларга осмотик стресс билан биргаликда салбий физиологик стрессининг ҳам таъсири кузатилган. Яъни йирткич балиқлар олдиндан адаптация бўлған трескага нисбатан, энди келиб қўшилган балиқларга кўпроқ ташланган ва уларда кучли даражадаги физиологик стрессни келтириб чиқарган.

Балиқларни ушлаш ва ташиш пайтидаги стрессда организм калий ва натрий ионларининг кўплаб йўқотишини аниклаганлар. Ионларнинг яна нормага келиши учун 2 кун керак бўлган. Бунда умумий оксил миқдорининг  $14,9+2,82$  г-л дан  $23,8+3,33$  г-л га, лактат миқдорининг  $2,27+0,12$  ммоль-л дан  $8,47+0,48$  ммоль-л гача ошганлиги ва глюкоза миқдорининг  $2,48 - 0,19$  ммоль-л дан  $1,92 - 0,47$  ммоль-л га камайганлиги аникланган (Г.А.Виноградов, А.К.Клорман, 1987 Spurny P. ва бошқалар, 1987).

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида қўпгина қўл меҳнатлари билан бажариладиган жараёнлар механизациялаштирилди. Бунинг натижасида ҳайвонларга ҳар хил шовқинлар ҳам стрессор сифатида таъсир эта бошлади. Буларга согиш аппаратлари, озуқа тарқатиш механизmlари, гўнгни тозалайдиган, олиб кетадиган механизmlар,

озука ташийдиган ва тарқатадиган автотранспортлар, вентеляция асбоб-ускуналари шовқинлари киради. Айрим пайтларда шовқин даражаси 95-100 дБА га (меъёрда 30-50 дБА) етади.

В.В.Салаутининг ёзишича (2003) жўжаларни ўстирганда кўпинча механизмлар шовқинлари ва жўжаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш стрессор сифатида таъсир қиласи. Шу стрессорлар таъсирида жўжалар озика қабул қилмайди, катак бурчагида тўпланиб туради, доимо товуш чиқаради, хамма нарсадан қўрқадиган бўлади, қанотлари тушган, кўзлари юмилган ҳолда туради.

Е.П.Кравчук ва И.Т.Клиниклар (1988), молхоналардаги вентеляция тизими ва озика тарқатувчи тракторларни товушларининг хайвонларга стрессор сифатида таъсир этиб, организмнинг химоя ва мослашиш реакцияларига салбий таъсир этиши ва натижада қондаги кортикостероид гормонлари, глюкоза ва холестерин миқдорларининг ошишини аниқлагандар.

Софин сигирлар сакланадиган биноларда технологик асбоб-ускуналардан ҳосил бўладиган шовқинларнинг манбалари ва даражалари.

т/р	Шовкин манбаси	Шовкин даражаси, дБА хайвонлар шовқини
1	Вентеляция асбоби ёқилганда	45
2	Лентали транспортёр ишлаганда	50
3	Лентали транспортёр ва 3 та вентилятор ишлаганда	85
4	Хайвондан 1 метр узокликда ишлаётган озика тарқатувчи автотранспорт мотори ишлаганда	84
5	Девордан 5 метр узокликда ишлаётган ДУК автомашинаси шовқини	75
6	1 метр узокликда гўнгни юклаётган “Белорусь” трактори шовқини	98
7	Вакуумли насос ишлаганда	95-100
8	“Тандем” сут соғиши аппарати ишлаганда	75-78
9	Сутни совутадиган музлаттич аппарати ишлаганда	90
10	1 метр узокликда ишлаётган сут ташувчи ГАЗ-53 автомашинаси шовқини	75
11	3 метр узокликда озука ташиётган ЗИЛ-130 автомашинаси ишлаганда	85

Чорвачилик биноларида шовқинлар даражаси йил фаслига, технологик асбоб-ускуналарнинг тури ва сифатига, биноларнинг

жойлашган жойига, товушни пасайтирувчи воситаларга боғлик. Ҳаво иссик пайларда вентиляцион асбоб-ускуналарнинг ишилаши ҳамда деразаларнинг очиқ туриши натижасида шовқин даражаси кишга нисбатан юкори бўлади.

Товуш стрессори натижасида ҳайвонлар организмидаги физиологик жараёнлар бузилади, сут маҳсулдорлиги 16 % га камаяди, тана ҳарорати  $0,8^{\circ}\text{C}$ , пульс 9 фойзга, нафас олиш 21 фойзга кўпаяди. Бунда аввал руҳий сикилиш, кейинчалик қўзғалиш, апатия, ступор ҳолати, юрак ва ошқозон-ичак фаолияти бузилиши кузатилади.

Ҳайвонлар сақланадиган биноларни шовқиндан ҳимоя қилиш учун қўйидаги ишларни амалга ошириш зарур.

1. Бинолар товушлардан ҳимояланиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.
2. Шовқин хосил килувчи асбоб-ускуналарни товушдан ҳимоя килувчи воситалар билан таъминланган алоҳида биноларда жойлаштириш.
3. Вентиляция воситаларини ҳайвонлар сакланадиган биноларда ўрнатмаслик (махсус камераларда ўрнатиш).
4. Чорвачилик биноларидаги машина ва механизмларнинг тўғри ишлашини таъминлаш.

Ҳайвон сақланадиган бино ҳарорати энг паст чегарасининг кўрсатгичи критик ҳарорат дейилади. Ҳайвон сақланадиган бинодаги ҳарорат меъёрда  $+12 +18^{\circ}\text{C}$  бўлса, организм критик ҳароратни сақлаб туриш учун маҳсулот хосил қилишга сарфланадиган энергияни сарфламайди. Бинодаги ҳарорат меъёрдан паст (кишда) ёки юкори (ёзда) бўлса, ҳайвон маҳсулот хосил бўлиш учун сарфлайдиган энергияни тана ҳароратини меъёрда сақлашга сарфлайди ва ҳайвон маҳсулдорлиги камаяди. Ҳарорат стрессига, айниқса янги туғилган ҳайвонлар жуда сезгир бўлади. Критик ҳарорат ўзгарганда организм терморегуляция тизими орқали гомеостаз доимийлигини таъминлашга кодир бўлмайди. Бу жараён қиска вакт юз берса организмда ёки гипотермия, ёки гипертермия ривожланади; агарда бу стрессор таъсири узок давом этса, ҳайвон ҳалок бўлади. Бундай стресс таъсири ўртacha бўлса ҳайвон организмидаги юзада жойлашган қон томирларнинг торайиши, жунларнинг хурпайиши, мушакларнинг қалтираши ва тонусининг ошиши, нафас олиш сонининг камайиши, жунжикиб туриши, ҳаракатининг тезлашиши кузатилса; стресс таъсири кучли бўлганда юзада жойлашган қон томирлари кенгаяди, чанқоқлиги ошади, мушак тонуси пасаяди, нафас олиш тезлашиб, тер ажралади, ҳаракатланиши камаяди, гавдасини чўзиб туради.

(В.Карасек, 1965). Совук ёки иссик стресси таъсири узоқ давом этса, нафас олиши оғирлашади, лоҳаслик, кучсизлик, ҳаракат координациясининг бузилиши (атаксия), юрганда қалтираши ва тебраниши, титраб-қақшаши кузатилиб, ҳайвон ҳалок бўлади (Гусков А.Н., 1986).

### **Ҳайвонларни автотранспортларда ташилгандаги стресслар**

Ҳайвон организмига озика, физик, химик, травматик, транспорт, технологик, биологик омиллар стрессор ҳолатида таъсири этиши мумкин. Шулардан энг кучли стресс-омил бўлиб транспорт стрессорлари ҳисобланади. 15-45 кунлик бузоклар транспорт воситасида 100-600 км масофага ташилса, уларнинг тирик вазни 3,6 кг га камайган, 0,4 фоиз бузок ўлган. Стрессор таъсирини пасайтириш мақсадида этилизол, мебикар, аскорбинат натрий, феназепам дорилари қўлланилади. С.Н.Преображенский шу мақсадда литий сульфати тузини қўллашни таклиф этади. Бу дори стрессор таъсирини пасайтирган, бузокларни транспорт билан ташигандан кейин сакланишини таъминлаган, адаптация даврини қисқартирган. Литий, сульфат 20 мг/кг дозада мускул орасига юборилган (С.Н.Преображенский, 2001).

Транспорт стресси, ўткир стресслар гурухига киради ва бу пайтда ҳайвон тирик вазнининг 6 – 10 % гача камайиши, резистентлик ва адаптив имкониятларининг пасайиши, гўшт сифатининг ёмонлашуви ва ҳатто ҳайвоннинг нобуд бўлиши кузатилиади (М.Ковалъчикова, Е.Ковалъчик, 1978).

А.Ф.Козин (1983) бузокларни транспорт воситалари билан ташиш пайтидаги стрессорлар таъсирини пасайтириш мақсадида карбромол дорисини 1 -2 % мг-кг дозада қўллашнинг контаркибидаги глюкоза, холестирини ва натрий миқдорининг ошишини ва ўсишини тезлаштиришни аниқлаган.

В.М.Сорокин (1983) маълумотига кўра, бузокларни бир хўжаликдан икинчи хўжаликка транспорт воситасида ташигандаги стрессорлар таъсирини пасайтириш мақсадида галоперидол дориси 0,045 – 0,18 мг-кг миқдорида қўлланилганда ҳайвонларнинг ташки таъсиrotларга эътибори пасаяди, қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсатгичларининг ўзгаришларини олдини олади, тирик вазни ва маҳсулдорилигининг камайишига йўл қўймайди, организмнинг янги шароитларга мослашишини енгиллаштиради.

А.С.Кашин (1991) ҳар хил хўжаликлардан бузоқларни транспортда ташиш пайтида, стрессорга карши дори-дармонлар

берилмаганда, ҳар бир бузок ҳисобига ўртача 48-77 сўмдан зарар келиши мумкинлигини айтиб ўтади. Стрессорларга қарши мураккаб дори аралашмаси берилганда бузоқларнинг сақланиб қолишининг 12,9 % га ва ўсишнинг 15,1 % га қўпайишини таъкидлайди.

Транспорт стресси асосан ҳайвонларни транспортда ташигандан таъсир этади. Бунда қўидаги белгилар намоён бўлади: ўсиш ва ривожланишдан қолиши, “транспорт иситма” нинг келиб чиқиши, мускул тонусининг ошиши, диурез, дифекация ва терлашнинг тезлашиши, натижада организм сувсизланиши, эритроцитлар, гемоглобин, лейкоцитлар қўпайиши, гормонал моддаларнинг, оқсил фракцияларнинг, ферментларнинг, азотли маҳсулотлар микрорининг қўпайиши, гипоксиянинг ривожланиши, катаболизмнинг тезлашиши, ошқозон, ичак ва ўпкада юқумли ва юкумсиз касалликларнинг келиб чиқиши кузатилади. Транспорт стрессидаги бу ўзгаришлар ҳайвон организмидаги 20-35 кун давомида кузатилади.

Транспорт стрессида гомеостазнинг ўзгариши натижасида, гўшт ва гўшт маҳсулотлари микдори камаяди ва сифати ёмонлашади. Гўшт тўқ рангда, қуруқ бўлади ва унда микроблар тез қўпаяди.

Чорвачиликда учрайдиган барча стресслар орасида транспорт стресси энг кўп учрайди. Бу стресс таъсирида ҳайвонлар организмидаги мухим ўзгаришлар келиб чиқади. Ҳайвонларни транспортга ортиш ва ташиш уларнинг безовталаниши, сезувчанлигининг ошиши, пульс ва нафас олишининг тезланишига олиб келади. Агарда транспортда ташиш узоқ вақт давом этса, ҳайвонларда маъюслик ва бефарқлик ривожланади, тирик вазни камаяди, гўшт сифати ёмонлашади (гўшт оқ рангда, юмшоқ, сувли бўлиб, мускул толаларида сут кислотаси микдори қўпаяди).

Транспорт стресси таъсир килганда ҳайвонларда қўзғалиш, безовталаниши кузатилади. Бунинг натижасида аденоғипофизда асосан ацедофил хужайралари жойлашган ва у катталашади, цитоплазмада кўп микдорда грануляциялар жойлашган бўлади ва ядроди катталашади. Буйрак усти безида биринчи тўкима капсуласи юқалашган, шишган бўлиб, чегаралар уччалик билинмайди; нефрондаги кон томир ўрами қалинлиги камайган, хужайра цитоплазмасида вакуолалар пайдо бўлган; нефронлардаги ўрам ва тўпламлар орасида петехиал кон қўйилишлар кузатилади. Транспорт стресси таъсир килганда кондаги кортизон микдори камаяди, стресс таъсиридан бир соат ўтгач қондаги адреналин микдори қўпаяди, 24 соатдан кейин меъёр даражасига тушади (М.А.Желнина, 2013).

А.В.Степанов (2007) маълумотига кўра транспортда ташилган қорамол гўштида салбий ўзгаришлар кузатилади. Транспортда ташилганда ҳар бир буқача 17,5 кг ёки 3,9 % тирик вазнни йўқотган. Бунда гўштнинг сифати ўзгариб, тўқ кизил рангда ва қурук ҳолда бўлади. Бундай гўштда микроблар тез кўпаяди ва гўштнинг сифати яна бузилади. Транспорт стрессида ҳайвонларда безовталаниш кузатилиб “Транспорт иситма” нинг келиб чикишига сабабчи бўлади, мускул тонуси ошади, диурез, дефекация ва терлаш тезлашади, натижада организм сувсизланади, гормонал моддалар, оқсил фракцияси, ферментлар миқдори кўпаяди. Ҳайвон организмида гипоксия ривожланади, катаболизм устунлик қиласи. Ошқозон, ичак ва ўпкада юқумли ва юқумсиз касалликлар ривожланади. Транспорт стрессидан кейин бу ўзгаришлар ҳайвон организмида 20-35 кун давомида кузатилади.

Ҳайвонлар автотранспортларда ташилганда ҳам физик, ҳам психик стресслар таъсир этади. Транспорт стресси таъсирида организмдаги ферментатив ва гормонал фаолиятлар кучаяди, конда кўргина ферментлар (лактатдегидрогеназа, аспартаттрансаминаза, креатин фосфокиназа, ишкорий фосфотаза) миқдори кўпаяди; глюкоза, креатинин, азот, мочевина, сийдик кислотаси, эркин мой кислоталари миқдори ошади; кальций, магний, натрий, калий, йод миқдори ўзгарида. Лактатдегидрокиназа меъёрда 275 ед/мл бўлиши керак бўлса, транспорт стрессида 715-729 ед/мл гача кўпаяди; кортикостероидлар (11-ОКС) миқори кўпаяди; витамин А ва фосфор этишмовчилиги кузатилади; тана ҳарорати кўтарилади, пульс ва нафас сони ошади; лейкоцит ва эритроцит сони, умумий оқсил, гемоглобин миқдори ҳам кўпаяди. Ишкор заҳираси камаяди. Натижада организмнинг табиий резистентлиги, бактериоцит ва фагогоцитар фаолликлари пасаяди. Бу белгилар стресс-реакциясининг биринчи босқичи ривожланаётганлигидан дарак беради.

Транспорт стресси ўткир стресслар гурухига киради ва бу пайтда ҳайвон тирик вазнининг 6-10 % гача камайиши, резистентлик ва адаптив имкониятарининг пасайиши, гўшт сифатининг ёмонлашуви ва ҳатто ҳайвоннинг нобуд бўлиши кузатилади (М.Ковалъчикова, , Е.Ковалъчик, 1978).

А.Ф.Козин (1983) бузокларни транспорт воситалари билан ташиш пайтидаги стрессорлар таъсирини пасайтириш мақсадида карбромол дорисини 1-2 мг-кг дозада қўллашнинг қон таркибидағи

глюкоза, холестерин ва натрий микдорининг ошишини ва ўсишини тезлаштиришини аниқлаган.

В.И.Финник ва бошқалар (1983) бузокларни транспорт воситалари билан ташиганда стресс таъсирини пасайтириш мақсадида ҳар хил фармокологик таъсир хусусиятига эга бўлган 8 та моддани олиб, транспортда ташишдан олдин бузокларга ичиргандар. Бунинг натижасида бузокларни ташиш адаптацияси пайтларида қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ўзгармаган ва кунлик ўсиши ошган.

В.М.Сорокин (1983) маълумотларига кўра, бузокларни бир хўжаликдан иккинчи хўжаликка транспорт воситасида ташигандаги стрессорлар таъсирини пасайтириш мақсадида галоперидол дориси 0,045-0,18 мг-кг микдорида кўлланилганда ҳайвонларнинг ташки таъсиротларга эътибори пасаяди, қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг ўзгаришларини олдини олади, тирик вазни ва маҳсулдорлигининг камайишига йўл қўймайди, организмнинг янги шароитларга мослашишини енгиллаширади.

Транспорт стрессида ҳар хил хўжаликлардан келган ҳайвонлардан гурух тузиш ва ҳар хил ёшдагиларни битта транспортга жойлаштириши; иссиқ ёки совук, намликтин ошиши, ичимли сувнинг етишмаслиги; рационнинг бирдан ўзгариши, тебраниш ва кўтариб ташлаши, ҳайвонларни транспортга юклаганда ва тушурганда кўпол муомала; кучли кияликлардан олиб ўтиш; шовқинлар (ишчиларнинг, транспортнинг); тарозига тортиши; боласини она сутидан айириш стресслари ҳам кўшилади.

Эмоционал-оғриқ стрессига – эмлаш, қон олиш, дориларни инъекция килиш, ахталаш, дум ва шохини кесиш ёки қўйдириш ва бошқа ветеринария ишлари киради. Бу стрессга яна ҳайвонга каровчи кишининг ёки эгасининг ўзгариши; нотўғри ва кўпол муомалани ҳам киритиш мумкин.

Стрессда қўйидаги белгилар кузатилади: умумий белгилар: Марказий асаб фаолиятининг бузилиши, шартли рефлексларнинг пасайиши ва ўзгариши; ўта қўзғалиш, қўрқув, тажовузкорлик; чарчашиб ёки толиқишиб, рўхий сикилиш. Маҳалий белгилар: тахикардия, аритмия, ичак кисқаришининг секинлашиши ёки кучайиши; иштаҳанинг пасайиши ёки умуман бўлмаслиги, вегетатив асаб тизими иши бузилиши намоён бўлади. Охирида анорексия, ориқлаш, кома ҳолатлари кузатилади. Тана ҳароратининг кўтарилиши, қалтираш, гандираклаб юриш, кучсизлик, диарея ва пневмония, энтерит кузатилиши ҳам мумкин. Адаптация 3-4 хафта давом этади.

Транспорт стрессида ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ва бола бериши камаяди, мускул тонуси пасаяди; паррандаларда кучли қўзғалиш, безовталаниш, бир-бирини чўқиб жароҳатлантириш кузатилади. Чўчқалар чийиллайди, доимий ҳаракатда бўлади, қалтираш ва эпилепсия кузатилади.

Ўзбекистон Республикасининг корамолчилик фермер хўжаликлари шароитида корамолларда стрессларнинг турлари, сабаблари, кечиш хусусиятларини ўрганиш, олдини олиш воситаларини тавсия этиш катта аҳамиятга эга.

Юртимиизда аграр соҳанинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармокларида ҳам бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Афсуски, ҳозирги кунда республикамизда ҳайвонларни тўйимли озиқалар билан етарли даражада озиклантирмаслик, чорвачиликни ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда ва озиқа стрессининг ривожланишига сабаб бўлади. Айниқса, маҳсулдор сигирларда ва бўғозликнинг охирги икки ойида бу стресслар кучли таъсир этади. Қиши ва эрта баҳорда тўлиқ озиклантирилмаган сигирларнинг барчасида моддалар алмашинуви бузилади, 50 фоизида ёзги пайтда ҳам моддалар алмашинуви даражаси тикланмайди, стресс реакцияси ривожланади, бу омиллар ҳайвонлар маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади, хўжаликка катта иқтисодий зарар етказади (М.Б.Сафаров, 2007, В.Ю.Сидорова, 2014).

Ҳазм тизимига тушган озуқалар организмнинг энергия ва бошқа керакли моддалар (оксил, углевод, липид, минерал моддалар, витаминалар) билан таъминланишининг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳайвонлар тури, ёши, жинси, маҳсулдорлигига караб бериладиган озуқалар тури ва микдори түғри танланса ва меъёр асосида озиклантирилса, улар соғлом бўлади, меъёр даражасида ўсади ва ривожланади, маҳсулот беради. Ҳайвонлар меъёр асосида етарли озиклантирилмаса, бу омил албатта стрессор сифатида таъсир этади ва ҳар хил касалликларнинг ривожланишига сабабчи бўлади. Чунки озуқа стресси барча органлар ишига салбий таъсир кўрсатади. Озуқа стрессорлари таъсирида биринчи навбатда юрак ва қон томир тизими ҳамда бошқа қўргина асосий органлар иши бузилади. Бундай ҳайвонлар организмида химоя вазифаси, қалқонсимон бези иши пасайиб, жинсий ривожланиши секинлашади (М.Б.Сафаров, 2007).

Корамолчиликни саноат асосида ривожлантиришнинг асосий босқичларига ҳайвонларни ташиш, қайта гурухлар ҳосил қилиш,

саклаш ва озиклантариш шароитининг ўзгариши ва бошқалар киради. Бу пайтларда бузоклар хир хил жароҳатлар олиши, ўсиш ва ривожланиш даражаларининг пасайиши, тирик вазнини йўқотиши кузатилади. Шу салбий таъсиротларни олдини олишда адаптоген дорилари катта ахамиятга эга. Фумар кислотаси ҳам шундай таъсир этади.

Фумар кислотаси оқ кристалл порошок бўлиб, хидсиз ва лимон таъмли, сувда ёмон эрийди. Фумар кислотаси заҳарсиз ва организмда тўпланмайди. Бу моддани порошок ҳолида озиқага қўшиб бериш керак. Букачаларни хўжалиқдан комплексга олиб келишдан 7 кун илгари ва олиб келингандан 7 кун кейин фумар кислотаси 100 мг/кг дозада озиқага қўшиб берилади.

Фумар кислотасини қўллаш, тирик вазнини йўқотишини 21,7 % га камайтиради ва букачаларни адаптация даврида яхши ўсишини таъминлайди. Бу маълумотлар фумар кислотасининг стресс-реакция даврида ижобий таъсир этишидан далолат беради. 1 сўм сарфланган харажатнинг иқтисодий самарадорлиги 17,6 сўмни ташкил этди (В.С.Бузлама ва бошк., 1987).


Стрессларнинг ҳайвон организмига қўрсатадиган салбий таъсирларини таҳлил қилганда, умумий ва хусусий белгиларни фарқлаш мумкин.

Умумий белгиларида: марказий асаб фаолиятининг бузилиши (шартли рефлексларнинг пасайиши ва ўзгариши, ўта қўзғалиш, кўркув, тажавузкорлик; чарчаш ва толиқиш: қалтираш, гандираклаб юриш, кучсизлик, руҳий сиқилиш), маҳсулдорлигининг ва бола беришининг камайиши, ўсиш ва ривожланишдан қолиш; гипофиз, буйрак усти бези фаолиятининг ўзгариши кузатилади.

А.Т.Семенюта ва И.К.Колесниковларнинг таъкидлашича (1984) бузокларга транспорт стресси таъсир этганда зардоб антителаси ишлаб чиқарилиши камаяди., сальмонелаларга нисбатан иммунитет таъсири пасаяди. Шунинг учун транспортда ташилгандан биринчи уч ҳафта ичida 45% бузокларда транспорт касаллиги кузатилган, қонда фаол глюокортикоидлар, натрий миқдори кўпайган ва лейкоцитоз кузатилган, кортизон ва липодолактат миқдори ошган, ҳайвоннинг тирик вазни 5-8 % га камайган.

**М.Б. Сафаров айрим стрессларнинг ҳайвон организмига таъсирини ўрганиб, стресс пайтида келиб чиқадиган умумий ва хусусий белгиларини қуидагича изоҳлайди**


Ёш ҳайвонларни она сутидан ажратиш стрессининг салбий таъсириларидағи белгилар



142

### **Ҳайвонларнинг янги гурухларини тузи шва янги жойга кўчириш пайтидага стрессларнинг салбий таъсирилари белгилари**

Бу стрессларга таниш бўлмаган ҳайвонлар орасига тушиб қолиш, молоднякларнинг ўзгариши катта ёшдига ҳайвонларнинг тазъиқи киради, стресс 15-20 кун давом этади.



143

## Транспорт стрессининг салбий таъсирлари белгилари

Бу стресга таниш бўлмаган ҳайвонлар орасиги тушиб қолиш, ҳар хил ёшдаги ҳайвонларни битта транспортга жойлаштириш, иссиқ ёки совук, намликнинг ошиши, ичимли сувнинг етишмовчилиги, рационнинг бирдан ўзгариши, транспортда тебраниш ва силкиниш, ҳайвонларни транспортга юклаганда ва тушургандаги қўпол муомола, кучли қиялардан ўтиш, ишчилар ва транспортнинг шовқинлари, тарозига тортиш ва бошқа стресслар киради.



144

Бунга ҳайвонларни текшириш, эмлап, кон олиш, инъекция килиш, даволаш усусларини кўллаш, ахталаш, сунъий уруғлантриши, нокулай холатда фиксация килиш ва бошқа стресслар киради.

## **4 Боб. ҲАЙВОНЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИДА КУЗАТИЛАДИГАН СТРЕСС ҲОЛАТЛАРИ**

### **Корамолларда стресс ҳолатлари**

Соғин сигирларга асосан қўйидаги технологик стресслар таъсир қилади: янги асбоб-ускуналар шовкинлари, саклаш жойининг катта-кичиклиги, охурларнинг ўрнатилиши, саклаш шароити, хизмат қилувчи кишиларнинг ўзгариши, машинада соғиш, саклаш жойининг ўзгариши, кун тартибининг ўзгариши, янги гурухлар тузиш, замонавий янги технологияларни кўллаш, ташки мухит омиллари: намликтинг юқори бўлиши, молхонадаги жуда юқори ёки паст ҳарорат, ҳайвонларни тор жойда саклаш, у жойларнинг лой балчиқлиги, шамол ва елвизак, молхонада чанг ва заҳарли газларнинг кўплиги, тўғри озиқлантирмаслик, етарли озиқлантирмаслик, суғормаслик ва бошқалар.

Стресс таъсир қилганда сигирларда аввал ўта қўзғалиш ва тажавузкорлик, кейин қўркув, ланжлик ва бўшашув; бефарқлик, иштаханинг пасайиши, чанқоқликнинг ошиши; нафас олиш ва тана ҳароратининг кўтарилиши, тезак ажралишнинг кучайиши, сўлак оқиши, бола ташлаш, нимжон бузоқнинг туғилиши, касалликларнинг кўпайиши, туёқ ва бўғинларнинг шикастланиши, маҳсулдорлигининг пасайиши, соглигининг ёмонлапиши кузатилади; сут маҳсулдорлиги 15-35 фоизга камаяди; озуқа қабул қилши 20-30 фоизга кўпаяди.

Сигирларда юқоридаги стресслар таъсири ва унинг олдини олиш ҳамда таъсир кучини пасайтириш усуллари ва воситалари ҳозирги кунда яхши ўрганилмаган ва стресс таъсирини пасайтирувчи воситалар тўлиқ ишлаб чиқилмаган, шунинг учун соғин сигирларга таъсир этувчи стрессорларни, уларнинг таъсир этиш кучини илмий асосда ўрганиш катта аҳамиятга эга.

### **Стрес пайтида сигирлар хулқи**

Стресс пайтида сигирлар хулқини ўрганиш учун визуал (кўз билан кўриш ва кузатиш) кузатиш ва хрономентраж усуллари кўлланилади. Бунда ҳайвоннинг озуқа ва сув қабул қилиши, кекириш, кавш қайтариш, жинсий фаоллиги, тезак чиқариши, дам олиши маълум вақт оралиғида текшириб аниқланади ва маҳсус журналларда ёзилади. Сигирларнинг ташки мухитдаги ҳолати (позаси), ҳаракатланиш тезлиги, товушлари, чарчаши ҳам ҳисобга олинади. Бошқа киши сигирни сокканда сут маҳсулдорлиги энг камида 25 фоизга камайса, стресс таъсир этаётганлигидан далолат беради. Кон

таркибіда стресс натижасыда күпайған кортизол микдори 30 дакикадан кейин ҳам аввалғы ҳолатига қайтмаса, стресс таъсир этаётгандығын күрсатади.

### **Қорамолларда стресс синдроми**

Стресснинг биринчи босқичида организмнинг ҳимоя механизмлари жалб этилади; тұқымаларда органик моддаларнинг парчаланиши кучаяди, күп микдорда адреналин ажралади; бу пайтда организм барча ҳимоя күчларини мой ва глюкоза ҳолатыда мия ва мускулларга жалб килади; бу босқич 3-48 соат давом этиши мүмкін.

Стресснинг иккінчи босқичида буйрак усти бези иши тезлашади; организмнинг қарши туриш қобилияты ошади; модда алмашиниш мөйерлашади; қон суюлади; ҳайвоннинг тирик вазни ва маҳсулдорлығы тикланади; бу босқич бир неча соатдан бир неча ҳафта давом этиши мүмкін.

Стресснинг учинчи босқичи стресс узок муддатда таъсир этганды ривожланади ва оқибати үлім билан тугайды.

Текширишлар ҳайвонларни озиклантириш ва саклаш шароитларининг бузилиши натижасыда таъсир этадиган стресслар 70-80 фойзни ташкил этишини күрсатади. Бу стресслар натижасыда сигирларда сут маҳсулоти 10-35 фойзга, бола бериши 15-30 фойзга камаяды; касалланиши 15-35 фойзга күпайды.

Молхонадаги юкори ҳарорат сигирлар организмiga кучли салбий таъсир күрсатади. Молхонада ҳарорат +25° Сдан юкори бұлса, стрессор сифатида таъсир этади. Бу пайтда, ҳайвон организмини совутиш учун күп энергия сарфлайды, натижада сут маҳсулдорлығы камаяды; 8-9 ойлик бұғоз сигирлар бола ташлайды. Ҳарорат стресси таъсир этганды сигирлар соя-салқын жойни ахтаради, күп сув қабул килади, иштақаси пасаяди, нафас олиши тезлашади, тер ажратыш кучаяди, тана ҳарорати күтарилади, күпинча тикка туради. Бу стрессни олдини олиш учун вентиляция үрнатиласы да доимо сув билан таъминланади. Совук ҳаво ҳам худди шундай таъсир этади, бунда қабул қылинган энергия организмни иситиш учун сарфланади ва маҳсулдорлығы камаяды.

Келиб чиқишига караб стресслар ҳар хил бұлса ҳам, уларнинг таъсирида организміда бир хил үзгаришлар келиб чиқады: буйрак усти бези ҳужайраларининг күпайиши, қон таркибининг үзгариши, организм резистентлігінинг ёмонлашиши, касаллilikтарга қарши туриш қобилиятининг пасайиши, ошкозонда яраларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар. Стресс таъсир кучи паст бұлса, стресссиндром

намоён бўлмайди. Стресс таъсири кучли бўлиб, узок давом этса, организмнинг ҳимоя воситалари унга қарши тура олмайди ва касаллик ривожланади.

Бузокларда стресс ҳолатини аниқлаш учун И.П.Степанова (2005) қоннинг антиоксидант тизимини ҳамда супероксиддисмутаза ва каталаза гормонларининг активлигини аниқлашни тавсия этади. Текшириш натижалари, бир ойгача бўлган бузокларда, катта ҳайвонларга нисбатан липидларнинг переоксидланиш жараёни пастлигини кўрсатди, б ойликдан катталарида бу кўрсаттич ошиб боради. Тадқиқотчи, бузокларнинг транспорт стрессини олдини олиш учун беш кун давомида 50 мл дан оғиз орқали фойдали микроблар суспенсиясини (*lactobacillus acidophilus*, *L.plantarum*, *L fermentum* ва бошқалар) ичиришни тавсия этади. Тадқиқотчининг фикрича, янги туғилган бузоклар ошқозон-ичагидаги бактериоценез биринчи 15 кун давомида шаклланади ва 40-60 кунлигига мустаҳкамланади, қўшимча берилган бу фойдали микроблар кўпгина фойдали органик моддаларни парчалаб, ҳазм қилиб, ҳайвон организми учун зарур бўлган бир қанча биологик фаол моддаларни (витаминалар, ферментлар, органик кислоталар) синтезлайди.

Сигирларнинг туёгини тозалаш максадида йиқитиб фиксация қилиш, кучли стресс ҳолатига олиб келган: бунда сигирлар маъраган, тезак ва сийдик чиқариш тезлашган, кучли безовталанганди, пульс ва нафас олиш тезлашган, сут маҳсулдорлиги камайган. Стресс пайтида қонга кўп микдорда адреналин ва норадреналин буйрак усти безидан тушади. Адреналин сут ҳосил бўлишини тезлаштирувчи пролактин гормони ишига тўсқинлик қилиб, норадреналин елиндаги капиллярларни қисқартириши натижасида сут маҳсулдорлиги камаяди.

Бузокларни онасидан (сугдан) ажратганда ҳам уларда 2 кун давомида кучли стресс реакция ривожланади, қонда кортизон микдори; креатин фосфокиназа, лактатдегидрокиназа, АЛТ ва АСТ фаоллиги ошади.

Сигирларда гиподинамия энг оғир таъсир қилувчи стресс турига киради ва узок вақт давом этади, натижада адаптацион синдром ривожланади. Кучли вакуумли (360-400 мм.симв/уст) сут соғиши аппаратида сут соғиши ҳам стрессор ҳисобланади. Бу пайтда сигирлар қонида адреналин ва норадреналин микдори икки бараваргача кўпаяди ва 7-10 кундан кейин меъёр кўрсаткичигача тушади. Гиподинамияда организмдаги асосий органларнинг вазифаси ва тузилиши ўзгаради, вегетатив асаб тизими тонуси пасаяди, юрак иши

бузилади (тахикардия, экстрасистония, хансираш, бүгинарнинг огиши) сут маҳсулдорлиги 20 % камаяди.

### Паррандалардаги стресс турлари

Республикамиз аҳолисининг озик-овкат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда паррандачилик маҳсулотлари (тухум ва пархез гўшт) етишириш катта аҳамиятга эга.

Паррандаларни интенсив ўстириш ва катта қилиш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида уларнинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига ҳар хил стресслар салбий таъсир қиласи. Стрессорлар салбий таъсир натижасида паррандаларда иштаҳанинг пасайиши ёки умуман бўлмаслиги, кўркув, безовталаниш, ўта қўзғалувчанлик, тана ҳароратининг кўтарилиши, қалтираш, мускулларнинг ихтиёрсиз кисқариши, юрак иши ва нафас олишнинг тезлашиши, шиллиқ пардаларнинг кўкариши, маҳсулдорлигининг камайиши, маҳсулот олиш учун озукалар сарфининг кўпайиши, маҳсулотлар сифатининг ёмонлашиши, касалликлар ва ўлимнинг кўпайиши каби клиник белгилар намоён бўлади.

Паррандаларга асосан физик, химик, озука, транспорт, технологик, биологик, травматик, экспериментал ва психик стресслар таъсир этади. Физик омилларга (стрессларга) атмосфера ҳавоси ҳароратининг кўтарилиши ёки пасайиши ва намлиги; куёш нурининг тўғридан-тўғри таъсир этиши; кучли ҳар хил шовқинлар; ёруғликнинг бўлмаслиги; ёритиш ва ёруғлик даражасининг бирдан ўзгариши киради.

Бугунги кунда саноат асосида ва хусусий паррандачилик хўжаликлари кўринишида фаолият кўрсатаётган паррандачиликнинг ривожланишига паррандаларнинг касалликлари катта тўскинилек қиласи.

Паррандачилик маҳсулотларини интенсив усулда ишлаб чиқариш шароитида, паррандаларга технологик ва ветеринария тадбирлари стресс ҳолатини ривожланишига олиб келади. (паррандаларни янги гурухларга ажратиш ва транспортда ташиш; кичкина майдонга меъёрдан ортиқ паррандани жойлаштириш, профилактик ветеринария тадбирлари). Бу стресслар маҳсулдорликни камайишига, организм резистентлигининг пасайишига ва ўлимiga олиб келади.

Б.Б.Салаутиннинг ёзишича (2003) жўжаларни ўстирганда, кўпинча механизмлар шовқинлари ва жўжаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш стрессор сифатида таъсир қиласи. Шу

стрессорлар таъсирида жўжалар озука қабул қилмайди, катак бурчагига тўпланиб туради, доимо товуш чиқаради, ҳамма нарсадан кўркадиган бўлади, қанотлари тушган, кўзлари юмилган ҳолда туради.

Паррандаларда рацион таркибида оқсил, витаминалар, аминокислоталар ва бошка биологик фаол моддаларнинг етишмаслиги; сақлаш шароитининг бузилиши (шовқинлар, харорат ва намлигининг нормадан юкори ёки паст бўлиши, кам ҳаракатлилик), захарланишлар, ветеринария ва зоотехния тадбирларни ўтказиш (эмлаш, текширишлар ўтказиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, ҳар хил касалликлар) стресс ҳолатини келтириб чиқаради. Стресс ҳолати паррандаларнинг умумий ҳолатига, иммунитет хосил бўлишига салбий таъсир этиб, махсулдорлигининг пасайиши ва ҳар хил касалликларга чалинишига олиб келади, бунда тирик вазни 10-15 фоизга, тухум бериш 10-12 фоизга камаяди. Стрессор ҳолатини пасайтириш учун аминазин, трифтазин, феназепам, амизил, резерпин, аминовитал дориларини кўллаш тавсия этилади (Б.А. Баумен, 2008).

В.М. Митюшников (1961) паррандалаарда стрессларнинг куйидаги асосий сабабларини кўрсатади:

1. Озука берилмаслиги (қисман ёки бутунлай)
2. Озукаларда протеин, витамин, аминокислота, макро ва микрэлементлар-

нинг кам бўлиши.

3. Рационнинг бирдан ўзгариши.
4. Микроиқлимнинг қоникарсиз бўлиши.
5. Ветеринария ишларининг ўтказилиши ва бошқалар.

Тадқиқотчининг фикрича паррандачиликда стресс сабабларини билгандагина, бу сабабларни йўқотиш ёки олдини олиш мумкин, лекин ҳамма стрессорларни ҳам йўқотиб бўлмайди (масалан ветеринария ишларини). Шунинг учун йўқотиб бўладиган ва йўқотиб бўлмайдиган стрессорлар мавжуд.

Парранда подаларида аввал битта-иккита стрессор пайдо бўлиши мумкин, кейинчалик бошка стрессорлар вужудга келиб, организмга таъсир кила бошлайди. Стрессорлар таъсири остида паррандалар организмида морфологик ва гормонал ўзгаришлар келиб чиқади. Организм стрессорлар кучига қараб, ҳар хил жавоб беради.

Стрессор биринчи таъсир қилганда гипоталамусда бошка элементлар билан боғланган ҳолда турган норадреналин эркин ҳолда ажralиб, кўп микдорда конга чиқади ва бош мия хужайраларининг

стрессор таъсирига чидамлилигини оширади. Стрессор таъсири давом этган сари конда норадреналин миқдори ошиб боради.

Организмнинг стрессор таъсирига жавоб бериш занжирида адреналин ва норадреналин биринчилар қаторида туради (катехоламинлар).

Стрессор таъсирида, паррандаларда пульс ва нафас сони тезлашади, тана харорати кўтарилади, мускулларнинг қалтираши, тўхтовсиз товуш чиқариш кузатилади. Кон таркибида аспартаттрансаминаз, креатинфосфокиназа, алвеолаза, ишкорли фосфотаза фаоллиги ошади; креатинин, мочевина, сийдик кислотаси, глюкоза, умумий липидлар, умумий оқсил, кальций, неорганик фосфор миқдори камаяди, ҳайвонларнинг махсулдорлиги пасаяди, махсулот сифати бузилади; ички органлардаги қон харакатининг камайиши ( $30-40\%$ ) ўз навбатида тўқималарда гипоксиянинг ривожланишига олиб келади ва оксидланиш метаболизми миқдорининг юқори булишига сабабчи бўлади; ҳужайравий ва гуморал иммунитет ва кунлик ўсиш пасаяди; модда алмашинувининг барча турлари бузилади; озиқаларнинг ҳазмланиши ва сўрилиши камаяди.

Охиригина йилларда стрессорга ташхис қўйиш учун гетерофил ва лимфоцитларнинг нисбатини аниглаш кўлланилмоқда (Забудский Ю.И., 1992; Ciross W.V. 1983). Стресслар таъсирида бу кўрсаткич доимо кўпайиши исботланган ва қондаги корtekостерон миқдори катталигига нисбатан ишончли ҳисбланади. Стресс таъсирида буйрак усти безидан кўп миқдорда ишлаб чиқарилган корtekостероннинг бир қисмини лимфоцит мембронасидаги цитоплазматик рецепторлар бириктириб олади, натижада ҳакиқий ишлаб чиқарилган кортикостерон миқдорини аниглаш мумкин бўлмайди, бундай ҳолатда Т-хужайралар синтези бузилади (Слегел Х.С., 1985).

Муаллифлар стресс таъсиридан илгари ва кейин лейкоцитларнинг ҳаракат (миграция) фаоллигини ани克拉ганлар. Текшириш учун кон қанот венасидан, антикоагулянт эритмаси билан чайилган ва мойсизлантирилган пробиркаларга олинади.

Конда гетерофил-лимфоцит ва лимфоцит миграцияси фаоллигин ўрганиш орқали, иккала усул бир хил натижада беришини ани克拉ганлар. Шунинг учун тадқикотчилар ҳайвонларда стресс ҳолатига ташхис қўйганда лимфоцитларнинг ҳаракат фаоллигини аниглаш усулини тавсия этадилар.

Паррандаларнинг ҳар хил адаптация қобилиялари, ташки мухит билан ўзаро алоқаларига боғлик. Уларнинг адаптация механизмларининг шаклланиши, организмда кечётган физиологик ва ҳар хил стресс-омилларига мослашиши захиралар орқали амалга ошади. Ҳар хил стресс омилларига жўжа организми адаптация механизмларини ўрганиш учун М.М.Салаутин (2003) жўжаларга шовқин, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва салмонелла кўзғатувчисини организмга юбориш каби стресс-омиллар доимий равиша жўжа организмига таъсир қиласи. Иккита тажриба гурухидаги жўжаларнинг бирига механизмлар шовқини таъсир эттирилди, иккинчисининг яшаш жойида, 5 кунлигига ва 9 кунлигига, ҳаммасига салмонелла энтеридис микроб культураси бульони 0,2 мл дан берилди.

Жўжалар стресс омиллари таъсиридан кейин озуқа қабул қилмаганлар, катакнинг бурчагида ҳаммаси тўпланиб, бир жойда турган; доимий чирқиллаш товуши чиқаргандар, 6 соатдан кейин жуда кўрқадиган бўлганлар. 24 соатдан кейин бу реакциялар анча пасайган, 2-5 кундан кейин стресс таъсирига эътибор бермаганлар.

Салмонелла микроблари юборилгандан кейин, нафас олиши тезлашган ва чукурлашган, иштаҳа пасайган, тезак суюклашган ва қўнғир кизил рангда бўлган, кўзлари юмилган ва қанотлари тушган ҳолда ўтирганлар. Беш кундан кейин бу жўжалар ўсишдан қолган, лоҳаслик ва қалтираш кузатилган. Конда лимфоцитлар 61% дан 43% гача камайган, буйрак усти бези оғирлиги 1,8 мартағача ошган, конда аскорбин кислотаси микдори ва катехоламиналар жуда камайган.

Шундай килиб, жўжалар организмидаги стресс омиллар ва салмонеллалар таъсирида ҳам морфологик, ҳам гормонал ўзгаришлар келиб чикади.

Паррандачиликнинг бройлер йўналишида иқтисодий самарадорликни ошириш мақсадида, кўпинча биологик фаол моддалар қўлланилади. Шулар каторига фумар кислотаси ҳам киради. Фумар кислотаси ёки транселитен -1,2 дикарбон кислота тўйинмаган органик кислота бўлиб, ҳайвон ва ўсимликнинг ҳамма хужайралардаги мода алмашиниши жараёнларига иштирок этади, биологик жараённинг хосил бўлишини таъминлайди. Бу кислота кенг кўламдаги микробларга карши ва фунгицид таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, озукалардаги ҳазм бўлувчи моддаларнинг сўрилишига ижобий таъсир этади.

Ҳайвонлар ва паррандалар учун фумар кислотаси заҳарли эмас. 1 гр/кг дозада кўллаш, клиник ҳолатининг, тана ҳарорати, пульс ва

нафас кўрсатгичларининг, иштаханинг ўзгаришига олиб келмайди. Факатгина 10 гр/кг дозада қўлланганда паррандаларнинг лоҳаслик ҳолатига олиб келади. Фумар кислотасини озука билан қўшиб 0,1 гр/кг дозада жўжаларга 3 кундан берилганда (дорини бериш сўйишдан 7-10 кун илгари тұхтатилади) жўжаларнинг саклаб қолиниши 10% га ва ўсиши 4 % га кўпаяди. Шундай килиб, фумар кислотаси организмнинг резистентлигини оширадиган, юкори самарали модда хисобланади (М.С.Бузлама ва бошқалар, 1984).

А.Б.Байдавлатов ва В.П.Николаенколарнинг (1977) ёзишларича паррандаларни саклаш ва ўстириш даврида жуда кўп стрессорлар таъсир этади. Бу пайтда таъсиротдан кейинги биринчи 10-15 кун давомида паррандаларнинг маҳсулдорлиги 15-20 % га камаяди. Стресснинг салбий таъсирини пасайтириш мақсадида транквилизаторлар, асаб тизимини тинчлантирувчи дорилар қўлланилади.

Юкоридагиларни эътиборга олиб, муаллифлар, паррандаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва ветеринария ишларини ўtkазиш пайтида юзага келадиган стрессларни олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш мақсадида ҳар хил транквилизаторларнинг седатив таъсирини қиёсий ўргандилар.

Шу мақсадда витаминлардан А, Д<sub>3</sub>, К, Е, В, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>3</sub>, В<sub>4</sub>, В<sub>5</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>12</sub>, В<sub>c</sub>(фолеевая кислота) ва биотин қўлланилади. Транквилизаторлардан: аминазин, барбамил, бромизовел, меиробамет, никсирон, раддерм, резерпин, седуксен, тизерцин, тетридин синааб қўрилди.

Текшириш натижалари энг юкори седатив таъсирга аминазин (50 мг/кг), резерпин (1 мг/кг) эга эканлигини кўрсатди. Бу дориларни қўллаганда паррандаларда харакатчанлик пасаяди, улар қўрқмайдиган, тез ҳаракатланадиган бўлиб, бир бировларини безовта килмайдилар, умумий тинчланиши кузатилади.

Муаллифлар агарда паррандаларга стрессор қисқа муддатда таъсир қиласа, факат аминазинни қўллаш керак, агарда стрессорлар узоқ вакт таъсир қиласа, унда аминазин ва витаминларни қўллаш керак деган хulosага келдилар. Стресс таъсирини пасайтирадиган дориларни қўллаш натижасида паррандаларнинг тухум бериши 3,4-5,3 % га кўпайган.

Интернер маълумотларига кўра Л.А.Бусловская ва О.Л.Ковалевлар уй товуқларида стресс ҳолатига диагноз қўйиш усуллари ва олдини олиш чора-тадбирлари устида тадқиқотлар ўтказганлар ва ўрганганлар. Бунда товуқларни транспортда ташиш

давридаги үткір стресс холати ва зич, ғұч бұлиб яшащдаги сурункали стресс ҳолатлары үрганилган.

Паррандачилиқда ҳозирғи замон технологиялари асосида товук маңсулотларини ишлаб чиқаришда, уларга күпілаб технологик стресслар таъсир этади (А.Б.Байдавлатов, 1983; Л.К.Бузловская, 2003; Л.А.Муллақаева, 1991).

Товуклар стрессига диагноз қўйишида энг осон ва оддий усулларга куйидагилар киради:

1. Лейкоцитларнинг миграцион фооллиги ( миграционная активность лейкоцитов-МАЛ). Кўпгина муаллифларнинг фикрича, паррандаларда лейкоцитларнинг миграцион фооллигининг пасайиши, уларда стресс холати ривожланаётганligини ва стресс даражасини кўрсатади (Ю.И.Забудский, 1988-2002).
2. Гетерофиллар ва лимфоцитлар нисбати (Г/Л) (Ю.И.Забудский, 2002; Л.Ф.Скрылева, 2002).
3. Лейкоцитар формуулани таҳдил килиш асосида товук организмидаги адаптация реакциясига диагноз қўйиш усули (Л.Х.Гаркови, 1975).

Стресс таъсирини пасайтириш мақсадида товукларга ҳар куни қаҳрабо кислотаси ва аммоний сукцинат 20мг/кг дозада берилган. Сурункали стресс таъсир этганда, сўйишдан 7 кун олдин, ҳар куни препаратлар озиқасига кўшиб берилган; үткір стресс таъсир этганда 5 кун давомида препаратлар кўлланилган. Текшириш натижалари, стресслар таъсир этганда лейкоцитларнинг миграцион фооллиги пасайгандигини кўрсатди (44 foизгача). Қаҳрабо кислотаси ва аммоний сукцинат кўлланилган гурухда лейкоцитларнинг миграцион фооллигининг пасайиши энг кам даражада бўлди. Стресс таъсирида товукларда гетерофил – лимфоцит нисбати юкори бўлган; қаҳрабо кислотаси ва аммоний сукцинат берилган товукларда бу кўрсатгич деярли ўзгармаган.

Шундай килиб, товукларнинг стресс ҳолатини пасайтиришда қаҳрабо кислотаси ва аммоний сукцинат яхши самарали натижаларни кўрсатди; организмда физиологик жараёнларнинг кечишига ижобий таъсир этди; кон кўрсатгичларининг яхшиланишини таъминлади.

Паррандаларда, кўпгина техноген стресслар таъсирида организмдаги барча физиологик жараёнлар бузилади, шу жумладан гомеостазнинг кислота-ишқор кўрсатгичи ҳам бузилади. Издан чиқкан жараёнларнинг ўз ўрнига қайтиши (адаптация) учун маълум вақт ва кўпгина органларнинг зўр бериб, ғайритабиий куч билан

ишлашларига тұғри келади. Бу эса бундай организмда стресс реакциясининг ривожланишига олиб келади. Гомеостазнинг мөйер даражасидаги ҳолатига қайтиши учун күшімча энергия сарф қилинади.

Организмнинг энергетик захираларининг сарфланиши, уннинг әнг асосий адаптациян реакцияларидан биридир. Организмдаги энергия захирасини жалб қилиб, стресс ҳолатини олдини олишга олиб келувчи препаратлар устида тажрибалар үтказилған. Бундай препаратларға қарабо кислотаси препаратлари киради. Бу препаратлар үз таъсир этиш кучи ва доираси бүйича митохондриялардаги субстректа (озиқлантирувчи мухитта) үшшайды ва Кребс ҳалқаси учун асосий энергия манбаи ҳисобланади. Бу препарат хужайралардаги митохондрияларнинг нафас олишини фаоллаштиради, энергоматериалларни самарағы сарфлашта ёрдам беради ва организмни энерготанқислик ҳолатидан чиқаради (Кормалиев Р.Х., 2002; Саакян М.Р., 1994).

Жұжаларни әмлашдан 1 кун илгари, әмлагандан кейин 2 кун қарабо кислотаси 0,1 % ли эритма ҳолида 20 дақиқа аэрозол ҳолида стрессге қарши құлланилади. Бу кон зардобида лизоцим ва бактериоцид фаоллигини оширади, жұжаларнинг үлімини иккى марта камайтиради, организмнинг табиий резистентлигини оширади.

Замонавий паррандачиликта тұхум берадиган товуклар ва бройлерлар орасыда стресс таъсирини пасайтириш мақсадида Е-витаминининг юкори дозалари құлланилмоқда. Юқори дозада юборилған Е-витамины ҳужайра мембраннынинг оксидланиши натижасида шикастланишига қарши туриш қобилятини оширади. Иш бажарыб, тузилиши бузилған Е-витамины, молекуласи, аскорбин кислотаси иштирокида фаол ҳолатини яна тиклайды; ишдан чиқкан аскорбин кислотаси үз навбатида ҳужайрада глутацион-пероксидаза иштирокида яна фаол ҳолатта қайтади. Юкоридаги препаратлардан ташқары (Е-витамин, С-витамин, глутацион-пероксидаза). Е-витаминининг антиоксидант вазифасини бажаришида селен препарати (тиоредоксин редуктазлари), В ва В<sub>2</sub> витаминлари иштирок этишлари зарур. Шундай килиб ҳужайрада Е-витаминининг оз микдори ҳам самарағы антиоксидант вазифасини бажариши мүмкін (Surai et al, 1996).

Организмдаги барча оксидантлар бирғаликта фаолият күрсатади ва организмнинг антиоксидант тизимини ташкил этади. Бу тизимге әнг аввало антиоксидант ферментлари: супероксиддисмутаза, глутацион-пероксидаза ва каталаза киради. Бу ферментлар липидлар

хосил бўлишининг бошлангич боскичларида оксидланиб, уларнинг парчаланишини олдини олади (метохондрия ва фагоцитларда).

Кейинги тадкиқотлар организмнинг адаптацион қобилиятини яхшилашга жавобгар бўлган бир қанча генлар мавжудлигини кўрсатди. Шу генлар фаоллигининг ошиши натижасида, организмнинг стрессга карши туриш қобилияти, адаптацияси яхшиланади.

Агарда организмга кучли стресс узок вақт таъсир қиласа, генлар фаоллашуви натижасида хосил бўлган қўшимча ҳимоя воситалари бўлмайди ва организм ҳалок бўлади.

Товуклар ва бройлерлардаги стресс таъсирини пасайтириш учун куйидаги чора тадбирлар бажарилади:

1. Витогенлар фаоллигини таъминловчи ва организмнинг табиий қарши туриш қобилиятини яхшиловчи антистресс препаратлари; каратин, бетаин, витамин Е, селен, лизин, метионин кўлланилади. Бу препаратларнинг керакли дозаси стресс таъсиридан 1-2 кун олдин ва 1-2 кун кейин сув билан ичирилса яхши самара беради.

2. Комплекс ҳолидаги иммуномодуллаштирувчи моддаларни кўллаш стресс пайтида иммун ҳужайраларининг рецепторларининг жароҳатланишини олдини олади ва организмнинг юкори иммунокомпонентлигини таъминлайди.

3. Стресс таъсири пайтида ҳайвонларнинг иштаҳаси камаяди ёки умуман бўлмайди; ошқозон-ичакларда ҳазм жараёнлари бузилади. Маълумки органик кислоталар ичакларнинг ҳужайра тизимларининг меъёр даражасида сакланишини таъминлайди. Шунинг учун стресс таъсирини пасайтириш мақсадида лимон, чумоли, пропион ва сорбин кислоталарини биргаликда, керакли микдорда кўллаш тавсия этилади.

4. Стресс таъсирини пасайтириш мақсадида, жигар функциясини яхшиловчи препаратларни паррандачиликда кўллаш тавсия этилади. Чунки метаболизмнинг кўпгина жараёнларининг меъёр даражасида кечишига жигар иштирок этади; ичак фойдали микробларининг нормал ишлашини таъминлайди.

5. Жўжаларнинг биринчи кунларида соглом ўсишини таъминлаш учун уларга ёғда эрийдиган витаминалардан (A.D.E.F) бериш тавсия этилади. Бу, жўжаларнинг соглом ўсиб, юкори махсулдорлигини таъминлайди.

6. Тухум берадиган товукларга, соглом жўжа берадиган тухум туғиши учун гепатопротектор, антиоксидант ва иммуномодуляр хусусиятига эга бўлган препаратларни биргаликда бериш тавсия этилади.

7. Товар тухумларини берадиган товукларга, жигар ишини мөйөр даражасида сакланишини таъминловчи карнитин, мезин, метионин, хар хил антиоксидантлар ва минерал моддалар бериш тавсия этилади. Мустаҳкам ва фойдали пӯчоқнинг шаклланиши учун Д-витамини; марганец, магний, лизин ва метионин препаратларини бериш лозим.

8. Юкоридаги препаратлар асосида товукларда стресс таъсирини пасайтирувчи куйидаги дорилар ишлаб чиқилган. Фид-фуд, Меджик, “Антистресс Микс”. Бу препаратлар тухум ва гўшт берувчи товукларга кўлланилади ва юкори самара беради.

Бу дориларни:

-Жўжалар хаётининг биринчи кунларида, товукхонага жойлаштирилгандан кейин кўллаш

-Товук ва жўжаларни эмлашдан олдин ва кейин кўллаш

-Организмнинг иммун тизими пасайганда кўллаш

- Тухум тувишни бошлаганда, бошка бинога кўчириш даврида кўллаш

- Энг кўп тухум бериш даврида кўллаш

- Стресс таъсири этган вактларда кўллаш тавсия этилади

Бу препаратлар товук ёшига караб, препаратларнинг 1000 грамми бир тонна сувга аралаштириб берилади.

А.Ковтарашвили, Т.Колоколниковаларнинг (2013) ёзишича физик стрессларга киравчи ташки ҳарорат ва намликининг кўтарилиши ёки пасайиши, куёш нурининг тўғридан-тўғри таъсири этиши, ёруғликнинг бўлмаслиги, хар хил шовкинлар товуклар ва жўжалар организмида стресс-реакциясининг ривожланишига сабаб бўлади. Тухум берадиган товуклар биносида ҳарорат  $+21$  –  $+22^{\circ}$  С булиши керак. Меъёрдан ҳароратнинг  $7^{\circ}$  С пасайиши ( $+15^{\circ}$  С дан пасти) ёки ҳароратнинг  $+27^{\circ}$  С дан ошиши, паррандаларни стресс ҳолатига олиб келади. Ташки ҳароратнинг пасайиши, товук организми резистентлигининг бирдан кучсизланишига ва нафас тизими юқумли касалликларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ташки ҳарорат меъёрдан юкори бўлса, қон плазмасида корtekостерон, лептин, глюкоген миқдори кўтарилади; қалконсимон бези гормонлари ва инсулин миқдори камаяди. Бунинг натижасида метаболизм жараёнлари бузилади ва патологик жараёнлар ривожланади. Иссиқлик стрессида товукларда нафас олишнинг тезлашиши, нафас олишни оғиз орқали амалга ошириш, тожининг пастга тушиши, тўшама остига кириши, патларининг хурпайиши, тоза ҳаво келаётган жойга интилиши; қанотларини кенг ёйиб туриши,

сувга бўлган чанкоклигининг ошиши, иштаҳанинг бўлмаслиги каби белгилар намоён бўлади ва охирида парранда ўлади. Исиқлик стрессига ҳайвон 6,7 % тирик вазнини йўқотади, 1 кг семиришига озука сарфланиши 5,9 % га кўпаяди, 3,6 % нобуд бўлади. Бу пайтда ҳазм жараёнида иштирок этувчи ферментлар фаоллиги пасаяди, товуклар чиқими кўпаяди; озука қабул қилиши 20-25 %, тухум бериши 10-15 % га камаяди, юкори ҳарорат 12 соат таъсир килганда, товукларнинг ҳаммаси ўлади. Муаллифлар товукларда стресс таъсирини пасайтириш максадида қўйидаги препаратларни қўллашни тавсия қиласдилар:

- a. Юрак ишини меъёрга келтирувчи воситаларни қўллаш
- b. Катазал, левамизол, изамбен, стимоден, камизол, диммефосфон дориларидан бирини қўллаш.
- c. Пробиотик препаратларини, экзоферментларини ва сут кислотасини қўллаш.
- d. Рациондаги барча витаминалар миқдорини 1,5-2 баробар кўпайтириш.
- e. Аскорбин кислотасини 1 кг озукага 40-100 мг аралаштириб бериш (антиоксидант вазифасини бажаради). С-витамини товукларнинг хаётчанлигини ва маҳсулдорлигини оширади; тухум сифатини яхшилайди; иммуногенезга ижобий таъсир этади. Шунинг учун бу витаминни доимий равишда товуклар рационига қўшиш тавсия этилади.
- f. Антиоксидант хусусиятига эга бўлган А, Е витаминалари ва каротиноидларни ҳам товуклар рационига қўшиш тавсия этилади. Юқоридаги витаминалар билан бирга В груҳи витаминалари ва D-витамини берилса С, А, Е витаминаларининг ижобий таъсир этиши янада юкори бўлади. Жўжаларга А витамин 20000 IE, D<sub>3</sub>-10000 IE 1 мл ичиладиган сувга аралаштириб, шундай сувдан 50 мл олиб 100 та жўжага берилади.
- g. Озиқаларнинг ҳазмланиши жараёнини ва керакли моддаларни организмга сўрилишини яхшилаш учун озукага ферментларни қўшиб бериш.
- h. Вакти-вакти билан 7-10 кун давомида концентрат озукага 100-150 г лимон кислотаси ва 250-400 г аскорбин кислотаси аралаштириб бериш.
- i. Тухум берадиган товукларда калийга бўлган эҳтиёжи юкори бўлганлиги учун сувга 0,2-0,35 %ли калий хлорид тузини қўшиб бериш зарур.

Товук ва жүжаларда стрессни олдини олиш максадида күйидаги чора-табиирларни амалга ошириш тавсия этилади: озуқа стрессига стресс таъсиридан олдин ва кейин 15-20 кун давомида комбикорм таркибида 0,15-0,25 % фумар кислотаси стресс таъсиридан олдин ва кейин 25-30 кун, ёки комбикорм таркибида 0,008 % фенибут стресс таъсиридан олдин 2 кун, таъсиридан кейин 3 кун бериш тавсия этилади.

Барча стресслар таъсиридан олдин 2 кун давомида рационга витаминлардан: А-15000IE, D-1000 IE, К-8 мг; 1 кг озуқа хисобига В<sub>1</sub>-3; В<sub>2</sub>-6; В<sub>3</sub>-20; В<sub>4</sub>-100; В<sub>5</sub>-50; В<sub>6</sub>-4, биотин 0,12; В<sub>12</sub>-0,01 миқдорда бериш тавсия этилади ([www.stressi.ru](http://www.stressi.ru), 2013)

Паррандаларда рацион таркибида оқсил, витаминлар, аминокислоталар ва бошқа биологик фаол моддалар етишмаганда; сақлаш шароити бузилганда (шовқинлар, ҳарорат ва намликнинг нормадан юқори ёки паст бўлиши, кам харакатчанлик), заҳарланишлар, ветеринария ва зоотехния тадбирларини ўтказиш (эмлаш, текширишлар ўтказиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, ҳар хил касалликлар) стресс ҳолатини келтириб чиқаради. Стресс ҳолати паррандаларнинг умумий ҳолатига, иммунитет ҳосил бўлишига салбий таъсир этиб, маҳсулдорлигининг пасайиши ва ҳар хил касалликларга чалинишига олиб келади, тирик вазни 10-15 фоизга, тухум бериши 10-12 фоизга камаяди. Стресс ҳолатини камайтириш учун аминазин, трифтазин, феназепам, амизил, резерпин, аминовитал дориларини кўллаш тавсия этилади (В.А.Банулин, 2008).

Стресс таъсирини пасайтириш учун рационга янтар кислотаси, комплекс витаминлар, оқсил-микроэлементлар кўшилади. Стресс таъсирини паррандаларда доимий равишда ҳужайра, орган ёки тизимнинг физиологик ҳолатини аниклаш йўли билан билиш мумкин (маркер усули). Бу жуда киммат турувчи асбоб-ускуна ва реактивларни талаб қиласди.

Л.К.Бусловская ва О.Л.Ковалевалар уй товукларида стресс ҳолатига диагноз кўйиш усулларини ва олдини олиш чора-табиирлари устида тадқиқотлар ўтказганлар ва ўргангандар. Бунда товукларни транспортда ташиш давридаги ўткир стресс ҳолати ва зич, ғуж бўлиб яшашдаги сурункали стресс ҳолатлари ўрганилган.

Паррандалар сакланадиган хоналарда ҳарорат +21+22° С бўлганда энг юқори даражада тухум олиниши ва маҳсулот ишлаб чиқаришга кам озуқа сарфланиши аникланган. Меъёр даражасидаги ҳароратнинг 7°C га пасайиши ёки +27°C га кўтарилиши стресс

холатига олиб келади, паррандалар үсиш ва ривожланишдан колади хамда маҳсулдорлиги камаяди, организм резистентлиги пасайиб, касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Иссиқлик стресси бўлганда паррандаларнинг қон плазмасида кортикостерон, лептин ва глюкагон миқдори кўпаяди ва қалконсимон бези гормонлари ва инсулин миқдори камаяди. Бу ўзгаришлар албаттга метаболизмнинг ўзгаришига ва хар хил салбий жараёнларнинг ривожланишига олиб келади. Бунда, паррандаларда нафас олиш тезлашади, тумшуғини кенг очиб нафас олади; тумшуғи, тожи ва сирғачаларини сув ичига ботириб туради, тўшама остига киради, пар ва патлари хурпаяди, тоза ҳаво келаётган жойга тўпланади, қанотлари тушган ва ён томонга қўйилган бўлади; иштаҳа йўқолиб, чанқоклик ошади; жуда оғир холатларда нафас олиш қийинлашиб, парранда респиратор алкалоздан ўлади. Бунда бройлерларнинг тирик вазни 5,7 фоизга камайиб, ўлими 3,6 фоизга етади; 1 кг гўшт олиш учун озука сарфи 5,9 фоизга кўпаяди.

Ҳаво ҳарорати  $+25+28^{\circ}\text{C}$  га кўтарилиганда товукларнинг озука қабул қилиши 3-5 фоизга камайиб, чанқокклиги (сув қабул қилиши) ва газ алмашинуви даражаси кўпаяди. Атмосфера ҳавоси  $+33^{\circ}\text{C}$  га етса озука қабул қилиши 20-25 фоизга, тухум бериши 10-15 фоизга камаяди, тухум пўчоги юпка бўлади. Бундай ҳолатда товукнинг сув қабул қилиши 1,5-2 марта, нафас олиш меъёрга нисбатан 3-4 марта кўпаяди. Ташки ҳарорат  $+35+40^{\circ}\text{C}$  бўлса товукларнинг тана ҳарорати  $0,5-1^{\circ}\text{C}$  га ошади, сув қабул қилиши 2-3 марта кўпайиб, ҳазмланишда иштирок этадиган ферментлар фаоллиги, озука қабул қилиши, тухум бериши кескин камайиб, ўлим даражаси кўпаяди. Ҳаво ҳарорати  $+41+44^{\circ}\text{C}$  га кўтарилиганда, тана ҳарорати  $1,5-2^{\circ}\text{C}$  га кўпаяди, коматоз ҳолатига тушади ва 12 соатдан кейин ёппасига ўлим бўлади.

$+27^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган атмосфера ҳавоси узок вакт таъсир этганда тухум бериш, тухум оғирлиги ва пўстининг қалинлиги камаяди. Бу ўзгаришлар конда ишкор заҳирасининг камайиши, қалконсимон бези ишининг фаоллашиши ва кальций алмашинуви бузилиши билан боғлик. Қалконсимон бези гормонлари буйракдан фаол шаклидаги D витаминининг ажralиши ва найсимон суяклардан кальцийнинг конга тушишини таъминлайди; ташки мухитнинг юқори ҳарорати озуқаларнинг ҳазмланиш жараёнини пасайтиради, тана ҳароратини бошқариш жараёнини бузади, организмда гипертермия келиб чикади. Кўпинча иссиқлик стресси шамол бўлмаган, иссиқ ва ҳаво намлиги юқори бўлган пайтларда кузатилади. Юқори ташки ҳарорат ва катта намлик, танадаги ортиқча

иссиқликнинг ташқи мухитга чиқишини қийинлаштиради ва организмда гипертермиянинг ривожланишига олиб келади. Ташқи мухит ҳарорати меъёрға нисбатан паст бўлганда, тана ҳароратини меъёрда саклаш учун озуқа сарфи кўпаяди. Ташқи мухитдаги намлик юкори бўлганда товуқларда иштаҳа йўқолади, ҳайвон лоҳас бўлади, ўсиш ва ривожланишдан қолади, тухум бериши камаяди. Ташқи мухит намлиги кам бўлса, организмдан нафас чиқариш пайтида кўп микдорда сув чиқиб кетади, товуқларда иштаҳа пасаяди, чанқоқлиги ортади. Товуқларни саклайдиган бинода чанг микдори кўпайса, чанг нафас олиш ҳавоси билан ўпкага кириб чўқади ва организмнинг резистентлигини пасайтиради.

Меъёрда товукхоналарда шовқин 90 дБ.дан ошмаслиги керак. Шовқин 92-107 дБ. бўлса, марказий асаб тизимида тормозланиш жараёни кучаяди, бунинг натижасида товуқларда руҳий сиқилиш, маъюслик, лоҳаслик ривожланади, маҳсулдорлиги камаяди, синган тухумлар сони 4-12 фоизга етади.

Чараклаган ёрқин ёруғлик ёки ёруғликнинг бўлмаслиги жўжа ва товуқларга жуда кучли стрессор сифатида таъсир этади. Чараклаган ёрқин ёруғлик жўжа ва товуқларга қитикловчи сифатида таъсир этиши натижасида бир-бирини чўқийди ва каннибализм касаллигининг ривожланишига олиб келади, ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлиги пасаяди. Қизил ёки яшил, кўк ёруғликлар ёки меъёрдаги ультрабинафша нур жўжаларни инкубациядан товуқхонага олиб келганда тинчлантиради, янги шароитга тез мослашади ва озуқани қабул килиши яхшиланади, ўсиши ва ривожланиши юкори бўлади.

Чараклаган ёрқин ёруғлик жўжа ва товуқлар сакланадиган хоналарда узок вакт давом этса, уларда сурункали стресс ҳолатини келтириб чиқаради ва организмда жуда кўп салбий физиолог-биохимик ўзгаришларни (конда пероксидаза микдори камаяди, серомукоидлар микдори кўпаяди) келтириб чиқаради, натижада паррандаларнинг ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлиги пасаяди, меъёрдан юкори ультрабинафша нурлари салбий таъсир этади: организмда гистамин моддасининг кўпайиб кетиши натижасида кон томирлар кенгаяди, кон босими пасаяди, модда алмашинуви бузилади, тўқималарда парчаланиш, емирилиш жараёнлари кучаяди; организмдаги фотодинамик моддалар: гематопорфирин, флюоресцин, зозин, хлорофилл моддалари ҳамда темир ва марганец тузлари фаоллиги кучайиши салбий оқибатларга олиб келади.

Товукхонада аммиак, олтингугурт водороди, карбонат ангидрит, кислород концентрацияси меъёр даражасидан ўзгарганда ҳам химик стрессор сифатида организмга таъсир этади. Товукхонада аммиак микдори кўпайса жўжа ва товуклар үсиш ва ривожланишдан қолади, озука сарфи ошади, товукларнинг тухум бериши 2 ҳафтага кечикади, маҳсулдорлиги камаяди. Аммиак микдори 0,25-0,5кисм/млн (части/млн) бўлса, товукнинг ёки бройлернинг тирик вазни 2-5 фоизга камаяди; респиратор касалликларининг, аэросаккулит, ринит, конъюнктивиткелиб чиқишига сабабчи бўлади; товукхонадаги хавода микроблар сони кўпаяди. Карбонат ангидрит газининг кўпайиши жўжа ва товукларга наркотик модда сифатида таъсир этиб (меъёрда 0,03-0,3% булиши керак), нафас маркази ишини пасайтиради, озука ва сув қабул қилиши камаяди, уйкусираф туради ёки уйқуда бўлади. Карбонат ангидрид гази концентрацияси 2-5 фоиз бўлса, кон муҳити пасаяди, тухум оксили қуюклашади, тухум бериш тұхтайди, нафас олишнинг тезлашиши ва қийинлашиши (хансираш) ҳамда руҳий сиқилиш (депрессия) ҳолати кузатилади. Товукхонадаги вентеляция З соат ишламаса, карбонат ангидрид концентрацияси 10-12 фоизга етади ва барча товуклар нафас марказининг фалажланиши натижасида ҳалок бўлади.

Озука стресси жўжа ва товукларга меъёрга нисбатан кам ёки кўп озука берганда таъсир этади. Бир озукадан иккинчисига дарҳол ўтганда (меъёрда 10 кун давомида ҳар куни 10 фоиз озукани алмаштириш тартибида ўтилади), сув билан кам таъминланганда ёки сувнинг умуман бўлмаслигига таъсир этади. Озука стрессида кўп тухум берадиган товуклар организмида модда алмашинуви юкори даражада кечади, бериладиган озука организм талабини кондирмаса, парранда ўз организмидаги захира моддаларни: оксил, липид, углевод, минерал моддалар ва витаминаларни сарфлайди, модда алмашинуви бузилади, тухум бериши камаяди, организм резистентлиги пасайиши натижасида юқумли касалликларга тез чалинувчан бўлади ва ўлади.

Товукхоналарда меъёрдан ортиқ жўжа ва товукларни жойлаштирганда, хонада зоогигиена ва санитария коидалари бузилиши натижасида стресс ҳолати ривожланади, резистентлик пасаяди, юқумли касалликлар билан касалланади ва ҳалок бўлади.

Паррандачилиқда стресс таъсирини пасайтириш максадида бромид натрий ёки калий; аминазин, трифтазин, резерпин, карбонат литий, феназепам, амизил; дигазол, метилурацил; фитопрепаратлардан элеутерококк, эхинацей, женъшен, лимонник

қўлланилади. Симптоматик дорилардан юрак дорилари, ични сурувчи ва сийдик ҳайдовчи дорилар; иммуномодуляторлардан катазал, левамизол, изамбен, стимаден, камизол, димефосфон препаратларини; пробиотиклар, экзоферментлар, сут кислотасини ва витаминларни қўллаш яхши самара беради.

Бромид натрий, бромид калий, аминазин, трифтазин, резерпин, феназепам, амизил стресс таъсири пайтида асаб тизими ишини пасайтириб, организмни маъюслик холатига тушириб, стресс таъсирини пасайтириш ёки асаб тизими ишини вақтингча тұхтатиш орқали стресс таъсирини камайтиради.

Дибазол, метилурацил, элеугорококк, эхинацея, женъшен, лимонник асаб тизимиға қўзғовчи сифатида таъсир этиб, асаб ва эндокрин тизими ишини фаоллаштириб, стресс таъсиротигача организмни унга қарши туришга тайёрлайди. Стресс даврида модда алмашинуви даражаси юқори бўлганилиги натижасида, витаминларга бўлган эҳтиёж ҳам ошиши учун, стресс пайтида рациондаги витаминлар миқдорини 1,5-2 баробар кўпайтириш лозим. Витаминалар организмни етарли миқдордаги энергия билан таъминлайди ва организмни стрессга карши туриш қобилиятини оширади, адаптацияни назорат қилувчи гормонлар ишлаб чиқарилишини тезлаштиради, организмнинг компенсатор-мослашиш имкониятларини мустаҳкамлайди. Витамин С (аскорбин кислотаси) товуқларда юқори ҳарорат стресси таъсирини пасайтиради. Бунинг учун 1 кг озуқага 40-100 мг С витамини қўшиб берилади. Бундан ташқари, аскорбин кислотаси товуқларнинг ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлигини оширади, тухум сифатини яхшилайди, иммуногенезга ижобий таъсир этади. Парранда рационы мой билан бойитилганда антиоксидант сифатида А ва Е витаминалари берилishi лозим. Жўжаларнинг соглом ўсиб ривожланиши учун озуқага албатта А ва Д витаминалари қўшиб берилishi керак. Бунинг учун 1 мл ичимлик сувига 20.000 ИЕ А витамини, 30.000 ИЕДз витамини эритилади. 50 мл шундай витаминаларга бойитилган ичимлик суви 100 бош жўжага берилади.

Товук ва жўжаларнинг озука стрессини олдини олиш учун қўйидаги дорилардан бирини қўллаш тавсия этилади:

1. Қаҳрабо (янтар) кислотаси -165-195 мг/кг тирик вазнига, 15-20 кун стресс таъсиридан олдин ва кейин бериш
2. Фумар кислотаси -0,15 -0,25 %, концентрат озука билан 25-30 кун стресс таъсиригача ва таъсиридан кейин

3. Фенибут 0,008 фоиз, концентрат озуқа билан 25-30 кун стресс таъсиридан олдин ва кейин.

Паррандаларни меъёр асосида озиқлантирилса, бу стресс келиб чиқмайди. Иссиклик стрессини олдини олиш учун товуқхоналар харорати меъёр даражасида сақланиши керак. Стресс таъсирини камайтириш мақсадида вакти-вакти билан, 7-10 кун давомида озуқасига лимон (100-150) ва аскорбин (250-400 г 1 тонна озуқага) кислоталарини аралаштириб бериш зарур. Ташқи иссик харораг бошланишидан 2 соат олдин ичимлик сувига аспирин (1 литр сувга 9,3 г) қўшилса яхши самара беради.

Технологик стресслар таъсирини пасайтириш максадида куйидаги препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади:

1. Аминазин – стресс таъсиридан олдин ва кейин 2-7 кун давомида 30-50 мг/кг дозада, витаминлар билан бирга бериш

2. Трифтазин – стресс таъсиридан олдин ва кейин, 2-7 кун давомида, 3-5 мг/кг бериши

3. Фенозепам ва амизил – қисқа муддатли стрессларда, 3 мг/кг дозада

4. Вигозин – стресс таъсиридан олдин ва кейин 1-3 кун, бир литр ичимлик сувига 1-2 мл қўшиб бериш (вакцинация даврида қўллаш мумкин эмас)

5. Аминовитал – стресс таъсиридан олдин ва кейин, 1-2 кун, ичимлик сувига қўшиб бериш (1 мл 5 л ичимлик сувига аралаштирилди; 1 л шундай сув 10 кунгача бўлган 20 минг жўжага етади)

6. Стресс таъсиридан (вакцинациядан) 1,5 соат олдин ва кейин, 2-3 кун давомида Аминазин жўжаларга 30 мг/кг, 50 мг/кг катталарига; трифтазин -3мг/кг жўжага, 5 мг/кг катталарига бериш

7. Қаҳрабо (янтар) кислотаси – стресс таъсиридан 3 кун олдин ва кейин 7 кун озуқага 10 мг/кг тирик вазнига қўшиб бериш.

8. Юкоридаги препаратлар билан бир вақтда, рационга стресс таъсирини пасайтирувчи куйидаги витаминлар ҳам қўшиб берилади: А-15000 ИЕ, Д-1000, Е-20 ИЕ, К-8мг, В<sub>3</sub>-3, В<sub>2</sub>-6, В<sub>3</sub>-20, В<sub>4</sub>-1100, В<sup>5</sup>-50, В<sub>6</sub>-4, биотин -0,12, В<sub>12</sub>-0,01, В<sub>1</sub>-1,0 мг 1 кг озуқага аралаштириб, Аминовитал таркибида 8-та аминокислоталар ва 4-та минерал моддалар бор (А.Кавтарашвили, 2013).

А.Б.Байдевлятов ва В.П.Николаенколарнинг (1977) ёзишларича, паррандаларни сақлаш ва ўстириш даврида жуда қўп стрессорлар таъсир этади. Бу пайтда стресс таъсиридан кейинги биринчи 10-15 кун давомида паррандаларнинг маҳсулдорлиги 15-20 % га камаяди.

Стресснинг салбий таъсирини пасайтириш мақсадида транквилизаторлар – асаб тизимини тинчлантирувчи дорилар кўлланилади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, муаллифлар паррандаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва ветеринария ишларини ўтказиш пайтида юзага келадиган стрессларни олдини олиш учун транквилизаторларни ва седатив моддаларни кўллашни тавсия этадилар. Жўжаларга таъсир этувчи стрессларга карши кўлланган глутамин кислотаси ва аевит жўжалар ўсишини ва массасини 26 % га оширган

Паррандаларни саклаш пайтида, кўп ҳолларда ҳар хил стресс ҳолатлари юзага келади. Буларга товуклар иштирокида бино ичидаги асбоб-ускуна ва жиҳозларни таъмиглаш ишларини амалга ошириш; товукларни ушлаш ва бошқа жойга кўйиш; диагностик текширишлар, ветеринария эҳтиёжлари учун уларга ҳар хил дорилар ёрдамида ишлов бериш, тасодифий шовқинлар (автотранспорт, вентелятор, транспортер ва ҳар хил механизмлар ишлаганда) ва бошқалар киради. Шовқин стрессларида паррандаларда кучли безовталаниш; “ваҳимага” тушиш, бир жойдан иккинчи жойга ўтиш ҳаракатлари, бир-бирини босиш, тўсик ва деворларга урилиш каби белгилар кузатилади.

Тез-тез учраб туралиган стресслар натижасида товукларда иммун тизими органлари кичраяди ёки тўлик атрофияга учрайди, бунинг натижасида организмнинг иммунологик ҳимояланиш кучи пасаяди, бу ўз навбатида шартли-патоген инфекцияларнинг организмга кириши ва тўпланишига олиб келади.

Товуклардаги стрессга диагноз кўйиш анамнез маълумотларига ва лаборатор текширишларига асосланади. Лаборатор текширгандан иммунитетни ҳосил қилувчи органларнинг гистологик текширишлари ўтказилади ва организмнинг иммун статуси аникланади.

Товукларда стресс таъсирини камайтириш мақсадида куйидаги премиксдан фойдаланиш тавсия этилади: тетратациклин 150 г, А-витамин 10 млн ИЕ, Д-витамини 1 млн ИЕ, Е-витамини 5,2; В<sub>1</sub>-витамини 1% г; В<sub>2</sub>-витамини 2,0 г; В<sub>12</sub>-витамини 20 мг; никотинамид 20,0 г; пантотенат кальций 6,5 г; фолиев кислотаси 0,3 г, К-витамини 3 г. Юқоридаги препаратлар 1 тонна озиқага аралаштириб, товукларнинг тухум бериши камайганда, 8-10 кун давомида берилади.

Жўжаларни эмлашдан бир кун илгари, эмлангандан кейин 2 кун қаҳрабо кислотаси 0,1 фоизли эритма ҳамда 20 дақиқа аэрозол ҳолида

стрессга карши қўлланилади. Бунда қон зардобида лизоцим ва бактериоцид фаоллиги ошади. Жўжаларнинг ўлимини икки марта камайтиради, организмнинг табий резистентлиги ошади.

Товук ва жүжаларга таъсир этаётган стресс кучини камайтириш ва организмнинг стресс таъсирига карши курашишнинг физиологик жараёнларини ошириш мақсадида, хозирги кунда Е-витамини антиоксидант препарати бўлганилиги учун медицинада, ветеринарияда ва чорвачиликда кенг кўлланила бошланди. Шунинг учун Е-витамини паррандалар учун ишлаб чиқариладиган ҳар хил премиксларнинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади.

Бундай препаратларга бетаин, карнитин, Е-витамини, аскорбин кислотаси киради. Бу препаратлар берилганда ҳам айрим жўжаларда жароҳатланиш ва ўлим кузатилади. Демак бу антиоксидантлар тўлигича стресс таъсирига қарши тура олмайди. Ҳужайралардаги тикланган глутатион организмнинг ички антиоксидант тизимини фаоллаштиради ва ҳужайранинг стрессга қарши туриш қобилиятини кутаради.

Кейинги тадқиқотлар натижасида, организмда стресс таъсири пайтида ҳайвоннинг адаптациян қобилиятини оширувчи бир қанча генлар борлиги аниқланди. Бу генларга “Витагенлар” деб ном берилди. Юкоридаги таълимот асосида стресс таъсирини пасайтирувчи карнитин, бетаин, Е-витамины ва селен элементи препаратлари; лизин, метионин ва минерал элементлар препаратлари ишлаб чиқилди. Бу препаратлар сув ёрдамида, стресс пайтида, организмга киритилса самарадорлиги юқори бўлади.

Тухум берадиган товуклар, соғлом жүжі берадиган тухум туғиши учун гепатопротектор, антиоксидант ва иммуномодуляр хусусиятига эга бўлган препаратларни биргаликда бериш тавсия этилади.

Товар тухумларини берадиган товукларга жигар ишини мөър даражасида сакланишини таъминловчи карнитин, бетаин, лизин, метионин, ҳар хил антиоксидантлар ва минерал моддалар бериш зарур. Мустаҳкам ва фойдали тухум пӯчоғининг шаклланиши учун Д-витамини; марганец, магний, лизин ва метионин препаратларини бериш керак.

А.Г.Шитый (1987) бройлер жўжаларига 45 кун давомида трифтазинни 2,5 мг/100 кг тана тирик вазни дозасида озиқа билан кўшиб берганда, тажрибадаги жўжаларнинг тирик вазни назорат гурухидаги жўжалар тирик вазнига нисбатан 11,20 фоизга юкори бўлган. Муаллиф тадқиқот натижаларига асосан, нейролептик

воситалар кичкина дозада, марказий асаб тизимининг стресс таъсирига бўлган реакциясини пасайтиради, паррандани тинчлантиради, модда алмашувини фаоллаштиради, гемопоэзни яхшилайди ва организмнинг химоя воситаларини кучайтиради деган хуносаларни беради.

Махсус паррандачилик хўжаликларида янги технологияларнинг жорий этилиши ва кўп сонли парранданинг тўпланиши, паррандаларга салбий таъсир этувчи стрессорлар сонининг кўпайишига олиб келади. Бу ўз навбатида паррандаларнинг ўсиши ва ривожланишидан қолишига, ҳар хил касалликларнинг кўпайишига, маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади ва хўжаликка иқтисодий зарап келтиради. Бундай шароитда паррандаларнинг стресс ҳолатини белгилайдиган кўрсаткичларни аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу борада М.С.Найденский ва А.К.Даниловалар (1987) тажрибалар ўтказиб қўйидагиларни тавсия қиласидилар:

1. Стресс таъсирида, қонда тиол-аскорбат тизимида, каталаза ва пероксидаза фаоллигига, қонда қанд микдорида сезиларли даражада ўзгаришлар келиб чиқади.

2. Бир марталик иссиклик стрессорида гипергликемия кузатилиб, эритроцитлар чўкиш тезлиги ошади.

3. Товукхонада аммиак микдорининг меъёрдан ошишида гипоглекимия ходисаси кузатилади.

4. Стресс таъсирида қонда тиол-аскорбат тизимида ишлатилган аскорбин кислотасини пассив ҳолатдан яна фаол аскорбин кислотасига айлантирувчи сульфидрил гурухи иши ўзгарамади.

5. Қисқа муддатли юкори ҳарорат таъсирида, парранда қонида гемоглобин микдорининг, эритроцитлар сонининг кўпайиши кузатилади.

6. Стресс таъсирида каталаза фаоллигининг 30 % га, қанд микдорининг 69 % га, аскорбин кислотасининг икки мартаға ошганлиги кузатилади.

Муаллифлар паррандалар қонидаги бу ўзгаришларга асосланиб организмда стресс ҳолати кечайтганлигига диагноз қўйилиши мумкин, деган хуносага келадилар.

Жўжаларни ўстирганда кўпинча механизmlар шовқинлари ва жўжаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш стрессор сифатида таъсир қиласиди. Бу стрессорлар таъсирида жўжалар озуқа қабул қилмайди, катак бурчагига тўпланиб туради, доимо товуш чиқаради, ҳимма нарсадан кўркадиган бўлади, қанотлари тушган, кўзлари юмилган ҳолда туради.

## Итлардаги стресслар ва уларнинг таъсирини пасайтирувчи воситалар

Итларда стресс таъсири рецептор ва асаб йўли орқали бош мияга келиб, у ердаги гипоталамусга таъсир қиласди. Гипоталамус бош миянинг бир қисми бўлиб, гипофиз билан боғланган бўлади. Гипофиз эса организмнинг адаптациясини бошқарадиган асосий орган хисобланади. Стрессор таъсирида гипоталамус гормон хусусияти ва фаолиятига эга бўлган биологик фаол модда-рилизинг-гормонини ишлаб чиқади, бу модда гипофизга таъсир этиши натижасида организмда буйрак усти, қалқонсимон, ошқозон ости, тимус ва жинсий безлар иши кучайиб, организмнинг стрессга қарши туриш қобилиятини ва резистентлигини оширадиган гормонлар кўп микдорда ишлаб чиқилади (айниқса адреналин ва норадреналин) ҳамда организм стрессга қарши курашади. АКТГ (адренокортикотроп) гормони таъсирида бошқа элементлар билан боғлиқ ҳолда турган норадреалин эркин ҳолда ажralиб, кўп микдорда чиқади ва бош мия ҳужайраларини стрессор таъсирига чидамлилигини оширади. Стрессор таъсири давом этган сари, норадреналин миқдори оша боради. Организмнинг стрессор таъсирига жавоб бериш занжирида адреналин ва норадреналин биринчилар қаторида (катехоламинлар) туради.

Хозирги замон тушунчаларига кўра, организмга стрессор таъсирига факатгина гормон ишлаб чиқарадиган безлар жавоб бермасдан (Г.Селье, 1977), балки асаб бошқарилишининг медиатор қисми ҳамда гомеостазни табиий ҳолда сақлаб турувчи ҳужайраларнинг ташқи қурилмалари ҳам жавоб беради. Стрессорнинг организмга таъсир этиши ва кейинги ривожланиши кўп жиҳатдан асаб тизими холатига боғлиқ. Ҳужайра механизмларининг ишончлилиги ва мустаҳкамлиги эса, стресс нима билан тугашини белгилайди. Шунинг учун асаб ишига ва гомеостазни доимий ҳолда сақлаб турувчи ҳужайра қурилмалари ишига ижобий таъсир этувчи ҳар кандай дори-дармонлар стресс таъсирини пасайтириш мақсадида кўлланилиши мумкин.

Стресс пайтида итлар организмида айрим ферментлар миқдори ўзгаради ва шу ўзгариш организмда стресс ҳолати ривожланганлигидан далолат беради. Ферментлар асосий биологик катализаторлар бўлиб, организмдаги кимёвий реакцияларни тезлаштиради, метаболизм жараёнини бошқаради, ташки мухит ўзгаришларига модда алмашинуви жараёнини мосладайди. Ферментларнинг асосий қисмини оксиллар ташкил этади. Шунинг

учун, рационда оқсил моддасининг етишмовчилиги, ферментлар миқдори ва ишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда икки мингдан ортиқ ферментлар кашф этилган. Соғлом итлар қонида асосий ферментлар миқдори куйидаги жадвалда келтирилган.

т/р	Ферментлар номи	Ферментлар миқдори (ЕД)
1	Асапартатаминотрансфераза (АСТ, АсАТ)	11-42
2	Аланинаминотрансфераза (Алт, АлАТ)	1-52
3	Креатинфосфокиназа (КФК, КК)	32-152
4	Гамма-глутаминтрансфераза (ГГТ)	1-10
5	Лактатдегидрогеназа (ЛДГ)	23-164
6	Холинэстераза	2200
7	Ишкорий фосфотаза (ИФ)	18-70
8	Кислотали фосфотаза (КФ)	1-6 Е/л
9	Липаза	30-250 Е/л
10	Мочевина	3,5-9,2 ммоль/л
11	Криатинин	26-120 мк моль/л
12	Сийдик кислотаси	9-100 мк моль/л

Маълумотларга қараганда глицин марказий асаб тизимининг тормозланиш жараёнининг табиий медиатори бўлса, глутамин кислотаси қўзгалиш медиаторидир (Г.Лобари, 1974); ретинол ва токоферол антиоксидат бўлиб, хужайра мембранныни баркарорлаштиради, чунки стресс таъсирида мембраннынг липид қавати емирилади.

Стресс таъсирига зотли итлар, мушуклар ва отлар жуда берилувчан бўлиб, стрессорга кучли ҳаяжон, қўзгалиш ёки кўркув билан жавоб беради ва бу организмда жуда кучли ўзгаришларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳайвон соғлигига заар етказадиган ёки органлар ишига салбий таъсир этадиган ҳар қандай омилга стресс дейилади.

Итларда стресс таъсири кўркув билан бошланади. Кўркув, хавф тұғдирувчи омилларга ҳаяжон, жұшқин хис-түйғу билан жавоб берадиган физиологик хулқ жараёнларининг реакциясидир. Ҳар бир кўркувнинг аниқ сабаби бўлади ва бу пайтда, албатта, юрак иши тезлашади., тер ажралиши кучаяди, сұлак оқади, ҳайвон хавфсиз жойга яширинади. Оғир ҳолатларда итларда орка оёқларнинг фалажланиши, мускулларнинг ихтиёrsиз ҳаракати, тутқаноқ тутиши,

ҳаракат координациясининг бузилиши ёки гандираклаб юриши, вақтинча кўрмаслик ҳолатлари кузатилади. Кейинчалик ит озука қабул килмайди, яйрашга чикмайди, уй эгалари билан мулокотда бўлмайди; айрим ҳолларда кўзгалиш, айрим ҳолларда бефарқлик кузатилади. Кўпинча итнинг эгаси бу ўзгаришлар нима сабабдан келиб чиқаётганлигини тушунмайди. Бундай пайтда итни эркалатиш, сийпалаш, яхши сўзларни айтиш, севимли озукасини бериш яхши натижалар беради. Даволаш учун диазепам, кетотифен, димедрол, новопассит дорилари қўлланилса, яхши самарага эришилади.

Итларда стрессга қарши курашиш учун селекцион ишларни олиб бориш, сақлашда зоогигиена талабларини бажариш, меъёр асосида ва режимда озиқлантириш, ўз вактида касалликларга қарши эмлаш, уларни машқ қилдириш ва яйратиш муҳим аҳамиятга эга.

Медицина врачларининг хабар беришича, одамлар орасидаги 70 % касалликлар стресс таъсирида келиб чиқар экан. Стресс организмдаги иммун тизимини камайтиради, натижада бундай организм ҳар қандай юкумли касалликлар кўзғатувчилари учун очик бўлади.

Хонадонда, хизмат жойларида сакланадиган итларга ҳам жуда кўп стрессор таъсир этади. Бунга ит эгалари ёки атрофдаги одамлар сабабчи бўлади. Шунинг учун итлар орасидаги стресс ҳолати сабаблари, оқибатлари ва уларни олдини олиш билан шугулланадиган мутахассислар тайёрлаш зарурати келиб чиқмоқда (кинологлар).

Ит эгалари, кўпинча итга муомала қилишни, тўғри озиқлантиришни ва яйрашга чиқаришни, машқ қилдириш технологияларини билмасликлари оқибатида, салбий эмоцинал ва психик таъсир кўрсатадилар. Ит эгаларининг итга етарли даражада эътибор бермасликлари, меъёр асосида ва ўз вактида озиқлантирмасликлари, сайр қилдирмасликлари ҳайвонга стрессор сифатида таъсир этади ва стресс ҳолати ривожланади. Бундай стресслар таъсир этганда итлар бунга жавобан думини ўйнаш, хонада ёки ховлида югуриш; олдинга, орқага юриш ва шунга ўхшаш ҳаракатларни бажаради. Итларда бу ҳаракатлар стресс ҳолати биринчи босқичининг дастлабки белгилари ҳисобланади.

Хозирги кунда ит эгаларининг мобил телефонлари ҳам итларда стресс ҳолатининг ривожланишига сабаб бўлади. Чунки итларнинг эгалари сайрга чиққанда, итга керакли вактни ва эътиборни ажратмасдан, етарли миқдорда сайр қилдирмасдан, машқ қилдирмасдан, мобил телефон қўнғироқларига жавоб бериш билан банд бўладилар, бу ҳолат итга стрессор каби таъсир этади.

Айрим ит эгалари вактининг етишмаслиги натижасида сайрга олиб чика олмаётганикларини, уйда ёки ҳовлида яйраб юриш шароитлари яратилганини, шунга қарамасдан ит касалланганлиги ҳақида шикоят қиласидар. Бундай ит эгалари, сақлаётган итга жавобгар шахс сифатида “Тюрманинг катта-кичиклигининг” аҳамиятсизлигини, итлар албатта сайрга олиб чикилишини тушунишлари зарур, акс ҳолда итни сайрга чикармасдан уйга саклаш албатта стрессга олиб келади. Шу сабабли ҳозирги кунда 25 % итларда стресс ҳолати ривожланмоқда. Шунинг натижасида, хонадонга саклаш учун олинганд ит болаларининг кўпчилиги ҳалок бўлади.

Итларда стресс ҳолати ривожланишининг яна бир сабаби, улардан кўп нарсани бажаришни талаб қилишдир. Тажрибага эга бўлмаган, махсус адабиётларни ўқимаган инсонлар, уйда саклаш учун ёш итларни олганда улардан жуда кўп нарса ўрганишни ва бажаришни талаб қиласидар. Натижада стресс ҳолати ривожланади, бу ўта кучли талабнинг ҳар кун тақрорланиши натижасида стресснинг учинчи босқичи ривожланади ва ит ҳалок бўлади.

Вояга етган катта итларда икки шаклдаги стресс кузатилади: ижобий ва салбий стресслар. Бу пайтда ўзига хос белгилар намоён бўлади.

Салбий стресс белгилари: кулоғини қисиши, кўз қорачигининг кенгайиши, оғир нафас олиши, сулак оқиши, бармокларнинг терлаши, буқчайиб ётиши, жунларнинг тушиши, сийдик чиқариш – салбий стресс ҳолатининг биринчи белгилари ҳисобланади.

Стресснинг иккинчи, учинчи босқичлари ривожланмаслиги учун, бундай итни бажараётган ишларидан тезда озод қилиб, дам бериш ва енгил ишлар бажартириб, эркалаб, сайд қилдириш зарур.

Ижобий стрес белгилари: бунда итлар жуда фаол бўлади, топширикларни яхши бажаради, эгасини у билан ўйнашга чақиради, айланга бўйлаб чопади; олдинги оёқларга ётиб, орка оёқларини кўтаради, бунда итни тугиб бўлмайди. Бундай ҳолатда ҳам итни бажараётган ишдан озод қилиб, сайд қилишга олиб чиқиши, эркалатиш, дам бериш ва яхши кўрган озукасини бериш лозим.

Одам ва уйда сақланётган ит бир хил шароитда, бир вақтда доимий яшashi натижасида, бир-бирига, инсон-инсонга ўргангандай ўрганиб қолади ва итнинг эгасига бошқа одамларнинг, шу жумладан хотини ёки эрининг, ота-онасининг, болалари ва қариндошларининг жуда яқин инсоний муомалалари, мулокотлари, ўпишиши, ўйинга тушиши, кўлинни ушлаб туриши, оиласидаги жанжаллар,

келишмовчиликлар ва бошқалар итларга салбий стрессдек таъсир этади. Бундай ҳолларда итлар агрессив бўлади, одамга ташланиш; вовуллаш, хона ичидаги стол, стул ва бошқа буюмлар оёғини ялаш, хонани тезаги ёки сийдиги билан ифлослантириш каби ишларни бажаради. Бу хилдаги стрессларни ветеринария врачи даволай олмайди. Буни давволаш учун ит эгаси, оиласидаги муаммоларни ҳал килишга ҳаракат қилиши лозим. (Джон Фишер, 2007 <http://Petlife.ru/articles/show.html?rid=146>).

Н.Л.Карпецкаянинг (2007) 9 ёшли, пудель зотли, Лора лақабли урғочи ити яйрашга чикарилганда, ўқ отилиши товушини эшитиб, қўркиб ва безовталаниб, бўйнидаги тасмадан озод бўлиб қочиб кетган. Уч соат давомида итни излаганлар ва уни кўшни уйнинг ертуласидан топганлар. Ит ертўладаги эски стол остига яширган, танаси қалтираш ҳолатида бўлган. Икки соатдан кейин врачга олиб борилганда, тана ҳарорати 38,9; пульс сони 108 (меъёр 65-75), кўз қорачиглари кенгайган, ЭКГ-да синусли аритмия аниқланган, даволаш учун магнезия, папаверин, дифазол венага; преднизалон мускул орасига инъекция қилинган, оғиздан валокордин, диазепам берилган. Даволашнинг 3 кунидан кейин, итнинг умумий аҳволи яхшиланган. Итни яйрашга олиб чикканда, 3-5 дақиқадан кейин уйга қараб юурган.

Колли зотли, Джина лақабли 5 ёшли урғочи ити яйрашга чикканда, эгасидан қочиб кетган: йўлдан югуриб ўтаётган автомашинанинг кучли тормоз товушини эшитган ва қўркиб қочиб кетган. Итни 4 соатдан кейин, уйдан 5 км узоқлиқда топганлар. Врачга мурожаат қилганда, итнинг орқа оёқларининг фалажланганлиги, ташки таассуротларга бефарқлик (апатия), иштаҳанинг йўклиги, сўлак окиши, юрак аритмияси, жунининг тушиши, шиллик пардаларининг оқарганлиги, бир сутка давомида тезак ва сийдик чиқаришнинг бўлмаганлиги аниқланган. Даволаш учун венага 5 % ли глюкоза, сульфокампокайн, прозерин ишлатилган, тинчлик яратилган, витаминлар қўлланилган. Бир хафтадан кейин ит аҳволи яхшиланган.

Америка коккери, 2 ёшли эркак ити, дала ҳовлида отишма товушларини эшитиб, қўрқанидан буюмлар (ёғоч, эски стол-стуллар) орасига кириб кетган, тери ва бўғимларини жароҳатлаган. Даволашда жароҳатлар тикилган, гипс кўйилган ва диклофенак қўлланилган. Ит 10 кундан кейин тузалган.

Арчик лақабли, пудель зотли, 5 ёшли эркак ити хонада, оила аъзолари ўртасида жанжал ва шовқин келиб чикканлиги сабабли,

хонадаги барча одамларни тишлаган. Уйдагилар итни қутирган деб врачга олиб борадилар. Текширганда кучли құзғалиш, юрак аритмияси, шиллик пардаларининг қизариши, нафас олиш ва пульснинг тезлашганлиги кузатилган.

Саймон лақабли ньюфаундлед зотли, 5 ёшли эркак ит айвон остида ётганда, кучли ва давомли момокалдирок шовқини таъсирида үлиб қолган.

Германия ва Норвегия олимларининг тадқиқотлари, итларда үзини үраб турған табиат ва жамият, үзига бүлгап эътибор ва муносабатта жуда таъсирчан эканлигини кўрсатди. Буларга эгасининг туриши, ҳаракати, товуши; эътиборли ёки эътиборсиз бўлиши, эгаси ёнида бегона одамларнинг ёки итнинг борлиги, итни ҳаракатсиз туришга ёки тұхтовсиз ҳаракат қилишга мажбур қилиш, кучли мусика товуши ва бошқа кўпгина холатлар киради. Бунда итлар ўта қўзгалган ёки руҳан тушкунлик ёки маъюслик ҳолатида бўлади: тажавузкор бўлиб, атрофдаги нарсаларни тишлайди; озукага хос бўлмаган нарсаларни ейди, кўп аккилайди, тинч юра олмайди. Бу тадқиқотчилар итларда 40 тага яқин стресс белгиларини аниклаганлар. Шу белгилар намоён бўлганда, ит эгалари итларга янада каттароқ ва кучлироқ топширикларни бажаришга мажбур қиласидилар ва уларнинг хулқини янада кучли ўзгаришга, тажавузкор бўлишларига сабабчи бўладилар. Бу пайтда ит эгалари кучли топшириқни бажаришга мажбур кильмасдан, уларга яхши муомала қилиб, эркалатиб, дам беришлари яхши самара беради. Кўпгина итлар табиий стресслардан: момақалдирок ва ўқ отишдан қўрқадилар, итлар энг яқин ва ўрганган одамни кўрмаса ҳам стресс ҳолатига тушади. Ит эгасига ишонса, кўпгина стрессорларга эътибор бермайди, бунинг учун эгаси итга ўргатиши, тинчлантириши, эътиборли бўлиши керак. Итлар эгаси ёнида, оиласида доим бўлганлиги учун, эгаси итга жуда эътиборли бўлиши лозим.

Интернетнинг энг охирги маълумотларида ёзилишича (“Мир собак” журналида) узок вакт давомида итлар стрессига ҳайвонларнинг умумий стресси сифатида қаралиб, кинологияга боғлиқ ҳолда итларда стресс ҳолатини алоҳида ўрганишга эътибор берилмаган. Итларда кейинги йилларда ўтказилган алоҳида текширишлар, кинологиянинг барча талаблари стрессор эканлигини кўрсатмоқда.

Итларнинг бутун ҳаёти даврида уларни катакларда ёки занжирда сақлаш ва яккалатиб қўйиш; бўйинбоғ ва ипда етаклаб юриш; кичкина ва шовқинли майдончаларда машқ килдириш; кўп итлар

иштирокида сайр килдириш ва бошқалар итларга стрессор сифатида таъсир қиласи ва хулқ-авторининг ўзгаришига, тажавузкор булишига олиб келади.

Хизматдаги итларга қаровчилар ва ит эгалари, итга буйруқ асосида қўпол гапириш ва буйруклар бериш; уни доимо қўркувда саклаш; “ит доимо эгасидан қўркиши лозим” деган тушунчаларга эга бўлганлар, бу ҳаракатларнинг барчаси итларга стрессор сифатида таъсир эташини билишлари зарур. Итлар эса кўпинча эгаларининг бу нотуғри ҳатти-ҳаракатларига чидам ва хайрихонлик билан жавоб беради. Лекин юкоридаги стрессорлар таъсири натижасида итнинг хулки ўзгаради, жаҳлдор бўлади, чарчоқлик сезади.

Шунинг учун ит билан шугулланадиган ҳар биримиз ит саклашда, бирор машқни ўргатганда муомаламизга, итнинг ҳолатига, чарчашига эътибор беришимиз лозим.

Тадқиқотчилар итларда стресс натижасида келиб чикадиган рўхий қўзғалиш ва ҳаяжонни, рўхий патологияни олдини олиш учун транквилизаторларни: диазепам (0,25-2 мг/кг), нитрозепам (1-5 м/кг); окдазепам (1-5 мг/кг); лоразепам (0,05-0,2 мг/кг); феназепам (0,05-0,2 мг/кг); хлориазепоксид (10 мг/кг) препаратларини қўллашини тавсия этадилар. Шу мақсадда биоген-аминсеротонинни ҳам қўллаш яхши самара беради (Б.В.Андреев, 1978). Бу препарат айникса ҳарорат стрессини (юкори ташқи ҳарорат) олдини олади.

Интернет маълумотларида ёзилишича, стресс таъсири натижасида итларда иштаҳа ёмонлашади ва озуқа бўлмаган нарсаларни ейишга интилади, хулки апатиядан (лоҳаслик, камҳаракатчанлик, ташки таъсирларга бефарқлик, эгасига эътибор бермаслик) тасодифий тажавузкорликкача (одам ва ҳайвонларга ташланиш ва тишлиш, ғазабли қўриниш, нотабий ҳаракатлар ва қиликлар қилиши) ўзгариши, ташки қўрининининг ёмонлашиши (жуналарнинг тушиши, ялтироклигининг бўлмаслиги, жуннинг бир-бирига ёпишиб қолиши, сўлак оқиши), тасодифий ва ғайритабиий ҳаракатлар, калтираш, уйқунинг бўлмаслиги, диарея, тез-тез сийдик чиқариш кузатилади.

Итларнинг хаёти даврида кўплаб стресс ҳолатлари: итларни эгаси ўзи билан саёҳатга олиб чикиши, янги уйга кўчиш, эгаси томонидан итни вактинча сақлаш жойларига ёки қариндошлариницида қолдириши, ветклиникага кириш, итнинг якка ўзини уйда қолдириш, ит яшаётган уйда бошқа ҳайвонларни саклаш, кўчадаги ва уйдаги шовқинлар стрессор сифатида таъсир этади. Итни саклаганда эгаси юкоридаги ҳолатлар итга кучли ва давомли стресс

ҳолатини келтириб чиқаришини ва ит соғлигига жуда ёмон таъсир этиб, ҳар хил қасалликларнинг ривожланишига олиб келишини унугтасликлари лозим.

Ит эгаларининг баланд товушда тортишуви ва жанжалини, ит ўзига қаратилган агрессия-тажовузкорлик деб тушунади ва унда ҳаяжонланиш бошланиб, оғир нафас олиш кузатилади. Бу пайтда ит эгалари товушни пасайтириб, тинч ҳолда, паст тонда сұхбатлашсалар ит тинчланади ва безовталаниши йүқолади. Агарда ит эгаларининг баланд товушда тортишуви ва жанжали давом этса, ит организмиде тузатиб бўлмайдиган, гўёки сабабсиз ўзгаришлар: ғазабланиш ва хуруж тутиши, қалтираш, хушдан кетиш, тутқаноқ тутиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Стресс таъсирида айрим итлар ступор ҳолатига тушадилар: боши пастга эгилган, кўзи ярим юмуқ бўлиб, ташқи таъсиротларга зътиборсиз бўлади, ташқи таъсиротларга жавоб бериш реакцияси пасаяди, уйкусираф туради, камҳаракатчан бўлади, иштаҳа бўлмайди, эгасига эркаланмайди, улар билан ўйнашни хоҳламайди, эгасидан қочиб, қоронгу жойларга, уйнинг бурчагига ётиб, яширинади, зерикадиган бўлади.

Стресс таъсирида бошка итлар безовталанади, ўта қўзғалган ҳолатда бўлиб, тўхтовсиз бир хил ҳаракатни такрорлайди, айлана бўйлаб чопади, паст товушда аккиллайди, тушунарсиз тажовузкорлик ҳаракатларини бажаради.

Соғлом итлар чўмилгандан кейин, узоқ вақт бир жойда ётиб, дам олгандан кейин, уйқудан кейин, жунлар орасида эктопаразитлар бўлса, тикка турган ҳолатда жунларини силкитиб тартибга келтиради. Стресс таъсирида ҳайрон колса, ташвишга тушса, ғазабланса юкоридаги одатда бажарадиган ишларини бажармайди.

Стресс пайтида жуда кўп миқдорда адреналин ишлаб чиқарилади ва адреналиннинг қондаги миқдори қўпаяди. Бу итларнинг терисида қичима пайдо булишига олиб келади. Шунинг учун итлар теридаги қичимадан ҳалос булиш мақсадида ерга ётиб, ағанаб, терини кашлайди ёки бирор нарсага ишқалайди, терининг кучли қичиётган жойларини тишлаб, терини чайнамоқчи бўлади. Бу ҳаракатлар терининг тирналиб, бутунлигининг бузилиб, микробларнинг кўпайиб, ривожланишига ва терининг ялигланишига олиб келади.

Стрессор таъсир этганда, итлар даладаги ўтларни ея бошлайди, шу йўл билан улар стресс таъсиридан зътиборини бошка нарсага қаратади, ўзини тинчлантиришга уринади. Эркак итлар стресс

холатига тушганда бир ўзи бўлганда ҳам (урғочи ит бўлмаганда ҳам) жинсий аъзосини препуциядан чиқариб кўрсатиш холатида бўлади; кучли сўлак окиш кузатилади. Итларда кўп микдорда сўлак оқиши, хурсандчилигига ёки қўрканида, норозилигига кузатилади; қўрканида ихтиёrsиз сийдик чиқаради. Сийдик чиқаришини назорат килувчи гормонлар микдори конда кўпаяди ва навбатдан ташқари сийдик чиқарилишига сабаб бўлади, бу холат диареяни ҳам келтириб чиқаради.

Кучли стресс таъсири этганда иtlар эснашни бошлайди ва эгаси танасининг очиқ жойларини: бетини, лабларини, бурнини, қўлларини ёки бармоқларини ялайди ва гўёки кераксиз жойда (яшаш уйларидаги сийдик ва тезак чиқаргандиги учун кечирим сўрайди, эгаси билан ярашишга интилади, ўзини тинчлантиради).

Стресс таъсирига айникса зотли ит, мушук ва отлар жуда сезгир бўлади. Хайвон органлари физиологик ишини бузиб, заар келтирадиган ҳар қандай омил стрессор дейилади (жароҳатланиш, касалликлар, кучли қўрқиш ёки ҳаяжон). Стресс омили организмга узок вақт тасир қилса, органлар ишини издан чиқаради, табиий резистентлиги ва касалликларга карши туриш кобилиятини пасайтиради, ҳар хил касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Организмда стресс холати куйидаги босқичларда ривожланади:

Биринчи босқич хавотир ёки ваҳима босқичи бўлиб, конга кўп микдорда кортикостероидлар ва катехоламинилар ишлаб чиқарилади, натижада ҳайвонларда мускуллар тонуси, кон босими, тана ҳарорати пасаяди; кон томир капиллярларининг ўтказувчанлиги ошади. Бу ўз навбатида ошқозон ва ичакларда кўплаб кон қўйилишлар ва ич кетишига олиб келади, ҳайвон ориклияди ва маҳсулдорлиги камаяди. Агарда ҳайвон стресс таъсирининг биринчи босқичида ҳалок бўлмаса, стресснинг иккинчи босқичи ривожланади.

Иккинчи босқич резистентлик босқичи дейилади. Бу босқичда биринчи босқичда ҳайвон организмидаги издан чиқсан барча физиологик жараёнлар: моддалар алмашиниши, кон кўрсатгичлари, гормон ва витаминлар ишлаб чиқарилиши меъёр даражасида тикланади. Бу босқич стрессор таъсирига қараб бир неча соатдан бир неча хафта давом этади.

Стрессор таъсири давом этса учинчи босқич – ҳолсизланиш босқичи ривожланади. Бунда органларда қайта тикланмайдиган жараёнлар ривожланади ва ҳайвоннинг ҳалок бўлишига олиб келади. Шунинг учун стресс таъсирида организм жуда кўп ортиқча энергия сарфлайди ва ҳалок бўлиши мумкин.

Итлар стрессида иштаҳанинг бузилиши, ҳар хил озукабоп бўлмаган жисмларни оғизга олиб, чайнаб, ютишга ҳаракат қилиши, хулкининг (апатия, сопороз, коматоз ҳолатлари ёки тасодифий тажовузкорлик) ўзгариши, ташки кўрнишининг ўзгариши, (жунларнинг ялтироклигининг бўлмаслиги) ва тўкилиши, дағал бўлиб, бир-бирига ёпишиб колиши; оғиздан сўлак оқиши; кутимаган ва тасодифий ҳаракатлар, қалтираш, уйқусизлик, диарея (ич кетиш), тез-тез сийдик чиқариш каби умумий белгилар кузатилади. Итлар хаётида стресс ҳолатлари кўплаб кузатилади. Итларда стресс ҳолатини келтириб чиқарадиган сабабларига уни саёҳатга олиб чикиш, янги уйга ва жойга кўчиш, эгасининг итни зоомехмонхонага, кариндошларининг ёки танишларининг уйига колдириш, ветеринария клиникасига олиб бориш, итни вақтинча саклайдиган жойга топшириш, итларни жунларини тартибга солувчи, таровчи, тирнокларини олиб, совунда ювинтириб, куритувчи жойларга (грумер жойлар) олиб бориш ёки бошқа уй ҳайвонининг пайдо бўлиши; хонада, ҳовлида, кўчада кучли товуш ва шовкинларнинг пайдо бўлиши киради. Ит эгаси уни стрессдан саклаш учун юкоридаги сабаблардан итни саклаши ва итни эҳтиёт қилиши лозим.

Стресс таъсирида ит асабийлашса, эгаси вахима килмасдан, осойишталик билан, итга бакирмасдан, уни урмасдан қуидаги ишларни бажариши лозим:

1. Стресс ҳолатини келтириб чиқарган сабабини аниқлаб, уни бартараф этиш ёки таъсир кучини пасайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, кучли шовқин манбаларини йўқотиш, ит кўрқадиган расм ва ўйинчокларни яшириб кўйиш, яйраш майдончасида бўлса, дарҳол уйга кайтиш зарур.

2. Стрессларни йўқотиш иложи бўлмаса (момоқалдироқ овози, салют шовкини, ўқ овози ва бошқалар), ит яхши кўрган ширинлик ёки таомни бериб, итнинг эътиборини бошқа томонга тортиш керак ёки итни шу кучли шовқинлар эшитилмайдиган жойга жойлаштириш лозим.

3. Итни тинчлантирувчи дорилардан, седатив препараторларидан бири бўлган “Фитекс”ни қўллаш мумкин. Бундан ташкари, валериана илдизи, хмел экстрактларидан бериш мумкин. “Фитекс”ни йўрикномада кўрсатилган дозада, кунига 3 марта стресс ҳолати йўқолгунча бериш тавсия этилади. Бу дори итиларда вахимани, зўрикишни, спазмни, кўркишни олдини олади, стресс таъсирини пасайтиради, стресс натижасида тўхтовсиз вовуллаши, аккиллаши,

увиллаши, хуришини олдини олади (күллашдан илгари дори йўрикномасини ўқиб чиқиш зарур).

Интернет маълумотларида ёзилишича, стресс пайтида кучли қўзғатувчи, қитикловчи сигналларни рецепторлар ёки асаб охиридаги тугунлар қабул килиб гипоталамусга ўтказади. Гипоталамус асаб ва эндокрин тизими ишини бошқарадиган орган. Стресс таъсирига жавобан гипоталамус маҳсус модда – кортикотроп-рилизинг (инглизчадан – “жалб этувчи” деган маънони англатади) моддасини ишлаб чиқаради ва конга тушади, рилизинг моддаси организмда эндокрин тизимини бошқарадиган гипофизга боради ва бунга жавобан гипофиздан конга кўп микдорда адренокортектроп гормонлар ишлаб чиқилади. Бу гормоннинг буйрак усти безига таъсир килиши натижасида унинг пўстлок кисмидан кўп микдорда кортикостероид гормонлари, мағиз қисмидан катехоламин гормонлари – дофамин, норадреналик ва адреналин ишлаб чиқилади.

Тадқиқчиларнинг ёзишларича стрессор таъсирида хайвонларда нафас олиш тезлашади, қон босими ва тана ҳарорати кўтарилади, мускуллари қалтирайди, тез-тез ва кўп микдорда тезак ва сийдик ажратади, аккилайди, безовталаради; хайвонлар қонида аспартаттрансаминаза, фосфокиназа, алдоза, ишқорий фосфотаза ферментларининг фаоллиги ошади.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, стрессорлар хайвонлар организмида кучли ўзгаришларни келтириб чиқаради, бунинг натижасида уларнинг ўсиши ва ривожланиши, маҳсулдорлиги камаяди, кўпгина касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

### **Итларда апатия ёки ўта қўзғалиш ҳолатлари**

Хайвонлар стресс таъсирида апатия (бефарклиқ), ступор (уйкусираш) ҳолатларига тушади ва ҳар қандай ташки таъсиротларга жавоб бериш реакцияси ёки пасаяди, ёки умуман жавоб бермайди. Бу белгилар стресс ҳолатининг оғир даражасини билдиради. Бундай пайтда, итни тезлик билан ветеринария шифокорига кўрсатиш лозим. Бунда, итлар камҳаракатчан бўлиб, иштаҳаси йўқолади, одатдаги ҳаракатларни ва уйинларни бажармай, хонанинг бир бурчагига биқиниб олади, инграйди ёки тишини гижирлатади. Айрим итлар безовталаради, бир хилда такрорланадиган ҳаракатларни бажаради, айлана бўйлаб чопади, чинқириш товуш билан вовуллайди, ўта тажавузкор (агрессив) бўлади.

Ҳеч қандай сабабсиз, баданидаги жунларни силкитиб, қоқиб тозалашга уриниш ҳаракатлари кузатилади, итнинг ағанаси,

баданини кашиниши, ялаши, терисини чайнаши ҳам стресс белгилари хисобланади.

Стресс пайтида организмда кўп микдорда адреналиннинг ишлаб чиқарилиши терининг қичимасининг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Шунинг учун итлар стресс пайтида елкасига ағанайди, баданини кашинади, терисини ялади ёки чайнайди (жун орасидаги бургани тутиш харакати каби). Бу ҳолатлар кўпинча терининг кўп жойларида тирналишига, яллиғланишига ва микробларнинг организмга кириб, ҳар-хил касалликларнинг ривожланишига оlib келади. Ит эгаси ҳеч кандай сабабсиз юкоридаги ҳолатларни кузатса, итда кандайдир сабаб билан стресс ҳолати ривожланаётганини билган холда, стрессни олдини олиш чора-тадбирларини бажариши керак.

Одатда ит сайрга чикканда кўчадаги, майдондаги хоҳлаган майса ва ўтларни ейди, шу йул билан организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжини кондиради. Стресс пайтида ҳам итлар майса ва ўтларни ейиш орқали стресс ҳолатидан ўзини бошқа ишга чалғитади, овунтиради, юпатади ва ўзини тинчлантириб, бошқа нарса билан овора килиб, стрессни эсдан чиқармоқчи бўлади. Бундан ташкари эркак итлар стресс пайтида қўркиб, ваҳимага тушиши натижасида жинсий аъзо бошчасини препуциядан чиқаради ва ёлғонексусал кўзғалиш ҳолатини намоён килади. Айрим итларда, стресс пайтида оғиздан кўп микдорда сўлак оқиши белгиси ҳам кузатилиши мумкин. Бу, итнинг кимдандир ёки нимадандир норозилигини билдиради.

Стресс пайтида итларда яна куйидаги белгилар кузатилади:

1. Стрессда итда қўркув келиб чиқиши натижасида, ихтиёrsиз сийдик чиқариш кузатилади. Бу, стресс пайтида кўп микдорда гормонлар ишлаб чиқарилиб, туз-сув алмашинуви ва мувозанати бузилиши натижасида ривожланади. Кўп микдордаги стресс гормонлари кутимаганда, тасодифий диареянинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлади.

2. Стресс пайтида итларда эснаш ва эгасининг бет соҳасидаги органларни ялаш белгилари ҳам кузатилади. Шу йул билан ит эгасини яхши кўришини ва яхши муомалада эканлигини билдириб, стресс таъсирида бўлган номақбул ишлар учун кечирим сўрайди ва ўзи ёқтирган ширинлиги ёки овқатини беришини сўрайди. Шу белгиларнинг кучли булиши ва тез-тез такрорланиши организмда юкори даражадаги стресс ҳолати кечачётганилигидан далолат беради. Шу йул билан ит ўзини тинчлантиришга ҳаракат килади.

3. Стресс ривожланганда итда албатта асабийлашиш ва кучли безовталаниш кузатилади. Бу пайтда ит эгаси ва ветеринария шифокори қўйидаги ишларни бажаришлари лозим:

- Стресс ҳолати сабаби аникланади ва имкони бўлса, сабаб таъсири тўхтатилади (телевизор товуши пасайтирилади ёки ўчирилади, қўрқинчли ўйинчоқлар яширилади, сайр килаётган жойдан ит олиб кетилади ва ҳоказолар);

- Агарда стрессорни тўхтатишни имкони бўлмаса, итнинг эътиборини стрессордан бошка ижобий томонга чалғитиш зарур (итга яхши қўрган ширинлигини бериш; уйда стрессор таъсири эшитилмайдиган жода итни саклаш, бундай пайтда итни ёлғиз қолдирмаслик).

- Бундай пайтда итга бирорта седатив дорилардан бериб, уни тинчлантириш керак:

Фитекс – доривор ўсимликлар экстрактларидан тайёрланган препарат бўлиб, дозасини итнинг ҳолатини эътиборга олган ҳолда, ветеринария шифокори белгилайди. Препаратнинг тахминий дозаси 1 кг тирик вазнига 1 томчи бўлиб, кунига 3 марта берилади (15-30 кун давомида). Бу дори ваҳима, хавотир ва ташвишни пасайтиради; спазм ва тангликний йўқотади; қўркиш ҳолатини пасайтиради. Бу препарат кўпинча тажовузкорлик, қўркиш, кучли қўзалиш, тўхтовсиз вовуллаш пайтида қўлланилади. Грейхаунд зотли итлар бу препаратга ўта сезигр бўлганлиги учун жуда эҳтиёткорлик билан қўллаш зарур.

Шундай қилиб, итларда стресс ҳолати ривожланганда:

1. Иштаҳанинг бузилиши;

2.Ҳар хил озуқабоп бўлмаган жисмларни оғизга олиб, чайнаб, ютишга ҳаракат қилиши;

3.Хулкининг ўзгариши (апатия, ступор, сопороз ҳолатлари ёки тасодифий тажовузкорлик);

4.Ташки кўринишининг ўзгариши (жуналнинг ялтироқлигининг бўлмаслиги ва тўкилиши, дағал бўлиб бир-бирига ёпишиб колиши);

5. Оғиздан сўлак оқиши;

6.Кутилмаган ва тасодифий ғайритабиий ҳаракатлар;

7. Қалтираш, уйкусизлик, диарея ва тез-тез сийдик чиқариш;

8.Безовталаниш ва нафас олишнинг қийинлашиши;

9.Итнинг ҳеч қандай сабабсиз ўта тажовузкор бўлиши;

10. Эгасининг гапларига ва топширикларига эътибор бермаслиги;

11.Тутқаноқ тутиши;

12. Хонанинг бир бурчагига бикиниб олиши;
13. Инграш ёки тишини ғижирлатиш;
14. Такрорланадиган бир хилдаги ҳаракатларни бажариш;
15. Айлана бүйлаб чопиш;
16. Чинкираб вовуллаш;
17. Хеч қандай сабабсиз баданидаги жунларни силкитиб, қоқиб тозалашга уриниш;
18. Нимадандир ғазабланган, ҳайратта тушган, ажабланган ҳаракатларга тушиш;
19. Елкасига ағанаши ва баданини қашиниши;
20. Баданини ялаш ва жунуни чайнаш;
21. Күча ва майдонлардаги майса ва үтларни ейиш;
22. Жинсий аъзоси бошчасини сабабсиз тез-тез чиқариш (ёлғон сексуал күзғалиши);
23. Эснаш ва эгасининг бет соҳасидаги органларини ялаш ва эркаланиш;
24. Асабийлашиш ва кучли безовталаниш каби клиник белгилар намоён бўлади.

## **5 Боб. ЧОРВАЧИЛИКДА СТРЕССЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

Чорвачиликда стрессни олдини олиш ёки унинг таъсирини пасайтириш чора-тадбирларини ўтказиш, хўжалиқда соғлом ҳайвонларни ўстириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда мухим рол ўйнайди.

Стресснинг салбий таъсиротларининг организмга таъсир кучини олдини олиш ёки пасайтириш икки йўналишда олиб борилади.

Биринчи йўналиш – бу инженер-технологик жараёнларни такомиллаштириб, ҳайвонларга мос келадиган шароитларни яратишдир. Бу анча мураккаб ва кўп маблағ сарфланишини талаб қиласидиган ишлардир.

Иккинчи йўналиш – агарда стрессорни биринчи йўналиш бўйича йўқотишнинг иложи бўлмаса, стресс таъсирини пасайтириш чоралари кўрилади. Бунинг учун нейролептик, транквилизатор дорилари, комплекс микроэлементлар, витаминалар ва бошقا биологик фаол моддалар кўлланилади.

Мамлакатимиз мустакилликка эришгандан сўнг, иқтисодиётимизнинг мухим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликка катта эътибор берилмоқда. Айнакса, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида зотли ҳайвонларни чет эллардан республикамиз худудига олиб келиб сақлаш, ўстириш, кўпайтириш ва маҳсулот олиш жараёнларида ҳайвонлар организмига кўпгина стрессорлар таъсир этади ва бу соҳани ривожлантиришга салбий тўсқинлик килади. Чорвачиликдаги стресс ҳолатларининг доимий равишда мавжудлиги ва уларнинг турли-туманлиги ҳамда катта иқтисодий зарарга сабаб бўлиши ветеринария ходимларидан уларга самарали қарши туриш воситаларидан фойдаланишни тақозо килади. Бу вазифани амалга оширишда стресс реакцияларни аниқлаш усуулларини ишлаб чиқиш ва стрессор таъсирини пасайтирувчи воситаларни аниқлаш ва кўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш катта амалий ахамиятга эга.

Стресс таъсирининг салбий оқибатларини камайтириш ёки олдини олиш, ҳайвонларнинг соғлигини таъминлаш, маҳсулдорлигини оширишда энг асосий омиллардан бири хисобланади. Ҳозирги пайтда чорвачиликда ҳайвонларга кўплаб стресс омиллар таъсир этади ва улар организмнинг резистентлигининг пасайишига, касалликларга чалинишига ва ўлимига олиб келади.

Ветеринария мутахассислари ҳайвонларда стресс таъсирини пасайтириш максадида янги дориларни яратмоқдалар ва синаб кўрмоқдалар. Аммо шу максадда арzon ва заарсиз усуулларни ва воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда олимлар организмнинг химоя кучларини ўрганиш учун ишонарли ва мураккаб текширишларни олиб бормоқдалар. Бу текширишлар натижасида организмга ҳар-хил микроблар тушганда пептидлар организмнинг иммунитет ҳосил қиласидан мураккаб мажмуасини кўзғаб, ишини фаоллаштириб, антитела ишлаб чиқарилиши аниқланган. Организмга аминокислоталар юборилганда аспарагин, глутамин кислотаси, цистеин, серин, треонин, триптофан, аланин ва валинларнинг Т-лимфоцитларни ва антителаларни ишлаб чиқаришини тезлаштириши аниқланган.

А.Ф.Могиленконинг (1981) кўrsatiшича, седуксен марказий асад тизимига тинчлантирувчи таъсири кўrsатади, яъни седатив модда ҳисобланади. Бу дori ўз таъсирини лимбик тизим орқали кўrsатади. Шунинг учун тадқикотчи седуксен дорисини корамоллардаги стрессор таъсирини пасайтирища қўллаб, ҳайвонларнинг клиник ҳолатини, коннинг морфологик ва биохимик кўrsatкичларини ҳамда организмнинг иммунологик ҳимоясини яхшилашини аниқлаган.

А.Н.Шпак ва Е.А.Корочкинанинг маълумотларига кўра (2012), етарли даражадаги кучга эга бўлган стрессор узок муддатта таъсири этса, организмда стресс ҳолати ривожланади ва адренокортикол тизими ишини кучайтиради (А.А.Виру, 1979). Бундай стресс таъсири этганда қондаги кортикостерон миқдори 5 дақиқадан кейин меъёрга нисбатан кўпаяди, 30 дақиқадан кейин энг юкори кўrsatкичда бўлади ва 3 соат давомида шундай сакланади (П.К.Кырге, 1978). Эмоционал стрессда ҳам адренокортикал фаоллиги ошган (Н.Лавина ва бошқалар, 1999). Гипоксия пайтида қонда кортизон миқдори кўпайган. Бу стрессорлар таъсирида гипофизар – адренокортикал тизим иши ҳам аввал кучайган, кейин пасайган. Кейинчалик бу тизим гормонларни ишлаб чиқаришни тұхтаттан. Бундай пайтда стрессорга қарши туриш ишлари ҳужайраларда амалга оширилган. Муаллифлар стресснинг гипофизар – адренокортикал тизимга кўrsатадиган салбий таъсиrottларини камайтирища, гемобаланс препаратини қўллашни ва абдоминалдекомпресс усулида қорин бүшлиғи атрофига бериладиган ташқи босимни камайтиришни тавсия этадилар. Абдоминалдекомпресс усули қўлланилганда периферик кон томирларнинг торайиши (спазми) олди олинади, қон таркибидағи

патологик ўзгаришга учраган эритроцитларни, эндо ва экзотоксингиларни ушлаб қолиш ва чиқариши таъминлайди, организмдаги ҳәтий зарур органларда гипоксиянинг келиб чиқиши олди олинади.

И.Е.Мозгов (1975), А.С. Кашин (1974) ва бошқаларнинг таъкидлашларича, организмда стресс ҳолатининг ривожланиши қонда ва тўқималарда аскорбин кислотаси ва бошқа витаминларнинг камайиши билан кечади. Аскорбин кислотаси миқдорининг камайиши, буйрак усти бези пўстлоқ қисмининг фаоллигига боғлик ва стресс реакциянинг нечоғлик оғир кечётганлигини аниқлайдиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Организмда стресс таъсирида А ва B<sub>2</sub> витаминларнинг, микроэлементларнинг етишмаслиги, гормонлар миқдори ва нисбатининг ўзгариши, захарланишлар, С витаминининг синтезининг камайишига олиб келади. Бундай пайтда ҳайвон рационига С витаминини қўшиб бериш яхши натижада беради. Чунки организмда аскорбин кислотаси оксид алмашиниши даврларини белгилайди, қондаги полипептидлар даражасини меъёрга келтиради, ҳужайраларнинг кўпайишини таъминлайди. Марказий асаб тизими иши ҳам аскорбин кислотаси миқдорига боғлик, шунинг учун стресс таъсирини пасайтириш мақсадида аскорбин кислотасини қўллаш ижобий натижаларга олиб келади.

Ветеринарияда, стресс ҳолатлари пайтида ҳайвонлардаги зўрикиш, кўркув ва безовталанишни бартараф этиш учун нейролептиклар, транквилизаторлар ва седатив воситалар қўлланилади. Нейролептиклар умумий тинчлантирувчи дорилар ҳисобланиб, аффектив реакцияларни бартараф этади; кўзғалиш, безовталаниш ва ҳаракат фаоллигини пасайтиради. Седатив воситалар бош мия танасидан чиқувчи ретикуляр формациясига таъсир этади, норадренэнергик рецепторларни қамал қилиб, асаб импульсларининг специфик афферант толалар коллатераллари билан ретикуляр формация нейронларига берилишига тўсқинлик қиласди.

Стресс таъсирини пасайтириш мақсадида рацион тўйимлилигини меъёр даражасида таъминлаш, организмнинг умумий резистентлигини оширувчи, иммун тизимини фаоллаштирувчи, микробга қарши курашувчи воситаларни қўллаш; витаминлар, янтар кислотаси, фумар кислотаси, микроэлементларни қўллаш яхши самара беради.

Стрессларнинг салбий таъсирининг олдини олиш ёки уларнинг таъсирини пасайтириш тадбирлари иккى асосий принципга асосланади. Биринчиси – инженер-технологик принцип бўлиб, ташки

мухит шароитларини максимал даражада оптимальлаштириш оркали ҳайвонлардан фойдаланиш шароитларини яхшилаш ҳисобланади. Бундай шароитларга ҳайвонларни тұла кийматла озиқалар билан таъминлаш, оптималь зоогигиеник режим яратиш, энг такомиллашган технологияни құллаш ва стрессларга чидамли бұлған ҳайвон зотларини яратиш киради. Аммо ушбу усуллар ёрдамида доим ҳам қўзланган натижаларга эришиб бўлавермайди. Шунинг учун стресс ҳолатидан кутилиб бўлмайдиган кўпгина пайтларда (ташиш, эмлаш, тарозида ўлчаш, ахталаш) иккинчи усул – кимёвий ва гормонал препаратлар, витаминлар ва антибиотикларни қўллаш йўли билан стресс реакцияларининг кечишига фаол таъсир кўрсатиш усули қўлланилади. Фармакологик воситалар стресс ҳолатини батамом бартараф этмасада, организмнинг химоя воситаларини стрессомиллар таъсирига карши курашиш учун кучлироқ сафарбар этишини таъминлайди.

Стресс таъсирини пасайтириш мақсадида қўлланилган доридармонлар қорамол гўшти етишириш самарадорлигини 5-15 % га оширади, шу мақсадда транквилизаторлар қўлланилганда гўшт микдори кўпайишидан ташқари сифати ҳам 5-20 % га яхшиланади. Стресс таъсирини пасайтириш чоралари кўрилмагандага маҳсулдорлик 10-20 % га камаяди.

А.Д.Дмитриев ва бошқалар, итларда стресс натижасида келиб чиқадиган руҳий қўзғалиш ва ҳаяжонни, руҳий патологияни олдини олиш учун транквилизаторларни: диазепам (0,25-2 мг/кг), нитразепам (1-5 мг/кг), оксазепам (1-5 мг/кг), лоразепам (0,05-0,2 мг/кг), феназепам (0,05-0,2 мг/кг), хлоридиазепоксид (10 мг/кг) препаратларини қўллашни тавсия этадилар. Шу мақсадда биоген-аминсеротонинни ҳам қўллаш яхши самара беради (Б.В.Андреев ва бошқалар, 1978). Бу препарат айниқса ҳарорат стресси (юкори ташки ҳарорат) олдини олади.

А.Г.Шитыйнинг (1987) ёзишича стресслар таъсирида, ҳайвонларда үсиш ва ривожланиш секинлашади, ҳазмланиш жараёни пасаяди, касалликларга берилувчан бўлади (А.Г.Шахов, 1980; A.Kelley, 1980), стресс таъсирини пасайтириш мақсадида нейролептик препаратлар, транквилизаторлар, адаптогенлар, витамин ва микроэлементлар қўлланилади. Шу мақсадда аминазин, трифтазин ва мепазиннинг кичик ва ўрта дозалари қўлланилганда, ҳайвонларда стресс реакция ҳолати пасаяди, үсиш яхшиланади, тирик вазни 9,9-44,5 фоизга ошади, модда алмашиниши фаоллашади, гемопозз ва организм химоя тизимлари иши яхшиланади.

пасайтиришини (конда кортизол міқдори үзгартылған) ва этимизол дориси бундай таъсирга зерттеудегі көмекшілік (конда кортизол міқдори ошынан) аниклаган.

Күпгина олимлар (В.С.Бузлама ва бошқалар, 1989; С.И.Пляшленко, В.Т.Сидоров, 1990) чүчқа болаларини онасидан ажратылған стресслер таъсирини фумар кислотаси, кватерин, фенибут және элеутерококк экстракти аралаштасы, аскорбин кислотаси, дигидроцистеин, мединал препаратлари ёрдамида пасайтиришга әриштегіндер.

В.П.Николаенко (1988) жүжіларни әмлаш пайтида пайдо бұладыған стресслер таъсирини пасайтириш учун, элеутерококк экстрактини витаминлар билан биргаликта құллаган. “Гамавитин”ни құллаганда липидларнинг перекис оксидланиш даражаси пасаяди, ферментатив, антиоксидант фәоллиги ошади. “Фосспасим” ни құллаганда ферментлар фәоллиги және глюкоза міқдори мөшердің даражасыда бұлады. “Se-C” ни құллаганда (1,13 мг/кг дозада) организмде липид оксидланиши және антиоксидант химояси яхшиланады.

Стресс таъсирини пасайтириш учун спортда қатнашадын оттарнинг 5-күккәр, 5-бел, 2-дұмғаза умуртқаларининг бирлашған нұқтасынан, 2 марта 3 кун оралаб “Гамавит” препаратини 9 мл/бош дозада тери остига юборыш тавсия этилади (О.Г.Сапожникова, 2010 й).

Н.П.Мешеряковнинг ёзишича (2002 й.), ҳозирги кунда ҳам ветеринария илмий ходимлари стресс таъсирини пасайтириш үсуллари ва воситалари устида ишлешкен катта әзтибор бермокдалар. Стресс таъсирини пасайтириш мақсадыда витаминлар: аскорбин кислотаси, токоферол, В грухы витаминлари, микроэлементлар, үсімлік дорилари (элеутерококк, женьшень, лимонник), организмнің табиий метаболит маңсулотлари (янтарь кислотаси, фумор кислотаси, Фенибут, кватерин), кимё үйінан билан олинадын дорилар (ломаден, динофен, альфа-лизид, вигозин) тавсия этилған.

Вигозин таркибиңе карнитин (асосий компонент), сорбитол, магний сульфат, үсімлік экстрактлари, консервантылар ва сув киради. Карнитин мой кислоталарини парчалашылаштырып этади, узун занжирли мой кислоталарини оксидланишини таъминлайды ва улардан углеводлар хосил килиб, энергия ажратади, митохондрияларни ацетил – кофермент А билан таъминлайды, шу үйінан организмде модда алмашинуви даражасини ошириб, ұжайраларнинг энергия манбаини яхшилайды ва стресс таъсирини

пасайтиради. Сорбиталнинг 80 % эритмаси жигарда гликогенга айланади ва организмнинг энергияга бўлган юкори даражадаги эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласди.

Магний сульфат ичак харакатини тезлаштиради ва озиқаларнинг ҳазм бўлишини яхшилади. Шунинг учун бу препарат стресс таъсирини пасайтириш максадида қўлланилади.

Тажрибада 20 та ўсаётган чўчқа боласи озиқасига 10 кун давомида бир бошига 2 мл вигозин қўшиб берилганда, конда эритроцит, лейкоцит сони ва гемоглабин миқдори деярли ўзгармаган (конт. Нв 95,7 – наз 89,6 г/л; эр 113 – 111  $10^{12}$  лей 70,3-68,9  $10^{9/\mu\text{l}}$ ). Кондаги кальций, фосфор, ишкорий фосфотаза миқдори ҳам деярли ўзгармаган (2,9-3,0 мм/л, фос 2,9-2,8 мм/л, шф 2,1-2,2 мм/л).

Вигозин қўлланганда қондаги умумий оқсил, АЛТ ва АСТ кўрсаткичлари салбий томонга ўзгарган (оқсил 59,8-64 г/л, АЛТ 1,7-1,6 мм/л, АСТ 1,1-1,1 мм/л) лекин холестерин ва мочевина миқдори кескин камайган (2,3-1,9 мм/л, 4,6-3,7 мм/л), глюкоза кўрсаткичи ўзгармаган ҳолда сут кислотаси миқдори ошган (глюк 5,8-5,4 мм/л, сут кис. 6,0-7,5 мм/л).

Вигозинни жўжани эмлашда, чўчқа болаларини янги гурухларга бўлишида стресс таъсирини пасайтирувчи восита сифатида қўллаш тавсия этилади.

Шундай килиб вигозин барча талабларга жавоб берадиган, парранда ва чўчқалар учун заарсиз бўлган, ўсишни тезлаштирувчи ва стрессор таъсирини пасайтирувчи самарали дори воситасидир (Н.П.Мешуряков, 2002 й.).

Витаминлар биологик фаол моддалар бўлиб, организмнинг нормал ҳаёт кечириши учун кечадиган барча жараёнларда катта аҳамиятга эга. Ҳайвонлар учун витаминларнинг асосий манбай ўсимликлар озиқалари ҳисобланади. Рационда витаминларнинг етишмаслиги ёки бўлмаслиги ҳайвонлар организмидаги гиповитаминоуз ёки авитаминоуз касалликларининг ривожланишига олиб келади. Бу пайтларда ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан қолади, маҳсулдорлиги камаяди, бола бериши бузилади, ҳар хил касалликлар ривожланади.

Витамин Д<sub>3</sub> фосфор ва кальций алмашинувини бошқариб туради, суюкларнинг минерализациясини таъминлаб, ёш ҳайвонлар гавдасининг ривожланишини таъминлайди, бу витамин кальций ва фосфорни ичаклардан тўқима ва ҳужайраларга ташийди.

Витамин А организмдаги оксидланиш жараёнларида иштирок этади, кислородни активлаштиради, қўзнинг шиллик пардаларининг,

ички секреция безлари ва бошқа органларнинг нормал ишлашини таъминлайди. Бу витамин фосфор, углевод ва липид алмашинишида актив қатнашиб, оқсил билан хар хил комплекс бирималар ҳосил қиласди.

Стрессор таъсирини пасайтириш мақсадида фармакологик ва биологик фаол моддалар ҳам қўлланилади. Бунинг учун диетопрофилактикада рационга организмнинг умумий резистентлигини оширувчи, иммун тизимини фаоллаштирувчи, микробга қарши курашувчи, тинчлантирувчи ва дезинфекция килувчи озукалар ва дорилар қўшилади. Диетопрофилактика учун рацион юқори сифатли озукалар, биологик фаол моддалар, энергияга бой тўйинмаган мой кислоталари, органик ди – ва трикарбон кислоталар, гликозидлар, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар, микроэлементлар (йод, кобальт, рух, мис, марганец,), витаминлар (витамин А, Д, Е, В<sub>12</sub>, В<sub>15</sub>, С) билан бойитилади. Витаминлар ва микроэлементлар тавсия этилган меъёр кўрсатгичларидан 20-30 фоиз кўп микдорда берилиши лозим. Бу тадбирлар стресс таъсиридан 5-7 кун илгари ва 10 кунгача кейин бажарилиши керак.

Стресс таъсирини пасайтириш мақсадида қўйидаги витаминлар ҳам қўлланилади:

Тетравит – А, Д<sub>3</sub>, Е, F витаминларининг стериль мойли эритмасидир. Витамин F (линетол) кондаги холестерин микдорини камайтиради, витамин А ни ташийдиган альбуминлар микдорини кўпайтиради, мой алмашинишида иштирок этади. Витамин F етишмаганда хайвонларда дерматит ва атеросклероз касалликлари ривожланади.

Тривит – А, Д<sub>3</sub>, Е, витаминларининг стериль мойли эритмасидир. Витамин А организмнинг ўсишини тезлаштиради, унинг резистентлигини оширади ва эпителиянинг ҳимоя вазифасининг юқори булишини таъминлайди ҳамда кўпайишини тезлаштиради. Витамин Д<sub>3</sub> минерал моддалари алмашинишини бошқаради. Витамин Е етишмаганда ўсиш жараёни тўхтаб қолади; марказий асаб тизими, жигар ва мускул тўқималари шикастланади, мой ва углевод алмашиниши бузилади, бола бериши камаяди.

Хайвонларнинг стресс таъсирида ўта қўзғалиш ва тажовузкорликни олдини олиш учун қўйидагилар қўлланилади;

1. Аминазин – 1 кг тирик вазнига қорамол учун 0,7-10мг, чўчқага 0,25-0,5 мг комбикормга қўшиб, стресс таъсиридан бир кун олдин ва стресс таъсиридан кейин 5-7 кун давомида берилади.

2. Фенозепам – 1 кг тирик вазнига 5-10 мг дозада озукага құшиб берилади ёки ичирилади.
3. Фенибут – 1 кг тирик вазнига 5-10 мг дозада озукага құшиб 10-15 кун стресс таъсиригача ва таъсиридан кейин берилади.
4. Галоперидол – мускул орасига 0,1 мг/кг дозада инъекция килинади.
5. Резерпин – аминазинга нисбатан кучли; күпинча эмоционал – оғрик стрессини олдини олиш мақсадида стресс таъсиридан 1 кун олдин 1,5 мг/кг дозада оғиздан берилади.
6. Литий карбонат – стресс таъсиридан олдин 15 мг/кг дозада; стресс таъсиридан кейин 3 кун давомида, кунига 2 марта 10 мг/кг дозада оғиздан ичирилади.
7. Нозепам (оксозепам) – стресс таъсиридан 2 кун олдин ва кейин кунига 2-3 марта 0,3-5 мг/кг дозада озиқага құшиб берилади.
8. Амизил (бенактизин) – стресс таъсиридан 1-3 кун олдин ва кейин оғиз орқали, 0,1-0,3 мг/кг дозада берилади (М.Б.Сафаров, У.А.Рахмонов, 2015 й.).

Хайвонларга таъсир этадиган стрессорларнинг 80 фоизи, хайвонларни саклаш ва озиқлантириш меъёрларининг ҳамда қоидаларининг бузилишига тұғри келади. Ҳисоб-китобларга қараганда, хайвонларга яратылған микроқлим қоидаларининг бузилиши натижасыда, чүчқаларнинг маҳсулдорлығи 35 фоизга, бола бериши 30 фоизга камағыд; озиқаларнинг сарфланиши 40 фоизга, касаллукларга қалиниши 35 фоизга күпаяди.

Стресс таъсирини пасайтириш мақсадида транквилизатордан бензодиазепин катори көнг құлланилади. Шу мақсадда диазепаминни құллаганда (5 мг/кг) нафас ва пульс сони стрессор таъсиридан кейин ўзгармаган. Нитрозепамни құллаганда факт нафас сони ўзгармаган. Оксазепам эса стрессор таъсирини умуман пасайтирган. Шундай қилиб стрессор таъсирини пасайтиришда, бензодиазепин каторидаги дорилардан диазепам энг яхши натижә берган (А.В.Дмитриев ва бошқалар).

Стресс синдроми касаллигини күпгина олимлар алохіда касаллук сифатида ажратадилар. Стресс синдроми касаллiği барча ҳайвон турлари орасыда, айниқса ёш ҳайвонларда учрайди.

Сабаблари: транспорт, технологик, эмоционал-оғрик, озиқлантириш стресслари ҳисобланади (ҳайвонларни транспортларда ташиш, янги ҳайвон подаларини ташкил этиш, ҳар хил ёшдаги ҳайвонларни битта транспортда ташиш, иссик пайтда ёпик

транспортларда ташиш, озука турини бирдан ўзгартириш, ичимлик сувининг етишмаслиги, транспорт шовқинлари, тебраниш, ҳайвонларни уриш ва бошқалар).

Белгилари: ўта кўзғалиш, қўркиш, агрессивлик, кейинчалик бефарқлик; тахикардия, аритмия, ичак перистальтиказининг кучайиши ёки секинлашиши, касалликнинг охирги босқичида ориқлаш ва кома кузатилади. Бузокларда атаксия ҳолати, иштаҳанинг бўлмаслиги, диарея ва пневмония ривожланиши кузатилади.

Даволаш: сабаби йўқотилади, ҳайвонлар учун меъёрдаги сақлаш ва озиқлантириш шароитлари яратилади. Даволаш мақсадида стресс-протекторлар (нейролептиклар, транквилизаторлар, седатив моддалар), адаптогенлар, витаминлар, микроэлементлар қўлланилади. Бунга куйидаги дорилар киради:

Аминазин оғиздан 3-5 мг/кг, мускул орасига 0,5-2 мг/кг дозада стресс таъсиридан 1-3 соат олдин ва 12-24 соат кейин қўлланилади. Бузоклар бошқа хўжаликка кўчирилган бўлса 3-5 кун олдин ва кейин мускул орасига 0,3 мг/кг дозада юборилади.

Галоперидол бузоқларга мускул орасига 0,1 мг/кг дозада, 3-5 кун стресс таъсиригача ва таъсиридан кейин юборилади.

Резерпин – кучли стрессда 1 кун олдин, оғиздан 1,5 мг/кг дозада юборилади.

Фенозепам – 3-7 кун давомида 0,3 мг/кг дозада, оғиздан ичирилади.

Нозепам – кунига 2-3 марта, 1-2 кун давомида, 0,3-0,5 мг/кг дозада озуқага қўшиб берилади.

Амизил – (бенактизин) – 0,3 мг/кг дозада, кучли стрессларда 3-7 кун давомида ичирилади.

Организмнинг ҳимоя кучларини ошириш мақсадида витамин А, Д, Е, С, глюкоза, микробларга қарши воситалар қўлланилади. Шу мақсадда ТВАГ, АНВАГ, амикал дорилари ишлаб чиқарилмоқда ва қўлланилмоқда. Бу дорилар ўз таркибида аминазин, витаминлар, аминокислоталар ва глюкоза сақлайди.

Ҳайвонларни операция қилгандаги стрессга қарши курашиш учун, операциядан олдин, 2 фоизли стерил ромпун, аромпун, хилозин эритмаларини 0,5-1 мл/100 кг тирик вазнига юбориш тавсия этилади. Бўғоз ҳайвонларга қўлланилмайди.

Олдини олиш: ҳайвонларни саклаш, озиқлантириш, юргизиш, ташиш, маҳсулот олиш жараёнларида стресс ҳолатларининг келиб чиқишига йўл қўймаслик керак, тез-тез ҳайвонларнинг янги

гурухларини түзишдан воз кечиш керак, хайвонларни ташиш коидаларига риоя қилиш керак.

Ветеринария ва зоотехния чора-тадбирларини ўтказишдан 2-3 кун олдин ва 2-3 кун кейин стрессни олдини олувчи дорилардан бериш лозим, 1-2 соат олдин маҳсус дорилар юборилади.

Эмоционал – оғриқ стрессини олдини олиш учун (эмлаш, қон олиш, ахталаш, тамға босиш, тарозида тортиш) 1-2 соат олдин озука билан аминазин ва алететрин берилади. Бу аралашма стресс таъсиридан кейин 2 кун давомида ҳам берилади, 3 кун олдин ва 3 кун кейин комплекс витаминлар ва микроэлементлар ҳам берилади. В.С.Бузлама, М.И.Рецкий ва бошқалар (1987) бузоклардаги стресс ҳолатини олдини олиш учун кватерин дорисини қўллашни тавсия этадилар. Кватерин бузокларда стресс таъсирини пасайтириш йўли билан, организмнинг умумий резистентлигини оширади, кунлик ўсиши 15,4 фойизга кўпаяди, кондаги аскорбин кислотаси ва холестерин миқдори ижобий томонга ўзгаради. Кватеринни 15-30 мг/кг дозада, сувда эритган ҳолда, озиқага стресс таъсиридан 10-15 кун илгари ва 15-30 кун стресс таъсиридан кейин бериш тавсия этилади.

Стресс таъсирида организмда моддалар алманиниши, шу жумладан липид алманиниши ҳам бузилади. Стрессор таъсирида, организмда холестерин миқдори 13-24 фойизга камайса, бета-липопротеидлар 20 фойизга, умумий липидлар 43 фойизга, триглицеридлар 52 фойизга кўпаяди; глюкоза миқдори камайиб кетади (М.Б.Сафаров, 1989).

Стрессорлар организмда гомеостаз мувозанатининг бузилиши натижасида, ҳимоя воситаларининг кучизланишига, ўсиш ва ривожланишдан колишига, маҳсулдорлигининг пасайишига олиб келади. Кўпинча, стресс таъсирини пасайтириш учун транквилизаторлар (аминоzin, хлор промазин, трифтазин, феназепам ва бошқалар) қўлланилади. Лекин, бу дорилар бир томондан қиммат бўлса, иккинчи томондан ижобий таъсир этиш вақти қиска бўлади. Шунинг учун бузоклардаги стресс ҳолатини яхшилаш учун И.Ф.Горлов ва О.С.Юрина (2006) эраконд дорисини қўллашни тавсия этади. Бу дори ўз таркибида гумин моддаларини, аминокислоталарни, моносахаридларни ва меъёрдаги микроэлементларни сақлайди. Текширишлар эраконд дориси организмнинг ҳимоя воситаларининг фаоллашишига, резистентликнинг ошишига ва стресс таъсирида организмда салбий жараёнларнинг кам юзага чиқишига олиб келишини кўрсатди. Тадқиқчилар солодок ўсимлиги илдизидан

тайёрланган “Тодиками-идеал” дорисини ҳам стресс таъсирини пасайтириш мақсадида қўллашни тавсия этадилар. Бу адаптоген дориси қўлланилганда хайвоннинг иммун тизими иши яхшиланиб, табиий резистентлиги ошган.

Эволюцион ривожланиш даврида, организмда хулкнинг олий шакллари шаклланишида иштирок этувчи рецепторлар мажмуаси шаклланган. Бу рецепторлар мажмуасининг бир маромда ишлашини, стрессор таъсирида ҳам ўз вазифасини меъёр даражасида ижро этишини таъминлайдиган моддалардан бири – бу бензиазепинлардир. Шулар асосида, стрессор салбий таъсирини пасайтириш мақсадида қўлланиладиган феназепам дориси ишлаб чиқилган. Бу дori қўлланилганда стресс таъсирида келиб чиқадиган ўта кўзгалиш ва агрессивлик холати юзага чиқмайди (И.Р.Бродецкий, 1988).

М.Д.Айтуганов ва В.В.Короховаларнинг хабар беришича (1991 й.), стрессор таъсирига қарши ишлатиладиган дori воситалари билан йод ва кобальт микроэлементлари тузлари ҳам кўшиб берилганда, организмнинг нокулай ташки таъсиротларга қарши курашиш қобилияти яхшиланган. Бунда қондаги глюкоза миқдори 10,7 – 14,5 фоизга, гемоглобин миқдори 6,5 фоизга кўтариленган.

А.В.Суворовнинг ёзишича (1991) бузокларнинг технологик стрессорларининг салбий таъсирини пасайтириш мақсадида транквилизаторлар, антибиотик, глюкоза ва витаминлар (А,Д,Е) комплекси қўлланилганда, бузокларда аниқ кўзга ташланадиган стресс белгилари кузатилмаган, кунлик ўсиш даражаси кўпайган. Шу мақсадда аминазин қандай самара берса, данидин ҳам худди шундай стресс таъсирини пасайтиришда ижобий таъсир кўрсатади. Данидин 2 мг/кг дозада қўлланилади.

Экстремал омиллар организмга таъсир этганда, биринчи навбатда энергия алмашиниши кучаяди, углевод тез ишлатилиши натижасида захираси камаяди.

Стрессор таъсири даврида углеводларнинг энг кўп сарфланиши юрак мускулларида, скелет мускулларида, мияда кузатилади. Бу пайтда мускулларда гликолиз даражаси 3,6 марта пасаяди. Бу ўз навбатида липид алмашинишининг юқори бўлишига олиб келади. Шу йўл билан организм, энергия манбаи сифатида бошқа органларда липидни ишлатиб, глюкозани мия фаолияти энергияси сифатида ишлатишга асраб қолади. Органзмда глюкоза захираси камайганда, жигарда оқсил ва липиддан глюкоза синтезланиши кучаяди (Т.А.Третьякова, 1977).

С.А.Мельников стрессорнинг салбий таъсирини пасайтириш учун қўйидаги адантоген воситаларини кўллаш дозаларини аниқлаб берган:

Элеутерококк – 0,5 мл/кг

Дибазол – 1 мг/кг

Гидрокортизон – 5 мг/кг

Витамин В<sub>1</sub> – 3 мг/кг

Витамин С – 10 мг/кг

В.У.Давыдовнинг хабар беришича (1982), стрессорлар таъсир этганда организмнинг унга қарши туриш реакциясида, қалконсимон безлари хам фаол қатнашади ва натижада оксил билан бириккан йод ва бутанол билан экстракция қилинадиган йод микдорлари тез ошади.

Стресс таъсирида отлар организмida липидларнинг перекс оксидланиши жараёни тезлашади ва унинг натижасида ҳосил бўлган заҳарлар микдори организмда кўпаяди. Стресс пайтида “Гамавит”ни кўллаганда, липидларнинг перекс оксидланиш даражаси пасяди, ферментатив антиоксидант фаоллиги ошади. “Фаспасим” ни кўллаганда, ферментлар фаоллиги ва глюкоза меъёр даражада бўлади. “Se-C” ни кўллаганда (1,13 мг/кг дозада) организмда липид оксидланиши ва антиоксидант химояси мувофиқлашади. Стресс таъсирини пасайтириш учун спортга қатнашадиган отларнинг 5-кўкрак, 5-бел, 2-думгаза умурткаларининг бирлашган нуктасига 2 марта, 3 кун оралаб “Гамавит” препаратини 9 мл/бош дозада тери остига юбориш тавсия этилади (О.Г.Сапожникова, 2010).

Транспорт стрессини олдини олиш учун ҳайвонларни жойлаштириш талабларига риоя (100 кг тирик вазнга 40 м<sup>2</sup> жой ажратилиши лозим) килиниши шарт. Корамолни автомашинада ташиш вакти 60-90 дақиқадан ошмаслиги лозим. Масофа узок бўлса, транспортга ҳайвонларни ётиб, дам олишини эътиборга олган ҳолда жойлаштириш керак. Ҳайвонларни ташиш пайтида йўлда тұхташ, ҳайвонларни озиклантириш, сұғориш, уларга дам бериш керак. Транспорт воситаси соатига 50-60 км тезликда харакатланиши лозим.

Кўп сут берадиган сигирлар елини жуда каттаради, икки оёқ орасини кенгайтиради ва стрессор сифатида таъсир этиб, ҳайвоннинг юриши ва ҳаракатланишини қўйинлаштиради. Бу сигирлар сут соғиб олингач елини халтадай осилиб ерга тегади ва сурғичларининг жароҳатланишига ва яллигланишига олиб келади.

Сигирлар кормида ҳомиланинг нотўғри ривожланиши ва аномалия ҳолатидаги (уч оёкли, икки бошли, икки гавдали)

бузокларнинг туғилишини ҳам олимлар стресс таъсири билан тушунтирувчи воситалар витаминлар, микроэлементлар ва антибиотиклар билан биргаликда ишлатилганда, энг яхши профилактик самара беради.

Бузокларнинг транспорт стрессини олдини олиш учун беда экстракти ва микроэлементларни, фойдали микроблар суспензиясини, лактобациллинни стресс таъсиридан беш кун олдин 50 мл.дан ичириш лозим. Трифтазин ва мепадин марказий асаб тизими реакциясини пасайтиради, бузоклар оналаридан ажратилганда комплекс витаминлар ва микроэлементлар бериш тавсия этилади. Кватерин стресс таъсирини пасайтириш йўли билан, организмнинг умумий резистентлигини оширади. Литий сульфати ҳам стрессор таъсирини пасайтирган, адаптация даврини кисқартирган (20 мг/кг мускул орасига).

Стрессларни олдини олиш мақсадида, асосан стрессор салбий таъсирини пасайтириш чора-тадбирлари кўрилади. Ноқулай ташки омилларнинг салбий таъсир кучини пасайтириш учун ҳар хил дори воситалари ишлатилади. Бундай дориларга метилендизал, резерпин, гидроксизин, хлориromазин, трифторменпразин ва бошқалар киради. Буларга транквилизаторлар дейилади. Бу дорилар стресс пайтида тинчлантириш мақсадида берилади (А. Колумбус, 1962).

Стресс таъсири пайтида транквилизаторлар адренокортикотроп гормонларининг кўп ишлаб чиқарилишининг олдини олади. Бузокларга оналаридан ажратишдан илгари транквилизаторлар берилганда, организмнинг чидамлилиги ва стрессга қарши туриш қобилияти ошган (Х.Фабер, 1962).

Стрессга қарши организмнинг курашиш қобилиятини ошириш мақсадида озиқага витаминлар ва микроэлементлар қўшиб бериш ҳам яхши самаралар беради.

Шундай қилиб ҳайвонларга таъсир этадиган кўлгина нокулай ташки муҳит омиллари стресс ҳолатини келтириб чиқаради ва организмнинг кўйидаги кўрсатгичларига салбий таъсир этади.

- маҳсулдорлигига (усишига ва жун маҳсулдорлигига, сут ва тухум беришига)

- маҳсулот сифатига (сугдаги мой микдорига, гўштда мойнинг тақсимланишига, тухум пўчогининг қалинлашишига)

- озукаларни қабул қилиши ва ундан фойдаланишига (ҳазмланиш ва сўрилишига)

- құпайишига
- касалланишига ва ўлимiga

Бу ўзгаришлар стресс таъсиридан кейин аста-секинлик билан намоён бұлады. Стресс таъсирида дархол намоён бұладиган белгиларға, хайвон хулқининг ўзгариши, пульс ва нафаснинг құпайиши, кон құрсағчыларининг ўзгариши киради (М.Ковальчикова, К.Ковальчик, 1978).

Қишлоқ хұжалик хайвонларида стресс таъсирини пасайтириш мақсадида құлланиладиган күйидаги дориларнинг таъсири күйидагича:

1. Метилурацил – асаб тизими иши бузилиши, ошқозон шиллиқ пардасининг жарохатланиши олди олинади (В.Н.Белявский).

2. Фумар кислотаси, кватерин, фенибут, элеутерококк экстракти –хайвонларнинг ўсиши ва ривожланишини фаоллаштиради ва хайвон стресс таъсирига тез мослашади (В.С.Бузлама).

3. Витамин С, дибазол, седуксин, мединал – қоннинг морфологик, биокимёвий ва иммунобиологик құрсақтичларини ижобий томонга ўзгартыради (В.Т.Сидоров, С.И.Пляшенко).

4. Карбромал – конда глюкоза, холестерин ва натрий миқдори ошади, ўсиш ва ривожланиш тезлашади (А.Ф.Козин).

5. Галоперидол – бузоқларнинг транспорт стрессорига эътибори пасаяди, адаптация енгиллашади М.В.Сорокин).

6. Трифтазин, мепадин – марказий асаб тизими реакцияларини пасайтиради.

7. Кватерин – стресс таъсирини пасайтириш йўли билан, организмнинг умумий резистентлигини оширади.

8. Литий сульфат – стрессор таъсирини пасайтиради, адаптация даврини кисқартиради (20 мг/кг дозада мускул орасига юборилади).

9. Нейролептиклар ва транквилизаторлардан хлордиазен, оксид, аминазин, трифтозин, галаперидол, диазепам, оксазепам – аффектив реакцияларни бартараф этади; күзгалиш, безовталаниш, харакат фаоллитини пасайтиради.

10. Витаминлар, микроэлементлар, ферментлар, антибиотиклар, гормонлар.

11. Ҳайвоннинг умумий резистентлигини ошириш учун альфолид, кропалид, винилидни құллаш тавсия этилади.

12. Ўзбекистон шароитида стресс таъсирини пасайтириш мақсадида фумар кислотаси, динезин, пропазин, мебикар, нозепам,

витаминлар, микроэлементларни кўллаш тавсия этилади (М.Б.Сафаров).

13. Итларда стресс таъсирини пасайтириш максадида диазепам, кетотифен, димедрол, новопассит, папаверин, сульфокампокайн, прозерин, диклофенак, метацин, дроперидол ва витаминлар кўлланилади.

14. Ҳайвонларда стресс таъсирини пасайтириш максадида рацион тўйимлигини меъёр даражасида таъминлаш, организмнинг умумий резистентлигини оширувчи, иммун тизимини фаоллаштирувчи, микробга карши курашувчи воситаларни кўллаш, рационга витаминлар, янтар кислотаси, фумар кислотаси, микроэлементларни кўшиб бериш яхши самара беради.

15. Ҳайвонларга ижобий таъсир килувчи микроиклим ва зоогигиена шароитларини яратиш зарур.

16. Организм учун фойдали бўлган микроорганизмларни сакловчи пробиотиклардан кенг фойдаланиш зарур. Бу препаратлар ҳайвонларга сув ёки озука билан берилади. Бунда ошкозон ичак тизимида фойдали микроблар кўпайиб, озуқаларнинг хазмланиш даражасини 40 % га оширади, организмнинг соғлиги яхшиланади.

17. Ҳайвонларда стресс ҳолати ривожланмаслиги учун, уларнинг руҳий ҳолатини ва қайфиятини кўтариш максадида, маълум дозаларда стрессдан олдин транквилизаторлар кўлланилиши ҳам ижобий самара беради (В.Ю.Сидорова, 20014).

18. Транспорт стрессини олдини олиш учун, ҳайвонларни жойлаштириш талабларига риоя ( $100 \text{ кг}$  тирик вазнга  $40 \text{ м}^2$  жой ажратилиши лозим) қилиниши шарт. Қорамолни автомашинада ташиш вақти 60-90 дакиқадан ошмаслиги лозим. Масофа узоқ бўлса транспортга ҳайвонларни ётиб, дам олишини эътиборга олган ҳолда жойлаштириш керак. Ҳайвонларни транспортда ташиш пайтида йўлда тўхташ, ҳайвонларни озиклантириш, сугориш, уларга дам бериш лозим. Транспорт воситаси соатига 50-60 км тезлиқда харакатланиши керак.

19. Бузокларни автотранспортда икки соат давомида ташилганда стресс таъсири натижасида бузоклар тирик вазни камайган, автомашинадан ўзлари тушмаган, мажбурий туширилган ва катакларга қамалган, диарея кузатилган, пульс ва нафас сони 18-42 % га ошган. Транспорт стресси таъсирини пасайтириш максадида седуксен кўлланилганда ( $0,4 - 0,5 \text{ мг}/\text{кг}$  дозада), бузокларда ташки таъсиrotларга бефарқлик, уйкусираш, тактил сезувчанлик ва оғрик сезиш реакцияларнинг пасайиши кузатилган. Бузоклар автомашинага

бефарқылк билан чиқишиган, тинч ва осойишта бўлишган. Тирик вазни, седуксен кўлланилган бузоқларга нисбатан икки баравар кам бўлган, икки соатдан кейин автомашинадан ўзлари осойишталик билан тушиб, бузоқхоналарга кирган. Шунинг учун бузоқларни автотранспортда ташиганда седуксен дориси тавсия этилади.

20. Фумар кислотаси – организмнинг резистентлигини оширувчи, юкори самарали дори воситасидир. Бу дори, ветеринария амалиётида, хайвонлар касалликларини олдини олиш ва стресснинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида кенг кўлланишга мўлжалланган. Фумар кислотаси кўлланилганда хайвоннинг резистентлиги 16 % га ошади, организмнинг адаптациян имконияти кўтарилади, яшовчанлик қобилияти 17 % га юкори бўлади. Шунинг учун фумар кислотаси адаптоген препарат ҳисобланиб, уни кўллаганда (стресс таъсиридан 3-5 кун олдин ва кейин 0,1 г/кг дозада) организмнинг умумий резистентлиги, стрессорларга карши туриш қобилиятини оширади. Бу препарат организм учун заарсиз бўлиб, кумуляция хусусиятига эга эмас (В.С.Бузлама ва бошқалар, 1986).

Стрессга карши кўлланиладиган айрим дориларнинг таъсири кўйидагича:

Стресс таъсирини пасайтириш мақсадида фармокологик ва биологик фаол моддалар кўлланилади. Бунинг учун диетопрофилактика, организмнинг умумий резистентлигини оширувчи, иммун тизимини фаоллаштирувчи, микробга карши, тинчлантирувчи ва дезинфекция килувчи дорилар кўлланилади. Диетопрофилактикада рацион юкори сифатли озуқалар, биологик фаол моддалар, энергияга бой озуқалар, тўйинмаган мой кислоталари, органик ди- ва трикарбон кислоталар, гликозитлар, алмаштирилиб бўлмайдиган аминокислоталар, микроэлементлар (йод, кобальт, рух, мис, марганец), витаминалар (витамин А, Д, Е, В<sub>12</sub>, В<sub>15</sub>, С) билан бойитилади. Витаминалар ва микроэлементлар тавсия этилган меъёр кўрсаткичларидан 20-30 фоиз кўп микдорда берилиши лозим. Бу тадбирлар стресс таъсиридан 5-7 кун илгари ва 10-14 кун кейин берилиши керак.

Хайвонларнинг стресс таъсирида ўта кўзғалишини ва тажавузкорлигини олдини олиш учун кўйидагилар кўлланилади: 1) аминазин – қорамол учун 0,7-1,0 мг/кг, чўчқага 0,25-0,5 мг комбикормга кўшиб, стресс таъсиридан бир кун олдин, стресс таъсиридан кейин 5-7 кун давомида берилади. 2) феназепам – 1 кг вазнига 5-10 мг дозада, озуқага кўшиб берилади ёки ичирилади. 3) фенибут – 1 кг вазнига 5-7 мг дозада, озиқага кўшиб кўлланилади.

Умумий резистентлик ва иммун фаолликни ошириш мақсадида куйидагилар стресс таъсиридан 5-7 кун илгари ва стресс таъсиридан 10-14 кун кейин қўлланилади: элеутерококк экстракти 1 кг тирик вазнига 0,05-0,1 мл; дибазол -1 кг вазнига 1-10 мг; пропиовит ва пропиоцид, 1 кг вазнига 0,05,12 мг; кватерин 1 кг тирик вазнига 0,25 мг; аскорбин кислотаси 1 кг тирик вазнига 50 мг; фумар кислотаси 1 кг комбикормга 1-2 г.

Стресс таъсирини пасайтирувчи юкоридаги фармакологик ва биологик фаол моддалар биргаликда қўлланилганда самарадорлиги юкори бўлади.

(w.w.w.ALLvet.ru)

В.С.Бузлама ва бошқалар (1989), стрессга қарши фумар кислотаси, кватерин, фенибут ва элеутерококк экстрактини ишлатиб текширганлар. Текшириш натижалари шуни қўрсатадики, бу дориларни қўллаш чўчқа болаларининг ривожланишини фаоллаштиради ва уларни стресс таъсиротларига анча мослаштиради, тирик оғирликлари ошади, касалланиши 1,5-3 баробарга камаяди.

Шу мақсадда С.И.Плященко ва В.Т.Сидоровлар (1990) аскорбин кислотаси, дибазол, седуксин ва медикалнинг самарадорлигини 60 кунлик чўчқа болаларини онасидан ажратишдаги стрессорлар таъсирига, уларнинг адаптация механизми ҳамда қоннинг морфологик, биокимёвий ва асосий иммунобиологик қўрсаткичларини ўрганиб, бу қўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгарганлигини таъкидлайдилар.

В.С.Бузлама ва В.А.Санжаровлар (1984) чўчқаларни янгидан гурухлаш ва бошка жойга қўчириш пайтидаги стресс таъсирида организмда бактериоцид ва лизоцим фаолликларини 12,8-41,3 фоизга пасайиши ва микрофагларнинг 16,5-20,6 фоизга камайишини аниқлаганлар. Булардан ташқари, организмда модда алмашинувининг бузилиши ва катаболизм жараёнларининг устунлик қилиши кузатилган.

И.Ф.Горлов ва О.С.Юрина (2006) беда экстракти ва микроэлементлардан тайёрланган эроконд дорисини стрессга қарши қўллашни тавсия этадилар. Бу дori ўз таркибида гумин моддаларини, аминокислоталарни, моносахаридларни ва меъёрдаги микроэлементларни сақлайди. Эроконд дориси организмнинг химоя воситаларининг фаоллашишига, резистентлигининг ошишига ва стресс таъсирида организмда келиб чиқадиган салбий жараёнларнинг камайишига олиб келади. Беда экстрактига прополис ва витаминлар кўшиб берилганда, самараси яна яхши бўлади.

Стресс таъсирини пасайтириш максадида ёнгоқнинг мум-пишиқ даврида тайёрланган экстрактига витаминлар, микроэлементлар кўшиб берилса, ёки прополис кўшилса яхши самара беради.

### Ҳайвонларда стресс таъсирини пасайтирувчи воситалар

<b>Стресс турлари</b>	<b>Стресс таъсирини пасайтирувчи воситалар</b>
-Транспорт	- Метилурацил
-Ветеринария тадбирлари стресси	- Фумар кислотаси
-Зоотехния тадбирлари стресси	- Кватерин
-Психик стресс	- Фенибут
-Эмоционал стресс	- Дибазол, седуксен
-Озиқа стресси	- Мединал
- Икlim стресси	- Галоперидол
- Технологик стресслар	- Элеутерокок экстракти
- Мавке стресси	- Аминазин
	- Метиразин
	-Трифтозин
	-Диазепам
	-Оксазепам
	-Витаминлар
	-Микроэлементлар
	-Данидин, карбромал
	-Пропамед, метимидазол
	-Винилид
	-Фенозепам
	-Пропамед, метимидазол
	-Ванилид
	-Пропазин, гидроксизин
	-Мебикар
	-Нозипам
	-Карбромал
	-Метимидазол
	-Гидроксизин

Хозирги кунда стрессор таъсирини пасайтириш мақсадида қўлланилган тирозин гормони яхши самара бермоқда.

Интернет маълумотларида стрессни олдини олиш мақсадида қўйидагилар тавсия этилади:

- Беда экстракти ва микроэлементлар аралашмаси.
- Швецария олимлари стресс реакцияларнинг келиб чикишидан қатъий назар стресснинг организмга таъсир килишини тўхтатадиган бирикмани ишлаб чиққанлар ва унга Дельта – сон индуцираилловчи пептид (ДСИП) деб ном берганлар.
- Япония олимлари ҳайвонлар стрессларига қарши курашнинг энг арzon, осон, қўллаш қулай бўлган ЭМ (эффективные микроорганизмы) препаратини ишлаб чиқиб, стрессга қарши самарали восита сифатида таклиф этганлар ва ҳозирги кунда бу препаратларни дунёнинг 80 та мамлакати чорвадорлари қўлламоқдалар. Бу дори сувга аралаштирилиб, ичирилганда ошқозон ичаклардаги фойдали микроорганизмларни мувофиқлаштиради, озуқаларнинг ҳазмланиши ва организмга сўрилишини яхшиланиши натижасида, организмнинг резистентлиги яхшиланиб, стрессга қарши туриш қобилияти ошади.

Организмнинг химоя кучларини ошириш мақсадида витамин А, Д, Е, С, глюкоза, микробларга қарши воситалар қўлланилади. Шу мақсадда ТВАГ, АНВАГ, амикал дорилари ишлаб чиқарилмоқда ва қўлланилмоқда. Бу дорилар ўз таркибида аминазин, витаминлар, аминокислоталар ва глюкоза сақлайди.

Ҳайвонларни операция қилгандаги стрессга қарши курашиш учун, операциядан олдин 2 % ли стерил ромпун, аролепун, хилозин эритмаларини 0,5 – 1 мл/100 кг тирик вазнга юбориш тавсия этилади. Бўғоз ҳайвонларга қўлланилмайди. Стрессни олдини олиш учун ҳайвонларни сақлаш, озиклантириш, юргизиш, ташиш, маҳсулот олиш жараёнларида стресс ҳолатларининг келиб чикишига йўл қўймаслик керак. Тез-тез ҳайвонларнинг янги гурухларини тузишдан воз кечиш керак, ҳайвонларни транспортда ташиш коидаларига риоя қилиш лозим.

Ветеринария ва зоотехния чора тадбирларини ўтказишдан 2-3 кун олдин ва 2-3 кун кейин стрессни олдини олувчи дорилардан бериш керак. 1-2 соат илгари маҳсус дорилар қўлланилиши керак.

Эмоционал – оғрик стрессини олдини олиш учун (эмлаш, кон олиш, ахталаш, тамға босиш, тарозида тортиш) 1-2 соат олдин озуқ билан аминазин ва олететрин берилади. Бу аралашма стресс

тасыридан кейин 2 кун давомида ҳам берилади. 3 кун олдин ва 3 кун кейин комплекс витаминалар ва микроэлементлар ҳам берилади.

Аминазин мускул орасига, транспортта ортишдан 1-3 соат илгари ва туширгандан 12-24 соатдан кейин 0,5-2 мг/кг дозада юборилади. Оғиздан ичирилганда доза 2-2,5 марта күпайтирилади. Транспортда ташигандан кейин 3-5 кун давомида аминазин мускул орасига, 0,3 мг/кг дозада инъекция қилинади. Стрессни олдини олиш мақсадида қорамолга транспортда ташышдан 2-3 кун олдин ва 3-5 кун кейин аминазин 0,7-1 мг/кг дозада омухта емга күшиб берилади.

Галоперидол мускул орасига 0,1 мг/кг дозада инъекция қилинади.

Резерпин эмоционал-օգրիկ стрессини олдини олиш мақсадида стрессдан 1 кун илгари, 1,0 мг/кг дозада оғиздан ичирилади.

Литий карбонат стрессдан олдин 15 мг/кг дозада оғиздан ичириллади, стрессдан кейин 3 кун давомида, кунига 2 марта, 10 мг/кг дозада оғиздан ичирилади.

Транквилизаторлардан: феназепам оғиздан 0,3 мг/кг дозада, 3-7 кун давомида берилади. Нозепам (оксозепам) озука билан 0,3-0,5 мг/кг дозада, кунига 2-3 марта, 1-2 кун давомида берилади. Амизил (бенактизин) күйларга оғиздан 0,1-0,3 мг/кг дозада оғиздан берилади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Эволюция жараёнида вужудга келган барча тирик организмларнинг энг асосий хусусиятларидан бири – турли хилдаги ташки мухит таъсиротларига мослашиш ва ички мухит доимийлигини (гомеостазни) саклаш қобилиятидир.

Шунинг учун тирик организмларнинг ҳаёти доимий мослашув ва адаптация бўлиб, организмдаги барча ўзгаришлар эса мослашув ўзгаришларидир.

2. Организм ички мухитининг доимийлиги, организмнинг эркин ҳаётининг асосий шарти хисобланади (Клод Бернар, 1878).

3. Ташки ва ички мухитлардаги кучли таъсиротлар организмдаги физиологик ва биохимик жараёнларнинг ўзгаришига, аввал номахсус синдромларнинг, кейинчалик маҳсус синдромларнинг келиб чикишига олиб келади.

4. Организмнинг ташки мухит ўзгаришлари ва таъсиротларига мослашиши, ҳаётий жараёнларнинг асосини ташкил этади ва бунда асаб тизими фаол иштирок этади. Ҳар қандай ташки ва ички мухитдаги ўзгаришлар асаб тизими орқали организмдаги физиологик ва биохимик жараёнларнинг ўзгаришига олиб келади. Бунда, аввал номахсус синдромлар, кейинчалик эса шу омиллар таъсирини характерлайдиган маҳсус синдромлар келиб чиқади.

5. Г.Селье (1936 йил) ҳар хилдаги физиологик ва патологик омиллар (стресслар) таъсири натижасида келиб чиқадиган ўзгаришларни “Умумий мослашувчанлик синдроми” деб атади. Маҳаллий ёки умумий қўзғалувчанлик ҳолатини стресс деб, стресс ҳолатини келтириб чиқарадиган омилларни стрессорлар деб атади.

6. Организмда умумий ёки маҳаллий қўзғалувчанлик ҳолати, стресс ҳолати, стресс ҳолатини келтириб чиқарувчи омилларни стрессорлар деб аталади.

7. Биологик тизимдаги барча номахсус синдром тарзида чакириладиган ўзгаришларни ўз ичига олувчи маҳсус синдром кўринишида намоён бўладиган ҳолатга стресс дейилади.

8. Стресс – бу организмнинг ташки мухитнинг зарарли таъсиротларига қарши курашиши, ҳимояланиши натижасида кучаниши, кучли иш бажаришидир.

9. Қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларининг организмига доимо ташки мухитдаги ҳар хил омиллар таъсир этади, бунга ҳайвонларни саклаш усувлари, озиқлантириш технологиялари, жойлаштириш зичлиги, янги гурухлар тузилиши ва уларнинг ҳажми, молхонанинг

микро иқлими, сугориш ва сувнинг сифати, сут согиши, тарозига тортиш жараёнлари, ветеринария профилактик тадбирларни ўтказиши, зоотехник тадбирларнинг ўтказилиши, ташки мухит ҳарорати, намлиги ва бошқа омиллар киради.

10. Стрессорлар келиб чикишидан қатъий назар 5 гурухга бўлинади: механик, физик, химик, биологик ва психологик. Улар организмга таъсир килганда физиологик жараёнларга салбий кучли таъсир этади, органлар ва тизимларнинг иш жараёнларининг бузилишига олиб келади. Булар фавқулотдаги ёки экстремал стрессорлар деб аталади.

11. Канада олими Г.Селье стрессга “биологик тизимда маҳсус бўлмаган ўзгаришларни ўз ичига оладиган маҳсус синдром билан ифодаловчи ҳолат” деб таъриф берди.

12. Ҳозирги пайтда стрессга “Ўз табиатига кўра кучли бўлган ҳар хил стрессорлар таъсирига карши организмнинг умумий жавоб рсакциясининг йигиндиси” деб каралмоқда.

13. Стресс ривожланишининг биринчи босқичида организмда органик моддаларнинг парчаланиш жараёни (катаболизм, диссимилляция) кучаяди, натижада ҳайвон оріклайди, маҳсулдорлиги камаяди. Ушбу босқич қоннинг кисман куюқлашуви, қон томирлари девори ўтказучанлигининг ошиши, ошқозон-ичакларда қон куйилишларнинг пайдо бўлиши ва шу жойларда яраларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Бу босқич 6-48 соат давом этади. Агарда стрессор таъсири жуда кучли бўлса, ҳайвон бир неча соат ёки кунда ҳалок бўлади.

Иккинчи босқич – Резистентлик ёки мослашиш (адаптация) босқичи ҳисобланаби, стрессор таъсири давом этган ҳолларда ривожланади ва буйрак усти безларининг катталашуви, улар функцияларининг кучайиши, организмнинг умумий ва маҳсус (специфик) резистентлигининг ошиши билан характерланади. Бу босқичда модда алмашинуви ўз меъёрига қайтади, стрессор таъсирининг бошида юз берган салбий ўзгаришлар йўқолади (қон суюқлашади, гормонлар миқдори нормага келади, модда алмашинуvida синтезланиш жараёнлари устунлик килгани (анаболик) учун ҳайвоннинг тана вазни ва маҳсулдорлиги тикланади); организмнинг бошқа стрессорларнинг таъсирига нисбатан чидамлилиги ошади. Бу босқич бир неча соатдан бир неча кун, ҳатто бир неча хафтагача давом этади. Агар стрессор таъсири тұхтаса стресснинг ривожланиши шу босқич билан тугалланади.

Учинчи боскич – Ҳолсизланиш ёки организмнинг стрессор таъсирига жавоб бера олмаслик боскичи. Стресснинг таъсири давом этса, буйрак усти бези ва бошка тизимларнинг адаптация фаолияти кучизланган ёки тұхтаган пайтда юз беради. Бунда кон босими, тана ҳарорати ва глюкоза захираси, кондаги сут кислотаси ва аминокислоталар міңдори пасаяди. Модда алмашынуви бузилади, ҳар хил дистрофик жараёнлар ривожланади. Ошқозон-ичак тизимида кон қуишилар ва яралар пайдо бўлади, катаболизм (парчаланиш) устунлик қиласи, тирик вазни ва маҳсулдорлиги пасаяди. Бу боскичда организмда кайта тикланмайдиган ўзгаришлар келиб чиқади ва ҳайвон ўлади.

14. Ташки мұхитнинг күчли ва доимий таъсир этувчи салбий таъсиrottлари ҳайвонлар организмида стресс ҳолатини келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишдан қолишига, маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади. Шунинг учун стрессорларнинг организмга таъсир кучини олдини олиш ёки пасайтириш, чорвачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

15. Организмда стрессор таъсирида келиб чиқадиган химоя реакциясида организмнинг ички мұхитининг доимий саклаб турилишида асаб тизими, эндокрин безлари ва гипоталамус-гипофизар адреналин тизими жуда катта роль йўнайди.

16. Стрессор таъсирини биринчи бўлиб периферик асаб рецепторлари кабул қиласи ва бош мия пўстлоқ кисмига узатади. Бу ердан маълумот гипоталамусга берилади (гипоталамус гипофизнинг олдинги қисмидаги гормонларнинг ишлаб чиқарилишини бошқаради). Бунга жавобан гипоталамусдан асаб медиатори-кортикостерон-рилизинг гормони ажралади ва гипофизда адренокартикотроп гормонлари кўплаб ишлаб чиқарилади. Стрессор таъсири симпатик асаб йўллари бўйлаб буйрак усти безининг мия кисмига берилади ва у ерда адреналин гормонининг синтезланиши ва ажралиб чиқиши амалга оширилади.

17. Стрессор таъсирида кон таркибидаги катехоламин гормони міңдори тезда ошиб кетади ва бу ўз навбатида ҳужайраларда биохимик жараёнларнинг бузилишига сабабчи бўлади: ҳужайра мембраннынинг ўтказувчанилигинг бузлиши натижасида, ҳужайраларнинг ичидаги кальций міңдори кўпайиб кетади ва метахондрияларни парчаловчи ҳолатни келтириб чиқаради.

18. Адаптация реакцияси мувозанат ҳолатидан турли хилдаги оғишлилар ва организм доимийлиги (стабиллигиги)нинг бузилишлари

били намоён бўлади. Агар стрессорлар таъсири ўта кучли ва давомли бўлса, адаптация жараёнида касалликлар келиб чикади. Бундай касалликларга адаптация касалликлари ёки етишмаслик касалликлари деб аталади.

19. Адаптация реакциясининг хусусияти стрессорга ва уларнинг таъсир кучига боғлиқ. Бунда уч хилдаги реакция ривожланиши мумкин:

- кучсиз таъсиротга карши
- ўрта даражадаги таъсиротга қарши
- кучли, фавкулотдаги экстремал таъсиротта карши

Мослашув реакцияси фақат кучли таъсиротлар пайтида пайдо бўлади.

20. Стресс пайтида организмда химоя элементлари билан бирга, жароҳат элементлари ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам, фақат кучли стрессорга нисбатан пайдо бўлган реакция стресс хисобланади.

21. Кучсиз стрессга нисбатан организм “машқ қилиш реакцияси” деб аталадиган умумий номахсус адаптацион реакция билан жавоб беради.

Ўрта даражадаги стрессорга нисбатан “активация реакцияси” билан жавоб беради ва бу реакция организм химоя тизими фаоллигининг кўтарилиши билан характерланади.

22. Стрессларнинг номахсус таъсиротлар таъсиридан пайдо бўладиган химоя реакцияларининг вужудга келиши механизмида ва организм ички муҳити доимийligининг сакланишида эндокрин безлари, асосан гипоталамо-гипофизар-адренал тизими катта аҳамиятга эга.

23. Ташки муҳитнинг кучли ва доимий таъсир этувчи салбий таъсиротлари ҳайвонлар организмидаги стресс ҳолатини келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида, ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишидан қолишига; маҳсуллорлигининг пасайишига, ҳар хил касалликларнинг ривожланишига, ҳатто ҳалок бўлишига олиб келади. Шунинг учун стрессларнинг организмга таъсир кучини олдини олиш ёки пасайтириш, чорвачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

24. Стрессларнинг салбий оқибатларини камайтириш ёки олдини олиш учун, стресс реакциялари ривожланишининг бошланишини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Чунки стресс ҳолати ўз вақтида аниқлангандағина, ташки муҳитнинг ноқулай омилларини

бартараф этиш ва ҳайвонлар маҳсулдорлигининг пасайишининг олдини олиш чора тадбирларини ўтказиш имкониятини яратади.

**25. Стрессга жавоб реакциясининг**

1-фазасида – гипотония, гипотермия, гипоконцентрация, мускул тонусининг пасайиши;

2-фазасида – кон босимининг кутарилиши, капиллярларининг ёрилиши, кўзгалиши ёки депрессия белгилари кузатилади.

Шунинг учун, стрессор таъсирида, ҳайвон организмида қисқа муддатда ҳам функционал, ҳам морфологик ўзгиришлар ривожланади, ошқозон-ичакда, юракда кон куйилишлар кузатилади ва яралар ҳосил бўлади. Бу ўзгиришлар кучли стрессорлар таъсирининг биринчи дақиқаларида ривожланади.

**26. Чорвачиликда техника ва технологиялар қанчалик кўп ишлатилса, ҳайвонлар орасида стресс таъсирида касалликларнинг ривожланишига сабабчи бўлади. Бунинг олдини олиш учун чорвадор мутахассислар зоогигиена меъёрларига, айниқса товуш мсъёрларига риоя қилишлари лозим.**

**27. АҚШ ва Канада хозирги кунда енгил типда курилган ярим очиқ бинолардан фойдаланмоқда. Бу биноларда вентеляция аппаратлари шовқинлари олди олинади.**

**28. Организмнинг адаптация давридаги мослашувида витаминлар ва гормонлар асосий роль ўйнайди.**

Пантотен кислотаси (витамин В<sub>3</sub>) кофермент шаклида синтезлаш ва энергия ҳосил бўлиш жараёнларида иштирок этади. Қондаги пантотен кислотасининг кофермент шаклидаги фаол бирикмаси ҳисобланган ацетил – КОА-нинг микдори ва фаоллигига унинг ацетиллаштирувчи хусусияти боғлик. Пантотен кислотаси стресс пайтида берилса, организмда оксидланиш – тикланиш жараёнлари кучайиб, ацетил – КОА кўп ҳосил бўлади.

Стресс пайтида гормонлар асосан маҳсус рецепторлар оркали таъсир этиб, катехоламин ва полипептид гормонлар, АТФ билан алокада бўлиб, РНК ва ДНК-ни фаоллаштиради. Тиреоид гормонлар хужайра тузилишининг шаклланишини бошқаришда иштирок этади.

**29. Кишлек хўжалик ҳайвонларида стресс таъсирини пасайтириш максадида куйидаги дори-дармонлар тавсия этилади.**

- В.Н.Беляевский ва О.Н.Воскресенский метилурацил дорисини тавсия этадилар. Бу дорини стресс таъсирига қарши кўллаганда, асаб тизими ишининг бузилиши пасайган, ошқозон шиллик пардасининг жарохатланиши камайган, мойларнинг қондаги концентрацияси пасайган.

30. Б.С.Бузлама чўчка болаларидағи стресс таъсирини пасайтириш учун фумар кислотаси, кватерин, фенибут, элеутерококқдан фойдаланишни тавсия этади. Бу дорилар қўлланганда, чўчка болаларининг ўсиши ва ривожланишини активлаштиради, уларни стресс таъсиrotлариға анча мослаштиради.

Шу максадда В.Т.Сидоров ва С.И.Пляшенко аскорбин кислотаси, дигазол, седуксин, мединал дори-дармонларини қўллашни тавсия этадилар. Бу дорилар таъсирида ҳайвонлар организмида қоннинг морфологик, биокимёвий ва иммунобиологик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгарилиши.

31. А.Ф.Козин бузокларни транспорт воситалари билан ташиш пайтидаги стрессорлар таъсирини пасайтириш учун карбромал дорисини 1-2 мг/кг дозада қўллашни тавсия этади. Бунда кон таркибидаги глюкоза, холестерин ва натрий миқдорларининг ошиши; ўсиш ва ривожланишнинг тезлашиши аниқланган.

Шу максадда М.В.Сорокин галаперидол дорисини қўллашни тавсия этади. (0,045 – 0,18 мг/кг дозада). Бунда бузокларнинг транспортда ташишга эътибори пасаяди, қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсатгичларининг ўзгаришларининг олди олинади, тирик вазни камаймайди, оранизмнинг янги шароитларга мослашиши енгиллашади.

32. М.К.Ступак (1987) чўчка болаларини онасидан ажратиш пайтидаги стресс таъсирини пасайтириш учун премикс ишлаб чиқсан. Чўчка болалари 26-30 кунлигига, тирик вазни 6-8 кг-га етганда, оналаридан ажратилиди ва сут бермасдан, концентрат озукалар билан боқиласди. Шу даврда, стресс таъсирида чўчка болаларининг кўпчилиги касалланади. Шуни олдини олиш учун муаллиф чўчка болаларига оналаридан ажратишдан олдин ва кейин куйидаги премиксни концентрат озукага кўшиб беришни тавсия этади: Витамин Е 1-1,234 г; В<sub>1</sub>-1,158 г; В<sub>и</sub>-15,5 г; В<sub>6</sub>-0,27 г; В<sub>12</sub>-0,5 мг; С-15,5 г; этионин-30,85 г; протосубгилин-0,135 минг ЕД; тризин-1,2 г; темир-0,035 г; рух (цинк)-3,24 г; кобальт-0,1 г; кепак-1 кг.

33. Паррандалар рацион таркибида оқсил, витаминалар, аминокислоталар ва бошқа биологик фаол моддалар етишмагандан; сақлаш шароити бузилганда (шовқинлар, ҳарорат ва намлигининг нормадан юқори ёки паст бўлиши, кам ҳаракатлик), заҳарланишлар, ветеринария ва зоотехния тадбирларини ўтказганда (эмлаш, текширишлар ўтказиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, ҳар хил касалликлар) стресс ҳолати келиб чиқади. Стресс ҳолати паррандаларнинг умумий ҳолатига, иммунитет ҳосил бўлишига

салбий таъсир этиб, маҳсулдорлигининг пасайиши ва ҳар хил касалликларга чалинишга олиб келади, тирик вазни 10-15 фоизга, тухум бериш 10-12 фоизга камаяди. Стрессор таъсирини пасайтириш учун аминазин, трифтазин, феназепам, амизил, резерпин, аминавитал дориларини қўллаш тавсия этилади (Б.А.Банумен, 2008).

34. С.И.Пляшенко ва В.Т.Сидоров (1978) нинг таъкидлашларича, стресс препаратларини организмнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатадиган, модда алмашинувини яхшилайдиган ва химоя қобилиятини оширадиган моддалар (витаминалар, антибиотиклар, ферментлар ва ҳ.к.) билан биргалиқда ишлатган пайтлардагина энг яхши профилактик самарага эришиш мумкин.

35. Ҳайвонларнинг стресс таъсирида ўта қўзғалиш ва тажавузкорлигини олдини олиш учун куйидагилар қўлланилади:

1. Аминазин – 1 кг тирик вазнига корамол учун 0,7-1,0 мг; чўчқага 0,25-0,5 мг комбикормага кўшиб, стресс таъсиридан бир кун олдин ва стресс таъсиридан кейин 5-7 кун давомида берилади.

2. Феназепам – 1 кг тирик вазнига 5-10 мг дозада ёки озукага кўшиб берилади.

3. Фенибут – 1 кг тирик вазнига 5-10 мг дозада озукага кўшиб 10-15 кун стресс таъсиригача ва таъсиридан кейин берилади.

36. Коракўлчилика 3-5 кунлик қўзиларни коракўл тери олиш учун сўйилиши, қўзи оналари учун жуда кучли стрессор ҳисобланади. Бу стресс таъсирида она қўйларда безовталаниш, маъраб, тез-тез боласини чакириши, тўхтовсиз харакат, иштаҳанинг бўлмаслиги, сийдик чиқаришнинг тезлашиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, пульс ва нафас сонининг ошиши кузатилади. М.Б.Сафаров комплекс А, Д, Е, F, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, PP, С витаминаларини стресс таъсиридан олдин ва кейин 3-5 кун давомида она қўйларга беришни тавсия этади.

37. Организмдаги физиологик ва биохимик жараёнларни ташки ва ички муҳитлардаги кучли таъсиротлар ўзгаришига олиб келиб, аввал номахсус синдромларнинг, кейинчалик маҳсус синдромларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

38. Стрессор таъсирида ҳайвон организмидаги қисқа муддатда ҳам функционал, ҳам морфологик ўзгаришлар: гипотония, гипотермия, гипоконцентрация, мускул тонусининг пасайиши, кон босимининг кўтарилиши, кон капилярларининг ёрилиши, қўзғалиш ёки дипрессия, ошқозон ичакда, юракда, кон куйилишлар, яралар ривожланиши кузатилади.

39. Стрессорларнинг таъсиридан пайдо бўлган химоя реакцияларнинг вужудга келиши механизмида ва ички муҳити доимиyllигининг сақланишида эндокрин безлари асосан гипоталамо-гипофизар-адреналин тизими катта аҳамиятга эга.

40. Организмдаги адаптацион ўзгаришларнинг биологик аҳамияти жуда катта. Бу – энг аввало, гомеостазнинг доимиyllигини сақлашга қаратилган механизмлар фаолиятининг кучайиши билан белгиланади. Мослашув реакциялари организмнинг ҳаётий функцияларини мөъёрда бажарилишига, унинг ташки муҳит шароитлари ўзгаришларига мослашишини амалга ошириш в барча тизимларнинг физиологик ўзаро мувофиқлашган ҳолда фаолият кўрсатишини таъминлаш максадида қайта куришга қаратилган бўлади.

41. Ҳайвоннинг асрлар давомида шаклланган табиати ва физиологик хусусияти ташки муҳит шароитлари ва чорвачилик юритиш технологиясида юз берадиган ўзгаришларга ўхшаб тезлик билан ўзгариш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам организмнинг биологик табиати, унинг физиологик имкониятлари ва ташки муҳит ўзгаришлари ўртасида номутаносиблик пайдо бўлади ва стресс ҳолати келиб чиқади.

42. Итларда стресс ҳолатининг ривожланишига: ит эгаларининг вакти етишмаслиги натижасида, уларни сайрга олиб чикмаслик; итларни кўп топшириқларни бажаришга мажбур қилиш; ит эгасига бошқа одамларнинг (эри ёки хотини, ота-онаси, фарзандлари, қариндошларининг жуда яқин муносабатлари ва муамалалари, мулоқотлари, ўпишиши, ўйинга тушиши, қўлини ушлаб туриши; оиласдаги жанжаллар, келишмовчиликлар сабаб бўлиши мумкин.

43. Стрессор таъсирида итларда ҳаяжон, кўркув, жўшкин хистайғу ривожланади; юрак иши, тер ажралиши кучаяди; сұлак окади, ҳайвон хавфсиз жойга яширинади; орқа оёкларининг фалажланиши; қалтираш, тутканоқ тутиши, харакатининг бузилиши (атаксия), гандираклаб юриши, вактинча кўрмаслик кузатилади. Бундай ит озука қабул килмайди, сайрга чикмайди, итлар ўта қўзгалган ёки руҳан тушкунликка тушган ёки маъюслик ҳолатида бўлади; тажовузкор бўлиб, атрофдаги нарсаларни тишлайди, озукага хос бўлмаган нарсаларни ейди, кўп акиллайди.

44. Итларга стрессор таъсир этганда, ит эгалари уларни эркалатиб, яхши муомала қилиб, дам беришлари яхши самара беради.

45. Ит эгалари кўпинча итга муомала қилишни, озиқлантириш ва сайрга чикаришни, машқ қилдириш технологияларини

билимасликлари оқибатида салбий эмоционал психик таъсир кўрсатадилар. Ит эгаларининг итга етарли даражада эътибор бермасликлари, меъёр асосида ўз вактида озиқлантирмасликлари, сайр килдирмасликлари ёки машқ килдирмасликлари итга стрессор сифатида таъсир этади ва стресс ҳолати ривожланади. Ҳозирги кунда ит эгаларининг мобил телефонлари ҳам итларда стресс ҳолатининг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бунда итларнинг эгалари сайрга чиққанда итга керакли вактни ва эътиборни ажратмасдан, етарли миқдорда сайр ёки машқ килдирмасдан, факат мобил қўнғироқларга жавоб берадилар, бу ҳолат итга стресс каби таъсир этади.

46. Стресс таъсирини пасайтириш максадида ҳайвонларга стресс таъсиридан 1-3 кун олдин ва стресс таъсиридан кейин 5 кун давомида метаразин, этаперазин, трифтазин, фторфеназин, тиоксантин, седуксен, дигазол, кватерин, микроэлементлар ва витаминлар қўлланилади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Абсаматов Р. Адаптивные реакции щитовидной железы у рептилий к солнечнотепловому перегреванию.-Вкн. Адаптация организма к высокой температуре среды. Тез.докл.симпоз. Ташкент, 2-3 июня 1980 г. Ташкент, фан, 1980 г. С.5-6.
2. Айтутанов М.Д., Корохова В.В. Эффективность подкормки нетелей солями микроэлементов антистрессовой обработки телят. Международная конференция. Зоотехния и биология животных и ветеринария. 1-часть. Бишкек, 1992 с.18-19.
3. Бузлама В.С. Применение фумаровой кислоты для профилактики транспортного стресса у бычков: Информ.лист / В.С.Бузлама, М.М.Рецкий, С.В.Шабунин, Воронежский ЦНТИ. – 1987. – С. 77-87.
4. Бузлама В.С. Стресс в промышленном свиноводстве. М.: Сельское хозяйство за рубежом. 1976, № 8.
5. Бузлама В.С. Стресс и его профилактика в промышленном животноводстве // Материалы в помощь сельскохозяйственному производству. Воронеж, 1980. – Вып.6. – 4.3. – С. 38-39.
6. Бузлама Б.С., Санжаров В.А. Стресс у свиней: его последствия профилактика. Ветеринария. М. 1984, 7, 56.
7. Бузлама В.С. Перспективный стресс-проектор / В.С.Бузлама, М.И.Рецкий// Ветеринария 1985, № 4. -60-63.
8. Бузлама В.С. Методическое пособие по изучению процессов перекисного окисления липидов и системы антиоксидантной защиты организма у животных / В.С.Бузлама, М.И.Рецкий, Н.П.Мещеряков, Т.Е.Рогачева. Воронеж. -1997. -35 с.
9. Бузлама В.С. Лигфол антистрессовый препарат для норок/ В.С.Бузлама // Ветеринарная патология. -2005. № 1. С. 110-112.
10. Бузлама В.С. Антиоксидантная защита и иммунологическая резистентность у кур при технологическом стрессе и его коррекции: автореф. дис.канд.биол.наук / В.С.Бузлама.Воронеж. 2003. -24 с.
11. Бузлама В.С., Агеева Т.И., Рецкий М.И. Фармакотоксикологическая характеристика фумаровой кислоты. Ветеринария, 1986, 3, 44-53 с.
12. Баранников В.Д., Волков Г.К. Действие некоторых стресс-факторов на организм телят. М. Ветеринария, 1997, 8, 48-50.
13. Бузловская Л.К., Ковалева. Стресс у кур, препаратами янтарной кислоты ГОУ ВПО Болгародский гос: университет, № 10, 2007, том 2.
14. Багуш А.А. “Повышение Качества мяса” Мин.: Ураджай, 1980. 120 с.
15. Байдавлятов А.Б. и соавт. Методические рекомендации по профилактике стрессов в птицеводстве. Харьков , 1979.
16. Виру А.А. Патогинетические механизмы стресса // Успехи современной биологии. – 1979, - Т. 87. Вып.2. – С. 271-286.
17. Виру А.А. Функциональные нарушения при стрессе. // Успехи физиол.наук – 1980. – Т.//. - №4. – С. 27-46.

18. Вали Н.К., Арышева Л.П., Романова А.С. Физиологические характеристики спортивных лошадей // Сб.науч.тр. / ВНИИ коневодства, 1989, 91-95.
19. Воскресенский О.Н. Биокнитиоксиданты-облигатные факторы питания /О.Н.Воскресенский, В.Н.Бобырев // Вопр. Мед Химии. 1992. –Т. 38, № 4. С.21-26.
20. Волкова И.О. Сравнительная оценка действиепиридоксина, ретинола и токоферола на растущих животных при адаптации к технологическим стрессам. Международная конференция.1-часть. Сам-1991.
21. Горбунова Н.Д. Влияние недопинговой микрозлементной добавки на восстановление спортивных лошадей после интенсивных физических нагрузок. Автореф. диссертации, Рязань,Ю 2008.
22. Голиков А.Н. Адаптация сельскохозяйственных животных. – М.Агропромиздат, 1985 – 216 с.
23. Голиков А.Н. Физиологическая адаптация животных. М. Ветеринария, 1988, 11, 55-58.
24. Горлов И.Ф., Юрина О.С. Препарат для снижения влияния технологического стресса на телят в период выращивания и откорма. М. Ветеринария, 2006, 6, 49-50
25. Горизонтов П.Д. Стресс и система крови. / ПД.Горизонтов, О.И.Белоусова, М.И.Федотова. – М.: Медицина, 1983. С.257.
26. Горизонтов П.Д. Патологическая физиология экстремальных состояний. М., Медицина, 1973.
27. Горизонтова М.П. Система микроциркуляции крови при стрессе: Автореф. М., 1985. С-45.
28. Гаркови Л.Х., Квакина Е.Б., Уколова М.А. Адаптационные реакции и резистентность организма. – Ростов: изд-во Ростовского университета, 1979.
29. Гуськов А.Н. “Влияние стресс-фактора на состояние сельскохозяйственных животных” М.:Агропромиздат 1994. 38-41 с.
30. Гроздман М.М. и соавт. В кн: Влияние технологии и содержания на заболеваемость животных в промышленных комплексах (Сб.науч.трудов Кишиневского СХИ) Кишенев, 1989.
31. Забудский Ю.И. Скутарь И.Г. Миграционная активность лейкоцитов – маркер стресса у птиц. Ветеринария, 1993, 3, 44-46.
32. Забудский Ю.И. Скутарь И.Г. Рекомендации по диагностике состояние стресса птиц путём определение величины состояния четверофилов, лимфоцитов и наблюдение за миграционной активностью лейкоцитов периферической крови. – Кишинев, 1992.
33. Кабыш А.А. Адаптация молодняка крупного рогатого скота к условиям комплекса // Актуальные проблемы идентификации животноводства: М-лы. науч. конф. /ТВИ. – 1996. – Ч.1.- С. 16-17.
34. Кашин Ф.С. Стресс животных и его фармакологическая регуляция. – Барнаул, 1986, 215 с.

35. Ковальчикова М., Ковальчик К. Адаптация и стресс при содержании и разведении сельско-хозяйственных животных: – М.: Колос, 1978.
36. Кавтарашвили А. Проблема стресса и пути её решения. Труды ВНИТИЛ, 2013.
37. Карпецкая Н.Л. Источник: [www.zooprize.ru](http://www.zooprize.ru) <http://klubsirius.ru/publ/6-1-0-40>.
38. Ковальчикова М. “Адаптация и стресс при содержании и разведении сельскохозяйственных животных” М.: Колос 1986. 270 с.
39. Кырге П.К. Стресс и адаптация. – Кишинев, 1978, 29.
40. Лавина Н., Кацдрова в и др. Эндокринология. – М., 1999, 388-389.
41. Лузбаев К.В. Использование янтарной кислоты для стимуляции роста и развития цыплят-бройлеров / К.В. Лузбаев, М.С.Найденский, // Янтарная кислота в медицине, пищевой промышленности, сельском хозяйстве. Пушкино, 1996. – С. 87-91.
42. Могиленко А.Ф. Седуксен в профилактике стрессов у молодняка крупного рогатого скота. Сб.науч.работ (Ленингр.вет.инст., 1981, вып-66. С-63-68).
43. Меерсон Ф.З. Энергетические аспекты адаптации / Ф.З.Меерсон, В.Е.Каган. JL: Медицина, - 1978. -192 с.
44. Меерсон Ф.З. Патогенез и предупреждение стрессорных и ишемических поражений сердца / Ф.З.Меерсон. М.:Медицина. -1984. -270 с.
45. Меерсон Ф.З. Адаптация к стрессорным ситуациям и физическим нагрузкам / Ф.З.Меерсон, М.Г.Пшенникова. М.: Медицина. -1988. -256 с.
46. Меерсон Ф.З. Адаптация, стресс и профилактика.– М.: Наука, 1981. – С. 87-91.
47. Меерсон Ф.З., Сухих Г.Т., Каткова Л.С. – Адаптация организма к стрессовым ситуациям и предупреждение стрессорных повреждений. Наука и жизнь, 1984, 3,47.
48. Мельников Ю.Г. Профилактика стрессов у бычков при промышленном выращивании и откорме // Ветеринария. – 1997. - № 4. – С. 94-96.
49. Мельников С.А. Влияние адаптогенов на разные виды неспецифической устойчивости организма при кислородном голодании. Физиология и патология механизмов адаптации человека к климато-географическим и производственным условиям. Сибирь Дальнего Востока и Крайнего Севера. Сб.науч.тр. (Хабаровс.гос.мед.инст.). – Хабаровск, 1980. С-13-15.
50. Монастырев А.М. Стрессы и их предупреждение при интенсивной технологии производства говядины. Тронун, 2000. – 159 с.
51. Могда А.И., Томоико М.А. Профилактика у телят при стрессах. М. Ветеринария, 2005, 2, 47-48.
52. Маянская Н.Н., Панин Л.Е. Лизосомы в условиях стресса. Успехи современной биологии. М. 1981, Т. 92, выпуск 1, 64-80.
53. Мудрый И.Н. Авторское свидетельство, опубл.в БИ, 1977.

90. Сергеенко Г.Ф. Физиологические и биохимические аспекты тренинга быстроаллюрных лошадей. Автoref. Диссертации. Дубровицы, 1998.
91. Сергеенко В.С. Зоотехнические и физиологические особенности спортивных лошадей. Дивово, 2008.
92. Суворов А.В. Сравнительная оценка эффективности противостressовых действий данидина и аминазина. Международная конференция, 3-часть. Самарканд, 1991. С-26-27.
93. Суворов А.В. Сравнительная оценка эффективности противостressовых средств. Международная конференция, 3-часть. Самарканд, 1991. С-20-21.
94. Уренков А.Г. Влияние дилудина на клинико-физиологические показатели крови бкчков при технологическом стрессе // тез.докл. 12 межрег.науч.практ.конференции молодых ученых и специалистов. – Оренбург, 1993. – С. 151.
95. Фомичев Ю.П., Левантин Д.Л.–Предубойные стрессы и качество говядины. М., Россельхозиздат, 1981. – 168 с.
96. Фомичев Ю.П. Стресс – факторы и их профилактика при выращивании условиях комплексов и площадок.: ВНИИТЭИСХ, 1979.
97. Финагин Л.К. Обмен холестерина и его регуляция: - Киев: Вища школа, 1980. 168-с.
98. Шитый А.Г. Стресс у животных и его профилактика. М.: Ветеринария, 1987, № 3. – С 71-71.
99. Шкурупий В.А. Структурная организация нормальной и поврежденной печени при стрессе и введение лизосомотропных препаратов. Автореф.дис. Новосибирский, 1986.
100. Черниговская Н.В., Мовсисянц С.А., Тимофеева А.Н. Клиническое значение адаптивного биоуправления: – Ленинград, 1982. – 127 с.
101. Шпак А.Н., Корочкина Е.А. Влияние гемобаланса и абдоминальной дикомпрессии на гормональный фон крыс при стрессе. ФГБОУ ВПО Санкт-Петербургская государственная академия ветеринарной медицины. Ветеринария, 2012, 3, с.50-52.
102. Юшков Б.Г. Механизмы повреждения и компенсации системы гемопоэза в условиях воздействия на организма экстремальных факторов. Диссертация. – Свердловск, 1983.

#### **Инглиз тилидаги адабиётлари:**

1. Knovles T.G. / A review of the road transport of cattle // veter. Rec/ – 1999. – Vol. 144. – № 8. P. 197– 201.
2. Gross W.B. Avian diseases, 1983.
3. Slegel H/S/ Woridis Poukry Sei., 1985, 41, 1.
4. Lecklercq R., Poortmans J.R. The International Congress of Physical Sci.- Quebec City, 1976. P. 62.

5. Han S.N. Inhibitory elects of electroacupuncture on stress responses evoked by tooth-pulp stimulation in rats / S.N. Han et al. // Physiol. Behav. 1999 – Apr; Vol. 6, № 2. –P. 217-222.
6. Jenero D.R. Therapeutic potential of vitamin E in the pathogenesis of spontaneous atherosclerosis/D.R. Jenero//Free radic. boil. And med., 1991, – VII, №1. –P. 129-144.
7. Juozuijnas F. Lipid pereoksidacijos procesas in fiziologine antioksidacine sistema / F. Juozuijnas D. Stasytyte// Aktualis medziagu apyvaitios klausimai, Vilnius. 1994. –P. 85-86.
8. Nuttal S.L. Increased oxidative stress in ageing and age-related diseases / S.L. Nuttal, U.Martin T.ilutchin et al// Age & Ageing. 1998. –V. 27, –Suppl. – P.34.
9. Scott M.D. Catalase activity and oxidant susceptibility in glucose-phosphate dehydrogenase deficient erythrocytes / V.D. Scott, D. T. –Y. Chui//Blood. 1991. –V.78, # 10, suppl. 1. – P. 87.
10. Джон Фишер, 2007, hup: // petlife.ru / articles/ show. htmlrid = 146.
11. M.B.Safarov;M.M.Safarov. (2021)/ The Application of the Vitamins Complex fs an Antistress Agent in Sheep Breeding. Annals of the Romanian Society for Cell Biolggy, 5699-5704. Retrieved from <http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/729> (Scopus). 2022

#### Интернет манбалари:

W.W.W. Allvet.ru, 2020

<http://www.dissercat.com/content/vliyanie>, 2021

Джон Фишер,

hup: Претпеси.ру /articles/show.htmlrid, 2007

<http://petlife.ru/articles/show.html?id=146>, 2007

W.W.W. Стрессы у кур. ru, 2013

**М.Б.Сафаров**

**ҲАЙВОНЛАРДА СТРЕСС САБАЛЛАРИ  
ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

**Монография**

Босишига рухсат этилди 21.09. 2022 йил.

Қоғоз бичими 60x84 1/16.

Times New Roman гарнитураси.

Шартли ҳисоб табоги - 13,7. Нашриёт ҳисоб табоги - 13,0

Адади 100 нусха. Буюртма № 09/5

«Согдиана идеал принт» МЧЖда чоп этилди.  
Самарканд ш., Тонг 55.

## Сафаров Мавлон Бозорович



М.Б.Сафаров Самарканд кишлек хўжалик институтининг ветеринария факультетини 1971 йилда тутаган ва Ҳукуматнинг ёш мутахассисларни ишга тайинлаш комиссияси карори билан институтининг ветеринария факультетига асистент лавозимига ишга тайинланган ва 1971 йилдан 1990 йилгача асистент, 1990 йилдан ҳозирги кунгacha доцент лавозимида ишлаб келмоқда. 1981 йилда Москва ветеринария академиясида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Унинг 130 га яқин илмий маколалари ҳалкарода маҳаллий журнал ва илмий тўпламларда чоп килинган. М.Б.Сафаров 10 та ўқув кўлланима ва дарсликлар муаллифи.

М.Б.Сафаров илмий педагогик фаoliyati даврида институт (университет) жамоат ишларида ва раҳбарлик лавозимларида: 1982-1984 йилларда факультет декани ўринбосари, 1985-1990 йилларда ветеринария мутахассисликлари бўйича филият курсатган маҳсус илмий кенгаш хотиби, 1996-2002 йилларда институт ўқув бўлими бошлиги, 2002-2004 йилларда «Касбий таълим ва магистратура» факультетининг декани, 2002-2006 йилларда институт «Ички назорат ва монитринг» бўлими бошлиги лавозимларида ишлади.